

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ БАДИИЙ
ДУНЁСИ

Тошкент
«Университет»
1994

Мазкур китоб Тошкент Давлат университети ҳозирги ўзбек адабиёти кафедраси ҳузуридаги 20—30-йиллар ўзбек адабиётини ўрганувчи илмий гуруҳ томонидан улут адиб **АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ** туғилган куннинг 100 йиллигига камтарона бир тўёна тарзида тайёрланди. Китобнинг «Адиб эстетикаси», «Ҳаётнинг ҳажвий таҳлили», «Обид кетмон» ҳақиқати» боблари — Ҳ. Норматов, «Бир баҳс сабоқлари» — М. Қаршибоев, «Мафкура қурбонлари» — Н. Худойбергенов, «Тақдирлар талқини» — А. Расулов, «Қодирий жаҳон кезади» боби Р. Иноғомов қаламига мансуб. Шунингдек, китобга муаллифнинг розилиги билан ёзувчи Х. Султоновнинг «Андиша» эссеси ҳам киритилди.

Масъул муҳаррирлар:

ОЗОД ШАРОФИДДИНОВ
УМАРАЛИ НОРМАТОВ

Тақризчилар:

САЛОҲИДДИН МАМАЖОНОВ,
БОЙБҲАТА ДҲСҚОРАЕВ

АДИБ ЭСТЕТИКАСИ

Абдулла Қодирийнинг адабий-танқидий, эстетик бисоти адиб ижодий меросининг каттагина қисmini ташкил этади. Қодирийнинг адабий-танқидий қарашлари матбуот, хусусан, «Муштум» журнали ҳақидаги мақолаларида, романиларига ёзган сўзбошиларда, асарлари теварагида борган баҳс-мунозаралар, айтилган танқидий фикрлар муносабати билан берган шарҳ-изохларида, ихлол алоҳида ёзувчилар ижоди, санъат ва адабиёт асарларига бағишланган ишларида ўз ифодасини топган. Қодирий меросининг кўпгина соҳалари каби ёзувчи эстетик бисоти ҳали ҳам чуқур ўрганилган, чинакал баҳосини олган эмас.

Қодирий бадний ижодининг талай масалалари хусусида фикр-муноҳазалар айтилган. Аммо адибнинг адабий-танқидий қарашларидаги бош гап — реализм масаласидир. Қодирий ўзининг реалистик ҳикоя, қисса, романилари орқали ўзбек адабиёти тарихида бурилиш исанган, янги босқични бошлаб берган буюк санъаткор бўлиш билан баробар, у ўзбек адабиётшunosлигида реализм принципларини ишлаб чиқаришда гоят катта иш қилди. Шуниси ҳам борки, Қодирий ҳеч қачон адабиётшunosликка, назариячи-олимликка даъво қилган, махсус назарий тадқиқотлар олиб борган эмас. Унинг адабий-танқидий қарашлари бевосита амалиётда — адабий-ижодий фаслият давомида, қайноқ иктимоний-адабий ҳаёт кучогида, қизгин баҳс-мунозаралар жараёнида тугилиб, шаклланган. Асриниш бошларида, хусусан, 20-йилларда адабий-бадний тафаккур ривожидаги бурилиш, янгича адабий шаклларнинг, реализмнинг қарор топиши ва галабаси ҳийла мураккаб, зиддиятли тарзда борди. Кўпроқ классик шеъринт, халқ афсонаси дostonлари руҳида тарбияланган оддий ўқувчиларнинг ҳатто «Ўтган кунлар»дек ўта миллий, бокира, халқ ҳаётини айни ўзидек кўрсатган реалистик асарни қабул қилиши бирмунча қийин кечди. Ёзувчининг ўзи ўқувчиларида асарини «тушуниб олганча энка-тенкамиз чиқди» деган шикоятлар эшитгани ҳақида ёзади. Оддий ўқувчиларни кўя турайлик. Ҳатто малакали адиб, танқидчилар, матбуот ходимлари ва мастхўш шахслар ҳам кўп ҳолларда ёзувчи қаламига мансуб нодир асарлар моҳиятини, уларнинг ўзига хос новаторона хусусиятларини яхши англаб етмадилар. Иаҳолат гирдобида қолган танқид бу нодир асарларга ўринсиз таъна ва ҳамлалар қилди, реалистик ҳажвийнинг яхши намунаси бўлган «Йигинди гаплар» асари учун адиб таъқибга учраб ҳибса олмиди. Энг ёмон, адабиётда ҳақиқатни айтиш, бинобарин, реализмни кенгроқ барқарор этиш йўлида жиддий говлар пайдо бўла бошладди. Мана шундай шаронтда ёзувчи ўзи тутган адабий йўлнинг, асарларининг асли маъносини, моҳиятини тушунтириб беришга ўзида чуқур эҳтиёж сезди. Бу вазифани аслида адабий танқид, малакали танқидчилар адо этиши керак эди. Бироқ эндигина тугилиб, тетаноя бўлиб кезаётган, илк қадамларидаёқ вульгар содиологиям оғуси билан заҳарланган янги тилдаги адабий танқидчилик бу ишни бажаришга қодир эмаслигини Қодирий яхши биларди. Унинг кино, театр, ҳажвий «Муштум» журналин ҳақидаги мақолалари, хусусан, 1926 йили суддаги нутқида айтган гаплари, «Йигинди гаплар» мақоласининг батафсил шарҳи, «Ўтган кунлар» ва «Ўтган кунлар» танқиди устида баъзи изохлари, ўз

ижодий тажрибаларига доир мулоҳазалари. шу тариқа майдонга келди. Уша давр, вазият тақозоси билан ёзилган бу мақолалар, айtil-ган мулоҳазалар, қараикки, 20-йиллар ўзбек танқидчилигининг, реализм эстетикасининг муътабар намуналари бўлиб қолди.

Қодирий асриниз бошларида илгари сўрган кўнгилна адабий-танқидий фикрлар асриниз охириларида ҳам ўз қадр-қимматини йўқотган йўқ. Айниқса, узоқ йиллар биз амал қилиб келган, адабий-танқидий тафаккур тараққиётида «янги босқич», «муътабар таълимот» деб атаб келинган марксча-ленинча эстетика, унинг муҳим қисми саноатчилик, социалистик реализм назарияси илқироғга учраган. бу назариянинг қатор оғил ва эндиётчи томонлари сиқор бўлиб қолган ҳозирги пайтда бир вақтлар биздаги айрим «социалистик реализм назариячилари» назарида бу методдан «чегрода турган», тўғ қарашларидаги «қолоқлик» туфайли «социалистик реализмга етиб келолмаган» Қодирийнинг адабий-танқидий қарашларига, ижодий принципларига бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Улкан реалист Қодирийнинг ўз ижодий ақидаларига онд мулоҳазалари адабиёт нимада ҳукмрон даққи назариясаликлдан безган адабиёт мухлислари учун тозар тирувчи, оромбахш маънавий озиқ хизматини ўташига шубҳа йўқ.

Хўш, Қодирийнинг реализмга онд қарашларидаги энг асосий қан қатлар нималардан иборат?

Ҳақиқат, ҳаёт, ҳақиқатга садоқат — ёзувчининг ижоддаги бош шориридир, айни шу ҳақиқат унинг учун адабиёт, санъат асарида ҳақгўйлик, бу йўлда собитлик эса ижодкор шахсга баҳо беришининг бош мезонидир. У ҳаминша ижодкорларни — ҳамкасбларини ҳақиқатини кўзига тўғри қарашга чорлайди. Қодирий ҳаминша ҳаққоний, ҳаққ дилига, руҳига яқин, «ҳаёт ва муҳитнинг акси бўлган асарлар» ни ёқлайди, ижодда «асл ҳаёт тарафдори» эканини қайта-қайта таъкидлайди. Унингча, ижодда ҳақиқатни барқарор этиш, ҳаққонийликка эришиш учун ижодкорнинг ўзи «шахси бутун», «мустақил шахсият» эгаси, ҳақиқатгўй, ясаур сиймо бўлиши лозим; шахсий бутунлигич бўлмаган, яъни ўзида ҳақиқатни ихтиёр қила билиш кучи ожиз, ихтиёрсиз одамлар жамият учун фойдалиқ аъзо бўлолмаслар; айниқса, адабиёт, санъат дунёсида «ўзида ҳақиқатни ихтиёр қила билиш кучи топилмаган ожиз, ихтиёрсиз» кимсалардан ҳеч қачон чинакам реалист ёзувчи чиқмайди. Қодирий замондонин Чўлпоннинг «Тириксан, ўлмагансан, Сен-да одам, сен-да инсонсан; Ўнчан кийма, бўйин эгма, Ки сен ҳам ҳур тугулгонсан!» деган ғалбага илҳў бўлиб «бўйин буккан банда бандаларнинг энг ярамасидур, қуллуқ бунёд қилгон расво расволарнинг яна аниаддий расвосидур» дея ҳаққиряди. Бу гапларни адиб 1926 йили суддаги нутқида айтган. Уша кезлар да маънавий ҳаётда, ижодда хатарли бир ҳодиса содир бўлаётган, ижодкор энёиллар орасида шахсий бутунлиқни, шахсий ихтиёрни, муҳокамани қўлдан бериб, замон ва вазият таъинқи остида тоталитар тартиб, ҳукмрон сиёсат, мафкура олдида қуллуқ қилиш, бўйин эгиш, итоаткорлик жараёни бошланган эди. Бу — адиб амал қилган реализм йўлидаги энг хатарли хавф, реализмнинг асосий қушандаси, ҳаёт ҳақиқатига хиёнатнинг ибтидоси эди. Ёзувчи ўзбек адиблари орасида биринчилардан бўлиб бу хатарли хавфни вужуд-вужудин билган ҳис элди, унинг жабрини ҳаммадан олдин татиб кўрди, унга қарши мардона кураш бошлади. бу хатар ҳақида боиг уриб ҳамкасбларини соғхлантирди. Унингча, тавба қулликдир, бўйин эгиш бандалигидир, банда эса ҳақиқатга тушуниб эмас, қўчланиб, ожизланиб бўйин

букадир». Бас, бу ҳолдаги тавба — тавба эмас, балки шахсия ихтиёрини, муҳокамани қўлдан бериб, одамгарчиликдан чиқишдир, дейди адиб қатъий қилиб. — бу дунёда тавба, қўллик қилиш бўлмаслиги, чунки бу расволик, аммо ҳақиқат олдида бўйин эгши бўлсин. Ёзувчи шахсан ўзи ҳақида мардона туриб: «Мен тўғрилиқ орқасида бош кетса «иҳ» дейдирган йилит эмасман» дейди суздаги нутқида.

Ҳа, ана шундай шахс — тўғрилиқ, ҳақ сўз йўлида бошини беришга жонини фидо этишга ҳам тайёр, ҳеч қанақа тазйиқу таҳдидлардан қўшмайдиган, ҳузидорлар амрига бўйеинмайдиган, фақатгина ҳақиқатга тоғинадиган, унинг олдидагина бўйин эгадиган шахси бўлиб, имоли-олиқодан мардона одамлардангина чинакам реалист ёзувчи чиқини мумкин. Ўтган асрнинг даҳо реалист ёзувчилари шундай кишилар бўлган.

Мана афсуски, тоталитар тарғиб мана шундай шахсларни таъқиб остига олди, маҳв этди. Омон қолганлар танидаги маъна шундай фазилатларини омирди, «муस्ताқил шахсият»дан маҳрум, шахсий ихтиёрини, мустарибликни қўлдан бериб, одамгарчиликдан чиққан, итоаткор, ҳушомадгүй, маддоҳ қаламқошларини етиштирди, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлади, рағбатлантирди... Адабиётимизнинг, ҳақиқатан реализмдан узоқлашувига биринчи галда шу ҳол сабаб бўлди.

Никодда ҳақиқатни барқарор этиш учун муस्ताқил шахс, ҳақгўй, масур бўлиш билан баробар, ўша ҳаётини чуқур билиш, уни теран таҳлил ва таҳлил эта олиш лаёқатига эга бўлиш, ёзувчи ибораси билан айтганда, турмуш ичига кириши, уни билиш, турмуш кишиларини ўрганиш машаққатини зиммага олиши керак.

Буёқ реалист Лев Толстойнинг «реализм фанга қараганда ҳам аниқлиқни талаб этади» деган гапи бор. Ўлкан реалист Қодирийнинг реализм ҳақидаги қарашин ҳам Толстой фикрига яқин. Унингча, ҳақиқий ёзувчи бўлмоқ учун турмушни ҳар тарафлама ўрганиш, бунинг учун унинг ҳар соҳаларидан хабардор бўлиши керак. Адиб ижодда ёзувчининг ҳаётий тажрибаси, синчков кузатувчанлиги муҳим аҳамиятга молик эканини алоҳида таъкидлайди. У ўз ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб, ўз бошидан кечирганлари ёзувчи бўлишида катта роль ўйнагани, турмушнинг турли соҳаларида ишлаганлари натижасида ўзбекларнинг урф-одатларини, улар ичида учрайдиган типларни ўрганилганлигини айтади. «Мен бир асар ёзишдан эъвал шу ёзмоқни бўлган нарсам ҳақидаги материалларни пухта ўрганиб чиқаман. — дейди адиб «Ёш ленинчи» адабий тўғарагидаги докладыда. — Мен бирор жой тўғрисида асар ёзмоқни бўлсам, ўша жойини эъвал ича маротаба кўрган эсам-да, яна бориб текшириб, яхшироқ ўрганиб келаман». Ёзувчи материални ўрганиш маҳали энг майда нарсаларга — деталларга ҳам аҳамият беради. «Масалан, мен ҳали ўрганимқин бўлган ерда, — дейди, у, — қанча дарахт борлиги, уларнинг қанчаси эски ва қанчаси янглиги, мен борган маҳалда ўша дарахтларда қушлар қайси хилда кўриб турганлиги ва шунга ўхшаш жуда майда нарсаларгача».

Бадийий тўғрима, яъни ёзувчининг ўзидан қўшини адабий асарда катта рол ўйнашини адиб эътироф этади. Шу билан баробар «мен турмушда кўрмаган, билмаган нарса ҳақида ҳеч нарса ёзмайман» — дейди қатъий қилиб. Асарларида рағдалантирган жамини ҳодиса ва персонажлар биринчи галда «турмуш ҳақиқатига қараб иртиқоб қилинган». Дарҳақиқат, адиб ўзи турмушда кўрмаган, билмаган нарса ҳақида ҳеч қачон ёзган эмас. У ўтмишдан, ўтган аср воқеаларидан

олиб ёзган асарларида ҳам ўзининг ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб ўзи турмушда кузатган, кўрган, тунддан билган одамларни, халқ пиндаги типларни кўз олдига келтириб туриб қалам тебратгани, асарларга асос қилиб олинган давр, шароитни, тарихий воқеалар ва шашхсларни, воқеалар юз берган макени, ўша кезлардаги халқнинг турмуш тарзин, амал қилган удум-тамониларни ҳар қандай тадқиқотчи олимдан ҳам ортинроқ ва чуқурроқ билишни шундоққина сезилиб туради. Бу масалада у ҳар қандай билимдон одам, мутахассис тадқиқотчи билан бемалол беллаша олади. Унинг «Ўтган кунлар»н хусусида мунаққид Сотти Хусайн билан баҳсларини эслайлик. Энг қизғин баҳс романдаги бир қатор эпизодларнинг турмуш ҳақиқатига мос ёки мос эмаслиги масаласи устида боради. Чунончи, романининг «Исён» босидаги Тошкент ақлининг Азизбек, зулмига қарши Юсуфбек Ҳожин бошичилигидаги исён ифодаси хусусида таъқидчи «Юсуфбек Ҳожин дабдурустдан исён чиқаради, озгина жарчиликдан сўнг тўполон бошичилиб, уруш бўлиб кетади», дел ажабланади. Қодирий бу эътирозга ҳаёт ҳақиқати ва ҳодисалар мантиқидан келиб чиқиб, дунда тарзда шундай жавоб қилади: «Ҳолбуки ўша исённинг жараёни айнан мен ёзганчадир. Ёлгон-яшиғи йўқ, исён «дабдурустдан!»; материалистча ўйлаганда ҳам бу «дабдурустдан»нинг сабаби очилса керак. Масалан, 70 кун муҳосарада қолган, очиққан, нонсиз бир халққа бундан юз йил илгариги курс билан 32 танга бир ярим тилла барибари солиқ содирисин-чи, қандай томоша бўлур экан! Шундай кезларда халққа бир раҳбаргина керакдир. Шу раҳбарликни «дабдурустдан» Юсуфбек Ҳожин ўтаса наажаб?».

Бўгина эмас, романда Азизбек ва Юсуфбек Ҳожининг тарихи, улар орасидаги эъдиётлар сабаби яхши баён этилган. Тошкент ақлининг Азизбекка ва Юсуфбек Ҳожинга муносабати яхши баён этилган. Азизбек билан Юсуфбек Ҳожин ўртасидаги мураккаб, эъдиётли муносабатларининг энг авж нардларга елиб борганини, донишманд Ҳожининг ўша тезда халққа ҳақиқатни айтишдан, халқни исёнга бонлашдан бошқа чора тадбири қолмаганини, халқнинг ҳам ҳақиқатдан исёнга тайёр эканини мантиқан чуқур асослаган.

Романда қаламга олинган халқ удумларига, персонажлар табиати ва ҳатти-ҳаракатига онд мунаққид насаридаги «мантиқсизлик»ла хусусида ёзувчининг берган низоҳлари реализм принциплари нуқта назаридан голт ибратли ва қадрлидир. Таъқидчи бир ўрнида «Қумуш қиз экан, ота-онаси ундан сўрамай, ризолигини олмай эрга боради, ердан чиққандан сўнг, Отабекдан сохта ақралгандан кейин тикиничи эрга беришда ота-онаси Қумушнинг ризолигини оламиз, деовора бўлишадилар. Бу мантиқсизлик А. Қодирийнинг эсига келмайдими...» деб даъво қилади. Бу эътироз-даъвога ёзувчининг жавоби шундай:

«Ҳолбуки, бу «мантиқсизлик» турмуш ҳақиқатига қараб пртиқо қилингандир. Зеро эски турмуш айтади: «Қумуш қиз экан ота-онасининг танлашлари билан эрга чиқсин... Вақтинки эри ўлди ёки эрда чиқди, эъдиликда ота-онасининг унинг эр қилишида ихтиёрлари йўқ, фақат улар маслаҳатчиларгина... Қизлар эъдиликда кўевни ўз кўз билан кўради, уй-жойларини, касб-корини текширади — унга руҳса Бинобарин «Ўтган кунлар»даги «мантиқсизлик» ҳам шу мақомдадир». Бундай асосли, чуқур мантиқий жавобга ҳеч қандай низоҳини ҳожаги йўқ.

Романдаги шаддот, эрига ўз ҳукмини ўтказа оладиган Хушрӯбни таъқидчига таърифтабий, бўлмаган тили бўлиб кўринадик. Ёзу

чи бундай дaтaвoгa aслo қўшилa oлмaйди: «Бoлқa типлaрни гaйритa-бoшлoқ тoпилсa ҳaм, бoрoқ улар устидa Хушрўй кaби қaтъий ҳукм бeрилмaйдир, Хушрўйнинг тaбиийлигини aнглaш учун турмуш ки-шилaрини ўргaниш мaшaққaтнинг зиммaгa oлш кeрaк».

Бу ўрнидa aдиб тaнқидчиликдaги хaтaрли бир хaвфгa, яъни aсaр-гa, aсaр қaҳрaмoнлaригa турмуш ҳaқиқaтидaн кeлиб чиқиб eмaс, ҳaёт ҳaқидаги тaйёр рaсмий тушунчaлaр aсoсидa ёндашишгa қaрши чиқaдир. Ушa кeзлaри ўзбек aёллaри ўтмишдa ёппaсигa зaбун, эри oлдидa мутe бўлгaн, дeгaн тушунчa кeнг тaрқaлгaн, тaрқaтилгaн эди. С. Ҳусайн Хушрўй oбразигa aйни шу рaсмий тушунчa-тaсaввур oр-тaли ёндашaди, унинг ҳaётийлигигa шубҳa билдирaди. Вaҳoлaнки, ёттин, ҳaётдaги ҳaммa oдaмлaрни бир қoлигa солиш мумкин eмaс. Тимшдa ўзбеклaр oрaсидa мутe aёллaр билaн бaрoбaр Хушрўй тидaгилaр ҳaм бўлгaн. Aдиб Хушрўйни «aсл ҳaёт» ичидaн oлгaн. Хушрўйнинг ҳaётийлигини, ҳaққoнийлигини aнглaш учун эсa ёзувчи «aсл ҳaёт»ни яхши билитини қaнчaлик зaрур бўлсa, китoбхoнгa, ху-сусaн, aсaргa бaҳo бeрaётгaн тaнқидчигa ҳaм aсарнинг, ундaги oб-рaслaрнинг тaбиийлигини aнглaш учун ҳaётий билим шунчaлaр зa-рур. Aкc ҳoлдa С. Ҳусайнгa ўхшaб ҳaр қaдaмдa нoқулaй aҳвoлгa тушиб қoлиши мумкин.

Ишқoят, нoдoн тaнқидчилaр Oтaбекнинг ишқидaн вa, умумaн, му-ҳaббaтидaн бaҳc oчиб, «ишқ-муҳaббaт дoимий бўлмaйдир» дейдилaр. «Йў фирғa мeн ҳaм қўшилaмaн, — дeя изoҳ бeрaди Қoдирий. — Aммo ишқнинг бeш-ўн йилгa тoртилитини aниқдир. Бунинг мисслaри ҳaётдa бeҳaд кўп. Oтaбекнинг ишқи уч ярим-тўрт йилгинa. Бундaй тинчeн, ҳaжр вa фирoқли шaрoитдa ундaн ҳaм кўпгa тoртилитини мaълум».

Қoдирийнинг «Ўтгaн кунлaр» устидaги тaнқидий мулoҳaзaлaргa жaвoблaридaн кўришиб турибдик, aдибнинг ҳaққoнийлик, ҳaётий-лик, тaбиийлик, умумaн рeaлизм ҳaқидаги қaрaшлaри миллийлик тушунчaсидaн ажрaлмaсдир. Унингчa, миллийликсиз ҳaққoнийлик йўқ. Ҳaққoний бўлмaгaн aсaрдa эсa миллийлик ҳaм йўқ; миллий турмушдoн йирoқ aсaр ҳaёлий вa сохтa бўлaди. «Рaвoт қaшқирлaри» мaқoлaсидa aдиб бу ҳaқдa янaдa бaтaфсилрoқ тўхтaлaди. Ёзувчи ўз-бек ҳaётидaн, умумaн, Ўртa Oсиё хaлқлaри турмушидaн oлиб ярa-тилгaн фильмлaрнинг кўпчилигидa ҳaётимизгa ёндашиб кeлгaн лaв-ҳaлaри, кўринишлaри ҳaёлий, сохтa бўлгaн учун ҳaётий, ҳaққoний, миллий чиқмaгaнлигини aйтaди. Чунoнчи, «Aжaл минoрaси», «Му-сулмoн хoғин» кaби фильмлaр тўқиб тaшилгaн aфсoнaлaрдaн ибo-рaт бўлиб қoлгaнлигини тaнқид қилaди. «Бу ҳoл, — дейди у aфсус-нaдoмaт билaн, — ёлғиз кинолaрдaгинa eмaс, eврoпaликлaрининг, ҳaттo Ўртa Oсиёдa чиқaдигaн кундaлик гaзeтa, жўрнaллaридa вa aдaбиётлaридa бизгa бaғишлaб ёзилгaн пaрчaлaридa, лaвҳaлaридa ҳaм шу ҳaёлoт ёки ривoлoг oрқaли ёзилгaн «вaҳимaлaргa» кўп уч-рaймиз. Aкcар шундaй сохтaликлaргa йўлиқгaн ўзбек, тaбиий, ўзини кўлгидaн тўхтaтoлмaйдн, ёқa ушлaб ўзигa иcнoд қилингaн «нaв ижoл ҳaёт»ни бир нeчa вaқтгaчa кўлги мaқoмидa ўртoқлaригa, ҳa-зилмaндлaригa сўзлaб юрaди».

Aдиб «Рaвoт қaшқирлaри» фильмини шу тур ҳaёлий, сохтa, ҳa-ётдaн, миллий зaминдaн йирoқ aсaрлaргa қaршини қўяди, уни «ўзбек-нинг биринчи кино ўйини» дeб aтaйдн. Aдиб нaзaридa фильмнинг энг жиддий ютуғи, фaзилaти унинг ҳaққoнийлиги вa миллийлигидa. У мaминуният билaн фильмдa «Ўзбекнинг уятсиз бoйи, кaмбaғaл дeҳ-

қони. Каромат биёкен, домла-имомин, Содиқи, Жалилӣ, тўй-ҳашами ерсиэ камбағал деҳқоннинг онгсизлигидан фойдаланиб, ўзи каби қашқирлар подаси тузган босмачисини кўрдим». — деб ёзади. Бундан ҳам муҳими, асардаги персонажларнинг, ҳодисаларнинг жонли, ишонarli, ҳаётийлиги, табиийлиги, характерлар хатти-ҳаракатининг мантиқан далилланганлиги — картинадаги шундай ўринлар айнаниса ёзувчини қувонтиради. «Буларни қуруққина кўриб қолмадим, — дея давом этади, у. — Работ тоғининг «бой ака» исмида юргувчи қашқирларини жонлик, камбағал деҳқоннинг чорасиз, гариб ва эҳтиёж орқасида қизини қашқирга баҳолаб бергувчини кўрдим. Содиқни, хўжасига итдек ихлос билан ишлаб бергувчи лаванг, таёқхўр ва сўнг-ра шўролар ҳукуматининг ташвиқот ҳам таъсири баракасида одам-шаванда кўрдим...»

Мақола муаллифи фақат фильм ҳақидаги ўз шахсий мулоҳазалари билан чекланимай, кўнчилиқ ўзбек томошабинларининг таассуротлари ва тушунишларини синчковлик билан кузатади: «Работ қашқирлари»ни томоша қилган кўпчилик европаликларнинг олган таассуротлари, тушунишлари қандайдир, билмадим. Аммо ҳар бир ўзбек ўз томошасини роҳатланиб, завқланиб томоша қилади. Абдунабнинг уятсизлигини ўз «бой акаси»нинг виждонсизлигидан ажрата олмайди. Савчиликка деб судралиб юрган домла-имомини «Калвак Маҳзум эмасми?» (Калвак Маҳзум — ўзбекча ҳикоянинг бир қаҳрамони) деб бир-бирига қарашиб олишди. Кароматнинг дадаси эзилган, баъри-баърига етмай қарсига одам баҳолаб бериб юрган бир ориқ деҳқон. бешқалар умуман ҳаётимизнинг бир қанча нуқталарини ҳикоя синдирган қадар «Работ қашқирлари»да жонлик кўрдик, десам янглиш бўлмас».

Бундай кузатиш ва таассуротлардан чиқадиган асосий хулоса шуки, миллий заминдан йироқ, ҳаётийликдан, табиийликдан маҳрум ҳаётлий, сохта асар одамлар эътиборини қозонолмайди, халқнинг таъна-дашномига, кулгисига дучор бўлади, фақат чинанам миллий, ҳаққоний асаргина унинг қалбига йўл топади, унга роҳат, завқ бахш этади. Олг муҳими, бундай асар халқнинг ўз турмушини, ўзинини айлашга ундайди.

«Работ қашқирлари» фильми танқиди, шунингдек, фильмининг кам кўстлари ҳақида гап борганда ёзувчи яна ўша миллийлик — ҳаққонийлик мезони асосида иш кўради. Чунончи, Жўрабоев деган одам «Правда Востока» рўзномасида босилган мақоласида фильмдаги бир лавҳа — янги куёв Абдунабни бойга хотиялар томонидан исриқ солиншини «тўғри эмас» — неправдоподобна деб ўтади. Қодирий бунга эътироз билдириб, дейди: «Ҳолбуки буни ўзбекнинг етти ёшлик боласи ҳам билади. Жўрабсевнинг инкорини ўқиб, «Жўрабоев онаси билан тўйга бормаган экан ёки отасидан етим қолиб, ўзбекдан гайри бир оилада тарбияланган экан» деб ўйладим. Жўрабоев ўзбек бўла туриб, тўйда келин ва куёвга солинадиган исриқни ишкор қилиб ўтириши уятдур. Билмаган нарсасини биламан, даъвосида бўлиб, кўпчиликни адаштириши, билмадим тағин нимадир».

Энди картинанинг танқиддоп нуқталари устида ёзувчининг кузатишларига ўтайлик. Фильмда шундай эпизод бор: Никоҳ кунин бой-ниқига мажбурият ва зўрлик остида жўнайдиған Каромат дадасидан фотиҳа олгач, боника хотиялар билан чопиб аравага чиқади... Бу қол ёзувчига гайритабиий туюлади: «Ҳолбуки, ўзбекнинг кекса бойига сани жан хоҳламаган кишига берилган қизин тихирлик билан, хотин-

ларининг зўри, судраши билан аравага юзланади». Яна бир ғилдидаги воқеа ҳам миллий удумларимизга хилоф бўлгани учун ёзувчи унга жиддий эътироз билдиради: «Бой Кароматни уриб турган ҳолатда хизматкор Содиқнинг ичкарига кириб, бойни кўтариб олиб чиқиши ҳақиқатдан узоқроқдир. Чунки ҳар қандай ҳолатда ҳам «номаҳрам»нинг киши уйига кириши мумкин эмас, балки урилган хотинини уйдаги бошиқа хотинлар, масалан, бойнинг онаси ёки катта хотини аяратиб олади...»

Қодирий 20-йилларда, ўзбек миллий киноси, қолаверса чинакам миллий реалистик адабиётни шакллана бошлаган бир пайтда айтган бундай танқидий мулоҳазалари ҳозирга қадар ўзбек миллий санъати, киноси, ҳаттоки адабиётининг энг жиддий муаммоларидан бўлиб қолаётир. Ҳанузгача, айниқса кино оламида миллий замнадан, миллий руҳдан йироқ ҳаёлий, сохта «тўқиб ташланган афсоналар» тўлиб-тошиб ётибди.

Қодирий ўша вақтдаёқ бундай касалликдан қутулиш йўлини кўрсатган эди. «Менга қолса, ўзбек давлат киносини чин муваффақиятга олиб борадиган парса, — деган эди у, — мумкин қадар сценарий ёзувчиларни ўзбеклардан етиштириш ва ҳозирча бўлса, европатик сценаристлар ёшига ўзбекларни тиркаб қўйиш, артист ва артисткаларни ўзбеклардан тарбиялашдир». Ёзувчининг бу таклифида ҳеч қандай миллий маҳдудлик, ўз кўмачига кул тортишга ўриниши аломати йўқ. Аксинча, ўзбек кишини ролини қойиб қилиб ўйлаган европатик артистлар маҳоратига тая беради. Кароматхоним ўзининг сиймоси ва аксар ҳаракатлари билан европатик эканини хушдираёзганини асладати. Бироқ миллий санъатни, биринчи гада, шу миллатга мансуб кишилар иратилиш, бу ҳол санъатининг, реализмининг талаби, қонунийи эканини у яхши билади: «Чунки ўзбек турмушининг майда-чуйдасигача ўзбек боласи билади. Ўзбек бўлмагач ҳар қандай мутахассиснинг ҳам афсона кўчасига кириши аниқ ва бу ҳолда «ўзбек киноси»нинг маъноси ҳам бўлмас».

Қодирий фақат ўзбек киноси, санъати эмас, умуман, жаҳон санъати ва адабиётига ҳам худди шундай талабни қўяди. Масалан, «Туркия матбуоти» мақоласида ёзувчи 20-йилларни ўзи кузатиб борган турк газеталарига обзир бериб, газеталар саҳифаларидаги турк миллий адабиётининг ўша даврдаги манхўр насрчиларини — Ёқуб Қодирий, Ғолиқ Рафиқий, Равшан Анираф, Ихё Камоллар фаоллигига юксак баҳо беради. Айни вақтда баъзи наслрлар, чунончи «Таниш» газетаси тараққиётларвар турк насрчилари тутган йўлга эид иш кўраётганигини, бу газета саҳифаларида Европа маданиятига тақлид кучли эканлигини, «Оврўна саҳифа ҳаётини тасвир этган» халқни заҳарлайдиган асарлар билан тўлиб тошганигини танқид қилади. «Бизга Париж турмушининг куполари эмас, Рафиқ Холид, Холиди Адид, Ихё Камолнинг бутунги ҳаёт ва муҳитнинг акси бўлгон асарлари керакдир. Ундай эски муҳаррирлар сўз соғиш билан мангул бўла берсинлар. Фақат бугунги Туркия ишчи ва деҳқонни учун унинг дардларини ва унинг ҳаётини кўрсатадургон (оригинал, асл) асарлар керак... Ҳар ҳолда, биз «кун» эмас «асл» ҳаёт тарафдоримиз», — деб ёзади.

Ўсиқасини, доимо «ҳақиқатнинг кўзига тўғри қараш»ни ўзига шир қилиб олган адабнинг ҳар қандай бадий асар олдига қўладиган талаби шу — «биз... «асл» ҳаёт тарафдоримиз». Ёзувчининг қарашига, ишқиди «асл ҳаёт»га фақат миллийлик, ҳақиқийлик, табиий-

лик, ҳалиқ даражасига яқинлик орқалигига эришиш мумкин.

Ўқодирийнинг реализмга онд қарашларидаги яна бир муҳим жиҳат — ҳаёт ҳақиқатини ҳолиси сифатида тасвир этиш масаласидир. Унинг мақолаларида «ҳақиқат» билан енама-ён «ҳолис» сўзига кўп бор дуч келамиз. У ёш ёзувчиларга маслаҳат бериб, улар олдида «Масала замининда шахсий манфаатингиз, яъни олди-берди жанжалингиз йўқми» деган шартни қўяди. Бу гап шунчаки ёшларга бир маслаҳат ўнгит бўлишдан ташқари, реализмнинг холислик ҳақидаги муҳим концепциясини ҳам ифодалайди. «Қалбак махзум», «Тошпўлат тазканг» асарлари ҳақида гап борганда улардаги персонажлар холис туриб тасвирланганлигини таъкидлайди. 1926 йили суддаги нутқида, «Кулиги ҳақида»ги мақоласида бир неча ўринда ёзувчи ҳажвияларида воқеаларни ўзини четга олиб, холис туриб ҳикоя қилганлигини эслатади. Жумладан у «маним кулгиликдаги қаҳрамонларимни оқсам, мунда асли ёзувчининг шахсини тамоман кўролмайсиз. Фақат сўзингиз эҳсосиянинг (персонажларнинг — У. Н.) оғзидангина эшитасиз», — дейди. Унингча, кулгили асарнинг энг муҳим фазилати шундаки, «сиз бу кулгиликни ясаган бўлиб кўринманг, балки ўзи ясалган бўласиз. Ўз ҳолини ўзи арз қилсин... Шу характеристика пичидан сиз бермакчи бўлган маъно ёки ибратнинг ўз-ўзидан томиб туриши таъминлансин».

Ёзувчи 20-йилларда яратган қатор ҳажвий асарларида мана шу объектив-холис тасвир йўлидан борди. Умуман олганда, рус адабиётида ўтган асрда Н. Гоголь объектив сатирага асос солгани каби ўзбек адабиётида, ҳажвчиликда Ўқодирий объектив-холис тасвирнинг шаклланишида катта хизмат қилди. У фақат объектив ҳажвий асарларнинг нодир намуналарини яратиш билан чекланмай, бу йўлнинг назарий асосларини ҳам ишлаб чиқди.

Холис тасвир унинг ҳажвиялари билан чекланиб қолмади. Адиб объектив ҳажвиялар яратиш, «холис» тасвир ҳусусидаги мулоҳазаларни кенг шарҳлаш, тарғиб этиш асносида булар билан ёндеш ҳолда айни шу принципларга асосланган машҳур тарихий романлари устида иш олиб борди. Романларга, ҳусусан, «Меҳробдан чаён»га ёзган сўзбошиси, ундаги эътирофлар, шунингдек, «Ўтган кунлар» танқидига берган изоҳлари шундан далолат берадики, адиб ҳажвий асарлари каби, романлари устида ишлаётганда ўзининг шаклланган барқарор реалистик принципларига таянган, қатъий амал қилган. Ёзувчининг романларида амал қилган принциплари шунчаки ҳусусий ҳол, адабнинг шахсий майли, ўзига хослиги иқрори бўлиб қолмай, миллий адабиётимизнинг тақдири учун ҳаёт-мамонт масаласи бўлганлигини мана энди англаб етаймиз. Танқидчи Н. Гафуров «Раъно ва Ҳайсм» мақоласида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1989 йил 13 октябрь) илк бор «Меҳробдан чаён» сўзбошисидаги шу жиҳатларга эътиборимизни жалб этди.

Маълумки, роман 20-йилларнинг иккинчи ярмида ҳаётга, тарихга бирёқлама синфий-партиявий ёндашиш, ўтмишни фақат синфлар кураши тарихидангина иборат деб тушуниш расмий тус ола бошлаган бир шароитда ёзилган. Бундай расмий қараш Ўқодирийга озми-кўпми ўз таъсирини кўрсатади, адиб асарга ёзган сўзбошида унда «икки синф кураши»ни тасвир қилишни, Худоёрхон, унинг биринчи петиюнодгоҳи бўлган уламолар романининг номарғуб — манфий қаҳрамонлари, мазкур қора кучларга қарши турувчи «тубан синф» — камбағаллар марғуб қаҳрамонлари эканини айтади. Шу билан баробар

у йўл-йўлакай сезилар-сезилмас қилиб ўз тасвир принциплари, қолавирса, реализмга доир жуда муҳим бир фикрни ташкидлаб ўтади. «Албатта, ман, — дейди муаллиф, — бу сўнгги маргуб қаҳрамонларини ўзбек тарихининг ҳазми кўтарган қадар олишга тиришидим... Чунки шундан ортиси сохта бўлиши устига, китобнинг қадрини ҳам туширар эди».

Бу гапларда реалистик тасвирнинг энг асосий принциплари — қаҳрамонларини тарихнинг «ҳазми кўтарган» қадар олиш, умуман тарихнинг эмас, аниқ, миллий, яъни ўзбек тарихининг, «Туркистон феодалларининг кейинги вакили бўлган Худоёрхон» даврининг одамларини реал муҳит, шароит доирасида кўрсатиш ва уларни тарихда — ҳаётда қандай бўлса шундайинча — ўз ҳолича олиш, яъни ҳолис турлиб ифодалаш — тарихий ҳаққоният, миллийлик, ҳолислик масаласи ташкидланганлиги. Ёзувчининг фикрича, шу мўътабар принциплардан чекиниш ижодда сохтагөрчиликка йўл очади, аини пайтда асарнинг қадрини туширади.

Надоматлар бўлсиниким, ўзбек адабиёти узоқ йиллар реализмнинг шу принципларидан йироқлашди, буюк реалист адибнинг ўз вақтидаги огоҳлантиришлари унутилди. И. Гафуров айтганидай, кейинчалик биз ўзбек тарихидан олиб ўзилган бир қанча турли жанрларга мансуб асарларда қаҳрамонлар ўзбек тарихининг «ҳазми кўтарган» қадар олилмаганини — улар ё ҳаддан ташқари бўяб ва ёки ҳаддан ташқари янги замон фикрига мослаштирилиб тасвирланганидан юзали ташвирчан, ёхуд тугирроғи, сохта ташвирчан бўлиб қолганлигини билганимиз; бу — тарихнинг ҳазми кўтармаган нарсаларни унинг бўғзига тикиштириб, бошқача айтганда тарихни «зўрлаш» оқибатида юзатилган чинди... Қодирий сўзбошида ташкидлаган «ўз ҳолича олиш», И. Гафуров нбраси билан айтганда, реалистик ҳаққоний тасвирнинг синасидир; афсуски, адабиёт кўп даврлар ҳаёт ва нисон манзараларини ўз ҳолича олиб тасвирлашдан йироқлашади, идеаллаштириш, йўқ нарсаларни бўрттириш, борича эмас, идеалга тўғри келадиганча ёшн адабиётга бўлган ишонччи, адабиётининг қадрини сўндирди. Ёнг ёмон, адабиётчиносликда Қодирий илгари сурган ва ижодда амал қилган бундай принциплар социалистик реализм назариясига энг ҳол сифатида қайта-қайта танқид остига олинди. Замондошларининг эслаинча, адиб иложан борича бундай жоҳилларча танқидга эътибор бермасликка, ундан устун турнишга тиришса ҳам, асоссиз танқид тошлари иззат-нафсига тегиб, қалбини яралайди. Айниқса ган ўзи муқаддас деб билган реализмдаги бош принципларга — ҳаёт, тарих ҳақиқати масаласига бориб тақалганида жаҳолат қаршисида жим түролмайди. Ойбек адибнинг шундай кезлардаги ҳолатини эслайди: «Мени миллатчиликда айблаш гирт бёманилик эмасми! — деди у менга бошқа сафар. — Нимага миллатчи дейишяпти деи? Мен халқни қандай бўлса, ўшандайлигича кўрсатмоқчи бўлганим учун бундай қилишяпти. Ҳаммасини бир ўлчовда ўлчаи интернационализм эмас-ку, ахир?». (Ойбек. Асарлар. Ҳн томлик. 9-том. 345-бет).

Бундай замзамалар ҳатто 80-йиллар охирларига қадар ҳар хил кўринишда давом эгди. Чунончи, адабиётшунос Ҳ. Ёкубов «Йирик санъаткорнинг тўнгич романи» мақоласида «Ўтган кунлар» қаҳрамонини устида тўхталиб, «Отабек дунё ишига ва тарихга қаттиқ боғланган. Лекин у ҳали тарихга сезиларли таъсир кўрсатуви» «қаҳрамон», унинг «бунёдкори» эмас» дейди. Романда ҳаққонларнинг «шаклланиши ва тақдирида типик шароитнинг устунлиги ва кўр-

дарини сарфотини татқидаш» мавжудлигига эътироз билдирган-
дан оқибат, В. Имомов ва Д. Тўраевнинг 1938 йили чоп этилган
«Ўзбек совет адабиётида социалистик реализм масалалари» китоби-
да «қатъий ҳақиқат — революцион кураш истиқболининг муқарра-
ралабасига ишонч тугдирган марксизм-ленинизм таълимоти социа-
листик реализм методининг гоявий негизи бўлиб, унинг таъқиди
реализмга ишбатар олға кетишини, келажакни очиқ-ойдин ҳис этиш
ва кура олишини таъминлайди» дейилади. Муаллифлар яна қатъий
қилиб «илкобий қаҳрамонларнинг ўз даври учун энг илгор про-
грессив ишқомон ҳаракатлари социал — синфий гоялар билан бо-
ланиб, шу йўлда курашчан, фаол шахс бўлишлари зарурлиги социа-
листик реализм поэтикасининг муҳим хусусияти» дейдилар. Китоб
муаллифлари социалистик реализмнинг шу хил «қатъий талаблари»
дан келиб чиқиб, Қодирий романларининг, у амал қилган принцип-
ларининг «оқилолик»ларини кўрсатмоқчи бўладилар. Уларнинг уқти-
ришича, «ёзувчи жамиятнинг синфий тушуниш жиҳатидан, тарихий
яратувчи куч меҳнаткаш халқ оmmasи эканини идрок этиш ва уни
иеродалаида коммунистик партиявий негизда тура олмади, истиқбол-
га назар ташлолмади...»

Яхшияки, Қодирий тарихий романларида ўз принципида қатъ-
ий туролди. Худо кўрсатмасин, мабодо адиб бояги адабиётшунослар
айтганича йўл тутиб, «коммунистик партиявий негизда» туриб, «ис-
тиқболга назар ташлаб», «келажакни очиқ-ойдин ҳис этиш ва кура
олиш»ни таъминлаш томонига ўтганида, қаҳрамонларини «ўз ҳоли-
га» олмасдан, янада курашчан, фаол шахсга айлантирганида, «Ўзбек
тарихининг ҳақиқи» кўтармайдиган ишларни қилишга мажбур этга-
нида, характерларин «типоик шаронтнинг устуңлиги ва қўрқинчли
«салобати»дан ҳалос этиб, «тарихга сезиларли таъсир кўрсатувчи
қаҳрамонига айлантирганида, табиийки, бугунга қадар ўз маърифий
ва бадний қимматини йўқотмай келадиган тенгсиз реалистик роман-
ларга эга бўлмас эдик. Тарих Қодирий тутган йўл ҳақ эканини тўла
таъдиқлади.

Албатта, Қодирий ҳам ўз даврининг фарзанди, ўз ижодий прин-
ципларида ҳар қанча собит туришга уринмасин, гоҳо замона сиёсати,
ҳукумрон мафкура таъсирида бир оз чалинган, иккиланган, ёлғон
ваъдаларга умид бөглаган, сиёсат тазйиқига дош беролмай бир оз
муроасага борган пайслари ҳам бўлган. Ижодда донмо ҳақиқат ва
ҳолиселикни тарғиб қилган адиб баъзан ўз эътиқодига зид бориб
ижодкорлар олдига ўринсиз талаблар қўяди. Чунончи, боя мамну-
ният билан тилга олган «Равот қашқирлари» мақоласида тилга
олинган босмачилик масаласининг ёритилиши хусусида тўхталиб
асарда «уларнинг бачча сақлаши» ифодаси кифой эмаслигини айта-
ди, босмачилик фаолиятининг гайри тарафларини, масалан, Шайху-
лисом, қози, муфти кабиларининг босмачиликка дин номидан фатво
беришлари, кўрбонидан инъом-аҳсон кўриб, йиғитларни газотга
даъват қилишлари ва бошқаларни ҳам кўрсатиш керак эди, дейди.
У жуда қатъий қилиб: «Қолбукки, босмачиликда энг зўр роль ўйна-
ганлар шу улсмастар эдиларки, буларга кўзим тушмади» дея даъв
қилади.

Қодирийнинг босмачилик ҳаракати ва бу ҳаракатда руҳоний
уламоларнинг роли масаласидаги мутоҳазалари менга бу ҳодисалар
ни шайхсан кўрган, яқиндан билган, чуқур ўрганган ҳолис одамнинг
ўз сўзлари эмас, балки ўша кезларда босмачилик ва руҳонийла

муносабати ҳақида кенг тарқалган, ашиқроғи, тарқатилган расмий фикр-тасаввурлар таъсирида айтилган гаплардай туюлади. Босмачилик ҳаракатига онд архив материалларини, бора ҳақиқатини ишидан ўрганиши шундан далолат бераётгани, босмачилар билан руҳонийлар орасидаги муносабат, қолаверса, босмачилик ҳаракатининг ўзи мавжуд расмий тасаввурларга қараганда хийла мураккаб келган. Босмачиларни қўлга қурол олинига, шафқатсизлик қилинига, гоҳо руҳоний уламоларининг босмачилар томонини олинига, ўша наитларда советлар ҳокимияти тепасида турган, қизил армияга, чекистларга бошчилилик қилган баъзи бир ношуд раҳнамоларининг хато сиёсати, ўйламай қилган хатти-ҳаракатлари, маҳаллий халққа нисбатан ўта шафқатсизликлари ҳам сабаб бўлган. Виждовни, имон-этиқодни бутун уламолар умуман советларга эмас, советларнинг адолатсиз, шафқатсиз сиёсатига қарши турганлар, айни пайтда босмачиларининг шафқатсизликларини ҳам кечирмаганлар.

Шу тариқа Қодирийдек ижодда ҳақиқат, ҳолислик тарафдори саналмиш реалист адибнинг мана шу мураккабликларини назардан соқит қилиб, «Равот қашқирлари»дан босмачилик ва руҳоний уламолар муносабатини ўша давр ҳукмрон расмий мафкураси тасаввурини асосида ёритишни талаб этиши адибнинг ўз ижодий принципларидан муайян даражада чекланганлиги аломатидир.

Қодирий «Қутилган гўзал савго ҳақида» мақоласида ВКП(б) Марказкомнинг 1932 йил 23 апрелда «Адабий бадний таъкилотларини қайта қуриш ҳақида» деб чиқарган қарорига катта умид боғлайди, бу қарорни ижодкорларга аталган «қутилган гўзал савго», партиянинг адабиётга онд сиёсатини эса «олижаноб ҳаракат» деб атайди. Айни шу қарор нарироқ бориб ижодкорларни авторитар ҳокимиятининг итбаткор малайига, ҳукмрон мафкуранинг ижрочеси ва тарғиботчисига айлантириб қўйяганини, бовда «шу кунгача социализм қозонида қайнамай келган «оскироқ» ёзувчиларини ўз қаноти остига олиб» сўнг бошига не-не савдолар солажанини, эҳтимол, адиб хаёлга ҳам келтирмагандир. Бунинг устига ўша кезларда мамлакатда амалга оширилаётган дабдабали тадбирлар, улар атрофида кўтарилган шовқин-суронлар таъсирида бир оз эсанкираб, адабиётнинг ўша суронларидан орқада қолаётгани ҳақида ташвишланиб гапирарди. У ёзади: «Коллектив хўжалик асосида дов қадамлар билан илгари юрган янги қишлоғимиз, унинг қаҳрамон ёшлари, йигитлари, оғалари, хотин-қизлари бизнинг нафис асарларимизда гавдаландими? Шаҳарларимизда ҳайратбахш ва азим бинолар, солинаётган заводлар, фабрикалар, гидрлар, биламиз яна нималар ва уларнинг чарчамас девкорлари, зарбдорлари бизнинг дostonларимизга, ҳикоя ва романиларимизга жонли, нафис зийнат бўла олдиларми?»

Таассуфки йўқ, бўлгани ҳам арзигulik эмас».

Қодирий ўзи тилга олган бундай «коллектив хўжалик асосида дов қадамлар билан илгари юрган янги қишлоқ»лар, шаҳарлардаги «ҳайратбахш ва азим бинолар, солинаётган заводлар, фабрикалар, гидрлар» қай тариқа, нималар эвазига, қандай зиддиятлар, фожиялар орқали амалга оширилаётганилигини, бу ишларнинг ижрочилари — «қаҳрамон ёшлари, йигитлари, оғалари, хотин-қизлари... чарчамас девкорлари, зарбдорлари» бошида не-не савдолар кечаётганигини ўйлаб кўрганлигини?

Аминимизки, ёзувчи бу ҳақда ўйлаган, ўша кезлари мамлакатдаги, она юрtdaги «асл ҳаёт» қанақа эканини, дабдабали тадбирлар

қай ифсида олиб борилаётганлигини билган, мақоладаги гаплари эса, аҳтимолини, мурасаю мадора тариқасида битган. Даъвомизини далили шуки, мазкур мақоладан ярим йилча бурун ёзган «Ўзи хон кўланкаси майдон» фельетонида «дев қадамлар билан илгарин юрганги қишлоқ»лардаги ўзбошимча раҳбарини нақадар шафқатсиз фойдаланган! Гарчи «Обид кетмон»нинг қатор саҳифаларида давр мафкураси, дабдабозлик таъсири сезилса-да, адиб ўша давр қишлоқ ҳаёти, у ердаги жараёнлар ҳақида имконият донрасида даврнинг ҳукмрон мафкурасига, юргизилаётган сиёсатга зид ўзининг жуда жиддий юрак сўзларини ифодалай олган. Шу тариқа адиб қарашларидаги эҳдиётли ҳолатларни амалиётда бартараф этишга баҳол қудрат ҳаракат қилган. Муайян иккиланиш, чекинишларга қарамай адиб асос эътибори билан бир умр ижодда ўзининг бош принципларига содиқ қолди.

Қодирий эстетикасидаги яна бир муҳим жиҳат шуки, ижод «асл ҳақиқат»га ҳолис туриб, ҳаётдан шунчаки нусха кўчириш орқати эришиб бўлмайди, бунинг учун кишидаги ақл-заковат, билим донлик, синчковлик, турмушни чуқур биланш лаёқати ҳам асло етарли эмас; адабиёт, бадий ижод сирли-сеҳрли олам, бу соҳанинг одамни бўлиши учун аввало туғма истеъдод, санъаткор қалби керак. Турмуш ҳодисаларини, одамлар ҳаётини, қалбини, қалбидаги нозик жараёнларни кўриш, кўрсатиш билан баробар, уларни бутун вужуд билан ҳис этиш, энг муҳими, шу нозик туйғуларини бошқаларга еткази олиш лозим. Бадий ижод жараёнидаги энг нафис — сирли — сеҳрли ва ўта машаққатли ҳолат худди шу нозик кечинмаларни монхирона ифодалаш ва қозғога тушири олишдан иборат. Қодирий замондоши ва масалақдоши Чўлпон «Мен шоирми?» шеърини шундай сирли-сеҳрли ўта нозик машаққатли ижодий ҳолатини жуда яхши ифода этган. Шоир ҳаёл қанотида олис-олисларга парвоз этади, ҳаёли бир манзилга етгач, тўхтаб олиб шоирни ҳам ҳайратга, лаззатга ҳам қийноққа солади:

Бир замон бир ширин жойга етганда,
Нарига ўтмасдан тўхтаб қоладир:
Ошиқдек ястаниб, ётиб оладир...
Шу чоқда қийналмиш бошланар менда.
Чунки, ҳаёлимнинг кўзлари билан
Бир гўзал ҳолатни кўриб тураман,
Лаззатга гарқ бўлиб, ўлиб тураман.
У ҳолни борлиқнинг сўзлари билан —
Англамиш қўлимдан келмай қоладир.
Шу чоқда тилларим қалдираб кетиб,
Борлигим — йўқликка гилдираб кетиб.
Демакки: «Бошқалар билмай қоладир —
Шундай гўзаллиқни! Аттанг, агар мен
Рассом бўлсам эди, чизиб берардим.
Ўхшаш нусха билан ёзиб берардим.
Шу ожиз ҳолимда шоирманми мен?...»
Шоирлик менда бир сояни дейман,
Ҳар бир тушунчамни ёза олмагач!
Рассомдек ҳаёлни чиза олмагач!
Ҳафир борлигимга кўп афсус ейман..

Шоир ҳаёлининг кўзлари билан кўриб турган бир гўзал ҳолат

маълум даражада ўқувчига етказди, уни ўқиб, биз лирик қаҳрамоннинг бамисоли гул баргида бутун олам жамоллини ўзига жў этиб титраб турган шабнам томчисидек қалбни вужуд-вужудимиз билан кўриб, ҳис этамиз. Лекин бу ифодадан шонир асло қаноат ҳосил этмайди. Шонирнинг ўша дамлардаги кечинмалари қоғоздаги аксига кўра бир неча чандон сержило ва виқорли экани аён. Уларни тўлалигича ифода этолмаётганидан шонир афсусланади, ўзини ижодкор сифатида ожиз сезади. Мана шу ҳолатни сеза олиш, ҳис этиш ҳам уни санъаткорликнинг муҳим бир белгиси.

Қарангки, Қодирийдек санъаткор ҳам ҳаётдаги, одамлар қалбидаги мураккаб, зиддиятли, поэтик жараёнларни кўриш, қалбани туйиш билан барсбар Чўлпон каби уларни ифодалаш, қоғозга тушириш борасида гоҳо ўзини ожиз сезади. «Ўтган кунлар»да бир неча бор шундай ҳодисалар ифодаси пайтида адиб «Бу ҳолининг тасвирига қаламим ожиздир» дея узрини айтиб ўтади. «Ваъзи руҳий кечинмалар (перевиванис) борки, киши сезмайди, тушунади, — деб ёзади адиб. — Бироқ шу ҳолини қоғозга туширмоқчи бўлганида сўз топишмай, ифода қилолмай, ҳайратда қолинади, нонлож ожизни иқдор қилишга, «қаламим ожиздир» дейишга мажбур бўлинади». Бир мисол. «Ўтган кунлар»нинг «Ҳайрихоҳ қотил» бобида шундай ҳаяжонли лавҳа бор: кутилмаганда Қўтидор Отабекдан хат олади, унда ғаламислар макри туфайли Отабек ва Қўтидор оиласи бошига тушган кўнгилсизликлар, уюштирилган сохта «талоқ хати» сирни ошкор этилади. Шу дақиқаларда Қўтидор, Офтобойим, айниқса, Кўмуш қандай ҳолга тушди, улар қалбда нималар кечди? Аввало, Қўтидор хат билан танишган. «даҳшат ва таажжуб нчида тошдек қотиб қолган»ни айтилади, мактуб ўқилиб битганда «Офтоб ойим, айниқса, Кўмуш Қўтидорнинг бояги ҳолига тушган эдилар», деб ёзади адиб ва бу маълумотидан асло қониқмай, «Кўмушнинг бу дақиқадаги ҳолини чизиб кўрсатини, албатта, мумкин эмас эди» дея ўзи берган маълумотлардан кўнгли тўлмаганини изҳор қилиб ўтади. Сўнг, ётиб қолгунча отиб қол, қабилда Кўмуш ҳолати ифодасига яна қайтади ва шундай лавҳани чизади: «Ў титраб эди, кўкараб эди, тўлганар эди... Ҳозирги энг кучли ҳаяжон ва ҳиссиётни ҳиссиётнинг аъло ифодаси бўлган ёш билан тўкар эди». Шу тариқа у қаҳрамоннинг тигиз руҳий ҳолатини бир қадар жонли гавдалантиришга, қалбдаги жараёнларни, кучли ҳаяжон ва ҳиссиётни ўқувчига етказишга муваффақ бўлади.

Агар адиб «Кўмуш Қўтидорнинг бояги ҳолига тушган эди» деган маълумот билан чекланганда, у санъаткор эмас, шунчаки воқеанавис бўлиб қолган бўлур эди. Тўғри, бу маълумот ҳам қаҳрамон ҳолати ҳақида муайян тасаввур беради, бироқ у қаҳрамон қалбдаги кучли ҳаяжон ва ҳиссиётни тўлалигича ҳис этишга, ўқувчи қалбни ларзага солишга қодир эмас, фақат кейинги лавҳа орқали ўша дақиқалардаги қаҳрамон қалби ҳақидаги ҳақиқат, қалб драматини ўқувчи қалбига бирмунча тўларақ этиб боради... Адабиёт худди шуниси билан санъат, ҳаёт ҳақиқатини бадний ҳақиқатга айланиш сирини ҳам шунда. Қодирий санъатининг бу сирини ва уни юзага чиқариш машаққатларини тереки тушунган, поэтик ҳис этган. Бу борада ўз ифодасидан ҳеч қачон тўла қаноат ҳосил қилмаган. Ҳаёт ҳақиқатини ҳақида гап кетганда, афсуски, масаланинг бу томонига ҳаминша ҳам етарли эътибор беравермаймиз. Қодирийдан кейин яратилган жуда кўп тарихий асарларда тарих ҳақиқати, инсон қалби ҳақидаги

ҳақиқат. Ҳодирний дароҳасида бадний ҳақиқатга айланганми, бу маънада қатъийонашлар уларгага нисбатан Ҳодирнийнинг талабчанлик кўрсата олганларми — деган масала устида деярли бош қотириб бўлмаган. Соч-санъатда тарихий маънода ёзилган асарларда тарихий ҳақиқатнинг наерой баён, ифодаси бўлса ҳам улар санъаткорнинг кўпроқ эътиборини, бадний ҳақиқатдан маҳрум бўлган учун санъат асарига айланмай, адабиётимиз тарихида паз қолдирмай унутилиб қолмоқда.

Шу тариқа Ҳодирний эстетикасида ҳақиқатнинг бадний ифодаси, яъни, усуллар масаласи муҳим ўрин тутadi. Бу ўринда Ҳодирний эстетикасидаги яна бир характерли жиҳатга эътиборни тортмоқчи: «Ҳарини ёзувчи реалист сифатида ижодда реалистик принципларда ўзини турса-да, реалистик принципларни кенг шарҳ ва тарафий қилса-да, адабиёт, санъатдаги бошқа хил оқим ва йўналишларга, турли-туман услубий изланишларга ҳурмат ва эътибор билан қараган. Ҳодирний ўзинида ҳам, ҳозирги кунда ҳам учраб турадиган, ўзи танилаган, амал қиладиган адабий ақидалардан бошқасини тан олмайдиган, бошқалар тутган йўлга ишонсизлик билан менсимай қарайдиган ўжар, фетъли тор қаламкашлардан фарқли ўлароқ, ижоддаги чинакам изланишларни бағри кенглик билан ҳимоя қилади. Ёзувчи бўладирган ҳар бир киши адабиётдаги оқим ва мактабларни яқин билиб олиши керак» дейди у.

Адабиётшуносликда Ҳодирнийнинг бу ҳусусдаги айрим мулоҳазалари, чунончи, шоир Олтойнинг футуристик изланишлари, «Ўтган кунлар»да «сўнгги приёملарни қўллаш масаласи тўғрисидаги мулоҳазалари бирёқлама талқин этиб келинди. Дарҳақиқат, Ҳодирний Москвадан йўллаган, «Муштум»да босилган бир хатида ёш ҳаваскор шоир Олтойнинг муваффақиятсиз изланишлари устидан қўлган, футуристик шоирларга кўр-кўрона тақлидига пародия ёзиб, кескин танқид қилган. Айрим адабиётшунослар бу ҳусусий ҳодисадан Ҳодирний футуризмни «қаттиқ танқид қилади», «формалистик изланишлар»ни доимо қаттиқ танқид қилиб келди» деган жиддий умумий мулосага келадилар. Мен аминманки, Ҳодирний бу ерда асло футуризмга қарши чиқаётгани йўқ, Олтойнинг маънисиз тақлидини, ўз ҳунарида қўноқлигини танқид қилаётир, холос. Қолаверса, ҳар қандай шаклий, услубий изланишларни «формалистик изланишлар» деган ёрлиқ билан атаи ҳам тўғри эмас. Ҳодирний боя айтилганидек, турли ижодий оқим ва мактабларга, шаклий изланишларга ҳаминча тайрихоҳ бўлган. «Ўтган кунлар»даги сўнгги приёملар масаласига келганда, бу ҳусусда ҳам ёзувчининг тутган йўли аниқ-равшан, бундай шаклий изланишларни миллий адабиётга олиб киришга тарафдор. Аммо у бу масалага оқилона ёндашми, бир томондан, ҳақиқатнинг савиясини назарда тутиб иш кўриш, иккинчидан, ижодкорларнинг ўзлари ҳали «сўнгги приём»ни қўллашга қанчалик тайёр ёки тайёр эмаслигини ҳисобга олиш зарурлигини уқтиради. «Модомки, асар савияси ўзиниға маълум шу ҳалқ учун ёзилар экан, яна бирмунча вақт «сўнгги приём»лардан кўз юмиб туриш, оралниқда сўнгги приёمنى оз-оз қистириб бориш лозимдир», — дейди. Адабий танқид ёзувчининг бу оқилона мулоҳазаларини шундай изохлайди: «Бу ердаги «оралиқда сўнгги приёمنى оз-оз қистириб бориш лозим»лиги ҳақидаги гапларнинг аҳтиёт учун айтилгани ва аслида Абдулла Ҳодирнийнинг формалистик приёملар дутумани экани шу келтирилган сўзлардан ҳам аниқдир».

Бу ўринда ёзувчининг сўзларига бошқача матно беришга, уни мунчаки йўлга «ахтир» учун айлантиришга ҳолат йўқ. Ёзувчининг гаплари салимий, адибнинг «сўнгги приём» иборасини формализмга тенглаштиргил, адибни ҳар қандай «сўнгги приём»нинг душманига чиқариш инсофдан эмас. Қодирий тоғ салимийят билан бу романи орқали «халқимиз рағбатини бир оз бўлса ҳам янгиликка» тортмоқчи бўлгани, эммо қадар «сўнгги приём»ларини қўллагани, бироқ ҳаттоки бу «сўнгги приём»лардан баъзиларини «Ўтган кунлар»га эргароқ киргизгани учун айрим ўқувчилардан шикоятлар эшитганини, бинобарин, ўқувчи омманинг савия-даражаси ҳали «сўнгги приём»ларни тўла қабул қилишга тайёр эмаслигини афсусланиб эслатиб ўтади. Қодирий ижодда халқимиз рағбатини янгиликка торттиш йўлида сабот билан иш кўрди, таърихий романларидан салгина кейин яратган «Обид кетмон»да, И. Ғафуров айтганидай, Европа адабиётига хос янгича изланишлар, «сўнгги приём»ларнинг бир қатор белгиларини, яъни ички монолог, ички психологик таҳлил, шахснинг ички шаклланиши, сюжетнинг «исталган» ерда бошланиши ва «исталган» ерда тугаши, қутилмаган янги воқеа чизиқлари курткалаши каби экспрессион ҳолатларнинг бошланғич зуҳуротларини кўрамиз.

Ёзувчи шаклий изланишларга, бу борада дадил новаторона тажрибаларга нақадар катта эътибор билан ёндашгани, ҳақиқий истеъдод эгасининг ўзига хос йўлига, ифода тариқида ҳурмат ва эҳтиром билан қараганини «Ўқиш-ўрган»да, «Тоғ сирлари»га сўз» мақолаларидаги мулоҳазалари ҳам тўла тасдиқлайди. Адиб «Ёш ленинчи»нинг адабий тўғарагида сўзлаган нутқида ёш ижодкорларга: «Энг яхши ёзувчиларнинг эсарларини бир неча қайталаб ўқиш зарур. Ўқиганда ҳам ёзувчининг нима демоқчи эканини ва ўз фикрини қандай йўл билан ўқувчига аниқлата олганини диққат қилиб суриштириб бориш керак», — дея маслаҳат беради. У А. Чеховнинг «Буқаламун» (Хамелеон) ҳикоясига бағишланган мақоласида эса ёзувчининг нима демоқчи эканини ва ўз фикрини қандай йўл билан ўқувчига аниқлата олганини, яъни ўзига хос тасвирлаш санъати сирларини моҳирона — заргарлик билан таҳлил этиб беради. Мақола охирида М. Толстойнинг А. Чехов услубига хос хусусиятлар хусусидаги мана бу сўзларини келтиради: «Чеховнинг импрессионистларга ўхшаган ўзига хос формаси бор... Иккидан қарасак, худди ҳар бир тўғри келган ва бир бирига алоқаси бўлмаган бўёқларни фарқ қилмасдан ишлатганига ўхшайди, аммо узоқроқдан қарасанг, бу бўёқлардан ажойиб бир манзара вужудга келганини кўрасан». Аввало 30-йиллар шароитида, М. Толстойдек даҳо томонидан айтилган, бўлса ҳам, «формализм мактаби»га мансуб импрессионистларга хос формага хайрихоҳлик билдирган сўзларини келтиришнинг ўзи катта жасорат, ҳолаверса, ўзбек китобхони, ёш ёзувчилари эътиборини ана шундай «сўнгги приём»ларга торттиш яна бир жасорат эди!

«Тоғ сирлари»га ёзилган мўъжазгина сўзбошидаги мана бу сўзларга қаранг:

«Ўктябрь ўзгариши қора тунинининг тонини оттирган эса-да, бу муҳдиш кечанинг бадном кўлагалари ҳамон шонирнинг юрагини титратадир ва ул чор-ночор йиғтайдир... Шу йиги орасида барқ уриб кўринган эрк қуёш бу кўз ёшларидан «чечаклар унгуси»ни сўзлайди...».

Қодирий аввало Чўлпон шеърятини, аниқроғи «Тоғ сирлари»

тўпламига кирган шеърларининг, уларнинг бош нафосини — асоси руҳини, асл моҳиятини тереан тўшуниб, назик ҳис этиб, қолаверсе, шонрининг ўзлигига чуқур оҳтиром билан қалом тобратаётир. Шог шеоъларида мавжуд мунгли мотивларининг, шонрининг юрагини тит ратган, чор-ночор йиғлашга мажбур этган ҳолатларининг тўб сабаб ларини билимдонлик билан очиб бераётир... «Тонг сирлари» тўпла ми ҳақида ҳанузгача бундан ошириб гап айтган одамни кўрганимиз йўқ!

Энди ўша сўзбошига танқидчиликда берилган мана бу баҳонинг: «Абдулла Қодирийнинг гоявий етуксизлиги, айниқса, миллатчи ёзувчи Чўлпонга бўлган муносабатда кўринади: Чўлпоннинг «Тонг сирлари» (1925) шеърини тўпламига ёзган сўзбошида Абдулла Қодирий бу тўпламга кирган асарларнинг реакцияи моҳиятини очиб беролмайди, автор пессимизмининг фош этолмайди, ҳатто авторнинг «кўз ёшларидан чечаклар ундирмоқчи» бўлганига ижобий баҳо беради». (И. Султон, Асарлар. Тўрт томлик, иккинчи том, 343-бет).

Мана шунақа ўта дағал, жоҳил танқид, жоҳилона баҳо туфайли Қодирий эстетик меросидаги кўп нодир жиҳатлар узоқ йиллар илмий жамоатчилик эътиборидан четда қолиб келди. Эндиликда ўша бебаҳо сарчашмаларга элтадиган йўллар ҳар қандай қақир тиканаклардан холис бўлиб бораётганлиги кишига далда беради, узоқ танаффусдан сўнг бундай бебаҳо хазиналар яна ўз эгасига — халққа қайтарилаётгани кўнгилларга қувонч бахш этади.

БИР БАҲС САБОҚЛАРИ

Бугунги кунда шахслараро зиддиятлар баҳси ҳақида гап кетгундек бўлса, мавзунини «тарихимизнинг энг кир, қора кунлари»дан, 20-йиллардан танлаш мароқли бир анъанага айланиб бормоқда. Чунки, 20-йиллар тарихимизда қарама-қарши кучлар, зиддиятли фикрлаш кураши баҳси энг авж олган давр саналади. Ва Шўро ҳукумати тараққиётидаги кейинги уриниш-суринишларнинг ҳаммаси бевосита ўша йилларга бориб боғланади.

Маълумки, ҳар қандай ижтимоий тузум турли кўринишдаги зиддиятларга бой бўлади. Бу хил зиддиятлар жамият ҳар бир аъзосининг ижтимоий онги ва руҳиятида муайян бир из қолдиришни, маънавий ва жисмоний такомилда маълум ўрин эгаллашни шубҳасиз.

Жамиятнинг сиёсий-ижтимоий табиати, ҳуқуқий-мафкуравий тўзилишига кўра шахслараро зиддиятларнинг намоён бўлиш шакли ҳам турлича аҳамият касб этади. Дейлик, ҳуқуқий ҳар қандай баҳс мунозара жамият аъзолари ижтимоий-сиёсий қарашлари турли-туманлигидан, эътиқод ва ахлоқ савиясининг хилма-хиллигидан келиб чиқади. Авторитар жамиятда ҳам шундай. Аммо ҳуқуқий жамия аъзолари бўлган баҳс иштирокчилари авторитар жамият аъзоларининг нисбатан ўз ирода-майлларини ифода этишда минг бора эркиндигилар. Улар баҳс-мунозарага киришар эканлар, фақат ўз ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-тарбиявий масалалардаги қараш ва мезонларини ҳимо қиладилар. Авторитар жамиятда эса аксинча, баҳсчи моҳиятан ў қарашларини муҳофаза этса-да, шу жамиятнинг бош гоясини ёқлаётган бўлиб кўринади.

Демак, ҳуқуқий жамиятда шахслараро зиддиятлар шу жамиятнинг ўзи таъмин этган ҳуқуқий-ахлоқий шарт шаронглар доирасида

эркин ва табиий суратда намоён бўлади. Бу шарт-шаронтилар фикр ва қарашлар хилма-хиллигини рад этмаган ҳолда фақат ўларнинг юзага чиқиш шаклини тартибга солиб туради, ҳолас.

Ҳўш, ҳуқуқий-ахлоқий мезонлар ўрнига муайян ғойивий ва мафкуравий мезонлар ҳуқуқонлиқ қиладиган жамиятда шахслараро зиддиятлар қандай шаклда намоён бўлади? Бир қарашда жамиятнинг сиёсати, ахлоқи, ҳуқуқи, маданияти ва санъатининг ўзига оҳанрабодек жалб қилиб турган буюк бир ғоя атрофида қандай зиддиятлар чиқиши мумкин, деган саволга бориш мумкин. Аммо гап шундаки, шахслар ягона ғоя ва мафкура ҳуқуқонлигида ҳам ўз эътиқодларини ва қарашларини содиқ бўлиб қолаверадилар. Авторитар жамият шарт-шаронтида ўтадиган баҳс-мунозаралар асосида, аввало, ўша оҳанрабо — ғояга мунсабат ётади. Улардан баҳс-мунозара чиқариб, тортишиб ўтириш ҳам хатарли. Насакки, баҳс-мунозара асосида оҳанрабо — ғояга тил текизиб қўйиш хавфи бор. Демак, баҳс-мунозаранинг бу хилдаги нигитимоний кўринишида ҳам шахслар истаса-истамаса муайян ахлоқий-мафкуравий ва ҳатто сиёсий мезонларга рўйя қилишга мажбур бўлишади. Фарқ шундаки, бундай шарт-шаронтидаги баҳс-мунозараларнинг ташқи ҳаракат доираси ўта тор бўлиб, очиқ-ошкора айтилган фикрларга қараганда, имо-ишорали, зарбулмасал гаплар кўп учрайди. Аммо ўз халқи, миллати тақдирини ўйлаган адибу шоирлар, элму жамоат арбоблари учун йўмон-эътиқодлари ва қарашларининг баён этишда жамиятнинг сиёсий-мафкуравий мезонларини ўсиш қўлламаган.

Фарқли низоҳатлардан яна бири шундаки, ҳуқуқий жамиятда шахслараро зиддиятлардан баҳс-мунозара чиқмаслиги ҳам мумкин. Чунки ҳуқуқий жамиятда шахс муҳолифи билан баҳсга киришса-киришмаса ўз шахсий қарашлари ва йўмон-эътиқодига кўра яшайверади, бунга ҳеч ким тўсиқлини қўйолмайди. Аммо авторитар жамиятда, кўн тартибда «Йўмон юмнин» деган масала туради ва бундай нигитимоний шаронтида шахслараро зиддиятлардан унқуи чиқиб туриши табиий. Шундай бўлмай қолган тақдирда ҳам жамият учун чиқаришга ҳаракат қилади.

Бир қарашда тарихимизнинг 20-йилларидаги тортишув, мунозара баҳслар ижодий мезонларнинг, илмий-фалсафий қарашларнинг хилма-хиллигидан келиб чиққанга ўхшайди. Бунга шубҳа йўқ. Аммо чуқурроқ ўйлаб қаралса, у йиллардаги баҳс-мунозараларнинг асосида ниқилобга, халқ тақдирига муносабат, йўмон-эътиқод масалалари ётгани аён бўлади.

20-йиллардаги баҳс-мунозаралар ўта зиддиятли ва қамровли. Улар нигитимоний тафаккурнинг деярли барча кўринишларида давом этган: тил-илю масаласида, матбуот масаласида (Назир Тўрақулов — Жулқунбой ва бошқалар баҳси), нафис адабиёт масаласида (Чўлпон ва Ҳамза, Жулқунбой ва Сотти Ҳусайн баҳслари) ва ҳоказо.

Яна шундай баҳс-мунозаралардан бири Абдулла Қодирий ва Ғозн Юнус ўртасидаги тортишувдир. Адабиётшунослигимизда бу тортишув тафсилоти ҳақида кўп ёзилган эса-да, лекин уларда баҳс моҳияти ўша давр воқелиги асосида, икки адибнинг ахлоқий-эстетик қарашлари нуктани назаридан тўла очиб берилгани йўқ.

«Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1925 йил 7 август сониде Абдулла Қодирийнинг «Муштуми (танқид)» номли мақоласи босилди. Газетанинг 17 август сониде эса Ғозн Юнус «Танқидми, тош отиш?» деган жавоб мақоласи билан чиқади. Абдулла Қодирий бунга жаво-

бан газетанинг 25 август сониди «Шаллақи» номли мақола эълон қилади. Навбат Ғози Юнусга келгач, у «Шаллақи ким?» («Қизи Ўзбекистон» 1925 йил 28 август сониди) деган мақола билан жавоб беради. Газетанинг 6 сентябрь сониди эса Абдулла Қодирийнинг «Ўжар кўр» номли мақоласи чоғ этилади. Ниҳоят, газетанинг 14 сентябрь 225-сониди идора — редакциянинг бу хусусдаги фикри эълон қилинади. Ғози Юнус «Муштум» журнали боғи муҳаррирлигини вазифасидан олинганлигини айтилади ва баҳсга расман нуқта қўйилад. Ёзи Абдулла Қодирий ва Ғози Юнус мунозараси деб билган тортини шунинг расмий мундарижаси шундан иборат. Аммо мунозаранинг таслими ва тафсилоти фақат газетдаги мақолалар билан чекланиб қолади. Бу мақолалар баҳсининг авж нуқтаси — расмий тус олиши экан, ҳатто. Демак, баҳсининг бошланғичи Қодирийнинг илк мақоласидан сўнг эмас, анча илгари бўлгани каби интиқоси ҳам адибнинг сўнгги мақоласи билан тутаб қўй қолмаган. Ғози Юнуснинг «Шаллақи ким?» мақоласида ёзилишича, у Абдулла Қодирий билан «Экинчи шаҳар матбаасида фикр олишқон», Қодирийнинг «Муштум»га иштирок этмаслигининг сабабини билган. Қодирий: «Қўй, халқни ҳафс қилма. Халқ билан бориш керак. «Муштум» тадриж билан бормайди. «Муштум»га иштирок қилиб бўлмайди» деган матнода бир га айтган. Шуларга асосланиб хулоса қилиш мумкинлиги, икки адиб мунозараси газет саҳифаларига чиққунга қадар ҳам ва ундан кейин ҳам давом этган. Баҳс асоси инқодкорларнинг дунёқарашларидаги ўзига хослик ва ижтимоий-сиёсий, адабий-эстетик қарашларида фарқ ҳамда эътиқод масаласидаги прода-майилларнинг айричалигиди иборат экани шубҳасиздир. Аммо булардан фарқли ўлароқ, баҳсининг расмий тус олишга бевосита ёки биливосита таъсир кўрсати сабаблар бўлгани эҳтимолдан холи эмас. Бунинг Ғози Юнуснинг мақоласидан келтирилган юқоридаги кўчирмадан билсак ҳам бўлади. Қодирий сўнгги кезларда «Муштум»нинг адабий-мафкуравий сиёсатини қўлламаган. Ўзи қўлламаган сиёсатга иштирок қилишни эса эътиқодига эид деб билган. Адибнинг «Муштум»дан узоқлашиб кетгани зиёлилар ўртасида ҳам турли хил гап-сўзга сабаб бўлган бўлса ажаб эмас. Қолаверса, Ғози Юнуснинг ўзи ҳам мақоласида айтиб ўтганидек, Қодирийдан «Муштумга» иштирок қилмаслигининг сабабини сўраб-суриштирган. Ана шу сабабларнинг барчаси бир бўлиб, адибнинг жўрнолга бўлган муносабатини очиқ баён этиш заруратини туғдирган. Яна бунинг устига ёзувчи ўзи ташиқлотчилардан бири бўлган жўрнол ишига бепарво қараб туролмасди. Қандай бўлмасин бу хусусда ўз фикрини баён қилиши табиий эди.

Қодирий «Муштум» ҳақидаги асосий адабий-танқидий, ахлоқий-тарбиявий фикрларини «Муштум» (танқид) мақоласида ифода этган эди. Икки адибнинг тортинишлари асосан ана шу фикрлар атрофида кечсада, чуқурлашиб ўзгача характер касб этиб боради.

Қодирий «Муштум»нинг бир қанча принципиал масалаларда икки адибнинг катolikларга йўл қўйётганини кўрсатиб беришга ҳаракат қилган эди. Адибнинг фикрича, бу масалалардан бири — жўрнолнинг мавзуси масаласидир. Ёзувчи: «Икки йилдирки мавзуи бир: эпосининг табиати беҳтарин насвой қавоқ, домла поччам саллалари узун чўзоқ» дейди. Бу билан у «Муштум»нинг турмушга муносабат йўли бир хил бўлиши айтишдан иборат эканини назарда тутди. Биринчи қараш ёзувчининг мавзу борасидаги фикрлари ҳам бошқачароқдек, у маълум деганда муносабатлар йўналиши ва йўлини назарда тутатганди.

кўринади. Аммо адабнинг кейинги фикрлари бу масалага анча ойдинлик киритади. У шундай ёзади: «Устига қарайсиз: «Муштум — спёсий, ижтимоий... ойда икки дабқир чиқатургон расмлик кулги журнали!» Ичкарига кирасиз: спёсатда на сатира унсүри ва на ижтимоотда юмор таъли! Очиндан-очик қоровул чиқариш ва «Тут, мин!» Адибнинг фикрича, спёсий ва ижтимоий мавзуларда кулги асарлари яратолмаган «Муштум» ўзича билича бир «мавзу»ни танлаб оқишга мажбур бўлади. Бу «мавзу» қуруқ қош этишдан ва қоровул чиқаришдан иборат эди. Адиб аслида бу мавзу эмас, муносабат белгиси эканини билса-да, киноа қилади ва «мавзуи бир» дейди. Бу «Муштум»нинг тоғли олгани битта гап деганга ўхшаш бир киноа эди. Қош этиш соф адабий нуқтан назардан мавзу бўлолмас ҳам, «Муштум» учун бу мавзу бўлиб қолганди.

Ҳозир Юнус Қодирийнинг киноясини яхши англамагани учунми ёки бир оз қизишиб кетгани сабабданми «Танқидми, тош отиш» мақоласида эътироз билдира туриб, ёзади: «Жулқунбой «икки йилдирки мавзуи бир» дейдир. Бу даъвога исбот қани? Қандай исбот бўлсин!» Ҳозир Юнуснинг ўйлашича, «мавзуи бир» деган даъвога исботнинг ўзи йўқ, бўлолмайди ҳам. Унинг гапича, «Муштум» ўз фаолиятида турмушнинг барча жиҳатларини қамраб олиб, ҳаммани қош этиб турган бўлиб чиқади... Ҳозир Юнуснинг раддия фикри Жулқунбойнинг фикрига исбатан эътироз эмас, эътироф мақомини олади ва қўйолмаганда унинг тўғрилигини исботлаб қўяди. Ҳозир Юнуснинг фикрича, кулги ҳажвий асарларга қараганда жиддий танқидий мақолаларнинг фойдаси ортиқчадир». Аммо шу жиддий танқид бирер спёсий ёки ижтимоий масалани талқин қилиб берадими ёки ўғри тутишга кўмаклашадими — ёзувчи масаланинг бу жиҳатларини четлаб ўтади. Қолбукли, Қодирий назарда тутган жиҳатлардан бири ана шу эди.

Бизнингча, Қодирий фикрларидаги зиддият бошқа бир масалада кўзга ташланиб қолади. Маълумки, 1923 йилда журналнинг илк сонини чиқаришда Қодирий «Муштум» таърифиде» номли мақола ёзиб, унда, жумладан: «Бу «Муштум» зўрлик муштуми эмас, ҳақлик муштумидир; бу муштум золимлар муштуми эмас, маълумлар муштумидир. Шунинг учун бунинг маъноси ҳам бошқачадир» деган фикрларини баён қилади. Умуман олганда яхши ва тўғри фикрлар. Аммо ёзувчининг бу таърифидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, у 23 йилда «ҳақлик муштуми», «маълумлар муштуми» деб таъкидлаган «Муштум» 1925 йилга бориб, Қодирийнинг ўз фикрича, зўрлик ва ҳақсизлик муштумига айланиб қолди. («Муштум» отини эшитганда муштумнинг қичийдир, аччиғини қистайдир, энсанг қотадир, чуқки «Муштум»дан бизнинг кутганимиз чин «Муштум»лиқ эди» — Абдулла Қодирий «Муштум» (танқид)» мақоласидан). «Муштум» ўзига берилган юксак инсон ва ваколатини суъистеъмол қилди. Жўрналилан боғлиқ бу жараён ижтимоий-спёсий турмушдаги улкан кучлашларнинг бир шарпаси эди, холос. Чуқки спёсий шўлимда ҳам Иўқсиллар зўравонлиғи» (диктатураси) деб эълон қилинган ҳокимият аллақачон «Зўравонлик Иўқсиллари» жамиятини яратишга киришган эди. Буларнинг ҳаммасига Қодирийнинг «Муштум»га берган таърифни айбдор дейиш нодонлик бўлурди, албатта. Аммо «ҳақлик муштуми» хусусидаги таъриф мутлақ ҳақиқат бўлмайди, ўта спёсий эди. Ҳақиқатини ҳамма вақт ҳам мушт билан ҳимоя қилиб

бўлмайди. Ҳақиқат муштга эҳтиёж сезмайдиган замонлар ҳам бўлади. Гап Қодирийнинг «Муштум» тўғрисидаги илк таърифи неч-лик тўғри ёки нотўғри бўлиб чиққанида эмас (дунёда мутлақ тўғри ёки нотўғри фикрининг ўзи йўқ), балки адибнинг «Муштум»га, «Муштум» баҳонасида ижтимоий-сиёсий ҳодисаларга бўлган муносабатининг ўзгара бошлаганида. Ўзгачи «икки йилдирки мавзу бир», дейди. Ваҳоланки, жўрлолнинг бу икки йил ичида чиққан сонлари анчагинаси бевосита унинг иштироки ва раҳбарлигида чоп этилган эди. Бундан қатъи назар, у «Муштум»нинг бутун икки йиллик фаллятига таъқидий баҳо беради. Шунга асосланиб айта оламиз Қодирий «Муштум»нинг умумий адабий-мафкуравий йўналишига янгича назар билан қарай бошлаган. Унинг «Муштум» ҳақидаги тасаввурлари ўзгарган. Бевосита бўлмасада, билвосита бўлсин «Муштум таърифида» мақоласида айтилган фикрларни рад этган. Чунки бу даврда «Муштум», адибнинг ўз таърифича, «мажнунона ҳужумга қирилган эди. Бундай мажнунона ҳужум — «Ўнгарга ҳам мушт ўймаска ҳам мушт» тушириш адибнинг «Муштум» ва мушт сиёсат ҳақидаги қарашларини ўзгартиради. Бундан ташқари, ижтимоий-иқтисодий турмушда янгича иқтисодий сиёсатнинг жорий этилиши, ишчи ва деҳқонларга бироз эркинликлар берилгани ҳам Ёзувчининг ижтимоий қарашларида муайян ўзгаришлар ясаган бўлиши шубҳасиз. Ва ниҳоят, адибнинг ўша йилларда «Ўтган кунлар» романи ушунда ишлагани ҳам ҳисобга олсак, бу жараён давомида Қодирий дунёқарашин, унинг турмуш ҳодисаларига муносабати кескин ўзгараган бўлиши эҳтимоли борлиги маълум бўлади.

Ёзувчи энди бадиий ифода берасида образли кулги (ҳанж) йўлидан, гоълий мазмун берасида эса тадриж йўлидан борини лозим деб билади. Аммо айнан шу масалаларга Гозн Юнуснинг қарашлари асосча бўлиб чиқади. Унингча, бадиий ифода берасида анддий таъқид йўлини тутиш керак, чунки анддий таъқиднинг фойдаси кўпроқ. Бўлмаса «Қалвак Маҳзум» қулдириш учун ёхишдир. Аммо фондага келганда Сў падарининг «Ўттибесликларини» ортиқдир», дейди у. Демак, унинг мулоҳазасига кўра, «Қалвак маҳзум» титидаги қул асарларни фақат қулдиришгагина ярайди, аммо «руҳман»ни тути берибмайди. Шундан маълум бўладики, Гозн Юнуснинг адабий ҳақидаги фикрлари вульгар мафкуравий тусда бўлган.

Гозн Юнус гоълий мазмун берасида ҳам шитобчилик тарафдор. Унингча, халқ етарлича янги илмларни эгаллаб, маърифатли бўлган, жуда оз кишиларининг синидагина диний таассуб ва жаҳол сақланиб қолган, уларнинг синида-да янгича гоъларга тўлдириш керак. Абдулла Қодирий эса минг йиллардан буён диний тушунчала билан яшаб келган халққа янги гоъларни эҳтиётлик билан тушутириш кераклигини назарда тутиб, Қалқинининг гапларини келтиради. Бу билан Шўро ҳукуматиининг Шарқдаги сиёсати ҳам янгиликни тадриж йўлидан бориини кўзда тутишига ишорат қилади. Гозн Юнуснинг фикрича, Тошкент ҳам Шарқ, Қашқар ҳам Шарқ. Яъни Шарқ сиёсати ҳақидаги гаплар умуман Шарққа тегишли. Аммо Шарқнинг ўзида ҳам турли жойлар борки, улар тараққиётда, маърифатда бир-биридан кескин фарқ қилади. Шунинг учун Қашқарда қўланган сиёсатин Тошкентда қўллаб бўлмайди. Қодирий айтган тадриж Қашқарга тўғри келади, Тошкентга эмас, демакчидек бўлади. Чунки Тошкент маърифатда анча илгариллаб кетган.

Икки адибнинг ижтимоий-эстетик қарашларидаги фарқ оқир-оқ

батда уларнинг икки хил иймон-этиқод кишилари эканини аён қилади. Эҳтимол шунданлиб, икки адиб ҳам айрим ўринларда қизишиб кетадилар, бир-бирининг шахсиятига тегадиган гаплар ҳам қиладилар.

Абдулла Қодирий Ғозини Юнуснинг «Биз бу ерда Жулқунбойнинг ёшириш, лекин менга очиқ билгулик бўлган мақсади орқасида...» деган жумласини назарда тутиб: «Диндор демакчимисиз, миллатчи дейсизми?» дейди-да Ғозини Юнуснинг «Турма хотираси» асаридаги «Ҳамд»ни мисол қилиб келтиради. Ваҳоланки, Ғозини Юнус, ўзи эътироф этишича, юқоридаги жумлани ёзганида Жулқунбой билан икковини ўртасида Ёшми шаҳар матбаасида бўлиб ўтган фикр олишувни назарда тутган экан.

Ғозини Юнус қизиққонликда Қодирийдан ҳам ўтади. У Қодирийнинг диндорлигига ишора қилиб: «Мендан бир киши илгари қандай эдинг, деса, шундай жавоб берад эдим: «Мен мутаассиб бир жоҳил, диндорликда ҳозирги Жулқунбойнинг худди ўзгинаси». У аслида Жулқунбойнинг устидан кулмоқчи бўлади-ю, аммо ўзининг эътиқод борасида ҳам тадрижчи эмаслигини, бир эътиқоддан иккинчисига ўтишда аста-секинлик билан англаш, тушуниш орқали бормганини билдириб қўяди.

Ғозини Юнус «Турма хотираси» асарини ҳақида гапирганида ҳам унинг ёзилишини ўша пайтдаги (1918-йилда) Шарқ сиёсати билан изоҳламоқчи бўлади ва «Шу вақт худо ва расулни дастан қилиб хитобномалар тарқатилар эди», дейди. Шу тариқа сиёсат унинг учун ҳар қандай эътиқоддан баланд турганини маълум қилиб қўяди. У яна ёзади: «Ҳозирги вақтда ахлатка ташланадургон «Турма хотираси»ни босиб тарқатишга ўша вақтнинг матбуот идораларининг ижозат берилиши ортқиқа сўзга йўл қўймайдир». Ғозини Юнусдек мадраса кўрган адибнинг Аллоҳ ва унинг Расулининг номи битилган асарни «ахлатка ташланадургон» дейиши нафақат эътиқод кишиси, балки Шўро элиси сифатидаги шаънига ҳам яхши гап эмасди. Гарчи у ўзининг эътиқод кишиси бўлмагани тақдирда ҳам сўздаги муҳолифнинг Аллоҳга сизинишини билдирди. Ҳеч кўрса, шунинг ҳурматини қилиб, юқоридагидек гапларни ёзишдан сақланиши лозим эди. Бунинг устига, у ўша пайтдаги Шарқ сиёсати шундай эди, деб, гапни мен ўғри эмасман, Жулқунбойнинг ўзи ўғри, у сиёсатни тушунмайдиган, деган даражага олиб боради. Ҳолбуки, Қодирий «Турма хотираси» асаридаги «Ҳамд»ни «Тутдим ўғрини» маъносида эмас, балки Ғозини Юнуснинг эътиқод борасида ҳам тадрижчи билмаслигига ишора тарзида келтирган эди. Ғозини Юнус Жулқунбойга: «Ҳой бечора, ўн йилдан кейин нима қиласан?» дейди. Бу билан гўё ўн йилдан кейин бирорта диндор қолмайди, ҳамма янгича гояларга сизиниб яшайди, ҳамма ёпасига динни рад этади, демоқчидек бўлади, Қодирий «Муштум» (танқид) мақоласида журнолнинг 13-сон охириги саҳифасидаги динга қарши берилган расмни танқид қилиб, бу хил расмлар халқнинг диний туйғуларига қаттиқ тегишини айтган эди. Ғозини Юнус шунини ишора тутиб, бир расмга шунча қилсанг, «ўн йилдан кейин нима қиласан?» маъносида киноя қилади. Маълум бўлганини, Ғозини Юнус эътиқод деган нарсани ё яхши тушунмайдиган, ёки тушуна туриб Қодирийнинг жигига тегмоқчи бўлади. Ахир чин эътиқод кишиси ўн йил у ёқда турсин, ҳатто етмиш йил—юз йил ўтиб, одамлар диний эътиқоди туғул бошқа эътиқодларига туپурганида ҳам, ўз эътиқодида қолаверади-да!

Ўйриниб турибдики, «Муншум»нинг адабий-эстетик, мафкуравий йўли ҳусусида бошланган баҳс охири-оқибатда ниймон-эътиқод, сийса ва турмуш ҳақидаги мунозарага айланиб кетади, оғир мулоҳазақорликдан мулоҳазасизликкача етиб боради. Хўш, Абдулла Қодирийдан андиша, дивнат, мулоҳаза бобида тенгсиз бир ёзувчи бошланғичда соф адабий-мафкуравий бир баҳсининг таъли-маломат оҳангидан ўринсиз тортишувга айланиб кетишига қандай қаради экан? Қодирий «Шаллақ» мақоласининг бошида Ғозӣ Юнуснинг гапларига жавоб бериб ўтиришни қаламгагина эмас, газет учун ҳам, ўқувчилар учун ҳам раво кўрмаётганини, аммо кўпчилик Ғозӣ Юнуснинг гапларини бошқача тушуниш эҳтимолени назарда тутиб, яна жавоб бериш фикрига келганини айтади. «Ушар кўр» мақоласида эса: «Қалам қўлида, лекин ишма учундир бир неча галдан бери равои кетмайдир... дейди. Яна давом этиб ёзади: «Арабларда «Аввал йўлдош танил» шундан сўнг йўлга туш!» мазмунида бир мақол бор. Шунинг сирини йўлим тўғри ва хатарсиз бўлса ҳам йўлдошнинг ўта жаъфорул ва йўлқўбман, яъни чеким шалтоқча тушибдир...».

Қодирийга баҳсини давом этдириш осон бўлмаган. У иложи бўлганча босиқлик қилишга, мулоҳазасизлик йўлига юрмасликка ҳаракат қилади. Аммо барибир айрим ўринларда қизишиб кетади.

Баҳс иштирокчилари гоҳ фикрлар мантиқига бўйсуниб, босиқ ва вақсини мушоҳада юритганларида ҳам, гоҳ шаксини туйғулар домини га тушиб, қизишиб кетганларида ҳам уларнинг ҳар бирига ҳос эски-мавқе, ижтимоий-сиёсий назар, адабий-бадний савия аниқ сезилиб туради. Улар срасида эса ўша давр ижтимоий-сиёсий ва адабий воқеалиги бўй кўрсатиб тургандек бўлади. Демак, иккала адб ҳам 20-йиллар воқеалигини муайян даражада ўзларида акс эттирадиганлар. Уларнинг қарашлари жамият бағридаги индииятчи қарашлар ва тўқнашлардан акси садо бўлиб эшитилади.

Баҳс моҳиятидан маълум бўладики, Қодирий ижтимоий ҳодисаларга ниҳоят даражада босиқлик билан муносабатда бўлган, тараққиёт ва тақомил йўли тадрижда деб билган. Унинг ўйлашича, ҳақ қандай нурли кетиқбелга ҳам бирдан етиб бормаганидек, яъни турмушнинг ҳам бирданига яратиб бўлмайди. У кеча бир эътиқодда бўлиб турган одам бугун бугунлай бошиқа эътиқодга ўтиб қолганини «эски»дан «янгиг»га айлантишига унга ишонолмайди. Ҳар қандай одам бир эътиқоддан иккинчи бир эътиқодга ўтгани, ўзгаргани, илмол топиши турган гап. Аммо томдан тараша тушгандай эмас-д-ўртада табиий тадриж йўли бўлиши лозим. Шуларга асосланиб айта оламизки, Қодирий соғла инқилобчиликни, «ура-ура»чиликни кўхшламаган.

Ғозӣ Юнус эса анча радикалроқ. У янгилликка қараб шитоб билан бориш ва «эски»ликдан тезроқ қутулиш тарафдор.

20-йиллар ижтимоий-сиёсий фикрида шундай характердаги икки хил қараш, бир ғоя, бир мафкурага икки хил муносабат бўлган шубҳасиз. Бу икки хил қараш бир-бири билан диний баҳс-мунозарада яшаган. Абдулла Қодирий билан Ғозӣ Юнус мунозараси жамият бағридаги ана шу икки тўлқин баҳсининг адабий-эстетик мақомда юзага чиқиши эди, ҳоло. Шу боседан ҳам бугунги кунда Абдулла Қодирий айтган гапларнинг аксарияти тўғри-ю. Ғозӣ Юнусники нотўғри бўлиб кўринса, ёки аксинча бўлса, бунинг эвазига улардан бирини алқаб, иккинчисини четга итариш одобдан эмас. Насибани, шахслар ўз ижтимоий-фалсафий қарашларига эга бўлганли

лари учун айбдор саналмайдилар, балки шу иктимой-фалсафий қарашлардан қайси бирисини бўлсин қонуллаштириб қўйган иктимой тузум ёки жамият айбдордир.

Албатта, ягона ҳукмрон ғоя ва ягона ҳукмрон мафқурага турлича муносабатлар авж олган бир даврда икки ёзувчи ўртасидаги баҳс-мунозарада бунинг шарплари сезилмаслиги мумкин эмас. Бироқ бу «шарплар» адибларнинг адабий-эстетик қарашлари жумласида қандай намоён бўлади ва, умуман, уларнинг ёппа сиёсийлашуви ва мафқуравийлашуви даврида адабий-эстетик мавқелари қандай эди? Бизнингча, масаланинг шу жиҳатларига тўхталиб ўтиш орқалигина ҳар иккала ёзувчининг асли адабий-эстетик ва фалсафий оламини тўла тасаввур қила оламиз.

Бизнингча, Абдулла Қодирий «Муштум»нинг мавзу, ғоя ва шакл жиҳатидаги камчиликларига тўختалар экан, аввало адабиётни сиёсийлаштириш ва мафқуравийлаштиришга қарши чиқади. У: «Агар бир касб ўз ҳунарини илгарига юборса бизнинг «Муштум» орқага қараб тисланадир, жиддийлаша борадир», деб ёзади. «Муштум»нинг жиддийлаша бориши унинг сиёсийлашиб, мафқуравийлашиб боришини аниқлатар, бу эса унинг «орқага қараб тисланиши» — бадиятдан чекинастганини билдирар эди. «Муштум»нинг сиёсийлашиб, мафқуравийлашиб бориши унинг мавзуси ҳам, ғояси ҳам, шакли ҳам бир хиллашувига сабаб бўлмоқда эди. Яъни, жўрjolда чоил этилган асарларининг мавзуси фoш этиш ва қаровул чиқаришдан иборат, ғояси мулоҳазасиз ахлоқсизлик, шакли — тили дағал. Абдулла Қодирий «Муштум» сиёсат ва мафқуранинг қуроли эмас, соф адабий қулги жўрjоли бўлишини истайди. «Биз «Муштум»нинг «қулги» (қулги жўрjоли — М. Қ.) деб аталишдан сатира маъносини оламиз», деб ёзади у. Маълум бўладики, Абдулла Қодирий ҳали у вақтда қомпирқа томонидан матбуотга янқа ҳокимлик, монополчилик сиёсати юргизилганини яхши билмаган. Аммо билмагани ҳолда бўлса-да, бениҳтиёр шундай сиёсатни рад этган.

Абдулла Қодирий «Муштум» инсолида адабиётни сиёсийлаштириш ва мафқуравийлаштиришга битвосита қарши чиқар экан, унинг ҳам реалист санъаткор сифатидаги қатор адабий-эстетик принциплари, ҳам мукаммал эътиқод кишини сифатидаги ахлоқий-тарбиявий қарашлари маълум бўлади.

Аввало реалист санъаткор сифатидаги адабий-эстетик принципларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Қодирийнинг фикрига кўра, жиддий танқиддан фарқли ўларoқ, қулги танқиди ҳам мавжуд. Қулги танқидида бировини сўкиш ёки наместини ёўқ, балки инсонга ҳoлис муносабат бор. Қулги тасвирланаётган нарса ва тасвирловчи — ёзувчининг ўзарo тенг муносабатидан ҳoсил бўлмоғи ёки муносабат характерида тугилмоғи керак.

Қулги дегани қиммидир қулги қилиши, масхаралаш ҳам дегани эмас. У ҳаётни бадийий идрoқ этиш восита шакли — санъат. Тўғри, қулги билан дилларни ўкентини ҳам мумкин. Аммо бу oddий маънода энгил-сизг қулгидир ва ҳатто айтиш мумкинки, шунчаки бир одобсизлиқдир. Маълумки, Шарқ фалсафасида ўринсиз қулги, маънисиз қаҳқаҳага салбий муносабат билдирилибгина қолмасдан, андшасизликка яқин бир нарса деб ҳам қаралган. Шарқ одамининг қулгисин сирини бўлиб, андинда доирасидан четга чиқмаган. Эҳтиом шундандир, Шарқ муалло адабиётида ҳам қулги деган сўзга инсбатан «Йилмайди», «Табассум қилди» каби сўзлар кўпроқ қўлланил-

ган. Шу ўринда Алишер Навоийнинг «Ҳайратул аброр» асаридаги кулги хусусидаги шеърний сатрларни эсга олиб ўтсак, фойдадан холи бўлмас:

Тарки адабдин бири кулгу дурур,
Кулгу адаб таркига белги дурур.
Қаҳқаҳадин кабк наво келтуруб,
Бошига ул кулгу бало келтуруб.
Ғунча кулуб бўлди очилмоқ анга,
Етти очилмоқда сочилмоқ анга.
Барқки кулгу йиқибон тоғ аро,
Балки қилиб ер қуйи тупроқ аро,
Субҳки бу шева писанд айлабон.
Меҳр ўти дуррини сипанд айлабон.
Кулгуки ўз ҳаддидин ўлди йироқ,
Йиғламоқ андин кўп эрур яхшироқ.

«Муштум» кулгуси ҳам ўз ҳаддидан йироқлашиб ва ҳатто ўз ҳаддини билмай, сиёсийлашиб борарди. Аслида, кулги нафратгина эмас, меҳр-муҳаббат ҳамдир, кулги фош этишгина эмас, тарбия ҳамдир. Санъат маъносидаги ҳажвнинг моҳияти шундан иборат эди.

Ёзувчининг фикрича, ҳаётни фақат бир мавзу доирасида қамраб олиб бўлмайди. Адабиёт турмушни бор бўйича ҳамма мураккабликлари ва хилма-хилликлари билан олиб тасвирлашни лозим. Шунга кўра ҳар қандай адабий жанр («Муштум» кулгуси ҳам) ҳаёт талаб қилганча кўп ва турли-туман мавзуларни ёритишга ҳақли. Акс ҳолда, у турмушни сохталаштириб кўрсата бошлайди.

Мавзунинг танлай олишдан ташқари, унга тўғри ёндаша билиш ҳам лозим. «Муштум» турли мавзуларни қамраб оларди, тўғри. Аммо уларга бир хил — сиёсий, мафкуравий, синфий нуқтаи назардан ёндашарди. Натигада мавзу ранг-баранглиги фақат шаклда бўлиб, мазмун-моҳиятда фақат бир хиллик эди. Абдулла Қодирий «Муштум»нинг 13-сонида босилган «Ҳақиқий тарих» манзумаси ҳақида гапириб: «...йиғирма йиллардан бери бизнинг каттадан-кичикимизнинг ошу шуламиниз фақат шу қора тарихнинг такроридир», дейди. Демак, «қора тарих»га бошқачароқ ёндашиш ҳам мумкин. Фақат бунинг учун мавзу моҳиятини шаклда эмас, индан — мазмунда ҳис этиш лозим бўлади.

Абдулла Қодирийнинг муҳим хулосаларидан яна бири — адабий-бадний асарда шакл ва мазмун муштарақлигидир. У шундай деб ёзади: «Ёзувчиликда бир қонун бор: ҳаммадан илгари маъно, ундан сўнг шу маънони — фикрни ифода қилиш учун сўз қуриш, сўз эмас — санъаткорона, яъни шундоғ сўзки, айтмакчи бўлгон фикринг ифодаси учунгина махсус яратилгон бўлиб, ясама бўлмасин!». Демак, шаклни маъно белгилайди, у маъно табиатидаги ўсиб чиқиши унга мос бўлиши лозим. Зеро, шакл маънонинг воқе бўлишидир. Шакл бўлиши учун маъно бўлиши керак. «Муштум» эса «тузсиз ва мазасиз ошлар билан бўлса ҳам қоринини тўлдириб қаппаймоқчи» бўларди.

Абдулла Қодирийнинг адабий тил хусусидаги фикрлари шундай адабий тил халқ тилидан ўсиб чиқади, уларнинг асоси бир, аммо қўлланиш доиралари, адабий-ижтимоий вазифалари турлича. Ёзувчи одам асар ёзганида шу икки тилнинг фарқига бориши, икки тилни бирданига аралаш қўлламаслиги, яъни «мақола бир, мавзун бир

бўлиб турганида, «ёзувчи ҳам Тошпўлат таянч, ҳам Калвак маҳзум» бўлмаслиги лозим. Демак, ёзувчи бу икки тилдан мавзу талаб ва қаҳрамонлар характериға қараб, у ёки бу тарзда фойдаланганига ютади. Иккинчидан, адабий тил халқ тилиға мос бўлмоғи, унинг барча яхши хусусиятларини ўзинға сингдирмоғи лозим. Ёзувчи одам тилда ўзинча «кашфиёт» қилиб, сўз ва ибораларни халқона истемолдағиға энд тарзда қўлласа, бу унинг тил тузатиши эмас, тил бузиши бўлади. Чунки биргина сўз ёки иборанинг нотўғри қўлланилиши ёзувчи ёзаётган асарининг руҳини халқ руҳидан бегоналаштириб қўяди. Абдулла Қодирий Оқ Падар деган ёзувчининг «Рад бўлиниң фалакимизға тушкан шунгииялар» жумласи хусусида гапириб, шундай дейди: «... бу жумла эса маълумотсизлик устиға яна тил билмаслиқдир:

1 — «фалак» эмас — «палак»дир;

2 — шунгиия палакка тушмайди, балки палакнинг илдизидан кўкариб чиқади;

3 — ўртоқ Оқ Падар ўйлаган палакка тушадургон нарса шакар қуртидир. Қисқаси: ўзбекчада чиқмоқ билан тушмак маъноси бир эмас».

Бизнингча, Қодирийнинг бу тузатишида нозик бир маъно ишорати ҳам бордай. Одатда, шунгиия дейилганида зараркунандалик тушунилади. Оқ Падар ҳам бу сўзини шу маънода қўлаган. Яъни палак — янги тузум маъносида бўлса, шунгииялар — аксилшўравийлар маъносида. Аммо у «фалакимизға тушкан шунгииялар», дейиш билан шунгиини палак — янги тузумдан ташқаридаги бир нарса сифатида ифода қилган. Қодирий эса шуния палакка ташқаридан тушмай, балки унинг ўз илдизидан кўкариб чиқадиган нарса эканиға ишора қилмоқда. Шу тариқа Оқ Падар айтган «Фалак» идеал, фаришта палак эмас, одатдаги палаклардан бири экани англашилади. Ёзининг шунданки, Абдулла Қодирий ва Ғозн Юнус баҳсида «тушмоқ» ва «чиқмоқ» сўзларининг халқ оғзидан қандай маъноларда қўлланилиши ҳақидаги гаплар тортишувнинг принципиал масалаларидан бириға айланади ва ҳар иккала адибнинг шу сўзларға муносабатидан уларнинг адабий-эстетик қарашларидаги кўп жиҳатлар ойдинлашиб қолади.

Ёзувчи услуб масаласиға ҳам тўхталиб, шундай дейди: «Услуб деган нарса тил билмика берлиқ бўлгон ва ҳар бир ёзувчининг тилининг характери каби бўлиб танилгон бир хусусиятдир. Демакчи, бизки езиниға малака ҳосил қилинғоч, услуб ҳам ўз-ўзидан тугиладир». Маълумки, тил тафаккурининг тәушуларда акс этишидир. Тил воқе тафаккуридир. Ёзувчи тилин қанчалик пухта эгалласа, унинг тафаккури шунчалик чуқур. мутоҳаза тарзи шунчалик кенг бўлади. Бундан ташқари, тилдаги ҳар бир сўз инсонларнинг табиатига ижтимоий воқеликка муносабати натижаси ўлароқ юзаға келган. Демак, сўз — муносабат, тил эса — муносабатлар тарихидир. Ижодкор ана иш тарихни мукаммал билиб олганидан сўнгиини дунёға, воқеликка лиғича бир муносабат руҳини — ўз услубини яратган бўлади. Тил билмасдан услуб яратиниға интилиш ё кўр-кўрона тақдирчиликка, ёки бўлмасам зўраки «бадийлик»ка сабаб бўлади. Қодирийнинг фикрича, услуб «ҳар бир ёзувчининг тилининг характери каби бўлиб танилгон бир хусусиятдир». Яъни услуб тил хусусиятидан фарқли ўлароқ, аммо тил хусусиятининг ўзида акс этувчи ички бир хусусиятдир. Услуб тил — ташқи, моддий муносабатдан туғилувчи

ички маънавий муносабат — ички «мен»дир. Шунинг учун ҳам адиб: «ёзишга малака ҳосил қилинган услуб» — ички муносабат шакли ҳам ўзи-ўзидан туғилади, дейди. Ички муносабат шакли вужудга келмоғи учун уни шакллантирувчи ташқи муносабат шакли — тилни биллиш зарурдир.

Маълумки, ҳар қандай бадий образ умумийлик, хусусийликнинг муштарак жиҳатларини акс эттирган ҳолда юзага чиқади. Бадий образ яхлитлашган, ягоналашган умумийликдир. Қодирий «Тегишқоқ» таҳаллусли бир кишининг «Эси жойида экан» номли ҳикоясини таҳлил қилар экан, унинг қаҳрамони типик эмаслигини назарда тутиб: «... шу ҳикоянгиздаги қаҳрамонингизнинг нусхаси Ўзбекистонда топиладими, йўқми? Агарда шу ҳолни «Онаси туққанда, ёлган» десангиз бизни маъзур кўрингиз!» дейди. Демак, Абдулла Қодирий образларининг бадий умумлаштирувчилик хусусиятига, типиклаштиришга катта эътибор берган. Шуларсиз бадий асарга ҳос жонлилик ва ҳаётийлик сифатлари таъмин бўлмаслигини яхши ҳис этган.

Абдулла Қодирийнинг ахлоқий-тарбиявий қарашлари ҳам унинг адабий-эстетик, ижтимоий-сиёсий қарашлари билан бир бутун бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради, бир-бирини тақозо этади. Мақолаларнинг ҳаммасида ёзувчи эътиқодига ҳос тарбиявий қарашлар бўртиб туради. Аввало, у «Муштум»нинг йўл йўқотиш касалига мубтало бўлганини била туриб, билмасликка олишни, жим туришни ўз эътиқодига зид деб билган. Қолаверса, йўл йўқотганга йўл кўрсатиш Шарқ одамига ҳос муҳим фазилатлардан биридир. Абдулла Қодирий «Муштум» хусусидаги танқидий фикрларни билдириб қўйишни фақатгина санъаткор — ёзувчи сифатидаги фарзи ҳам деб билган. Яна бир жиҳати шунки, Қодирийнинг эътиқодига кўра халқнинг маълағига чиқиб турган бир матбуот нашрида шу халқнинг ижтимоий ва ахлоқий манфаатларига ҳос келмайдиган маза-матрасиз асарларнинг, мақолаларнинг берилиши уни қон қақшатиш билан тенгдир. Азимо «Жўрнолни» чин эгаси бўлгон деҳқонда тил йўқки, «маъносиз говлаган палак мени қон йиғлатадир!» деб айтса...» Айтмайди. Лекин айтмайди деб уни қон йиғлатавериб ҳам инсофданмас-да!

Абдулла Қодирий сўз, калом масъулиятига эътиборин қаратади. Нутқда бир хилдаги сийқа гаплардан қочишга ундайди. У сўз қисқа ва аниқ, ифода эса содда ва гўзал бўлишини истайди. Ёзувчи Оқ Падарнинг «Лўттибозликлар» мақоласидаги бир жумлага тўхталиб: «Бу жумладаги тилга мен билан ўртоқ Оқ Падар тушунмасақ ишчи деҳқоннинг тушуниши жуда мушкил ва бу тил тузатиш эмас — бўзиш!» дейди.

Абдулла Қодирий ёзувчилик этикасига ҳам урғу бериб ўтади. Ёзувчи одам ниҳоятда ақдишали, ҳақиятли бўлмоғи, ўзини биллидон қилиб кўрсатмаслиги, билмаган нарсага сукут қила билмоғи керак.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, Қодирий маънавият, ахлоқ маънавияти, ахлоқидан нусха кўчиришига интилишни қатъий интиштириб, «Муштум»нинг «Безбожлик» ва «Мулла Насриддин» журналларига тақлидан диний ноўрин танқид қилишни, ўрис жўрнолардан ахлоқсиз расмларни кўчириб босишни Қодирийнинг газабини келтиради. Буни халқнинг ўша пайтдаги ва келажак ҳаётига хиёнат ҳисоблайди.

Дидикатга сазовор жойи шундаки, Қодирий мақолалари давомида ўзи илгари сурган принципларга амал қилишга ҳаракат қилган. Шў тариқа, у «Муштум»нинг муҳим, асосий камчиликларига турмушнинг реал талаблари нуқтаи назаридан баҳо беради. Масалан, у «Муштум»нинг 2-1 саҳифа бўлиб чиқиши ўзини оқламаслигини, беҳудо сарф-ҳаражатларга олиб келишнинг уқтириб ўтади.

Абдулла Қодирийнинг ўзига хос адабий-эстетик ва ахлоқий-тарбиявий қарашларидан фарқли ўлароқ, Ғози Юнуснинг адабий-эстетик қарашлари бирмунча сиёсий-мафкурвий тус олди. У Қодирий ўртага қўйган аниқ адабий масалаларга ҳам умумий сиёсий руҳда жавоб бермоқчи бўлади. Натижада, масаланинг моҳиятидан йироқлашиб, қовун тушириб қўяди. У Абдулла Қодирийнинг «Муштум» тили ҳусусидаги танқидий фикрларига жавоб берган бўлиб шундай дейди: «Муштум»нинг сўзда иқтисодсизлиги тўғрисидаги танқид қабиатланурлик эмас, chunki бизнинг тилимиз ҳали ишланмаган бир тилдир, ҳали тилчиларимизнинг ёлгон нарсаларида ҳам тилсизлик, дағаллик, услубсизлик, иқтисодсизлик бордир. Бу кун имлочиларнинг ҳар бири бошқа имло билан ёзганда, бир жумла сўзни ўн киши ўн хил тузадир». Ғози Юнуснинг ўйлашича, ёзувчилар тилидаги (бадиий тилдаги) камчилик учун тилчилар айбдор экан. Тилчилар ягона адабий тилнинг умумий мезонларини ишлаб чиқишлари мумкин, аммо ҳар бир ёзувчининг индивидуал тилини ҳам ишлаб беришолмайдик-ку! Бу ҳам майли. Аммо ёзувчининг «бир жумла сўзни ўн киши ўн хил тузадир», дейиши ва бунга имлонинг ҳар хил эканини «сабаб» қилиб кўрсатмоқчи бўлиши янада кулгилди. Қодирий ҳам шунини назарда тутиб: «Бир жумла сўзни албатта ўн киши ўн хил тузадир. Сиз бунинг бир хил ёзмайдик, деб айтмагик. уёт...»

Ғози Юнус динга қарши берилган расмларни оқлаш учун ўрисларнинг «Безбожик», озарбайжонларнинг «Мулла Насриддин» жўрнелларини мисол келтиради, «Ҳатти биз «Безбожик»ка ёки «Мулла Насриддин» каби оёқ босқонимиз йўқ-ку», дейди.

Умуман, Ғози Юнус адабиёт масалаларида ҳам тадрижчи эмаслиги, уларга кўпроқ сиёсий-мафкуравий назар билан қарагани сезилиб туради.

Албатта, иккала адибнинг қарашларида ҳам муайян маънода эҳдиётлар, қарама-қаршиликлар бор. Улар ҳусусида исалгангича баҳс-мунозара юритиш мумкин. Агар Ғози Юнуснинг ижтимоий-сиёсий ва адабий қарашларида кўпроқ давр мафкураси ва сиёсатининг таъсири сезилса, Абдулла Қодирий қарашларида умуминсоний қадриятлар юки кўпроқ.

Қодирий, назаримизда умумий, принципнал масалаларда ҳақ. Аммо жўзлий масалаларда баъзи бирёқламаликларга йўл қўяди. У «Муштум»нинг умумий йўлини танқид қила туриб, мисолларни фақатгина битта — 13-сондан олади. Ўзи тилга олиб ўтган камчиликларни фақат «Муштум»гагина хос бўлган камчиликлар сифатида кўрсатади, уларнинг ижтимоий-сиёсий ялдишларини очиб бермайди. Фақат бир ўриндагина матбуот тили ҳақида сўзлай туриб, бу борадаги этишмовчиликлар ҳамма нашрларга хос эканини айтиб ўтади, холос.

Юқорида биз Абдулла Қодирийнинг «Муштум» ҳақидаги қарашлари 1925 йилга келиб кескин ўзгаргани ҳусусида айтиб ўтган эдик. Бизнингча, бу ўзгариш бирдангича юз бермай, балки адибнинг ўзи айтган тадриж йўли билан кечган. Биз бу тадрижнинг бир қанча

омилларини айтиб ўтдик. Аммо яна бир омил борки, унга ҳам ўз-
гаришларнинг бошлангани 1923 йилга тўғри келар. Ўзувчи жўрнали-
нинг бир-иккита сони чиққанидан сўнг унинг адабий-мафкуравий
йўлини ўзгартириш ҳаракатига тушган бўлиши эҳтимолдан холи
эмас. Адибнинг ўзи ёзишича, «Муштум»нинг саккизтача сони чиқ-
қанидан кейин Қодирий ишдан бўшатилди. Бизнингча, бу бўшатиш
бекорга бўлмаган. Ўзувчи «Муштум»ни ҳақиқий кулчи жўрналига
айлантирмоқчи бўлгани кимларгадир маъқул келмаган бўлса не
ажаб. Чунки адибнинг ўша пайтда ишдан олиниши сабаби номалум.
Қодирийнинг ўзи ҳам ишдан кетишининг асл сабабини яхши билма-
ган, соддалик билан «Идоранинг оқчасизлигидан бўлса керак» дей-
ди, холос.

Яна мафкура ҳукмири бўлган тузумда шу мафкурага мос фикр-
ламайдиган кишиларни қандай қилиб бўлмасин йўлдан олиб таш-
лаш тажрибаси бўлганини ва ҳануз хилма-хил шаклларда давом эта-
ётганини яхши биламиз. Аммо бундай инсонлар ишдан олинадиган
чогда ҳеч қачон гайримафкуравий қарашлари учун ишдан олиниди,
дейилмаган. Балки силлиққина қилиб, «соғлиғи ёмонлашгани туфай-
ли», «пенсияга чиқиши муносабатин билан» деб қўй қолган. Яна
бундай кишилар атрофида донмий фитналар уюштирилиб турилгани
ҳам маълум гап. Қодирийнинг ўзи ҳам кейинроқ, 1926 йилда шу-
дай фитнага учраб, суд қилинган эди. Ана шуларнинг ҳаммаси бир
бўлиб, Қодирий 1923 йилда фақат «Идоранинг оқчасизлиги» туфай-
лидангина ишдан озод қилинмаган, бунинг бошқа сабаблари ҳам
бўлган, деган каби тахминни юзага келтиради. Албатта, бу ҳозирча
тахмин. Аммо тахминда ҳам гап кўп-да!

ҲАҚИҚИЙ ҲАЖВИЙ ТАҲЛИЛИ

Абдулла Қодирийнинг ҳажвий мероси ҳанузгача тўлалигича
йирилган, атрофлича ўрилган эмас. Маълумки, Қодирий ижод-
даги пик қадамлариданоқ ҳажвиётга мойиллик билдирган эди, унинг
«Аҳволимиз», «Тўй» шеърлари, «Шодмарг» деган фелъетон-ҳикояси
шундан далолат беради. Бундан ташқари унинг «Жувонбоз», «Бахт
сиз кув», «Улоқда» сингари жиддий асарларида ҳам адибдаги но-
зик ва ноёб кулчи туйғуси, халқ кулгисининг хилма-хил жилотлари
уч бериб туради.

Қодирийнинг ҳажвий истеъдоди хусусан Октябр, инқилобдан
кейин, 20-йилларда тўлароқ намоён бўлди. Қодирий «янги инқило-
бий кулгиллигимиз ўз тарихини Буюк октябрдан сўнг ёзганлигини
ўқтириб, дейди: «Октябргача бўлган ўн йил ичида жадидлик байро-
ғи остида чиққан матбуотга назар ташланса, кулгу рағбидоғи пар-
чага жуда оз ўчрашлади ёки сира ўчрашилмайди. Демак, биз-
янги давр кулгиллигини бошлаб берувчи, бизга ўхшаш хом кишилар
ни бу йўлга тортувчи Улуг Октябрдир». Адибнинг фикрича, инқило-
бнинг кулгиллик даҳоси аксар ўша қавмнинг интибоҳ-уйғониш тари-
қининг қалдирғочи бўлиб кўринади: масалан, Италияда Данте, И-
спанияда Сервантес ва Россияда Гоголлар каби бизнинг кулгиллигимиз
ўз тарихига эга, аммо янги ҳажвиётимиз ўзининг чил негизини ҳа-
сола олган эмас, Октябр иқтимоий инқилобининг турткиси бил-
ан эндигина уйғониш кўчасига кира бошлади... Адиб ўша кезлар

биёда «ўткир кулги ижодчиларни йўқлигидан», «бу кунги ҳажвийёти мизда кескинлик етишмаётганлигидан» афсусланади. «Бироқ яхши ҳусусиятимиз шундаки, ҳар замон жамиятнинг қитиғини излаймиз, излашдан чарчамаймиз ва ўтириб қолмаймиз» дея ўзига таскин беради, янги иккилобий ҳажвчилик «ёшлиги жиҳатидан дағаллиги, кўполлиги ва камчилиги бўлиши ҳам табиий» эканини эътироф этади.

Дарҳақиқат, ўтган асрда Гулханий Муқимий сингари ҳажвчиларни берган ўзбек адабиётида асримизнинг дастлабки йиғирма йилли давомида ёрқин ҳажвий истеъдодларини, баркамол ҳажвий асарларни деярли кўрмаймиз. Мавжуд ҳажвий йўналишдаги асарларнинг аксарияти ибтидоий, яланғоч ташвиқий, нуқул «қолоқ удумлар»ни қоралаш — фош этиш руҳида. Бундай бирёқламалик инқилобдан кейин ҳам бошқачароқ кўринишда давом этади. Агар инқилобдан бурун ҳажви кўпроқ тараққийпарвар адиблар қўлида маърифатпарварлик — жадиднилик гояларини тарғиб этишга, «қолоқ удумлар»ни қоралашга хизмат қилган бўлса, инқилобдан кейин янги ҳукмрон инқилобий мафкураининг «ўткир қурол»га айланди, эски тўзумни, унинг маънавий асосларини, эски жамият устунлари бўлмиш маънабдор, бой ва руҳонийларни қаҳру ғазаб билан қоралаш, савалашга тушди. Инқилобнинг дастлабки йиллари яратилган аксари ҳажвий асарларда қаҳру ғазаб, қоралаш, фош этиш бор-у, чинакам санъат асарига, чин маънодаги реалистик ҳажвийётга хос. Қодирий ибораси билан айтганда, «характер кулгуси», ҳаётининг, турмуш ҳодисаларининг ҳолис ва тира бадний таҳлили йўқ. Қодирийнинг кўплаб ҳажвийлари ҳам бундай камчиликлардан ҳоли эмас. Айни пайтда 1915 йилда битилган «Улоқда» ҳикоясидан бошлаб ёзувчи ижодида кулгининг хилма-хил товланишлари — енгил ҳазил, нимтабассум, киноя-кесатик, пичинг йўллари билан халқ турмуши манзиларини ҳолис туриб чизиб, персонажлар қисмати ва характери моҳиятини очиб тенденцияси кўзга ташлана бошлаган эди. «Отам ҳам большевик», «Тинч иш», «Бечора Розикбой ака», «Маслаку мақсаддан шаммаъин изҳор» каби асарлари бу жиҳатдан характерли. 20 йиллар миёнасида яратилган «Калвак маҳзумнинг хотира дафтаридан», «Тошпўлат тажаниг нима дейди?» ҳажвий қиссалари янги инқилобий кулгичилигинининг жиддий ютуғи бўлди. Бу асарларда ёзувчи кулгисини чиндан ҳам «характер кулгиси» даражасига кўтарилди, муаллиф энди ҳаётдаги, одамлар табиатидаги муайян ҳодисаларни соф мафкуравий мавқеда туриб нуқул бирёқлама қоралаш, фош этиш йўлидан бормай, характер ва ҳодисаларни ҳолис туриб мураккаблани, зиддиятлари билан кўрсатишга жазм этади. Ҳа, Қодирий буюк сўз усталарига хос реалистик тасвирнинг сеҳрли қудратини кўрсатди, ҳаттоки ҳажвий асарларда, ҳажвий персонажлар талқинида ҳам бир хилдаги ранг, оҳангдан қочиб бўёқларнинг ранг-баранг жиҳоларини намоён этди. Бундай фазилат «Ўтган кунлар» романидаги Ўзбек оғини, «Меҳробдан чаён»даги Солиҳ маҳдум, «Обид кетмон»даги Хатиб домла, мулла Мухсин образлари ифодасида яна ҳам сайқал топган. Мазкур образлар жаҳон адабиётидаги ҳажвий характерларнинг энг мумтоз намуналари қаторидан ўрин олишга ҳақли.

Қодирий ижодининг, санъатининг кўп қирралари қатори унинг ҳажвий бисоти моҳияти ҳам ўз вақтида тўла англаб етилмади. Қодирийга, Қодирий ижодига жоҳилларча муносабат айни унинг ҳажвий асарларини нотўғри тушуниш, талқин этишдан бошланди, чунончи, адибнинг 1926 йили «Муштум»да босилган «Йиғинди гаплар»

ҳазм-йасдаги муҳимият раҳбарлари ҳақида овсар бир персонаж билан айтилган беозоргина танқид, ҳазил аралаш ҳақ гап учунга сиёсий айб қўйилиб, қамоққа олиниди, адиб устидан пгво, бўғилар уюштирилди, бу табарруқ зот шаъни оёқ ости этилди. Ўзбекистонда Солиҳ маҳдум каби персонажлар ўша давр танқидчилиги, умуман ёзувчининг ютуғи сифатида инсбатан ижобий баҳолашга бўлса ҳам, бу хил образлар моҳияти анчайин юзаки талиғи этилди. Бу ҳол кейинги йилларга қадар ҳам давом этиб келди. Сўнгги пайтларда «Меҳробдан чаён», «Обид кетмон» персонажлари тавароғидан айрим баҳолар, янгича излашлар нийтида фақат маъкур асарлар персонажларигина эмас, умуман Қодирий ижодидаги ҳажвий характерларининг адабиётшуносликдаги талиғини кескин танқидга, қўлга қўлиб чиқишга муҳтож экани маъдум бўлиб қолди. Шунинг билан бир қаторда адабиётшунослар «Меҳробдан чаён»даги Солиҳ маҳдумни салбий тип, қабохатлар тимсоли тарзида баҳолайдилар, ўдаъволатини романдан олпнган далиллар асосида неботлашга ҳаркат қиладилар. Танқидчи Азим Раҳимов «Солиҳ маҳдумда инсбий айб?» мақоласида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1990 йил, август) эса бу шахс устига қўйилган айбларни рад этишга, ҳар билан уни оқлашга — реабилитация қилишга тиришади, маҳдумни «ижобий ишларининг», «инсоний фазилатларининг тасдиқлайдиган далиллар келтиришга уринади. Ёш адабиётшунос Муртазо Қаршиев «Солиҳ маҳдум фаринтамин?» мақоласида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1990 йил, 2 ноябрь) эса ислом мафкураси нуқтаи назардан келиб чиқиб, А. Раҳимов даъвосига эътироз билдиради. Солиҳ маҳдумни ўта салбий кимса сифатида қоралайди. У ҳам романда ўз қарашларининг тасдиқлайдиган талай далилларини топишга эришади. Эҳтимол, яна бир тадқиқотчи бу образга бошқа темондан ёндашиш ўз қарашин неботи учун янги далиллар топиш мумкин. Хўш, не шундай? Гап шундаки, адиб бу образ тасвирида реализмининг муътабар принципларига амал қилган. Ўзининг шахсий майллар мафкуравий мақсадларидан юксакроқ турган, бу тур одамлар ҳақи қандай бўлса, шундайлигинча — ҳолис кўрсатган: бу шахс ёзувчининг хоҳиш продаси билан эмас, ўз ички мантиқ асосида объектив илтифат, вазият тақозосига кўра ҳаракат қилади. Оллоҳ нисом этилуваласидаги мавжуд табиий ҳусусиятларни ошкор этади. Характер ва ҳаракат мантиқига кўра, бизнингча, бу одам романдаги инсқутб — «несарғуб-манфий қаҳрамонлар» ёки «сарғуб қаҳрамонлар» тоифасига ҳам кирмайди. У ички ўт орасида қолган, табиатида оғир майлларининг қулига айланиб, шайтон васвасасига учиб, ваъдат, шаронт ҳукмига бўйсуниб, ҳам аянчли, ҳам қулғили аҳволга кириб қолган шўрлик бир банд. Дарҳақиқат, унда бир талай ижобий фазилатлар бор, бироқ улар ўқувчида ўзига инсбатан ижобий таътилга уйғотинишга тўла қодир эмас: унда кўп ярамас одатлар бор, бу эса, негадир, унга инсбатан сизда кескин бир нафрат ҳам туғилиб майдн: кўп ўринларда, ҳусусан, пировардида унинг ҳоли, аҳви аянчли, аммо сиз ҳеч қачон унинг аянчли ҳолига астойдил ҳам бўлолмайсиз. Ёзувчи ҳақ қулғусининг гоит хизма хил инсбатларига солиб, бу одам табиатининг жамийки қирраларининг кўрсаткичи. Маҳдум образи тиб моҳиятининг мана шу ифодалар ранг-баранглигидан назарда тутмай туриб очнш, тағига етини, мўнқул, фақат бир ички жиҳатигагина ёпишиб олиб бу образ ҳақида ўзгир-кесил таътил чиқарамаи деган киши, шубҳасиз, янглишади.

Шундай бирёқламалик адибиининг «Калвак маҳзумининг хотира даф- тарида», «Тошпўлат тажанг нима дейди?» каби асарлари талқини- да ҳам кўзга ташланади. Н. Султонов «Абдулла Қодирий» тадқиқо- тида биринчилардан бўлиб бу икки асарни анча кенг таҳлил этган, маъкур асарларининг асосий пафоси ижтимоий ҳаётнинг ҳамма со- ҳаларида, айниқса кишиларнинг онгида сақланиб қолаётган эскилик қолдиқларига, эксплуататорлар синфи идеологияси саналмиш динга, фақат капитализм сарқитларингагина эмас, феодализм қолдиқларига қарши курашдан иборат эканлигини айтади. Бугина эмас. Олим- нинг фикрича, «Абдулла Қодирий салбий характерларни тасвирлаш орқали ижобий ҳодисаларни тасдиқ этади», «ёзувчи совет даврида ги ижобий ҳодисаларни шу ҳаётда эскилик сарқити бўлган салбий персонажлар орқали тасвир этади». (Н. Султон. Асарлар. Тўрт том- лик, Иккинчи том, 345-бет.).

«Ўзбек совет адабиёти тарихи»да (1 том, 1968 й.) ҳам «Калвак маҳзум» билан «Тошпўлат тажанг» асосан феодал ўтмишнинг ки- шилар онгидаги сарқитларини фош этувчи асарлар сифатида қара- лади. «ёзувчи бу асарларда, — дейилади китобда, — ўтмиш сарқит- лари, руҳонийлар ва текинхўр такасалтанглари қаттиқ танқид қила- ди, уларнинг янги ҳаёт қуришига кўрсатаётган қаршиликларини очиб ташлайди» (71-б.). Бу асарлардаги етакчи персонажлар моҳи- яти одатдаги қарашлар доирасида шарҳланади. Чунончи, Маҳзум — реакцион руҳоний, эски тузумнинг кўпгина ярамас томонларини ўзида мужассамлаштирган, у янги тузум афзалликларини тушуниш- дан жуда узоқ кимса (262-бет.). Калвак маҳзум ўтмишига оид тас- вир маъноси шундай изоҳланади: «Таржиман ҳол» билан танишар эканмиз, ички дунёси чирик, ташқи дунёси кулгилик калвак Маҳ- зумгина эмас. Балки бундай тубан тушунчали, бузуқ ахлоқли ки- шиларни еттиштирган ўтмиш жамият, қолоқ ижтимоий тузум иллат- ларни ҳам кўз ўнгимизда намойиш бўлади» (264-бет). Маҳзумнинг со- вет давридаги саргузаштларига оид тасвир маъносининг «Тарих»- даги талқини эса мана бундай: «Октябрь социалистик революцияси- дан кейинги янги тарихий шароитда — Калвак Маҳзум каби киши- лар тонфасининг илдизига ботла урилган бир вақтда — реакцион руҳоний уламолар дарғазаб бўлдилар, прогрессив кишиларга қарши гийбат ва бўҳтонларни ёғдирдилар» (264-б.). «Тарих»да «Тошпўлат тажанг» хусусида мухтасаргина қилиб у «ўтмишдаги қолоқ ижти- моий тузумнинг ярамас сарқитларидан қўтила олмаган тубан киши- ларнинг тинлик бир вақили» дейилади (261-бет). А. Алиев «Абдул- ла Қодирий» китобида «Калвак большевикларининг, янгича кишилар ва янгича тартибларнинг ашаддий душмани», «калваклар гуруҳи совет замонасидаги энг реакцион элементлардан бири» (67-бет); Тошпўлат эса «бекорчилик орқасида текинхўрликка ўрганиб, янги ҳаётдаги ҳамма нарсага нафрат билан қарайдиган бебурд чапани» деб ёзади (62-бет). Азим Раҳимов «Солиҳ маҳдумда нима айб?» мақоласида яна ҳам кескинроқ қилиб «Калвак маҳзум жоҳил ва нотаъон, жисмоний ва маънавий мажруҳ бир шахс», «унда қизгин фаолият учун куч ҳам, билим ҳам, қобилият ҳам йўқ», «ўтакетган худбин, ақли кўтоҳ бир подон», «юз бераётган қатта ижтимоий иқ- тисодий ўзгаришларга тор манфаатпарастлик доирасидан қарайди», «у жамият тараққиёти томонидан четга улоқтириб ташланган жир- канч кимса» дейди. Ниҳоят, энг кейинги манбалардан бири «Ўзбек совет адабиёти тарихи» дарслигида ҳар иккала асардаги асосий гап

эскини, салбийни инкор этиб, фош қилиб, янгиининг улуғвор, —
етий, пўртанавор одимларини тасдиқлашда ва олқишлашда эки-
таъкидланади (32-бет).

Биз «Калвак маҳзум» ва «Тошпўлат тажанг» ҳақидаги бу
фикрларни бутунлай рад этмоқчи эмасмиз, уларда бир қатор
қиқат бор, албатта. Аммо ҳар икки асарнинг, улардаги етакчи пе-
сонажларнинг маъно-мазмун доираси фақат шулардангина ибор-
эмас. Бизнингча, бу хилдаги гаплар ҳар икки асарнинг айрим
хатлари, кўпроқ улардаги маъно қатламларининг устки, ташқи
монларигагина дахлдордир, ҳолос.

Аввало ҳар икки асарнинг асосий пафоси ўтмишни қоралаш, ф-
дал ўтмиш сарқитларини фош этиш, совет даври воқелигини, ф-
етдаги янгиликларни тасдиқлаш ва олқишлашдан иборат деб сан-
яъни асарларни соф мафкуравий тарафкашлик маҳсули, деб қар-
нинг ўзида муайян бирёқламалик бор. Ҳар икки асарни танқид эти-
га киришганда ёзувчининг мазкур асарлар ва уларнинг етакчи пе-
сонажлари хусусида айтган мулоҳазаларини ҳам назарда тутмоқ д-
кор. Маҳзум ҳақида Қодирий дейди: «Калвак маҳзумни ўқинг: к-
дан ҳақиқий ҳаёт билан алоқаси узилган, мадраса хурофоти би-
мияси ғовлагон ҳолис бир маҳалла имомини кўрасиз». Сўнгра Т. Б-
пўлат ҳақида мана бундай дейди: «Тошпўлатни ўқинг: ишсиз, би-
бит, бити сирка бўлмаган ва шу фақирлик орқасида ўғрилиқ ва ф-
шият денгизида сузиб, тажангланган ҳолис бир чапаннинг кўраси
Эътибор беринг, адиб бош қаҳрамонлари — Маҳзум, Тошпўлат
рактерли ирода йўналишларининг етакчи жиҳатларига ишора қи-
япти, шу билан баробар ҳар иккала шахс характерининг бир муш-
рак жиҳатини — уларнинг «ҳолис» одамлар эканини уқтиря
Маълумки, ҳар иккала асар ҳам ўша етакчи персонажлар тили,
ҳикоя қилинади. Табئيкий, улар ҳодисаларни ўз санъиси нуқтаи
заридан туриб баҳолайдилар. Бироқ улут реалист ёзувчи санъ-
нинг сеҳри шундаки, муаллиф мадраса хурофоти билан мияси н-
лаган мутаассиб руҳоний Маҳзум, ишсизлик ва фақирлик орқас-
эзилиб тажангланган чапани Тошпўлат характерларига хос бир
лисликни ҳам кашф этади. Бир қарашда хийла тарафкашлик би-
ҳикоя қилинаётган ҳодисаларга ҳаётнинг ҳолис, объектив манзар-
гавдаланади. Ҳар икки асарни синчиклаб ўқир экансиз, уларда
фақат феодал ўтмишни қоралаш, эскилик сарқитларини, мутаас-
руҳоний ва тажанг-бесорини фош этиш ёки совет даври янгили-
рини тасдиқлаш ва олқишлашнинггина эмас, айни пайтда ўтмиш
мерос, қатор халқ удумлари — қандай бўлса шундайлигини,
фий ва мусбат томонлари билан кўрасиз. Айниқса, асарда су-
тўйи, никоҳ тўйи, фарзандни мактабга, мадрасага узатиш, аза у-
лари лавҳалари ҳолисона чизилган. Маҳзум, Тошпўлат ва у-
яқин кишиларнинг кечмишидаги талай нохуш жиҳатлар билан
робар уларнинг табئيий, инсоний қувончу ташвишларига шерик
тинасиз; совет даври воқеалари қаламга олинганда адиб нуқул
чи персонажлар нигоҳида салбий бўлиб туюлган марғуб ҳодис-
нигина эмас, балки 20-йиллар ҳаётига, социалистик воқеликка
бир қатор жиддий, нохуш ҳодисаларга эътиборинини тортади.
инқилобий давр ривожининг мураккаб ички зиддиятларини б-
таҳлил этади. Бу ҳол 20—30-йилларда жоҳил кимсалар даъво-
ганидек, асло ёзувчининг янги жамиятга нохуш муносабати, қа-
дир «ғарази», «душманлиги», «революцияга қарши хатти-ҳара-

ғломати эмас, балки виждони иск, ҳақиқӣй адибнинг чин фуқаролик бурчини адо этганлиги тасдиғидир.

Гапни Калвак маҳзумдан бошлайлик. Сир эмас, асар бошида Маҳзумни фош этишга урғиниш ҳийла кучли, ёзувчи ҳар боб билан Калвакни қоралаш, масхаралашга тушади, айрим ўринларда муаллиф қаҳрамонини характер мантиқига эид хатти-ҳаракатлар қилинига мажбур этаётгандай туюлади. Чунончи, Маҳзумнинг ит уриштираётган болалар қилиқларидан завқланиши, ўн икки ёшлар чамаси қиз болага беҳайларча тегажоғлик қилиши, уни чаланиларча сўроққа тутуши, қизалоққа қарата: «эмчагинг олмадек бўлиб қолибдир, ўйнашини ҳам борми?» дейиши — булар мадраса хурофоти билан ўйнашнинг ҳам борми?» дейиши — булар мадраса хурофоти билан говлаган мулла одамнинг гапи эмас, бу гапларни Тошхўлат тажани типидagi чалани одам айтса, унга тўла ишониш мумкин эди. Шунингдек, Маҳзумнинг дунёга келиш тарихи, чақалоқлик йиллари, касалликларга чалиниш воқеалари баёнида ҳам инсон шахсини таҳқирлаш, масхаралаш, бу борада метёрдан чиқиб кетиш ҳоллари учрайди. Бунинг муайян объектив сабаблари бор, албатта.

Маълумки, «Калвак маҳзум» 1923 йили ёзила бошлаган эди. Ўша кезлари мамлакатда «феодал ўтмиш»га, «ўтмиш сарқитлари»га, жумладан, динга, диний ақидаларга, диндорларга қарши шафқатсиз кураш авж олдириб юборилган, қўллаб энёилилар, иккодкорлар мана шу курашга сафарбар этилган эди. Қодирлидек эътиқоди бутун ахлома ҳам замона зайли туфайлими, ихтиёрлими ёки шайтон васвасаси, шубҳа-гуноҳлар, руҳий маънавий иккиланиш, изланишлар оқибатидами — қандайдир сабаблар билан муайян муддат шу жангу жадалларда қатнашади, дин ва диний удумларни ёппасига қораловчи, рад этувчи асарлар ёзади, дин ва диндорлар хусусида тарафкашлик билан ҳийла кескин бирёқлама ҳақоратомуз танқидий гаплар айтади. Ўзгина мисол. «Замонанинг зайли» мақоласида «Миллатининг ишонасининг шўри бўлган, тўғриси, миллатининг соф ва тоза милсини сиқиб олиб, ўрнига ҳайвон миясин ўрнаштирган оқ саллати девларини бир чуқурга тиқиб, устига маориф ва маданият асосини қурсак, қандай ур-ўйқит базм бўлар эди» деб ёзади.

«Калвак маҳзум» Қодирий худди шундай қарашлар гирдобидан эканида ёзила бошлаган. Табиийки, бу ҳол асарда, руҳоний Маҳзум образи талқинида ўз муҳрини қолдирган. Аммо реалист ёзувчи ўзининг ўша кезлардаги мафкуравий ақидаларидан, майлларидан юксакликка кўтарилиб, айни ўша ҳажв тинига рўпара қилинган руҳоний — Маҳзум, унинг шахсияти, муҳити, ўтмиши ва советлар давридаги саргузаштлари билан боғлиқ объектив ҳақиқатни ҳам айтади муваффақ бўлган.

Ҳеч шубҳа йўқки, ота-она тилаб олган, отаси қирқ беш ёшида кўрган, онлада якка-ягона ўғлон — Калвакнинг ўта эркатой бўлиб ўгани, мударрис ота паноҳида мадрасада шалтоқ ишлар билан машғул бўлгани, отасининг ҳам шалтоқ ишларга алоқаси борлиги, қалб йўллари билан фариштадай қизга уйлангани, кўнгилсиз келинга ваҳшийларча тажовузи ва бу ишнинг похуш оқибатлари — шу каби ўринларда ёзувчининг кўнгиси ҳақиқатан ҳам заҳарханда қаҳқаҳага айланади, муаллиф қаҳрамони табиатидаги қабохатларни боплаб фош этади. Шу билан баробар, адиб ота билан онанинг ёлғиз фарзанд тарбияси, саломатлиги, камели, истикболи, бахти деб чеккан азиятларини ҳам тушуниб, юракдан ҳис этиб қалам тебратаяди. Бу дарадчил, кўрмасиз, ношуд-нотавон, калвак табиат ўғлон ота-она бошига

не-не ташвиш савдоларни солмади, ахир! Хусусан, ўғлининг мадрасадаги шалтоқ ишлари ошкор бўлган кезлардаги ота ҳолати, сўнгра кибон ўғлининг чиллиқда келинчакка қилган тайковузидан кийин кудалар, эл-юрт олдида шармандалик ва қўрқувдан таҳлика тушиб, яна ўша бахтиқора ўғлининг бошини иккита қилиш йўлидаги ташвиш заҳматлари — ҳажвий асар бағридан шундай титилмунгли руҳий драматик тасвирларнинг жой олиши санъатда сийра учрайдиган ноёб ҳодиса! Шунингдек, китобхон мадраса хурофоти билан мияси говлаган Маҳзумнинг ҳаётдаги бир қатор мақбул ўғаришлар, янгиликлар, таркиб тола бораётган янгича таомиллари ҳам қилломай ноқулай аҳволга тушиб қолишдан қаҳқəх отиб кетлади: қироатхонада эркак билан аёл кишининг оддий инсоний муносабатлари Маҳзумга фаҳш бўлиб туюлади, у қироатхонанинг одаларга текин хизмат қилиши сабабига тушунолмай гаранг бўлади қироатхонадаги жадид — янги илмий китобларга нафрат билан қарайди, уларни «ағдариниш-тўнтариниш қилуб, кўчага чиқариб» ташлагиси келади, маҳаллий халқ ёшларини марказга ўқишга юборилишига зўравонлик бўлиб кўринади ва ҳоказо. Бундай ўришлардаги пичинг, киноя-кесатиклар муҳим ижтимоий маъно касб этади. Аммо Маҳзум қисмати, саргузаштлари ифодасида бошқа жиҳатлар ҳам мавжуд. Маҳзум табиаи ва қисмати эътибори билан ҳар қандай кулгили — комик характер бўлмасин, у аянчли кимса, Абвот Оллоҳнинг ўзи унинг бахтини кемтик қилиб яратган, болалиги давомида ташвишлар билан ўтган, вояга етиб уйланганида илк қувончага айланган, орадан анча фурсат ўтиб бошқа бир ўзига мунсиф аёлга унашув асносида ота оламдан ўтади, тўйга аталган нарсалар ота азасига харж қилинади, сўнг отадан қолган мулкнинг бир қисmini сотиб уйланади, фарзанд кўради, бахтли бўлдим деб қувонди, аммо бирин-кетин икки фарзандини қаро ерга бериб, жудолар ўғида ўртанади. Ниҳоят, яккаю-ягона қизини вояга етказиб, уларни энди «тинчигани»да юртда инқилобий ўзгаришлар бўлиб, болалар войлар сиёсати туфайли, мадрасалар ёпилади, диндорларга эътиборларга муносабат кескинлашади, кўплар қатори Маҳзум ҳам тирикчилик манбандан — имоматдан ҳайдалади, кўча-кўйларда сокин бўлиб қолади, «бу вақтда тирикчилик тошдан қаттиқ, болаларнинг ташвиши кишини қайси кўйларга солмайдир...». Маҳзум чор дуохонлик қилишга мажбур бўлади, аммо дуохонлик орасида кун кўриш бисёр қийин, фақат кампири чархи билан жон оро киради, бахтига кампири бор экан «илу иллик қилиб» рўзини тебратади, Маҳзумнинг «Муштум» идорасига ёзган хатини имоматдан тушиб қолгандан бери бениҳол дилгирлиги, эртаю қиладиган иш уйга кириш, эшикка чиқиш — бундан бошқа йўқлиги, бекорчиликдан эр-хотин орасида дилхушлик давом этгани хусусида қилган ишқоятлари ифодасида кулги оҳангидан қаҳрамоннинг ночор аҳволига аччиқиш туйғуси устивор.

Маҳзум саргузаштлари талқинидаги яна бир ғоят ҳаракат йўналиши шу пайтга қадар адабиётшунослар эътиборидан муҳтда қолиб келаяптир. Гап шундаки, гўё Маҳзум учун тушунгайритабиний, кулгули бўлиб туюлган ҳодисалар замирида тамошқона бир маънони уқиб олиш қийин эмас. Бир қараида Маҳзум «фош этиш»га қаратилгандек бўлиб кўринадиган кулги тиги давр — 20-йиллар ижтимоий-сиёсий ҳодисаларнинг кўнгина жомонларига, адиб ибораси билан айтганда, «жамият қитиғига»

ўтадики, ёзувчи бундай қалтис ишни бениҳоя усталик, катта маҳорат билан адо этади. Бунда у классик адабиётимиздаги муҳим бир санъат — тажоҳи ул орифин — билиб-билмасликка, кўриб-кўрмасликка олиш усулини ишга солади. Эсанлиқ, Маҳзум Мусҳафни ўсмолийини — Қуръонни каримнинг подир нусхасини қидириб, қироатхонага боради, маълум бўладики, уни халқдан яшириш — «пўлод сандиққа солуб соқлор эканлар». У қироатхонада муқаддас диний китобларни сўраб-сураштиради, қироатхонада уларнинг бирортаси ҳам йўқ экани маълум бўлади. Демак, жамоатчилик аллақачон улардан маҳрум этилган. Маҳзумнинг Бухоролик таниши тилидан шўро ижроясига ёзган мактубида ўз-ўзини фош этувчи жиҳатлар талайгина бўлиб, шу билан бирга шўро одамлари билан ўта эҳтиёткорона муносабатда бўлиш зарурлиги ҳақидаги ишораси кишини ҳушёр торттиради. Чунки Маҳзумнинг «ул ҳаромзодалар андак сабабини айтиб, арҳол қамоққа олмоқдин ҳам тоймаслар» деган гапларида жиддий ақиқат бор. Воиқа бир ўринда ҳикоя қилинишича, Маҳзум мас-айдада ер ислоҳоти хусусида амри маъруф қилиб, шарият бўйича бировнинг мулкини олиш аҳли мўминларга ҳаромлигини айтгани учун эртаси кунпўш милиционер келиб, оёғини ерга теккизмай олиб кетади, контрреволюционер сифатида қамалиб кетишига оз қолади.

Калвак маҳзум бир неча ўринда шўро ҳукумати, фирқа ходим-ларига рўпара келади. Одатдагидек, улар билан мулоқотда Маҳзум овсарлиги туфайли бир қадар кулгилли ҳолатга тушади, айни пайтда ўша кулгилли ҳолатларнинг ўзида ҳодисанинг бошқа жиҳатларига имо-ишора, ичинг-кишоя мавжуд. Масалан, кўчада кетаётган Маҳзум милтиқ кўтарган милиционерга дуч келади, уни «ўрус» деб ўйлайди, кейинроқ билса, у рус эмас, мусулмон боласи, ўзининг қуйи маҳаллалик таниши экан. Бу йигит тирикчилик тошдан қаттиқ бу замонда бола-чақанинг ташвиши билан милицияга ишга кирганига ифкор бўлади. Маҳзум унга «Яширинча бўлса ҳам номозингни ўқи, чўқинганингда ҳам ичингда «худоё ўзинг кечир...» деб тур, қани бўл-маса бир «тажиди имон қилайлик» деганида бечора теваракка аланглаб калима айтади. Эҳтимол, 20-йиллар шароитида фидойи ишқилобчилар назарида милиционер йигитнинг бу қилмиши мунофиқлик, шўро ходизига полоинқ хатти-ҳаракат бўлиб туюлар. Аммо унинг ҳадиш билан теваракка аланглаб, калима айтишида енгил кул-ги билан баробар нақадар самимият бор, устига-устак одамларнинг виждон эрки, эътиқоди учун ҳадиқсирашга мажбур этган сиёсатга муайин муносабат ҳам бор. Ўша ўринда Маҳзумнинг шундай сўз-лари келтирилади: «Ул (милиционер — У. Н.) кетгандан сўнг му-сулмонларининг ҳолига ниҳоятда афсус қилиб йиғладим — оҳ, — дедим, бу кифир мусулмонларининг бошига нималар солмади — де-дим». Бу ўша давр сиёсати учун хийла кескин айбнома. Бироқ бу гапларни Маҳзум, яъни «мадраса хурофоти билан миёси говлогон», «овсар», «калвак», «қолоқ» одам айтгани учун билинар-билинимас елдек ўтиб кетади, ўқувчи унинг оҳларига, кўз ёшларига унча эъ-тибор бермайди, аммо булар сезгир китобхонни бирдан ҳушёр торт-тиради...

Улуғлардан бири вафот этади, марҳумнинг яқинлари Маҳзумни жаноза ўқишга таклиф этадилар. Маълум бўлишича, «марҳум ўзи ўшал наузанибллоҳ ҳақдин тонгонлардин эрди, аммо ботинда дини исломни дўст тутуб, кабзи руҳ асносида васият қилибдирларким, «агарчандики, махфий бўлса ҳам фақирни жаноза бирлан дафи қи-

...деб...». Ёзувчи ҳодиса тафсилотини давом эттиради. Маҳ-
зум тилидан бир қадар кулгили, аммо аччиқ ҳақиқат аён бўла бо-
лади: «Ўзга улуғларнинг кулогига бу маъинини чизди хабар етмасин
деб» ўша маҳалланинг имомига ҳам буни билдирмайдилар, узоқ-яқин
қавм-қариндошлар тўпланиб, ярим тунда махфий тарзда жаноза
ўқилади, эртаги кун учун эса ажиб бир тадбирга ҳозирлик кўриб
қўйилади: «Эрта бирлаи ўшал мансабдор партиялар тушиб, мун
вакон бирлаи закуска қилиб, марҳумни кўмар эрканлар...». Қараи-
ни, 20-йилларнинг ўрталаридан бошланган, эҳтимолки, сўз санъати
да илк бор Қодирий томонидан қаламга олинган бу хил таажжу-
хангомалар ҳаётда кейинги йилларга қадар давом этиб келди, ҳа-
то бу хил кулгили аччиқ ҳақиқат грузин адиби Н. Думбадзе-
ни 1980 йили рус тилида эълон этилган «Абаднат қонун» романи-
да қаламга олинди.

Асарда ўз даврининг ақл бовар қилмайдиган гаройиб зиддия-
тлари ҳақида йўл-йўлакай имом-шоралар, қистирма гаплар кўп у-
ради. Бир ўрнда муаллиф Сўфи Оллоёрнинг «Агар дарё тағиди
бўлса жойнинг, Баҳона бирла еткургай худойнинг» деган байтини ке-
тиради-да, парвардигорнинг бу шоятидан ақли куффор ҳам насиба
дор эканини айтади ва бунинг далоли сифатида Маҳзум тили-
шуларни сўзлайди: «Ўзбекистон деб тасмий қилибдурлар, неча ла-
ақли бедил умргуздоронлик қилурлар ва яна ул қавми лоюфлиху-
лардин ҳар рўз ва ҳар шаб оташ ароба бирлаи вакои-вакои сару-
бараҳна хўрду калон бул жанобларга азимат қилиб ва андак фў-
сатларда хўраклик ва пўшаклик бўлиб даражот ба даражот ўша
марҳуми замида умргуздоронлик қилгувчи фарангилардек кўпас бў-
либ кетар эканлар. Баҳоланки, биз калимў ақли мамлакатлар у
парвардигорнинг чизди марҳаматига як рўз ташна ва як рўз гуруҳ
бо ил ҳама шуми ва сикр илоҳийга забон гўёлик қилурмиз».

Бу кулгили эътироф — 20-йиллардаги, НЭП давридаги Ўзбек-
тонининг, тўб миллатга мансуб халқларининг қисматида онд шафқат-
спз аччиқ ҳақиқатининг ўзгивасидир.

Ўлпчиликка аёнки, «Қалвак маҳзум» 1923—27-йиллар давом-
да ёзилган. Бу йиллар мебайнида ҳаётининг ўзида, қолаверса, Қод-
рий қисматида, қарашда кўп жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Се-
тябрь инқилоби берган эрк, ҳақ-ҳуқуқ бири-кетин тортиб оли-
бошланди, ваъда қилинган нарсалар, кутилган кўп ширин орзу-уми-
лар саробга айланди, маъмурий қўмондонлик ҳокимиятининг т-
дид ва зуъми кучайди. Қодирийдек шўро ҳукуматига, социал-
ишнга содиқ, ўзини «Маркс ва Лениннинг ҳароратлик шогир-
саналган аллсма адиб арзонас баҳона билан қамонқа олиниб, «кон-
революцион ҳаракат»да айбонланди, инсонлик шаъни, орзу-умиди
топталди. Ҳаётдаги адиб қисмати, қарашин ва қалбидаги маи-
кескин драматик фожевий жараён ёзувчининг ижодий тадрижида
қур из қолдирди, буни жумладан, «Қалвак маҳзумда» ҳам кў-
мумкин. Бошда кўпроқ жонли ҳаёт билан алоқаси узилган, қо-
овсар бир руҳоний устидан кулишга қаратилган асар бора-бора д-
нинг ижтимоий зиддиятлари ва миллатларининг фоти ёзувчи ўттир
флетга, асардаги бош ҳажвийи нерсонаж эса «ҳажив объект»лиги
чиқиб, давр қурбони, аялчи бир кимсага айлана боради. Асар
идаги икки ҳолатга эътибор берайлик: бири — бюрократизмни
ётувчи «Қавондул умаро» хангомаси, иккинчиси ўша даврда ўр-
ташланган «одамзодининг ақли» етмайдиган» «Қишлоққа юзи

ўғир!» шиирининг асл маъноси ҳақидаги киноя-кесатиқларга тўла мулоҳазалар. «Қавондул умаро» бобида адиб салтанатни бошқаришда зolim подшоҳ ва амирлар, султон ва салотинлар, Худоёрхоннинг бека ва бекзодалари, Николай оқ подшоҳ мансабдорлари амал қилган «кўҳна ва лекин пухта қондалар» «ўшбу ҳурурият, мардинок, сарадеҳқон замона ҳукуматдорлари орасида ҳам» давом этаётганидан эҳтиш ёлтириш билан қўлади.

Кейинги пайтларда Октябрь инқилобидан кейин бизда олиб берилган сиёсат ҳақидаги асл ҳақиқат бор овоз билан айтилатгани, кўплаб илмий тадқиқотларда, публицистик чиқишларда, жумладан, Александр Ципконинг «Принципларимиз мақбулми?» мақоласида («Новый мир», 1990 № 4) бундай агар сиёсатнинг чин маъноси — асрлар давомида элюртни кийинтириб, боқиб келган барқарор деҳқон ҳўжалигини маҳв этиш, талаш, деҳқоннинг оддий эрки, ҳақ-ҳуқуқи, шаънини топташдан иборат бўлганлигини ишончли далиллар билан очиб ташлайди, бугина эмас, бу сиёсатнинг назарий асослари, асл манбалари, фожеий оқибатларини ҳам кўрсатиб беради. Шуниси характерлики, оломон, кўпчилик қаламкашлар ўйламай-қетмай ҳеч сўзсиз бу сиёсатни қўллаб-қувватлаб, олқишлаб турган бир пайтда ҳушёр, виждони пок адиблар бу хатарли ишнинг эҳдиётиги, қўнғилсиз жиҳатларига эътиборни тортган эдилар. А. Платоновнинг «Чевенгур», «Ҳавза» асарлари бу жиҳатдан мислсиз жасорат бўлди. Қодирий ҳаттоки А. Платоновдан сал бурун «Калвак маҳзум» асарининг «Одамзоднинг ақли етайдир», «Қишлоққа юзингни ўғир!» бачиматли?», «Қишлоққа қопингни ўғир!» бобларини ўша ходисаларга бағишлайди. Бу бобларда адиб ўзгача — хийла мураккаб кўпқаватли серистеҳзо ифода услуб ва усулларини қўллайди. Холис, бетараф комик ифодалар билан ёнма-ён ошкора памфлет тарзидаги публицистик талқинлар пайдо бўлади.

«Қишлоққа юзингни ўғир!» шиири маъносини қидириш йўлидаги хангомалар ва бу шиирга берилган изоҳлар, яъни большевиклар шаҳарда амалга оширган ўзгаришлар ва энди қишлоқда рўёбга чиқармоқчи бўлган режалар шарҳи одатдагидек, ўқувчини ҳам қўлдиради, ҳам қўлдириб туриб ўйга тодиради. Мана улар:

«Энди қишлоққа юз ўғирингиз, яъни югурингиз! Уларни ҳам бир ярим олчинлик қўйлаб ва лозимлардан баҳраманд қилингиз, яъни калтадум айлангиз! Янги мактаблар очиб, эр ва қиз болаларни ўқитириб, мактаб фойдасига йиғилгон донларни шаҳарга келтириб уйингизга босиб олиб, муаллимларга ўз тишларининг кирини сўрдиригиз! Сигирларга ҳўкиз ва ҳўкизларга бузоқ, деб ном берингиз! Отлиқ кишини эшакка ва эшакли кишини отга миндиригиз! Қишлоққа қадам ранжида қилиб боргонингизда бообрў, оғзи катта шахсларнинг хоналарига меҳмон бўлиб, шул шахсларнинг маслаҳати билан сир тангаларни солишқин ўн танга қилиб йиғиб, ортинини орада бўлиб олингиз!...» Бу хилдаги аччиқ ишнинг киноялар — нақд «жамият қитиғига» тегадиган гаплар ўз даврида жамоатчилик орасида қандай таассурот қолдирган экан?! Айниқса, «Сигирларга ҳўкиз ва ҳўкизларга бузоқ деб ном берингиз! Отлиқ кишини эшакка ва эшакли кишини отга миндиригиз!» деган заҳарханда иборалар ўша кезларда юргизилаётган беаъини мудҳиш сиёсат ҳақида ўткир айбнома эмасми?!

Ёзувчи булар билан чекланмай яна давом этиб, танқид тигини бундан ҳам кескинлаштириб данғалига «Қишлоққа юзингни ўғир!»

дасан қақирқиғининг асл маъноси қишлоқни талашдан иборат экани-
ни, уни «Қишлоққа юзингни ўғир!» деб тушуниш мумкинлигини таъ-
кидлаб, кескин бир оҳангда мана буларни ёзади: «Қишлоққа юзин-
ни ўғир!» бойичегаги ўринга «Қишлоққа қопингни ўғир!» шиорини
жабдул қилиш ва ундан сўнг ҳар биримизни қишлоқдаги катта ман-
сабларга, масалан, ижроқўм, саркотиб, суд, ер-сув, шўъба, милиция
қўқни бу дунёда шундай расво ва унумсиз ҳунар йўқ!) ва бошқа
амалларга белгулаб, бағдазон ҳар биримизнинг қўлимизга топилса
қоп, топилмаса халта бериб, қишлоқларга чиқориш керак эди. Бу
тақдирда ҳалиги «Қишлоққа юзингни ўғир!» шиори хоҳ-нохоҳ амал-
га ошиб шаҳарда қолгон катта гўзиларни ҳам биз каминалар то-
пиб «тутқон жойда халталаримиз билан қишлоқ томонга табассу!»
қилдиргон бўлар эдик».

Бу даъвасининг тасдиғи сифатида ўша кезлари бўлиб ўтган кичик
бир воқеа келтирилади: Кўркўлдак суви устига кўприк солмоқчи бў-
ладилар. Бу кўприк ҳам деҳқонлар, ҳам пахтақўм идораси эҳтиёж-
га хизмат қилиши керак. Бироқ кўприк солишда «ништонсиз деҳқон-
лар» жонини жабборга бериб ишлайдилар, улар ноиложликдан пах-
тақўм эшигига «ўн икки дона хари сўраб шайан оллоҳ» ўқийди-
ринининг кулини черта-черта «Худой берсин!» жавобини қилад-
и. Хулоса шуки, «пахтақўмдек бир идора ҳам антининг четга буриб, жо-
нини кенг қилиб, қишлоққа ўғиради!»

Биз юқорида Қалвак маҳзумини ҳам кулгилни, ҳам аянчли шах-
савр алғов-далғовлари қурбони, деб эдик. Асар охирига томон ўн-
га ҳажв қилишдан кўра унга нисбатан ачиниш, ҳамдардлиқ туйғуси
ортиб боришини эслатган эдик. Витамизки, «Қалвак маҳзум» сар-
гузаштлари 1927 йили тўхтаб қолади.

Ўмуман Қодирий анча вақт ҳажвиеъни тарк этиб кетади. Ниҳо-
ят, адиб 1935 йил 10 мартда «Ёш ленинчи» газетасининг адаби-
ёт тўғрисидаги учрашувда «яна ўзининг ҳажвчилигини янгидан бош-
лаш тилаги бор»лигини айтади. («Ёзувчи ўз иши тўғрисида» мақо-
ласига қаранг). Шу ниятда у аввало чала қолган машҳур «Қалвак
маҳзум» устидаги ишин давом эттиради. Ҳабибулла Қодирийнинг
эслашича, орадан ўн йил ўтиб, адиб 1936 йили яна Маҳзум тар-
жимага қайтади, асарининг аввал журнал ва газеталарда чиққан боб-
ларини бир ерга жамлаб, каттагина — ўн икки варақли дафтарга
бўлган хотима боби билан тўлдирди. Бу нусхани ёзувчи машҳур
туркшунос — филолог слим Е. Д. Поливановга таржимага бер-
ган уни ўзбек ва рус тилларида китоб ҳолида чиқармоқчи бўлад-
и. Афсус, бу нусха эҳтимолки, унинг тайёр бўлган таржимаси ҳам би-
ра ўша кезлардаги мудҳиш воқеалар тўзони ичра йўқолиб кет-
ган. Ёзувчининг ўғли Х. Қодирий янгидан ёзилган хотима бобини ўн
чиққан, ундаги Маҳзум саргузаштлари тасвири ўша пайтда 18 ё-
да бўлган йигит хотирасида яхши сақланиб қолган. Х. Қодирийнинг
айтишича, бу бобда Маҳзумнинг қишлоққа сафари ва у ердаги к-
ибликлари ҳикоя қилинган. Маҳзум иш тополмай рўзгор важи-
бийин аҳволда қолади. Ниҳоят, таниш-билишлар орага тушиб, То-
кўргон қишлоғи масжидига имомликка тайинланади ва эшакда қ-
лоққа отланади. Не-не орзу-ҳаваслар ҳамда машаққатлар билан қ-
лоққа етиб, бу ерда энди иш бошлаганида «ўрисча кийиниб, к-
қўйган» ёш бир комсомол йигит масжидга кириб домлага: «Ҳа

ҳардагиларнинг миясини чиритиб бўлиб, энди қишлоқдагиларнинг миясини чиритгани келдигизми?! дея дагдага қилади. Домла ўзиндек одамлар ҳатто қишлоқларда ҳам хор бўлганидан бениҳоя афсус чекади. Шу орада қишлоқда колхозлаштириш, кескин синфий кураш, қулоқларни синф сифатида тугатиш компанияси бошланади. Бой хонадонидида ётиб юрган Маҳзум тўс-тўполон пайти қўлга олиниб, «синфий душман»лар қаторида яланғоёқ, ички куйлак, лозимда ҳайдалиб, қишлоқ шўросига олиб борилади. Сўроқ-текиширувдан сўнг Қалвак оқланади, аммо энди у бундай потинч қишлоқдан воз кечади. Ҳ. Қодирий маълумотига кўра, асар хотимаси «Қалвак тоғам яна Тошканд шаҳрида эски бекорчилар, Энди имоматчилик тоғиммаса, бирон қоровулчилик хизматига ҳам розидирлар» деган сўзлар билан тугалланади. (Ҳ. Қодирий. Отам ҳақида, 1983, 43—44-бетлар).

Ҳ. Қодирий хотирида сақланиб қолган тасвир умуман асар руҳига, воқеалар ривожини мантиқига мос. Унда Маҳзумнинг бир қадар кулгилли, аммо асос эътибори билан аянчли қисмати бу ерда муайян интиҳосига етади. Қиссанинг эълон этилган охириги бобларида шаҳарда туриб қишлоқ муаммолари қаламга олинган бўлса, хотима қисмида муаллиф қаҳрамонни қишлоққа олиб боради, унинг аччиқ саргузаштлари ва нигоҳи орқали энг кескин, драматик палла — коллективлаштириш даври ҳодисаларига ўз муносабатини билдиради. Каттагина — ўн икки варақли дафтардан иборат йўқолган хотима бобининг барча тафсилотлари бизга қоронғу. Бироқ бу тафсилотларнинг умумий руҳи ҳусусида тахмин қилиш мумкин. Модомики, асарнинг эълон этилган охириги боблари бу қадар кескин тарзда битилган экан, ўз-ўзидан драммаларга тўла коллективлаштириш воқеалари ҳам шу йўсинда тасвир этилган, давр индидятлари хийла кескин тарзда очиб берилган, ҳодисалар моҳияти теран таҳлил этилган бўлиши табиий. Ҳ. Қодирий қисқача баён этилган воқеалар тафсилоти, чунончи, ўрисча кийинган комсомол йигитнинг масжидга кириб, қишлоқ қариялари олдида шаҳардан келган домлани, нима бўлганда ҳам четдан келган меҳмонни, кекса одамни менсимай ҳақорат қилиши, қишлоқдаги синфий кураш туфайли таҳликали ҳаёт, Маҳзумнинг синфий душманлар қаторида таъкиб қилиниши, қишлоққа сиймай шаҳарга қайтиши — шуларнинг ўзиёқ хотима бобининг жиддий бир руҳидан далолат бериб турибди.

«Қалвак маҳзумнинг хотира дафтаридан» асаридаги шу хил ўринлар ҳозирга қадар адабиётшунослик эътиборидан четда қолиб келаётганлиги кенйиб бўлмас бир ҳолдир. Бинобарин, шу хил ўринларни назардан соқиб қилиб асарга ва ундаги етакчи персонажга берилган баҳолар ўта бирёқлама ва юзакидир.

«Тошпўлат тажаиб нима дейди» асарининг «таҳлил» ва «баҳоси» бундан ҳам ночор. Тошпўлат «ўтмишдаги қолоқ ижтимоий тузумнинг ярамас сарқитларидан қутула олмаган тўбан кишиларнинг типик бир вакили», у «бекорчилик орасида текниҳўрликка ўрганиб янги ҳаётдаги ҳамма нарсага нафрат билан қарайдиган бебурд чапан», асарнинг билимга таянган эса «эскини, салбийни инкор этиб, фош қилиб, янгининг ҳулғвор, ҳаётни, пўртанавор, одимларини тасдиқлаш ва олқишлаш»дан иборат деган ҳулосалар қиссани юзаки мутолаа қилиш туфайли тугилган бирёқлама тасаввурлар самарасидир. Қолаверса, бу ҳол чинакам реалистик асарга ҳаётнинг ҳолис, ҳаққоний тасвири, ҳаёт ҳақиқати, ривожини ички индидятларининг ҳоли-

...оддий гадқиқи деб эмас. нуқулгина унга «гоявий қурол» деб
...асарни мафкуравий мақсадлардангина келиб чиқиб баҳолаш
...Шунинг учун ҳам «Калвак маҳзум» таҳлилида бўлга
...«Тошпўлат тажанг»ни баҳолашда ҳам ундан асосан феодал
...ўтмишни, ўтмиш сарқитларини «фош этадиган», совет воқелигини
...«тасдиқлайдиган» ва «олқишлайдиган» жиҳатларига эътибор
...берилади, етакчи персонаж Тошпўлат эса нуқул сарқитлар, тубан
...ликлар тимсоли деб талқин этилади.

Такрор айтаман, «Калвак маҳзум»да бўлгани каби, «Тошпўлат
тажанг»да ҳам бундай ҳолатлар йўқ эмас, албатта. Дарҳақиқат, асар
етакчи персонажи Тошпўлат характерида кўп нобон эидиятли жи
ҳатлар мавжуд: у болалигида яхши тарбия кўрмаган, мактабда ёл
чилиб билим олмаган, саводсиз оми, маърифатдан йироқ, ҳаётда
йўлини топа олмаган, омадсиз одам. У фаҳш ишлардан — нашаванд
лик, қиморвозлик, безориликдан ҳам тоймайди. Маърифатсизлик
туфайли у кўп ҳолларда оддий турмуш чигалликларини ечолмай,
ҳаётдаги ўзгаришлар, янгиликлар моҳиятини англаб етолмай қий
налади, кулгилли, танг аҳволга тушиб қолади. Хусусан, налог қоғо
зининг, умуман налог сисёатининг маъносига тушунмай довдираши,
бобоқ хўрозни қувлаб мактабга кириб қолиб у ердаги янгича таъ
лим-тарбия, ўқувчилар ҳақида ўзича бадбин хаёлларга бориши шу
каби ўй-хаёллари, беъмани хатти-ҳаракатлари билан чиндан ҳам у
ўз ўзини фош этади. Бироқ асар персонажига баҳо бераётганда унга
йўқ айбларни тақаш, ҳажвий асар қаҳрамони экан, деб жамикки ёмон
хусусиятларини ёпиштиравериш тўғри эмас. Айниқса, унга нисбатан
айтилган «тубан кишиларининг тирик вақили», «бекорчи», «текин
хўр», «ҳамма нарсага нафрат билан қарайдиган себурд чапани» де
чи хусусиятини жуда аниқ таърифлаб берган. Муаллифнинг фикри
ча, Тошпўлат — ишсиз, бири бит, бити сирка бўлмаган чапани. Тош
пўлатни такасалтанг, бекорчи, текинхўр деб бўлмайди, у ўзини ҳар
гоҳага уради. дўкдорлик қилади, тегирмонга аралашади, деҳқон
чиликка қўл уради, мардикор бозорига тушиб, ёлланиб, бировлар
нинг хизматини адо этади — бироқ бу билан унинг сира қосаси
оқармайди: дўконни барҳам беради, бир йил бурун тегирмонга ара
лашгани учун катта солиқ тагида қолади, деҳқончилик қилиб «Нон
ўрнига кесак тишлаб ёз бўйи сув ичиб, ишлаб оёғида битта чилим
қовокқа эга» бўлади, касалланд ночор одам билан бировга марди
корликка ёлланиб, ҳамма ишини ўзи бажариб, олган ҳаққини ночор
шеригига ишъом этиб, ўзи қуруқ қолади... Хуллас ўз ибораси би
лан айтганда, у «одамзод фарзандининг гариб». Уни емаган сом
са учун ҳақ тўлашга мажбур этганларида, тегирмончи деб солиқ
солганларида айтган мана бу кулгилли гаплари тагида фақир у
қир одамнинг фиғони яшириниб ётибди:

«... Нима, мен пул қоқябманми?

Чойчақасини ундан-мундан қилиб, таралласини тортиб юрган
Тошпўлатнинг етти ярим сўлкавойни тагин қайси гўсхўрдан олсин
а? Бобогимни сотиб берайми? Ёки сайратмамнимми? Этигим бўлса-ку,
ўн беш кундан бери гаравда, чопонини бўлса ўтган кун ўзинини ол
динда уч сўлкавойга сотдим, Худой ҳаққи, галавам айнади...» Худ
ди ўша ишсизлик, адолатсизлик, йўқчилик туфайли чин нажот йўли
ни тополмай алаmidан асабийлашади, нашавандликка берилади, бе
данабозлик, хўроз уриштириш билан ўзини овунтиради, гоҳ гоно

ишларга қўл уради, йўлда кетаётган нотаниш бегуноҳ одамнинг ёқасидан олади, мушкул аҳволдан, қалтис вазиятдан чапаниларча бозорлик йўли билан чиқмоқчи бўлади. Бундай ўринларда Тошпўлатнинг ҳолат ва хатти-ҳаракатларидан ҳам куласиз, ҳам ичдан зил кетасиз.

Худди «Қалвак маҳзум»да бўлгани каби бу ерда ҳам муаллиф Тошпўлат саргузаштлари орқали сизни 20-йиллар ҳаётининг зиддиятли драматик ҳодисаларига, даврининг ўтқир муаммоларига рўпара қилади. Тошпўлатнинг мардикор бозоридаги кўрганлари ва ўша топдаги аҳвол-руҳиятини эслайлик: «Қиссан кўтоҳ шуки... тунов кун мардикор бозорига тушган эдим — қўлинг, қарасанг кетмон кўтарган хумсоларнинг арофат. Қўлинг ҳам қаторга кириб ўлтирдим. Хайтовур, мардикор бозорининг ижарага олгон хумсо йўқ экан. Санга ёлгон, худога чин, ука, одамзоднинг юзтаси тўққуз пул: ўзвали, тожиги, маччоси, қозоғи, қалмоғи... борчи етмиш икки жамаргасидан ҳам топасан. Боҳо олтига, одам оладиргон хумсонг бўлса анқо. Фейлим айнади, вой камбагалчиликни чиқаргонни дедим...»

Булар совет ҳокимиятининг еттинчи-саккизинчи йилларида Тошкентдек шахри азияда бўлаётган воқеалар. Ана, фуқароннинг аҳволи, қилма-хил миллат, жамоатга мансуб оддий меҳнат аҳлининг ҳоли, қадри! Бунинг кўрган, бошига ўша ғарибларнинг кунини тушган Тошпўлатдек фақир чапанли одам феъли айнимай, тажангланмай, фақирликдан полимай тура оладими, ахир! Воқеаларнинг давомини ҳам аялчи, аялч тўла кутилди. Тошпўлат ҳикоя қилади: «Кетмонини тағимга қўйиб ўлтирдим. Ёнимда бир безгак, рангини қарасанг сариқ сумалак, бунинг устига эҳи-эҳи қилиб йўталиб ҳам қўйди. Ҳа, дедим, касалингни мардикор бозорида тортасанми, ака, дедим. Ёни бу ерни пошшолликни касалхонаси, деб ўйладимми, дедим. Эй, ука, деди, йўқчилиги қурсин, жўжавирдек жонман, деди. Ўзи деҳқон фарзанди экан, бобойи деҳқон тоза қўллаптилар камбагални! Азбаройи худо, татбири тирриқ бўлди. Борди-келдимни ҳисоблаб қараган эдим, чўлоқ кетмондан бошқа ҳеч гапим йўқ, ранги рўйига қарасам жуда увол. Сен кет ака, дедим. Ана шу бўкун қанчаки ишласам саники бўлсин, касалингни ўйингда торт, — дедим. Безгак хумсонг марҳаматимга сира ишонса-чи. Индамадим, Қаҳрим билан мардикор бозоринг бўйича ёғрин бериб гурс-гурс одим тошлоб бир-икки ўтиб солдим. Ақшн кўзида бўлгон бир хумсо совлатимга нўрт учди. Ҳа, дедим, ўн бир қўнлик ишининг бир кунда бажариб берайми, ака, — дедим. Етти оқ тага гаплашдик. Безгагининг ҳам шу баҳога сўзлашиб ёнига келдик. Афти башарали кўришни биланоқ хўжайинининг кайфи учди. Ҳа, дедим, бу хўрозку, ака, дедим. Бунинг ранги ўзи тўғма: ўнта наърашерининг ишини қилмаса ҳалол тузининг сол, — дедим. Бўлмади, хумсонг жудаям пих ёрган туллак экан. Аранг отанг яхши, онанг яхши билан бир сўлкавойга бахоял итарибман. Бордик. Хайтовур хўжайини жониворинг бизни ишқа солиб ўзи бозорга жўнаб солди, касофатининг салқинга чўзилтириб ўзим қўшод кетмоннинг оловини чиқардим. Хумсо асргача егулигини еб ётқан ерда волдираб ётди. Кечқурун баминадор ўн икки оқ гани олиб ўн бирини безгакка узотдим, бир оқ тани ўзим наштага олиб қолдим, хумсонг ҳали ҳам марҳаматимга ишонса-чи; нуқул, «ортық бердингиз», дейди я; вой сани эгам қақирсин, дейман.

Кеча кетмонинг ҳам олти ярим тага сотиб юбордим. Нима, очингдан ўл дейсанми. Ахир уч кунгача кишини иш тополмаса нимани ейди?»

Қаранг, нақадар тишиқ, жонли, ўта шафқатсиз, драмаларга тўла лавҳа! Ёзувчи кулиб туриб, ҳаётнинг мунгли, аянчли ҳақиқатини айтган, қойил қилиб айтган. Бугина эмас. Бу лавҳада Тошпўлат харақатининг туб моҳияти — қанақа одам экани жуда яхши очилган. Маълум бўлаптики, у оми, чапани, безори, нашаванд, қиморбоз бўлса-да, унинг вужудида, руҳида кўп олижаноб ҳислатлар мавжуд. Ўз турмуши, аҳволи не ҳолатда-ю, ўзини эмас, кўпроқ ўзига ўхшаш фақир фуқаролар қисмати ҳақида ўйлайди. Ўйлаб эзилади, ғариб мискин, ўта ночор нотаниш одам ҳолига ачиниш, унинг жонига оро киради. Кези келганда айтиб ўтади: Тошпўлатга дуч келган фақир, хаста мардикор деҳқон образи, унинг бадний ифодаси, талқини ёзувчининг муҳим бадний кашфиётдир. Юқорида кўриб ўтилганидек, Калвак маҳзум талқинида ҳам мунгли садолар учраса-да, моҳият этибори билан у комик образ, чунки унинг бисотида кулги, истехзо учун асослар етарли. Тошпўлат дуч келган мардикор деҳқон эса ўта ғариб, мискин бир кимса, унинг ҳолати, қисмати фақат мунгли-фожеий-сентиментал йўналишдаги талқинни тақозо этади. Қарангки, адиб мана шундай одам учун ҳам ҳажвий асар бағридан жой топиб бера билган. Гап шундаки, ёзувчи бу ночор одам ҳаётига Тошпўлат типидagi чапани нингоҳи билан қараб, ўта мунгли ҳолат-ҳодисалар бағридан ажиб бир кулгилли жиҳатларини топади. Бошқачароқ қилиб айтганда, кулги йўли билан аянчли, фожеий ҳодисалар моҳиятини очади. Тошпўлатнинг бу хаста ночор шахс билан чапаниларча муносабати, ҳийла-найранглар билан бу «ўтмас матоҳ»ни пуллаб ёллаши, қолаверса ҳаётга, одамларга, уларнинг марҳамату саҳоватига ишончини йўқотиб қўйган ғариб кимсанинг ғаройиб танти одамга дуч келиб, галати аҳволга тушиб қолиши, ишга бориб, кечга қадар ишламай салқинда «сб ётган ерида воқдираб ётиши», Тошпўлат меҳнат ҳақиқининг кўпини унга ҳадя этганида, гўё унда ўзининг ҳам ҳиссаси бордек, нуқул «ортиқ бердингиз» деб туриши — шу каби кулгилли ўринлар мунг тўла ҳодисага қандайдир «енгиллик» — ўзгача руҳ бахш этади. Аслини олганда бу ердаги кулгида «енгиллик»нинг ўзи йўқ, кулгилли бўлиб туюлган ҳолатлар аянчли истехзоларга тўла.

Шу лавҳадан ҳам кўриниб турибдики, Тошпўлат асло тубан, ишёнмас, бекорчи, такасалтанг эмас, танида куч-гайрат, кўнглида эзгулик, шижоат тўлиб-тошиб ётибди. Аммо ўша ночор муҳитда куч-гайратини ишга соломмай, ўз меҳнати, куч-гайратининг нафини-самарасини кўролмай сарсон-саргардон, ишсизлик, бинобарин фақирлик орқасида нима қиларини билмай гаранг-тажанг, аламзада. Айниқса, ҳаётдаги ажиб жумбоқларини — теңсизлик ва адолатсизликларини кўрганда куфурлиги ортади, ҳиссиз бюрократ мансабдорлар, шундай огир замонда «камбағалнинг бошини силаш»ни ҳаётига келтирмайдиган, юрт ободончилиги ҳақида қайғурмайдиган, фақат ўзини маншати ўйлайдиган бадавлат кимсалар, олифта кийиниб юрадиганлар кўзига бало бўлиб кўринади, ўзига ўхшашларининг фақир яшашига, сарсон-саргардон юришга фақат шулар айбдор деб билади. Шунинг учун ҳам уларга дуч келганда асабийланибди, безорилик тутайди. Ночор, ўзини овутиш учун нашавандликка ружу қилади.

Асарда Тошпўлат бисотини бундан ҳам ёрқинроқ очиб берадиган, даврининг шафқатсиз ҳақиқатини, аянчли драмасини янада кўпроқ кўрсатадиган яна бир лавҳа бор. Бу лавҳада ёзувчининг бадний ноёб бадний кашфиёти — мунгли, аянчли ҳодисаларини ҳам кў

ги — аянчли истеҳзо билан ифодалаш санъати янада ёрқинроқ намоён бўлган: Тошпўлат Салим сўтак деган таппишиникига томсувоқ ҳашарига боради. Салим ҳам косаси сира оқармай келаётганлардан. Унинг оилавий аҳволи ҳам қулғили, ҳам ноҳор. Тошпўлат ҳикоя қилади: «Анави йил Тожи ямоқчининг қизига уйланган эди. Хотинчаси тозаям ташлаб берипти. Қарабманки бешта гўдак! Ҳа, дедим, бу чўвинди баччаларни қаёгдан йиғиб олдинг, хумсо, дедим. Салим сўтагинг қулади. Ҳа, дейди, ҳаммаси ҳам худой берган қулбаччаларинг. Тошпўлат, дейди. Вой, дедим, вой, ўйламай иш қилгон одам фарзандига, дедим. Битта арпа саватинг борми, Салим, дедим. Бўлса, дедим, қама ҳамма жўжаларингни, пуллаб берайинчи мен сенга, дедим. Худой ҳаққи, Салим сўтакка жудаям оғир бўпти: ёнийгни қовласанг оғзини очадн, гўдаклари тушқир!...»

Икки фақир, соддадил дўстнинг ҳазил-мўлтоба билан айтган гапларини эшитиб туриб, Салим сўтакнинг, бешта норасида гўдакнинг ноҳор ҳолига боқиб, айниқса гўдакларнинг ённи қовлаганда оғзини очишларини кўриб, эт-этинг увишиб кетади. Очиги, шу пайтга қадар адабиётимизда 20-йиллар ўзбек турмушининг, жўжабирдай фақир-ҳақир деҳқон ҳаётининг бўнақа ёрқин, аянчли, шафқатсиз манзараси ифодасини кўрган, ўқиган эмасман!

Езувчи қисқагилга қилиб Салимнинг шу ҳолга тушиш тарихини ҳикоя қилади. Авваллари Салимнинг «иши йирик. тагида от-араваси. ёнида чойчақаси готоп» бўлган, пул топиб, ақл йўқотган бу бандан мўмин бир «наҳс босқон билан шерик бўлиб» амирқон пахта экади, «фабрикончи ўрисвой» билан битим тузиб, ундан беш-ўн сўлкавой пул олади. Қўзда ёмғир уриб бериб, ҳосил нобуд бўлади-ю, қарзга ботади, «войвойси бела очиб қиши билан жўжаларига от-аравани сотиб» едиради, энди у ҳам Тошпўлатга ўхшаб бекорчи, ишсиз, на қилларини билмай ҳайрон. Ўша дамда Тошпўлатнинг: «Ҳа, дедим, бўлар иш бўпти, энди нашангни баҳузур чекавер, Салим, дедим. Монови жўжаларингни бўлса, дедим, худо йўлига қўявер, дедим», — дея берган «далда», «маслаҳати» даврнинг шафқатсизликларига нисбатан шафқатсиз киноя-кесатик бўлиб эшитилади.

Мана шу аянчли вазият асносида дард устига чипқон, деганларидай, яна бир қўнғилсиз ҳодиса юз берди. Фақир одамнинг фақир дўстлари унинг жонига оро кириб, томинин суваш учун ҳашарга тўп-ланганда — қизгни иш пайтида олифта бир мансабдор пайдо бўлади, «Салом йўқ, алик йўқ, ҳорма-бор бўл ҳам қўлтигда» зақун сўриштиради. Салимни одамлар кучидан фойдаланаётганликда айблайди, бу оддий халқ удуми, меҳр-оқибат эканини тушунишни ҳам истамайди: «Ҳашар ишлаб ухлогонга маҳшар кунн азоб ўлмас. Тайбас қилиб шароб ичсанг яна сенга ҳисоб ўлмас», — деган китоб сўзлари эслатишганда унга қулоқ ҳам солмайди, ҳашарчиларни, улар қатори Тошпўлатни ҳам хатга солиб тергов учун давлат маҳкамасига боришга мажбур этади. Салим сўтак бу ишлардан жонпони чиқади, безгаги хуруж қилиб мансабдорга нима деганини билмай қолади. Тошпўлат эса, одатдагидек, бу ишлардан тажанг, «шу замоннинг оқибатидан хафа» бўлади...

Бу ерда гап сиёсатга бориб тақалмоқда. Асардаги тўғридан-тўғри давр сиёсатига доир баъзи характерли ҳодисалар тафсилотига диққатингизни тортсам. Ишсизликдан, фақирликдан, адолатсизликдан бора-бора Тошпўлатнинг тақоти тоқ бўлади, адолатсизликларга ҳарши ўзинча «нисён» кўтаради, совет идораларига бориб, ер ислоҳо-

ти қилиб фуқораларга ер улашган ҳукуматдан савдогарлар дўкони-
ни тортиб олиб, ўзига ўхшашларга бўлиб беришларини сўрашга
қатъий жазм этади, синдикатлардан «мол олиб, бирни икки қилиш-
ни ҳў биламиз» дея гердаяди, ўзини биллагон қилиб кўрсатади. Қи-
зиги шундаки, шу хилдаги фаоллиги, жангариллиги билан у дарҳол
эя назарига тушади. Сайлов кампанияси пайтида саккизта камбағал
ўни ўраб олиб «Сени улуг сайлаймиз!» дея ундан розилик сўрайди-
лар. Шу ўринда пичинг-кинояларга, нозик имо-ишораларга тўла
зиддиятчи гаройиб ҳодисалар қаламга олинади: бурунги «оқ соққа,
қора соққа сайлови», сайлов пайтидаги казо-казоларнинг, қози-дом-
лаларнинг татмагирларча саҳовати, пул улашншлари эслатилади;
эндиги сайловда улар ҳақсиз, улар уйга қамалиб устидан қулф со-
либ олишган. Бу гал камбағал меҳнаткаш халқнинг сайлови, энди
катта мансабларга фақир-у ҳақирлар сайланиши, ҳа, Тошпўлат каби
кечаи ялангоёқ, оми, чапанни, «юк орқалайдиган», «хўлеган», бе-
зориликдан, «ганак топилса эрмак» деб қимор ўйнашдан ҳам тоймай-
даки, амалда бундай ишлар бўлган. Аммо Тошпўлатда андак анди-
ша, инсоф бор. «Шу қўл кўтардиминан устатчасига ўлтирсам» дей-
ди-ю, одамларнинг маломатидан чўчиди, бундай масъулиятчи ла-
парвар жамиятнинг фуқаропарвар сиёсатидан ажабланади, «шу за-
монанг борди-келдиенга» тушунолмай яна тажаниб бўлади. Ахир,
ўшандай сиёсат туфайли, гарчи фақир-у ҳақир, меҳнаткаш халқ ора-
сидан чиққан бўлса-да, ўзи мутлақо тажрибасиз, гирт оми, маъри-
фатсиз одамлар мўътабар мансабларга кўтарилиб, ўзини ҳам, эл-
юртни ҳам не-не кўйларга солмади, ахир! Ҳушёр адиб Тошпўлат би-
лан алоқадор боли ҳодисаларини қаламга олиш билан ўз вақтида гўё
жамоатни шундай кўнгилсиз ҳодисалардан огоҳ этаётгандай бўлади.
Ёзувчи Тошпўлат сингари фақир-у ҳақирлар ҳолига қанчалар ачин-
масин, уларга ҳамдард бўлмасин, уларнинг ҳам «орқасига офтоб те-
гаётгани»дан қувонмасин, барнобр, ҳали улар масъул вазифаларни
бажаришга, давлат ишларини бошқаришга тайёр эмаслигини сезиб,
тушуниб туради. Шунга кўра у қатор қаламкаш ҳамкасблари каби
ўша йиллари шўролар замонасида содир бўлаётган бу хилдаги ян-
гиликларни ўйламай-нетмай ҳар бооб билан маъқуллаш, оқлаш, ол-
қишлаш йўлидан бормай, бу хил жарайларни ҳолис туриб, зидди-
ятлари, мусбат ва манфий томонлари билан бор ҳолига гавдаланти-
ради, жанр имконияти даражасида ҳақли бадийий таҳлил этади. Ҳо-
дисалар бағридаги ички, табиий зиддиятлар, яъни шакл билан маъ-
мун орасидаги номўвофиқлик эса ёзувчи кулгиси учун битмас ту-
ганмас асос — манба бўлиб хизмат этади.

Хулласи калом, Абдулла Қодирийнинг машҳур ҳажвий асарлари
«Қалвак маҳзумининг хотира дафтаридан», «Тошпўлат тажаниб нима
дейди?» қиссаларининг мазмун-мундарижа доираси мавжуд тасаввур
қарашларга қараганда анча кенг, ёзувчи кулгиси бениҳоя серишзо.
Энг муҳими, реалист адиб 20-йиллар совет воқеалигининг кўп нозик
жиҳатларини, ўша даврда юз бераётган характерли тарихий жарай-
ларнинг ички зиддиятларини гоят зийраклик билан илғаб ололган
ҳақолилик ҳамда фавқуллодда маҳорат бадийий ифода этишга эришган

МАФКУРА ҚУРБОНЛАРИ

Шундай сўзлар, тушунчалар, иборалар борки, уларни қарийб етмиш йилдан ортиқ вақт ичида кўнга гоҳо ўн, гоҳо юз, гоҳо ҳатто минг марталаб айтаёмиз, такрорлаймизу, бироқ уларнинг моҳиятини англаб, асл маъини чақишга астойдил уринмаймиз. Айтайлик, коммунизм, социализм, Маркс, Энгельс, Ленин, бунга ўттизинчи-эллинчи йилларда қўшилган Сталин, коммунист, комсомол каби сўзлар онгу тафаккуримизга, жонү дилимизга сингдириб юборилиб, шу даражада илоҳийлаштирилдики, ўзимизни дунёга келтирган ота-онамизни баралла сўқиб, ҳудодан ҳам воз кечишгача бориб етдигу, аммо ўша сўзларнинг улуғворлиги, мукдаслигига кимлардир қўшилмаслигини айтса, ҳатто озгина эътироз билдирса ҳам душман тарзида қораладиқ.

Афсуски, фақат қоралаш билан чекланилмади. Ҳеч қандай асосиз, ўнлаб, юзлаб, минглаб эмас, миллионлаб халқимизнинг асл фарзандлари совет ҳокимияти, коммунистик партия ёвлари сифатида шафқатсиз жазоланиб, ё турмаларда чиритилди, ёки тўғридан-тўғри баъзан ҳатто суднинг ҳукмларисиз отиб ташланди. Яна шуниси даҳшатлики, қамаш қамашлар, отиш-отишлар ҳам марксизм-ленинизмни ҳимоя қилиб, коммунизм галабасини таъминлаш шiorлар билан оқланди, ҳатто бирдан-бир тўғри, адолатли ҳаққоний ҳукм деб «гулдўрос давомли қарсақлар» остида яқдиллик билан тасдиқланди. Аммо шу ўрнида, азиз ўртоқлар, биз лаҳза тўхтаб турайлик, одамларнинг эрку ҳурлигини бўғиб, турмаларга ташлаш ёки отиш орқали қандай озодликка эришидик, қандай бахт-саодат қарор топади, қонли-қонсиз фойзалар негизига қурилган фаровон турмушнинг кимга кераги бор, зўравонлик орқали қандай социализм қуриб, қандай коммунизм сари дадил қадам ташлаймиз, фақат қувончу шодлиқлар, нуқул бахт-саодат ҳукмронлик қилиб, ҳар қандай ғам-аламлар, дарду балоларни сўриб чиқарадиган нурли, чарогон ғамиятни кимлардир кўрганми, деган саволлар устида бош қотиришга йўл қўйилмади.

Майли, бундай нохуш, даҳшатли ҳодисалар компартия яқка ҳокимлиги, тоталитар тузум, маъмуриятчилик, буйруқбозликлар меъвасидир, дейлик, бироқ ҳозирги кунларда нима учун тўб ўзгаришлар бўй бераяпти? Ахир, катта-кичиклар, раҳбарлару фуқаролар баб-баробар жўр бўлишиб, иқтилобий қайта қуриш кенг қулоч ёзаётгани, ошкораликка йўл очилиб, демократиялаш давом эттирилмоқда, деб бонг уришмоқда-ку?

Ҳа, бонг урушмоқдалару, аммо партия ва давлат раҳбариятининг кўпгина масъул ходимлари янги шiorлар, янги талабларни тилда, оғизда баралла изҳор этиш билан аслида ўша буйруқбозлик, маъмуриятчилик, яқкаҳокимлигини тиш-тирноғи билан ёқламоқдалар, янгиланиш, покланиш куйларига эскирган нуҳ мазмунни сингдириш борасида фаолият кўрсатмоқдалар. Бунга эса фақат кўпгина меҳнаткашларимизнинггина эмас, балки аксари зиёлиларимиз, ижодкорларимиз, санъаткорларимиз онгидаги қоқоқлик, турғулик қўлай имконият яратиб бермоқда. Яна шуниси борки, ҳар қандай қоқоқлик, турғулиكنи ҳеч қачон кўз очиб-юмгунча бартараф этиб, тараққиётга осонликча замин ҳозирлаш асло мумкин эмас.

Ана шундай ҳамда шунга ўхшаш кўпгина жумбоқларни тўла ечиш учун жумҳуриятимизнинг 1917 йилдан кейинги сиёсий-иқтисодий, иқтисодий, маънавий-маданий тарихини ҳар томонлама етук,

Чўқур ва ҳаққоний таҳлилдан ўтказиб, ҳовирғи тараққиётни таъминлашга кўмаклашадиган ҳукм-хулосалар чиқаришни эҳтиёжи кундан-кунга кучайиб бормоқда.

Қаранг-а, қандай эҳтиёжу, уни қондириш учун қанчалик қамровли тадқиқотлар яратиш зарур. Аммо негадир бундай тадқиқотларга энди киришилмоқда. Илк изланишлар тарзида Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи таҳлили-ю талқини, бу асар ҳақидаги баҳсу мунозараларга мурожаат этмоқчиман. Лекин бунга зарурат борми? Ахир, «Ўтган кунлар» ҳамда унинг муаллифи тўғрисида ўилаб эмас, юзлаб мақолалар, кўламли тадқиқотлар ёзилган-ку?! Йигирманчи йиллардан бошланиб, ўттизинчи йилларда авжига чиқарилган қатағонлар, таъқибу тазйиқлар фақат Абдулла Қодирий ва унинг асарлари, бутун ижодинигина эмас, ўша пайтларда чақмоқдай отилиб чиқиб, бамиссли тонг юлдузларидай адабиётимиз осмонини ёритиб турган Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир каби нодир ноёб истеъодларимиз умрига завола бўлиб, ҳалокатга олиб келгани, сўнгра 1956 йилдан кейин Хрушчев номи билан боғланиб, озгина давом эттирилган покланиш даврида мазкур ижодкорларимиз оқлангани, уларнинг асарлари аста-секин чоп этира бошлангани, ниҳоят 1985 йили бошланган инқилобий қайта қуриш бу қутлуг зотларнинг ҳаққи-ҳуқуқларини тўла тиклангани ҳақида жуда кўп тўғри, ҳаққоний мулоҳазалар, ҳукм-хулосалар бизни хушнуд этган-ку, ахир?!

Шундай экан, мазкур ижодкорларимиз яратган бебаҳо адабий бойлигимиз маданий инқилоб, шахсга снгиниш, тургунлик, дабдаба-бозлик, офаринбозлик даврида ваҳшиёна топталгани, оёқ ости қилингани, эндиликда тўла «оқлангани»ни қайта-қайта таъкидлаш вериш шартми?

Ҳа, Абдулла Қодирий ўзбек насрида романчиликка асос солиб, адабиётимизда бутунлай янги йўналиш — ҳаққоний тасвир, реалистик таҳлилни бошлаб берган яратувчи, кашф этувчи санъаткор даражасига кўтарилгани баралла эътироф этилдики, бунга ҳеч эътироз билдирилмаса керак. Аммо Абдулла Қодирий ижоди, таржиман ҳоли, кўрган-кечирганлари, унинг стакчи асарлари ҳаққоний, теран илмий-эстетик таҳлилдан ўтказилиб, бу ҳақда айтилиши лозим барча фикрлар ўртага ташланиб ўқувчиларга етказилиб берилдими? Севимли адабимизнинг қандай қилиб халқимизнинг буюк санъаткори даражасига кўтарилиб, қандай кашфиётлар яратгани-ю, бу кашфиётларнинг нима учун, қандай сабабларга кўра ва кимлар учун кашфиёт, бебаҳо янгиллик, нодир бойлик бўлгани тўла ёритилдими? Шунингдек, унинг ҳамда у билан бир сафда заҳмат чеккан яна бирқанча улугъ ёзувчи, шоирларимизнинг таъқибу тазйиққа учрашида фақат сталинчилик «хизмат» кўрсатдими? Бу борада кимлар томонидан қандай нуқсонларга йўл қўйилди ва бу нуқсонларнинг келгусида тақдорланмаслиги учун қандай тадбирлар кўриш зарур?...

Хайриятки, саволларга қисман жавоб берадиган бирқанча мақолалар, тадқиқотлар ёзилди. Уларнинг орасида алоҳида салмоқ касб этадиганлари мавжуд бўлиб, бу биринчи галда М. Қўшқонов, У. Норматов каби мунаққидларимиз, Ҳ. Султонов каби ёзувчиларимиз номи билан боғлиқдир. Айниқса, Ҳабибулло Қодирийнинг «Отам ҳақида», «Қодирийнинг сўнгги кунлари» китоблари, ўилаб мақолалари самимий таҳсинга сазовордир...

Булардан бошқа яна бирқанча хайрли ишлар бажарилганки, уларнинг барчасини узундан-узоқ «рўйхат» қилиб, ҳар бирини батафсил

таърифлаб, ҳисобот беришга ҳожат йўқ. Эндиликда бу борадаги ҳали чуқур ёритилмаган, очилмаган муаммолар, жумбоқлар «оқ доғ»ларга диққатингизни қаратиб, уларга аниқлик киртиш муҳим аҳамият касб этади. Аммо шунчалик қизғин талашув-тортишувлар, тўқнашувлар манбаб бўлиб, бир неча йиллардан буюн жуда кўп хил-ма хил фикрлар, ҳукм-хулосалар келтириб чиқарган асар ҳамда унинг соҳибн ҳақида бутунлай янги, ҳеч кимнинг нигоҳи тушмаган, теша тегмаган гапларни топиб айтиш мумкин. Бундан ташқари, «Ўтган кунлар» ўз даврининг маҳсули, Абдулла Қодирий ўз замонасининг фарзанди бўлса-ю, ўша давр, замондан кейин ярим асрдан ортиқ вақт ўтган ҳозирги кунларда мазкур асар ҳамда унинг муаллифи бизга қандай сабоқ беради? Ва умуман бирорта асарни бошдан оёқ батафсил таҳлилдан ўтказишга бизни кимлар, нималар мажбур қилади? Борди-ю, баркамол, ҳаққоний таҳлил юзага чиқарилганда бундан бизнинг замондошларимиз қандай наф кўради? Ахир, «Ўтган кунлар» қанчалик буюк, етук санъат асари бўлмасин, ундаги нималардир фақат ўз даври, ўз замонига хизмат қилиб ҳозирда ҳам ўз салмоғини сақлаб қолса, нималардир, табииyki, эскириб ўз аҳамиятини йўқотмайдими? Бундан ташқари, сеvimли ёзувчимизнинг ноҳақ отилгани-ю, бутун қисқа ҳаёти давомида фақат тазйиқу тақикларга «қўмиб» ташлангани ҳақида қанчалик куйиниб, эзилиб сўзламайлик, барибир уни тириштиришимиз, табииyki, мумкин эмас-ку?

Ҳа, инсон умри ҳақидаги табиат, ҳаёт қонунн, худо ҳукми қатъий бўлиб, бунга қарши чиқишдан ҳеч қандай фойда унмайди. Гап Абдулла Қодирий руҳини сақлаб қолни, ундан маънавий мадад олиш, ўрганиш, унинг анъаналарини янги мазмун билан бойитиб, янада равнақ топтириш ва шу аснода янги маънавий-адабий дунё яратиб, халқимизнинг оломон эмас, ҳақиқатан ҳам курашчан, жанговар, мард, етук халқ даражасига кўтарилишига кўмаклашиш тўғрисида бориши лозимки, негадир биз бунга етарли даражада эътибор бермаймиз. Ахир, қўйгина мулоҳазаларимиз одатда асар мазмунини қисқа ёки батафсил изоҳлаш, таърифлаш, тавсифлашга қаратаётганини бошқача баҳолаш мумкинмас-ку?! Яна шуниси борки, масалан, бирор асар — «Отелло» ёки «Хамса»ни ҳар томонлама кенг миқёсда чуқур таҳлилдан ўтказсагу, шу таҳлилимиз мазкур асарларнинг ўзини босадими? Дейлик, рус танқидчилигининг зур намуналаридан ҳисобланган «Зулмат ичра нур»ни ўқисагу, Островскийнинг «Момақалдироқ» нyesасини ўқигандай ёки саҳнада кўргандай завқ-шавқ ололмаймиз-ку, ахир?! Мақола ёки тадқиқот буюнда турсин, ҳатто «Анна Каренина» ёки «Ўтган кунлар» ҳақидаги бадиий фильмларни кўрганимиздан кейин шу номдаги асарларни бевосита ўқигандай таъсирланганингиз, бутун вужудингиз, жону-танингиз билан тўлқинланганингиз, ларзага тушнишингиз амримаҳолдир. Чунки, бирорта одамнинг суратини кўриб, унинг ўзи ҳақида тўла эстетик кашфиёт даражасига кўтарилган адабий-танқидий мақола тасаввур ололмаганингиздек, ҳар қандай ажойиб, етук ҳатто илмий ёки тадқиқот ўзи таҳлил қилган объект — асар ёки ёзувчи вазифасини бажара олмайди, бажариш мумкин эмас. Ахир, уларнинг ҳар бири ўзига хос такрорланмас мазмун касб этиб, мустақил яшашга қаратилган-ку?! Бирн адабий-танқидий, илмий-эстетик таълиқу таҳлилдан ташкил топса, иккинчиси бадиий образлар дунёси бўлиб, ўзаро умумийликка, муштаракликка эга-ю, бироқ бир-биридан кескин фарқлангани зарур. Зотан роман ёки дoston, қисса ёхуд драма мазмунн-

ни шарҳлаш, тушунтириш билан чекланган адабий-танқидий мақола ёки тадқиқот мустақил, илмий-эстетик асар даражасига кўтарила майди. Ахир, Добролюбов фақат «Момақалдиуроқ»ни тушунтириш учунгина мақола ёзмаган-ку?! Аниқроғи, у Островскийнинг мазкур асарига даҳшатли салбий кучлар — қўллик, қашшоқлик, манфурлик, ноҳақлик, ёлгон-яшиқ, кўзбўямачилигу порахўрликлардан эзилган эл-юрт, меҳнаткашлар, оддий фуқароларнинг тояталган эркин озодлиги, ҳурлиги учун кураш йўлини ёритадиган нурни кўриб, бу нурни бутун вужуди билан яхши кўриб қолгани учун кўлга қалам олган. Бугина эмас. Уша нурни тўрт томондан ўраб олиб, парчалаб, йўқотмоқчи бўлаётган зулматдан газаблангани, нафратлангани ту файли асар таҳлилига киришиб, шу таҳлил орқали ҳам «Момақалдиуроқ» моҳиятини тушунтирадиган, ҳам давр ҳақиқати, замон руҳини рўйи-рост кўрсатадиган ахлёт адабий-танқидий, фалсафий асар — мақола яратади. Бу мақола шундай ижод маҳсулики. уни ёзувчилар ҳам, адабиётшунос олимлар ҳам, оддий ўқувчилар ҳам қизиқиш билан ўқиб, бебаҳо, унутилмас, таъсирчан маънавий бадний озуқа оладилар. Чунки мақола яратувчи, кашф этувчи истеъдод меваси си фатида дунёга келган ва шунинг учун у ҳозирги қайта қуриш, ош коралик, демократиялаш жараёнида ўз қадр-қимматини сақлаб қол япти. Аммо нима учун 1917 йилнинг Октябрдан кейин юзлаб эмас, балки юз минглаб мақолалар, тақризлар, тадқиқотлар «Зулмат ичра нур» сингари таъсирчанлик касб этиб, ҳаётимиз, адабиётимизда катта шов-шув қўзгаб, баркамол адабий-танқидий, илмий-эстетик ҳамда фалсафий кашфиётлар даражасига кўтарилмайдими? Фақат му тахассислар, яъни қаламнашларнинг ўзларидагина эмас, балки кснг китобхонлар, оддий ўқувчилар орасида зўр қизиқиш уйғотмаяпти? Ахир, «Ўтган кунлар» ёки «Кеча ва кундуз»дек насрий, шунингдек, жанговарлик, исёнкорлик руҳи билан суғорилиб, қалбларни тўлқин лантирадиган шеърый ҳамда драматик асарлар борки, улар ҳар қан дай юксак талабларга кўра баркамол, ўткир таҳлилу талқинларга бардош бериб, салмоқли, етук, таъсирчан мақолалар, тақризлар, тадқиқотлар яратишга асос бўлади-ку?!

Табиийки, «Момақалдиуроқ» ҳамда «Зулмат ичра нур» бошқа бир замонда дунёга келди, Островский, Добролюбовлар яшаб ижод этган муҳитни ҳозирги кунларга кўчириш мумкин эмас. Зотан уларни ўзбек адабиёти намуналарига солиштириб, бири ундай, бири бундай деб ижобий ва салбий мулоҳаза юритиш билан ҳеч ким ҳеч нарса ютмайди. Шу билан бирга, масаланинг яна бир жиҳати борки, бу ҳақда Хуршид Дўстмуҳаммад шундай дейди: «Ҳамонки, ўзбек фарзанди эканмиз, биз учун Қодирийдан яқин адиб йўқ, бироқ ҳамонки ҳозирги дунёни, замондош инсоннинг руҳий оламининг бадний тадқиқ этиш йўлида уриниб, суриниб юрган эканмиз, биз учун мисол тариқасида айтсам, Л. Толстой ёки Г. Флобернинг яқинлиги Қодирийникидан кам эмас, Бадний асарнинг бош фазилатларидан бири миллийлик эканини инкор этмайман, аммо-лекин санъат дин янглиг миллий қадриятлардан устундир». («Ёшлик», 1-сон, 1991, 39-б.).

Худди шу маънода Эркин Воҳидов: «Менга Пушкин бир жаҳон менга Байрон бир жаҳон, лек Навоийдек бобом бор, кўксим осмон ўзбегим», деб фахрлангани бежиз эмас.

Ҳа, фахрланиш, ғурурланиш ҳам улут бахтдирки, бу бахт на дан-кам одамга насиб этади. Лекин бу туйғу ниҳоятда нозик, сир сеҳрли бўлиб, қандайдир сабабларга кўра мағрурлик, худбинлик,

ёнаторлик ҳиссаси билан қўшилиб кетса борли, қонли қонсиз фожиалар, қурбонларга, даҳшатли ҳалокатга олиб келиши ҳеч гап эмас. Боран-ю, соф, қудратли юракдан отилиб чиқиб, соғлом, ҳур, эркин муҳитда илдиз отиб, кенг миқёсда авж олдирилса, адолат ҳақиқат галабаси учун курашда мададкор бўлиши, мўъжизакор қанот вазифасини бажаргани мумкинли, бу яна ўша Сетровский ҳамда Добролюбов ёхуд Беллинский янаган замонини эсга туширади.

Ҳўш, нима учун ўша пайтларда истеодлар юксакларга парвоз этиб, халқ, эл-юрт озодлиги учун курашда фаол иштирок этган, зулматдаги нурларнинг беқиёс кучли ёғдулар, алаиғаларга айланишига таъсир кўрсатган?

Чор Россияси қанчалик маккор, зулмкор бўлмасин, барибир деҳқонларнинг эркин бўлишига, лихтимоний-фалсафий, адабий-таъқидий, бадний тафаккурнинг ижодий хурлиқда ривожланишига маълум даражада имкон берган. Ахир, ўзини бутунлай ағдариб, йўқотиб, пролетариат, яъни ишчи-деҳқонлар яккахоҳнамлигини ўрнатишга бел боғлаган большевикларни қириб ташлашга кучи етса-да, бундай фожиали фаолият кўрсатмади-ку! Борди-ю, Ленин ва унинг сафдошларини йўқотишга астойдил киришса, бунини моҳирона амалга ошириши ҳеч гап эмас эди-ку!

Тўғри, ўз рақиблари, муҳолифлари билан огиз-бурун ўпишиб, апок-чапоқ бўлиб, бирлашиб ҳамкорликда иш олиб борди, дейиши учун ҳеч қандай асос йўқ. Аммо уларга ҳурмат билан ёндашгани ҳозирда аста-секинлик билан очилмоқда, ойдинлашмоқда. Чунончи, компартия тарихида ярим асардан буён реакционер, халқ душмани, ашаддий азувчилар, шахсий, лихтимоний, иқтисодий эркинлик, хурлиқни бўғувчи кучлар сифатида қораланиб келинган кўпгина шахслар, ҳусусан, ҳокимлик томондан ўз ихтиёри билан воз кечган руснинг энг охириги подшоҳи ёки Сталинин сингари арбоблар аслида ҳақиқий ватаншарвар бўлганлиги 1989—1991 йилларда эълон қилинган ҳужжатларда ишонарли исботланаётгани ана шундан далолат беради...

Ўўқ, ҳали тарихни таҳлил қилиб, ундаги кўпгина «доғлар», ҳақиқат нурини ёритилиб, қандай зулматлар ёруғлик, аксинча, қандай ёруғликлар зулмат деб оғимизга сингдириб юборилгани энди қисман очилди, ҳоло. Ҳатто қисман очилмаган тақдирда ҳам «Зулмат ичра нур» каби жангонарлик, исёнкорлик руҳи билан йўғрилган ўнлаб эмас, юзлаб адабий-таъқидий, бадний, фалсафий асарларнинг чоң этилиши ижодий эркинлик, шахсий хурлиқка йўл очиб қўйганлигига гувоҳ далилдир. Ўзимизда-чи? Айтайлик, Навоний ёки Оғаҳий, Бобур ёхуд Фўрқат, Беруний ё Форобий сингари ўнлаб, юзлаб шоирларимиз, алломаляримиз нималар тўғрисида сўзлаб, нималар ҳақида оғиз очмаслиги олдиндан аниқланиб, чекланиб чегаралангани, тақиқлаб қўйилганими?

Табиийки, қандайдир назорат бўлган ва бошбошдоқлик, тартибсизлик олдини олишга қаратилган, ҳар бир шахс масъулияти, жавобдорлигини орттириш нуктан назаридан иш юритилган, аммо 1917 йилнинг Октябридан кейини марксизм-ленинизм тараққий эттириб, совет ҳокимияти, компартияни ҳимоя қилиш учун ўрнатилган назорат, яъни цензурадагидай қатъийлик, шафқатсизлик, мутлақ чеклаш-чегаралаш, қолинилаб, темир панжарага, қафасга солиб қўйиш инсоният тарихида бўлган эмас. Ахир, айтилаётган фикрларгина эмас, инсоний туйғулар, ҳис-эҳтирослар жиловлаб қўйилгани бошқача хулоса чиқаришга имкон бермайди-ку!

Диққат қилинг-а, Добролюбов «Момақалди роқ» ва унинг муаллифига эмас, балки бошқа ёзувчилар билан уларнинг ижоди, сўз санъати, ижтимоий турмуш ҳақида нималарни ўйлаб, кимлидир. Ни манийдир жонидан ортиқ яхши кўрганини ёки кимлардан, нималардан нафратланиб, ғазабланганини ҳеч кимдан тап тортмасдан ошкор этган. Фақат бугина эмас, бошқа ижодкорлар ижодий эркинлик, ҳурликдан ҳампиша баҳраманд бўлганлар. Жумладан, Белинский бизда Пушкин бору, лекин ҳали рус адабиёти яратилмади, деб фарёд чекса, Писарев Пушкиннинг бутун ижоди, ҳусусан, «Евгений Онегин» романи, айтишлик, Грибоедовнинг «Ақллилик балоси» асарига нисбатан бир чақага ҳам арзимайди, Белинский Пушкинни улуг ёзувчи сифатида баҳолаб, кечириб бўлмас даҳшатли хатоларга йўл қўйди, деб наъра тортди. Лев Толстой Шекспирда ҳеч қандай даҳолик қудрати йўқ, унинг драмалари ниҳоятда бўш, ярамас асарлардир, деб ғуюқ инглиз санъаткорини тан олмагани ҳеч кимга сир эмас...

Энг муҳими шуки, бу тарзда фикрларнинг хилма хиллиги, бир бирига зидлиги, қалбда тўпланган дардларни ҳар кимнинг ҳар қандай шароитларда тўкиб ташлаши фавқулодда, тасодифий ҳодиса эмас, балки табиий, қонуний ҳаётнинг одатдаги оқими сифатида қаралган, лекин совет даврида бунинг тескариси бўлди. Чунончи, Максим Горький билан Маяковский совет адабиётининг асосчиси деб энг «юқори» донраларда эътироф этилди, демек, «қўйи»дагиларнинг барчаси бунга қарши чиқиши, эътироз билдириши мумкин эмас, деб ҳисобланди. Борди-ю, кимлардир журъат қилиб, бундан бошқачароқ тарзда мулоҳаза юритишга интилганда ҳам расмий, ҳам норасмий қатағонлар, таъқиблар гирдобиде «ғариқ» қилинди, ҳалокатлар то 1985 йил апрелидан қайта қуриш, омиқоралик, демократиялаш жараёни бошлангунча ўзимизда Ҳамза ҳамда унинг издошлари ҳақида жиддий, ўткир танқидий фикр билдиришга, аксинча, буларда бошқачароқ тарзда қалам тебратган адиблар тўғрисида илқ гаплар айтишга асло йўл берилмади-ку! Бирорта адабиётшунос, Ҳамзани айрим асарлари учун ҳурмат қилсам ҳам уни ҳеч қачон яхши кўрмаганман, яхши кўриш учун асос йўқ, мен фақат «Этган кунлар» билан, айтишлик, «Кеча ва кундуз»га, умуман Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир сингари ижодкорларга меҳрим тушган, ан шундай яратувчи қаламкашларнигина ёқтираман, деб баралла айта олмаган. Борди-ю, қандайдир фалокат босиб, айтишга журъат эдимми, у албатта душман, хиёнаткор сифатида қатағону таъқиблар тақиқлар «гирдоб»га ташланардики, бунга ишонч ҳосил қилиш учун мисол тарзда Файзулла Қиличевнинг «Ўқитувчилар газетаси»нинг 1990 йил 5 декабрь сониде чоп этилган «Душман маслакдоши» кич бўлган?» мақоласини эслатишнинг ўзи кифоядир.

Мақолада Фарғоналик Раҳим Исоқов деган оддий муаллим ўқувчиларига дарслик йўқлиги сабабли Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир асарларини ўқишга тавсия этгани учун «душманини маслакдоши» сифатида 10 йил қамоқ жазосига, тагин 5 йил фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум этишга ҳукм қилинганлиги аччиқ ала билан сўзланади.

Афсуски, бундай оғир, даҳшатли қисмат, фожиа тақдир яқин ягона эмас, балки халқимизнинг юзлаб, минглаб, ҳатто миллионла мустақил фикрлашга, ўз эрки, ҳурлиги, эл-юрт бахти учун кураш қодир фарзандларининг бошига тушдики, бундай оғир, даҳшатли қу

фатларининг келгусида тақрорланиши ёки тақрорланмаслиги ўзимизнинг ўтмиш анъаналари, тажрибаларининг қанчалик чуқур ўрганиб, қанчалик пухта ўзлаштиришимизга, қанчалик ҳаққоний, етук таҳлилдан ўтказиб, қанчалик тўғри хулосалар чиқаришимизга боғлиқдир. Бинобарин, узоқ ёки яқин ўтмишда орамиздан кетган ижодкорлар, уларнинг асарлари, умуман фаолиятига ана шу нуқтан назардан ёндашишимиз мақсадга мувофиқдир. Айтайлик, Абдулла Қодирий ҳамда унинг фожияли қисмати, асарлари ҳақида сўз юритарканмиз, биринчи гада, бугунги эҳтиёжлар, талабларни ҳисобга олмасдан иложимиз йўқ. Шундай экан, қайси ёзувчи ёки, олим ўтмишда қандай умр кечириб, қандай қийинчиликларни бартараф этган, қандай фаолият кўрсатиб, қайси асарларни яратгани тўғрисида шунчаки ахборот беришдан наф унмайди. Шунингдек, барча асарлар, воқеалар, далилларни ҳам илдан игнасиғача таърифлаб тавсифлаш, батафсил таҳлилдан ўтказиш шарт эмас.

Табиийки, таржиман ҳол, ижодкорлик фаолиятида ҳозирги замонга оҳангдош, муштарак жиҳатлар бўлса, бундан воз кечиш нотўғри. Гап шу ҳақида кетаяптики, ҳар бир ижодкор, унинг асарлари муайян давр, муайян замон маҳсули. Шунинг учун вақт ўтиши билан нималардир эскиради, нималардир биринчи эмас, иккинчи, ҳатто учинчи даражаги аҳамият касб этадиган ҳолатга келади. Айни чоғда фазилатлар, хусусиятлар бўладики, улар инсонга ҳамма вақт таъсир кўрсатиб, маънавий-руҳий мадад бераверади.

Ҳўш, масалага шу жиҳатдан қараганда, айтайлик, «Ўтган кунлар»да нималар ҳозирги замонда ҳам диққатимизни жалб этади?

Бу биринчи навбатда шахс эркинлиги муаммосидир.

Тўғри, инсоннинг мустақил ҳаёт кечириб, мустақил фикрлаши, мустақил фаолият кўрсатиши одам боласи дунёга келгандан бошлаб энг муҳим жумбоқлардан бири бўлиб, унга ўз муносабатини билдирмаган, уни фақат бадний эмас, балки иқтисодий-сиёсий, фалсафий ҳиссий-руҳий (психологик) таҳлилдан ўтказишга жазм этмаган ижодкорини топиш амри маҳолдир. Лекин ҳар бир ёзувчи ёки олим бу муаммонини ўзича идрок этиб, ўзича ўзлаштириш, ўзича ёритишга интилангани, ҳамма гап мана шу интилишда, изланишларнинг қандай натижаларга олиб келганлигидадир. Шунинг учун «Ўтган кунлар»да мисли кўрилмаган кашфиётлар, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган янгиликлар мавжуддир, деб даъво қилишга ҳеч қандай асос йўқ. Буни жуда яхши тушунган Абдулла Қодирий асарнинг индолласидеёқ «Ёзувчи»дан деган кичкина изоҳ бериб, қуйидагиларни алоҳида уқтиради: «Ёзмоққа иниятланганим бу — «Ўтган кунлар» янги замон романчилигини йўлида кичкина бир тажриба, яна тўғриси, бир ҳавасдир. Ҳар бир инининг ҳам янги — ибтидоий даврида талай камчиликлар билан майдонга чиқиши, аҳллариининг етишмаклари ила секин-секин тузалиб, такомилга юз тутуши табийи бир ҳолдир. Мана шунинг далласида ҳавасимда жасорат этдим, ҳаваскорлик орқасида кечадиган қусур ва хатолардан чўчиб ўтирмадим»¹.

Қаранг, катта ҳажмдаги бутун бошли яхлит бир асар «кичик бир тажриба», «ҳавас» деб тақдим этилиб, унда «талай камчиликлар» мавжудлиги айтилаётгани, буни бир жиҳатдан камтарлик нишонаси деб баҳоласак, иккинчи томондан, ижодкор изланишларининг ҳар

¹ А. Қодирий, Ўтган кунлар, Тошкент, 1958, 1-бет. (Кейинги кўчирмалар ҳам шу нашрдан олиниб, қавс ичида саҳифасини кўрсатиш билан чекланамиз).

бир меваси қонуний равишда илк тажриба сифатида майдонга чиқадил. Ахир, одам боласининг ҳар бир фарзанди қиз ёки ўғил бўлиб туғилишини, туғилгандан кейин уларни ким бўлиб вояга етишини элдиндан башорат қилиш мумкин бўлмаганидек, ёзувчи ўз истеъдоди меваларининг қандай салмоққа эга эканлигини башорат қилишга қодир эмаску! Шунинг учун, айтийлик, Лев Толстой ҳатто бутун дунёда машҳур сўз санъаткори даражасига кўтарилганда ҳам ўзидан ўзи асло қониқмасдан, асарларини кўнглимиздагидек етук бўлиб чиқаяпти, деб умр бўйи эзilib, шикоят қилиб ўтгани бежиз эмас.

Муқаррарки, Қодирий ўзимиз учун қанчалик қадрли, мўътабар бўлмасин, у нисол тариқасида Лев Толстойдек бутун жаҳонни забт этган рус сўз санъатининг беқиёс даҳосидир, деб ҳар иккаласини ёнма-ён қўйиб, тенглаштиришга ҳеч қандай асос йўқ. Лекин бир-бирига қардош халқлар адабиётларининг ҳар иккала пешқадам, ил ижоди, ўз изланишларига юксак даражасидаги талабчанлик, масъулият ҳисси билан ёндашувда намоён бўлади. Ахир, шў талабчанлик, ишониб, бирор ишга жасорат ила қўл уриш билан бирга ўз фаолига айланиб, шубҳаланиб қарашдан тап тортмайдиганлар-ку! Ваҳоланки, кейинги йигирма-ўттиз йил мобайнида шаҳ-бавосита мулоқотда, ижодий, ҳамкорликда бўлиб, улардан аксарияти ўз изланишлари, асарларига нисбатан таниқидий ёндашишини талаб қилади деб айта олмаймам. Ҳар ҳолда, шуниси аниқки, кимлар ўз юзасидан мурожаат этса, барчаси нуқул қўлиб-қувватланг, ил ижоди асарини ёқдимми ёки ёқмадимми, меҳру муҳаббатингизни уйғотдимми ёхуд нафратлангирмадимми, илу андишани бир чеккага қўйиб туриб, охи киё ташланг, дейдиган қаламкашларини даярли учратмаганимиз. Тўри, бундан Абдулла Қаҳҳор ё Одил Ёқубов каби ёзувчилар исло-нодирки, аслида ҳар бир ижодкорнинг биринчи галда ўзига, ўз из-ланишларига талабчанлик билан ёндашишини Абдулла Қодирийдан ўрганиш ҳозирги кунда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ахир, «Ўз-ган кунлар» билан миллий романчилигига пойдевор қўйилгани, бу жанрнинг «Кеча ва кундуз» билан Чўлпон янги тариққидёт босқичига бир қаламкаш мен Абдулла Қодирий ё Чўлпон, ёки Фитрат каби сўз санъаткорларининг анъаналарини ривожлантириб, уларни бой-тишга қодирманми, халқ оиғу тафаккурини бойитиб, унинг ўз ҳаққу ҳуқуқи, эрки ҳурлиги учун курашга даъват эта оламанми, деган саволни олдига қўйиладиган қилиб қўйиши фарзу қарз эмасми?!

Йўқ, мен тилга олинган сеvimли адибларимизга тақлид қилиш ёки улар қаламига мансуб асарларининг янги нусхаларини яратиб тўғрисида сўзламайман, бундай мулоҳаза юритиш бадий ижод қо-нуниятларига мутлақо зиддир.

Ҳап сўз санъати равиқини таъминлаш учун салмоқли тарихий тажрибалар, яратувчилик анъаналарини ижодий ўрганиш, ўзлашти-риш ҳақида берайпти. Бундай ўрганиш, ўзлаштиришнинг қанчалик муҳим аҳамият касб этишини аниқлаш учун қўйидаги вазиятга бир-нигоҳ ташлайлик: 1917 йилнинг Октябрида бутун нисоният тарихи

да мисли қўрилмаган, янги, илгор, буюк бадий адабиёт яратамиз, хоҳлаган одам фақат марксизм-ленинизм байроғи остида социалистик реализм талабларига мувофиқ кўп миллатли мамлакатимиздагина эмас, балки жаҳонда катта кашфиёт бўладиган асарлар яратишга қодирдир, деб жар солганмизу, бироқ ўз жумҳуриятимиз миқёсида «Ўтган кунлар» ёки «Кеча ва кундуз»дай юксак савияда ёзилган сўз санъатининг бирорта нодир нуёб намунасини учратмадик-ку, ахир?! Яна шуниси борки, Қодирий, Чўлпоннинг мазкур асарларини буржуа миллатчилиги руҳида ёзилган, бизга мутлақо ётдир, зарардир, деб балчиққа бўлгаб, нуқул таъқибу тазйиқларга «кўмиб» ташланади-ю, «Бой ила хизматчи» ё «Яша Шўро!» ёки «Йўлчи юлдуз», ёхуд «Олтин водийдан шабадалар», «Ғолиблар» каби ўнлаб, юзлаб романлар, драмалар, шеърлар болалар боғчалари-ю, ўрта мактаблар билан олий ўқув юртиларида ўзбек совет адабиётининг бадий кашфиётлари сифатида кўкларга кўтарилиб, муттасил тарғиб этилди, аммо шунга қарамасдан буржуа миллатчилиги руҳида ёзилиб, компартия сиёсатини бузиб кўрсатган, деб лаънатлаган, қатъий ман этилган асарлардан аксарияти ҳозирги қайта қуриш, ошкоралик, демократиялаш жараёнида ҳам бизга мададкор, ҳамкору ҳамдард бўлаёпти.

Хўш, нима учун қарийб ярим асрдан буён социалистик реализмнинг беқиёс медалари деб мадҳиялар, мақтовлар «тўлқинлари»да «тарқ» бўлган асарлар ўқувчилар оммасининг ҳурмату муҳаббатини қозонмайди-ю, аксинча, мана шундай шарафга кўпинча фақат қораланган роману қиссалар, шеъру драмалар сазовор бўлмоқда? Хусусан, «Ўтган кунлар»нинг умрбоқийлигини қандай изоҳлаш керак?

Табиийки, бу асардан йигирманчи-ўттизинчи йиллардагидек ҳозирги ёшу қари китобхонларнинг барчаси ларзага тушиб, чексиз ҳаяжонланаёпти, қўлидан туширмасдан ўқиб, ҳатто ёдлаб олаяпти, дейишга журъат этолмайман. Лекин унга қизиқиш асло сўнмаётгани аниқки, бунинг моҳиятини англаш учун қуйидаги кўчирмани кўздан кечирайлик: «...Оладиган хотинингиз сизга мувофиқ бўлиши барида эр ҳам хотинга мувофақаттабъ (яъни, таъбига мос, муносиб — Н. Х.) бўлсин.

Хотинга мувофиқ бўлиш ва бўлмаслиқнинг унча кераги йўқ... Хотинларга «эр» деган исмининг ўзи кифоя... Аммо жиян айтганидек хотин деган эрга мувофиқ бўлса бас» (9-б.).

Махсус изоҳларсиз шунини билиш мумкинми, эр-хотиннинг бирига мосу-хос, муносиб бўлишини ёқлаётган Отабекдир, унга қарши чиқаётган Ҳомиддир, аммо уларнинг тўқнашуви, уй эгаси-ю, малликаси ҳақидаги баҳслари ҳаёт-мамот масаласими? Ахир, бизнинг асосий ҳамда ягона мақсадимиз социалистик жамиятни қуриб, аста-секин коммунизмга ўтиш эмасми? Синфий қарашлар, мафкуравий мунозаралар кун тартибининг марказига чиқарилмасдан диққатимизни нуқул меҳр-муҳаббат, ишқ, ошиқу маъшуқаликка қаратсак, ҳаммага бахт-саодат келтириб, инсоният тарихида мисли қўрилмаган фаровонлиқни таъминлаган жамият ўз-ўзидан қурилмади-ку, ахир?! Ҳатто йигирманчи-ўттизинчи йилларда фақат мамлакатимиздагина эмас, балки бутун ер юзида жаҳон инқилобининг ғалабасига эришмасдан шахсий бахт, оилавий турмуш ҳақида бош қотириш, бу болада фаолият кўрсатиш кечирилмас жиноятдир, деб аҳён-аҳёнда жар солишгани тасодифий ҳолми?...

Хуллас, шундай муҳит яратилдики, оилада ҳам, ишлаб чиқариш жараёнида, меҳнатда ҳам бутун дунё пролетарларининг бирлашиб,

коммунизм галабаенга эришиш, марксизм-ленинизм байроғи остида бахтли келажак учун кураш муаммолари кенг миқёсда муҳокама қилиниб, ишқ, муҳаббат, меҳру оқибат масалаларини ҳам партиявийлик, синфийлик нуқтаи назаридан ечишга киришиш, оқибатда эру хотинининг мутаносибланиши одамларнинг ижтимоий келиб чиқиши, ўларнинг қайси синф ёки гуруҳга мансублиги эмас, балки ҳаётнинг ўзи белгилайди, деган фикрларини тарғиб этадиган асарлар тошбўрон қилинганлиги ўша пайтлардаги мафкуравий буйруқ, кўрсатмалар маҳсулидир. Ахир, нега энди савдогар Отабек шунқ бўлиб, севги йўли-да ўзини фидо қилади, ваҳоланки, бундай туйғу фақат камбағаллар эмас, улар фақат меҳнаткашларни эзиб, нуқул айни-ишрат, маншат билан шугулланишадн, чин инсоний ҳис, эҳтирослардан маҳрум этил-гандир, деб мулоҳаза юритиш қатъий қонунаштираилган эди-ку!

Мана, энди шундан кейин «Бой ила хизматчи» ёки «Қутлуг қон» ёки «Пўлат қандай тобланди» каби асарларда кимки бойлар, камп-талистларга мансуб бўлса, барчаси оддий инсонийликдан, имону виждон, диёнатдан маҳрум этилганлиги, уларга сезиш севилиши гўё таби-атнинг, ҳаётнинг ўз томонидан берилмагани, аксинча, Гофину Я-шоқлардан чиққани учунгина ҳақиқий ижобий қаҳрамонлар сифати-да тараннум этилганига ажабланишнинг кераги йўқ.

Бир-икки асар эмас балки совет адабиётидаги асосий то-лий-бадний йўналиш ҳақида кетаяпти. Бу шундай йўналишки, ўнинг негизда марксизм-ленинизм таълимоти ётарди-да, қаҳрамонларнинг фаоллиги, изланиш-интилишларига эмас, балки уларнинг ҳис-туй-ғу, эҳтирослари ҳам синфийлик, партиявийлик талабларига майдон-дан, эъраволик билан бўйсундирилари. «Ўтган кунлар» эса бу та-лабларга баъзи аломатлари билан мувофиқ келарди, холос. Жумла-дан, ёзувчи ўша пайтлардаги тарғиботга кўра совет ҳокимияти, ком-партия инсоният тарихида бутунлай янги саҳифа очди, йўқчиларга бахт берадиган нур офшон, ёрут келажак сари бошлаб боради, чир-лик нурларини сочади, деган мафкуравий чақиринлар, шпорлар, буй-ругу кўрсатмаларга бироз ён босишга майдон бўлиб, «...мавзун-мозийдан, лқин ўтган кунлардан, тарихимизнинг энг кўр, қора кунлар-бўлган кейинги «хон замонлари»дан белгиландим» (1-бет. Таъкид-бизники — Н. Х.) дейди. Бироқ ёзувчи бундан ён бериш тарихий ҳақиқатга зид келгани туфайли воқеалар тасвири жараёнида истеъ-дод, виждону диёнат, қалбу ақл даъватига асосланиб уни кўради. Охир, бош қаҳрамонларнинг жамиятнинг энг тараққий этган гуруҳ-ларидан танлаб олиб, шу гуруҳ ҳаётини тадқиқ этишга киришгани тасодифий эмас-ку!

Йўқ, Қодирий тарихни яратиб, халқ тақдирини ҳал қиладиган кучлар фақат ишчи-деҳқонлардир, жамиятдаги бошқа табақалар — бойлар, савдогарлар меҳнаткашларни эзиш ҳисобиға яшаганлари учун инсонийлик қиёфасини йўқотган йиртқичлар деб бонг уради-ган мафкурафурушларга ўчакишиб, атайин шундай қилган, хоҳла-са, ижобий қаҳрамонларни йўқчилардан оларди, деб бўлмайди. Не-гаки у санъаткор сифатида одамларнинг ижтимоий келиб чиқишига асосланиб инсонийлик, ҳалоллик, аксинча, йиртқичлик, ифлослик, аниқланмаслигини бутун вужуди, онгу тафаккури, ақлу қалби бил-лан ҳис қилган, тушунган, ҳамда ҳаётини материални ўзи яхши бил-

ган доирадан олгану, Отабек, Кумушнинг фожияли муҳаббат тари-
лини ёритган, деб ҳисоблаш ҳақиқатга яқиндир, деб ўйлайман. Энг
муҳими, инсоннинг меҳру муҳаббат, нафрату газаб каби туйғулари
табиат, ҳудо томонидан берилган бўлиб, иккимоний, иқтисодий муно-
сабатлари мазмун билан асло белгиланмайдн. Айтайлик, капиталист-
лик тўзум тугул ҳатто ибтидоий жамият пайтида ҳам одамлар бир-
бирини қандай ҳурмат қилиш, севини, севилтишдан бутунлай беҳабар
бўлган, дейиш мумкин эмас-ку, ахир!

Тўғри, моддий ҳамда маънавий-маданий бойликларни ишлаб чи-
қаришга кимлар раҳбарлик қилиб, кимларнинг муҳитдаги иккимоний,
иқтисодий иқлиминин белгиланиш ҳар бир фуқаро ҳуқуқ-атвори, ўйлаш,
ҳис қилиш қобилиятига таъсир кўрсатиши турган гапки, бундан қўл-
ни ювиб, қўлтиққа уриш фақат зарарлидир.

«Утган кунлар»да масаланинг шу жиҳатига алоҳида эътибори-
миз жалб этилади: «Мен, ўруснинг идора ишларини кўриб, ўз идо-
раимизнинг худди бир ўйинчоқ бўлганингини иқдор этишга мажбур
бўлдим. Бизнинг идорамиз буюкнинг тартибсизлиги билан кетаберса,
ҳалимиз нима бўлишга ақлим етмай қолди. Шамайда эканман, қа-
ноним бўлса, ватанимга учсам, тўппа-тўғри хон ўрдасига тушсам-да,
ўруснинг ҳукумат қонунларини бирма-бир арз қилсам, хон арзинини
тингласа-да, барча элга ёрлиқ ёзиб, ўруснинг идора тартибини даст-
турламаз этишга буюрса, мен ҳам бир ой ичиди ўз элимни ўрус-
нинг билан бир қаторда кўрсам... Аммо ўз элимга қайтиб кўрдимки,
Шамайда ўйлаганларим ишрнн бир ҳаёл эмис! Бу ерда сўзимни
эшитувчи ҳам бўлмади. бўлсалар ҳам: «Сенинг арзингни шу хонлар
иштарлигини, шў беклар иқроқиладими» деб мени маъс қилдилар»
(16-бет).

Қаранг-а, қаҳрамон ўруснинг раҳбарлик усулларини ўзимизники-
дан юқори қўйиб, улардан ўрнак олишга чорламоқда, бунга эришиш-
нинг иложи йўқлигини кўриб, патируб чекмоқда, қийналмоқда. Айни
челда хонлик тўзумининг иққироизидан беҳабар эканлигини намоён
қилмоқда. Шу билан бирга, қўлдорлик хусусиятларини сақлаб қол-
ган феодализм одамларининг лоқайдлик касалига чалинганини очиб
ташламоқда.

Ҳа, очиб ташламоқда, намоён қилмоқда, азобланмоқда-ю, бироқ
бу жараёндаги иккимоний, шахсий туйғулар, гоилар, эътиқодларнинг
тўқнашуви онда-сонда тилга олинганига қандай таъсир кўрсатгани
кеч миқёсда кўрсатилмайдн. Аниқроғи, диққат марказига муҳаббат
можаролари чиқарилиб, романининг асосий қисми шу можаролар таҳ-
лилга бағиниланадики, бу Қодирийнинг мафкура тазйиқига учра-
маслигини кўзлаганидан бўлса керак, деган тахминга олиб келади.
Борди-ю, шундай тазйиққа қарамасдан, Отабекнинг савдогарлик фао-
лияти кең ёритилиб, унинг иккимоний ҳаётда қандай илгор фикр-
ларни қўллаб-қувватлаб, қандай салбий гоиларга қарши курашгани
тасвирланганда ёзувчи савдогарлар, бойларни илоҳийлашираётги,
камбағалларни ерга ураётги, шу тариқа совет ҳокимияти, компар-
тия сиёсатини қоралаётги деб айбдор қилиниши, жиноятчиға айлан-
тирилиши ҳеч гап эмас эди. Ваҳоланки, савдогарлар, бойлар тур-
мушн, иккимоний фаолиятини «сўв» қилиб ичган Қодирий уларни
атайин сўнъий равишда салбий қаҳрамонлар сифатида кўрсатиб, лаъ-
натлашига ишонини қийин. Ахир, фақат ақлли, зукко, тadbиркор,
ишчан, мард, ҳалол одамлардан ҳақиқий савдогар ва бойлар етишиб
чиқиши, аксинча, лондовур, ялқов, гирром, нефлос, манфур шахслар-

нинг йирик мулкдорлар бўлиши гайритабiiй бир ҳол-ку! Тўғри, бой-лар, савдогарлар орасида баъзан ёлгончилар, хиёнаткорлар, мак-корлар учрайди, лекин улар пировардида барибир синиб, шарман-даю шармисор бўлишини ҳаётнинг ўзи тақозо қиладики, бунн ис-ботлаш учун Отабек ва Ҳомид бир-бирига қарама-қарши қўйилиб, улардан биринчиси ўз кучи, меҳнати, билимини ишга солиб, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, ҳалол, мусаффо муҳи-ни яратса, иккинчиси нуқул ёлгон-яшиқ, ноҳақлик, алдамчилик, ик-килозламачилик, билимсизлик, омиллик билан яхши яшаш, турмуш ке-чириш иқлимини буллагани, оқибатда ҳалокатга юз тутгани умуман олганда ишонарли тасвирланади.

Майли, бунга шак келтирмайлик, аммо Отабек кўп ҳолларда ҳа-дан ташқари ижобийлаштирилиб, ҳатто илоҳийлаштирилиб юборилма-ганми, аксинча, унинг рақибн хулқ-атвори, хатти-ҳаракатларидаги қора-данг метёридан ортиқ даражада қуюқлаштирилмаганми, деб эътироз-билдиришингизга муайян асос бор. Дарвоқе, бунн Қодирий онгли равишда амалга оширганини қуйидагича изохлайди: «...халқимизни шў замоннинг «Тоҳир ва Зухра»лари, «Чор дарвиш»лари, «Фарҳод ва Ширин»лари ва «Баҳромгўр»лари билан таништиришга ўзинида мажбурият ҳис етамин» (1-бет).

Кўраёписизми, эртакнамо мулоҳаза юритиш, яъни романтик тас-вир усулидан фойдаланиш олдиндан белгиланиб, бу ўқувчилар ман-фаати учун қилинганини ёзувчи рўйи-рост айтмоқда. Бироқ шунга қарамасдан аксари ҳолларда, айниқса, қаҳрамоннинг муҳаббат та-рихини ёритишда ҳаёт ҳақиқатининг мавжуд зиддиятлари, мураккаб-ликлари, сиру сеҳри, жозибаси билан тавдалантиришга эришганики ана шу ҳусусият юракдан отилиб чиқадиған, мавж урадиған «Ўтаб-кунлар» шўҳратини таъминлади. Айниқса, ҳис-ҳаяжон, эҳтирослар инсоннинг ижтимоий келиб чиқиши, қайси синф, қайси гуруҳга ман-сублиги ёки мансуб эмаслиги билан эмас, балки табиат, ҳаёт, ҳудо-ато қилған ҳусусиятлар билан белгиланиши маҳсус шарҳларсиз ан-лашилади. Ахир, Ҳомид ҳамда унинг ҳаммаслаклари камбағал, қаш-шоқлар табақасидан эмас-ку! Улар жамиятда тутган ўрни, салмоғи билан ижобий қаҳрамонларга жуда яқиндир, лекин ақл-заковат, зук-колик, адолатпарварлик, инсонпарварлик жиҳатида бир-бирларига су-в билан олов, тун билан кўндек қарама-қарши, зиддир. Ахир, Ҳо-мид ўз рақибининг жамиятдаги қайси ижтимоий гуруҳ, синф таба-қасига мансублиги, бой ёки камбағал эканлиги ҳақида ўйлаб ўтир-масдан унинг ўзидан ҳар томонлама юксаклигини кўриб, ҳасад на-лади ва шу чиркин ҳис курашга отлантирди-ку!

Майли, бунисиг кўнайлик, аммо Отабек-чи? Унга ҳасад, ўз-ларини кўролмаслик ҳисси бутунлай ётми? Табиийки, ёт эмас, лекин унда ҳасад, ўзгаларни кўролмаслик ҳисси инҳоятда оз бўлиб, ҳисси олижаноб, доно, мард, ҳалол инсон бўлгани туфайли зўр-и-да, ақл кучи билан «жиловлаб» қўяди, унга эрк бермайди.

Хўш, агар шў рост бўлса, нима учун Отабек Ҳомиддан нафр-ланиб, уни йўқотиш учун жангга киришади ва пировардида ўз-ятнига етади? Ахир, одамни ўлдириш барибир адолат талабига му-фиқ амалга оширилганига қарамасдан ўзинга ҳос фожиа-ку!

Ҳа, Отабек ўзидаги ҳасад, ўзгаларни кўролмаслик туйғус-«жиловлаб» қўйгану, бироқ рашк, қизганиш оловида ўртанади ва туйғулар уни тўқнашув майдонига олиб чиқади. Ҳолбуки, раш-ҳам, ҳасадни ҳам ўтмиш сарқитлари деб атаб, синфийлик, пар-

вийлик нуқтан назаридан салбий ҳодиса тарзида фош этишга даъват қилганимиз совет замониди. Тўғри, ҳасадни салбий ҳодиса деб баҳолаш керак ва аслида ҳам шундай. Яна шуниси борки, баъзан рашик, қизганиш туйғуси озроқ ҳасадни кучайтириб, даҳшатли кучга айлантириши ҳеч гап эмас. Зайнабда балки шундай ҳол рўй бергандирки, у Қумушнинг қотилига айланиб қолади. Бундан ташқари, нисонда шундай сир-сехр, зиддиятлар, жумбоқлар бўладики, у ўзи жуда оқилжаноқ, доно, ҳалоллиги, мардлигию матонатига қарамасдан гоҳида қабилх ишлар қилиши, аксинча, энг расво, манфур кимсалар баъзан эзгулик, яхшилик галабасига билибми билмай, сезибми сезмай қўмаклашиши эҳтимолдан ҳоли эмас ва бундай мураккабликларни синфийлик, партиявийлик билан изоҳлашга ҳеч қандай асос, зарурат йўқ. Шунинг учун Қодирий бойлар, ҳукмдорлар, мулкдорлар ҳамда жамиятдаги олий табақанинг ичунга ўхшаш бошқа вакиллари-га гоҳида таъна-ю танбеҳ беради-ю, бироқ уларни бирорта ижтимоий гуруҳ, синфга мансублиги ёки мансуб эмаслиги нуқтан назаридан тузламайди, балки худо бандаси борки, албатта қаердадир, нима сабабдандир адашади, хатога йўл қўяди, беайиб парвардигор-дир, деган ақидага мувофиқ шундай қилади.

Бундан чиқдики, у асардаги қаҳрамонлар ва уларнинг фаолиятини ёритишда синфийлик, партиявийлик принципларини четлаб ўтди, деб қораланиш тасодифий эмас экан-да?

Ҳа, тасодифий эмас. Бу онгли бажарилган иш. Негаки, сўз санъатини жамиятдаги муайян гуруҳлар, табақалар, синфлар, яъни бойлару, камбағаллар, капиталистлару ишчилар, зиёлилару деҳқонлардан ҳар бирининг манфаатини кўзлашга бўйсундириш бу бадий ижодди, ёзувчининг ҳалокатга маҳкум этишидир, деган фикрни Қодирий жуда яхши тушунганига заррача шубҳаланмайман. Шунинг учун Отабекни, айтайлик, Ҳасанали ёки уста Олимга қарама-қарши қўйиб, бир томони — эксплуататорлар, иккинчи томони — эзилувчилар сифатида талқин этмаган. Тўғри, «Меҳробдан чаён»да ҳоким синфга Худоёрхон ва унинг амалдорлари, ҳамтовоқлари киритилиб, уларга Анвар, Раъно ва бошқалар қарама-қарши қўйилган-да, синфийлик, партиявийлик талабига қисман риоя қилган, дейиш мумкин. Аммо нима учун қисман? Негаки, Анвар, Раъно барибир тўла маънодаги қаншоқ, камбағаллар тарзида гавдаланмайди, гавдаланиши мумкин эмас. Ахир, улар парвардида сарой аҳлига яқин турадиларку!

Хуллас, бу асарда қаҳрамонларининг иккимоний келиб чиқиши, уларнинг жамиятга муносабати масаласини совет ҳокимияти, коммулантии сиёсатини қўллаб-қувватлаш нуқтан назаридан енишга интилиш борки, бу интилиш ҳушроқ мафкуранинг бадий ижодга ўтказган зугумини кўрсатади. Ана шу зугум маълум маънодаги «Меҳробдан чаён»нинг «Ўтган кунлар»га инебатан бадий илҳатдан бироз бўшроқ, заифроқ чиқишига «қўмаклашган» бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Балки шунинг учун партиявий зарбалар, синфий «топи-лар» «Меҳробдан чаён»га эмас, «Ўтган кунлар»га отилиб, шу аснода Қодирий тазйиқу тақиқлар исканжасига олиниб, оқибатда ўлим-га маҳкум этилмадиани?

Бу саволга «ҳа, шундай», деб жавоб беришга қўйидаги вазият мажбур қилади: Қодирий ҳар одамининг фақат табиат, худо томонидан берилган асл фазилатлари, қилиқларию, одатлари, туйғулари борки, уларнинг негизинда нисон туғилганидан то ўлгунча эрк, озод-

лик, ҳурлик учун курашиб ўтади, бу борада кимлар, нималар тўсиқ бўлса, уларни бартараф этмасдан мақсадга эришиб бўлмайди, деган фикрни Отабек ва Кумуш муҳаббати фожияси, ҳалокатининг дарду аламли тарихига сингдириб юборади.

Табиийки, инсон муайян жамият, ижтимоий тузумда яшаб туриб, ундан бутунлай узилиб қолиши ёки четга, ташқарига чиқиб кетиши асло мумкин эмаслигини ёзувчи чуқур идрок этади. Шунинг учун Отабекнинг савдогарлик фаолиятини озгина бўлса-да, ёритишга бел боғлайди, шу аснода ўруслар элидаги ишлаб чиқариш, халқини бошқаришдаги афзалликлар тўғрисида мулоҳаза юритади-ю, бу мулоҳазаларни кенг миқёсда давом эттириш, ривожлантиришдан бош тортади. Ахир, бош тортмаса, бойларни, бойликни ҳа деб нуқул қоралайверибдан ҳеч қандай наф унмайди, негаки, моддий познелар матлар мўл бўлмаса, инсон иқтисодий жиҳатдан тўла таъминланмаса, маънавий, ижтимоий тараққиёт бўлиши мумкин эмас, мулкчиликни раванқ топтириш учун бел боғлаганлар қарамоғидаги ишчилар ёки деҳқонларни эвса, уларнинг соғлом, ҳалол мардонавор меҳнат қилиши учун шароит тугдирмаса, синиб қолади, ўзи ҳам меҳнаткашлар ҳам зарар кўради ва умуман ўтмишни нуқул зулматдан йоратдир. Ёруғлик бўлмаган, нуқул эзиш-эзилишдан бошқа нарса йўқ деб талқин этишга очиндан-очиқ қарши чиқишга маҳкум этиларди. Лекин бу тарзда мулоҳаза юритиш 1917 йилнинг Октябрдан кейин авж олдирилган мафкурага зид келарди. Бу эса, табиийки, ёзувчининг ҳаётига бевосита хавф солиши турган гап эди. Шундай бўлгач, у бойлик яратиш, савдогарчилик жараёнида инсон руҳияти, маънавияти қандай ўзгартирилганга юз тутайди, деган муаммо бадий таҳлилига берилмайди. Айни чоқда ўтмишда бойлар, савдогарлар ҳукмронлик қилганда одамлар бир-биринга бўри эди, улар ўртасида фақат бойлик, мулк учун кураш авж олдирилиб, барча инсоний қадриятлар оёқ ости қилинди, ҳеч қандай тараққиёт бўлмади, ҳақиқий тараққиёт фақат марксизм-ленинизм галабасидан кейин бошланди деган ғоянинг ҳаётий асоси йўқ эканлигини Отабек билан Кумуш муҳаббати, уларнинг дарду аламлари, фожияларини ёритиш орқали кўрсатади. Борди-ю, Отабек ўзинга тўқ оқлада вояга етмасдан, очарчилик, қашшоқлик исканжасида улғайса, севиш-севилиш моҳиятини чуқур англаш тугул, ҳатто бу ҳақда ўйлашга ҳам изикон топмасди-ку! Ахир, фақат қорин гами билан кун кечириб, барча куч, имкониятларини бир парча нон топишга сарфлаган одам деярли ҳайвондан фарқланмай қолади-ку!

Бунинг моҳиятига тушуниш учун катта олим, файласуф бўлиш шарт эмас. Негаки, кунга уч марта қориннинг эҳтиёжини қондирмасангиз, тан-жонингиз ўзингизга бўйсунмайди, нисоф, адолат, дин, ҳалоллик каби қадриятлар ўз-ўзидан иқтисодий омилларга ўрнини бўшатиб беради.

Шу тариқа саволлар, жумбоқлар жумбоқларга ўлашиб кетаверади-ю, уларга жавоблар топиш орқали маънавий-руҳий камолотимизни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Лекин жавобларда ҳам нималардир очилмасдан қолаверадими, бунинг тушуниш учун қуйидаги вазиятга бир нигоҳ таштайлик: Моцарт билан Сальери бир-биринга дўст, ҳамдаму ҳамкор бўлгану, аммо нима учун уларнинг иттифоқи фожияга олиб келади, Моцартнинг ҳалокатини таъминлайди? Бу ҳам аслида ўша ҳасад, ўзгаларнинг буюклиги, донолигини кўролмаслик «касал» эмасми? Инма учун бу «касал» афсоналар

бадини асарларда қанча юз йиллардан буён яшаб келмоқда, бундан кейин ҳам йўқоладиганга ўхшамайди?

Менимча, бу саволга икки карра икки тўрт дегандек аниқ жавоб қайтариш мумкин эмас. Негаки, инсон гоятда подир, қудратли, бешиҳоя гўзал, айни чоқда ақл бовар қилмайдиган даражада мураккаб, зиддиятли, жумбоқли зот бўлиб, ундаги табиат ҳамда жамият томонидан берилган бир қанча хусусиятларни билиш, тушуниш мумкин-у, аммо яна бир қанча қилиқлари-ю, фикру-туйғулари, ҳолатлари бамисоли бир умр ечилмайдиган муаммолардай қоронғи бўлиб қолаверади. Айтайлик, Отабек Ҳомиднинг кимлигини яхши билмасданоқ уни жинидан багтар ёмон кўриб қолади, Кумушни жонидан ортқи севганига қарамасдан Зайнаб билан ҳам бир ёстиққа бош қўяди, бирга яшайди, фақат Кумушни заҳарлагандан кейингина ундан нафратланиб, воз кечади...

Тўғри, бундай муомала-муносабатларнинг айрим жўяли изоҳларини топамиз. Чунончи, Ҳомид билан суҳбатлашганда Отабек ўзини ундан юксак туришини ҳис қилади, ота-она гапини ерда қолдирмаслик учун Зайнабга уйланади, лекин уларнинг ўзаро зиддиятларини фақат рашик ёки ҳасаднинг ўзи билан боғлаш етарли эмас. Айни замонда ёзувчи инсон иқтисодий жиҳатдан тўла таъминланганда маънавий етуқлик сарн отланиб, меҳру муҳаббат, адолату ҳақиқат тантанаси учун курашиши мумкин деган фикрни биринчи галда Отабек характерига сингдиради. Аниқроғи, ҳаёт синдирган хусусиятни қуюқлаштириб гавдалаштиради. Ахир, Отабек ўзига тўқ оилада яшаб, савдогарчилик билан шугулланган ҳолда ўз ҳаётининг мустаҳкам иқтисодий заминини таъминламаса, униб ўсиши, ўзини ҳам, севгилсини ҳам бахтли қилиши мумкин эмас-ку!

Шу ерда эътироз билдириб, камбағаллик айб эмас, қашшоқликка ёки бойликка қараб севиш-севилишни ҳаётнинг ўзи рад этади. дейишингиз мумкинки, бунга қисман қўйиламиз. Ахир, Отабек Кумушни яхши кўриб қолганда ҳатто унинг кимнинг қизи эканлигини, ҳатто исмини ҳам билмаган-ку!

Ҳа, меҳр-муҳаббатнинг туғилиши одамнинг ижтимоий келиб чиқиши, унинг бой ёки камбағал эканлиги билан белгиланмайди. Аммо айни вақтда тенг-теги билан, тезак қоғи билан деган мақол ҳам тасодифан дунёга келиб, кенг тарқалмаган. Қаранг-а, инсонлар ўртасидаги интим муносабатларда қанчалик нозик, сиру сеҳрли, зиддиятли, мантқиқли-мантқиқсиз ҳолатларни учратамиз. Шунга қарамасдан айтиш жонзки, нуқул камбағаллик, қашшоқлик ҳукмронлик қилган муҳитда меҳру муҳаббат, инсофу диёнат каби инсоний туйғулар равиқ тоғиб, бахту саодат галабасига эришиб бўлмайди. Худди, шунингдек, бойликка ҳирс қўйиб, фақат молу мулк, хазина кетидан қувласа, ҳамма нарсани, шу жумладан, энг қадрли, муқаддас туйғулар пулу бойлик тарозусида ўлчанса ҳам, яхши яшаш, фаровонлик, маънавий мусавфолик бўлиши мумкин эмас. Аммо пулу бойлик ҳалол, ҳақиқий пениона тери билан тоғилса, азгуликка ишлатилса, бунга эътироз билдириш ёки қоралаш бемаъниликдирки, биз бунинг моҳиятига етмиш йилдан кейин аста-секин тушунаямиз. Қодиррий эса ўша пайтлардаёқ вазиятнинг асл моҳиятини қуқур англаб, Отабекка савдогарлик билан шугуллангани учун тош отмайди, уни фоти этиш нуқтан назаридан тасвирламайди ва бу «Ўтган кунлар»да синфийлик, партиявийлик принципларига риоя қилинмаган, бойлар, мулкдорларга ҳайрихоҳлик билдирилган, йўқсиллар камситил-

ган, уларнинг манфаатларига хиёнат қилниган, миллатчилик руҳида мулоҳаза юритилган, деган айбнома негизини ташкил этди.

Афсуски, бундай айбномалар ўша пайтларда ёмон қовунинг ўрун-ндай кенг тарқалиб, қанчадан-қанча истеъдодларнинг умрига зо-мин бўлади, чексиз гам-аламлар, фожияларни келтириб чиқаради-ки, бунинг асоратидан ҳалигача тўла қутулганимизча йўқ. Борди-ю, синфийлик, партиявийлик, умуман инсоннинг муайян ижтимоий-сиёсий гуруҳлар, табақаларга мансублиги унинг характериға қандайдир «тамға» босади, қандайдир таъсир кўрсатади, яшаш, меҳнат қилиш жараёнида нималардир ўзгаради, дейишса, бунга қўйиш керак. Би-роқ бундай «тамға», таъсир одамнинг табиат ато қилган азалий ҳу-сусиятлари, фикр-туйғулари, ҳис-ҳаяжони-ю, завқ-шавқини белги-ловчи, унинг қимлигини аниқловчи, ҳаёт-мамотини, тақдирини кўр-сатувчи асосий мезон, ҳал қилувчи ўлчов бўлиб ҳисобланади, деб мулоҳаза юритиш, қатъий ҳукм чиқариш мутлақо нотўғри эканлиги «Ўтган кунлар»да яна бир қарра тасдиқланди.

Хўш, шундай бўлса, нима учун Отабек ва Кўмуш севгиси фожиа билан яқунланади? Ахир, уларга на иқтисод, на сиёсат таълиқ кўр-сатади? Аксинча, ҳар иккаласи ҳукмрон донраларға яқин бўлиб, кўпгина иқтисодий-сиёсий қулайликлар, имкониятлар, имтиёزلарға эга эди-ку?

Ҳа, эга эди, бироқ уларнинг олдига қўндаланг бўлиб ота-она ер-зуси, ихтиёри, ризолиги деган анъана чиқиб олди.

Тўғри, бу анъанани бутунлай қоралаш адолатга зиддир. Негаки қайси ота-она ўз фарзандларининг бахтли оила қуришларига қар-ши чиқади, дейсиз! Аммо улар ҳам тирик жон, ҳудонинг бандаси бўлиб, ўзига яраша қилиқларни, алоҳида ҳулиқ-атвори, дунёқараш-ларни, эътиқодлари билан бир-бирларидан ажралиб туради, беайб парвардигор деганларидек, ҳар бирининг ўз фазилатлари, нуқсонла-ри бўлади. Борди-ю, оталик, оналик ҳуқуқини сулҳистеъмом қилиб, яккаҳокимлик сиёсати юргизилса, бунинг оқибати ҳеч қачон яхши-ликка олиб келмайдикки, «Ўтган кунлар»да масаланинг шу жиҳати таъкид қилинади. Ахир, Отабек ота-она орзусига амал қилмасдан уйланмаганида Кўмуш билан меҳру муҳаббат гаитини сўриб яша-масмиди, қўша қариб, муроду мақсадларига эришмасмиди, деган фикр асарда ифодаланганиға эътироз билдиролмаймиз-ку?

Ҳа, эътироз билдиролмаймиз, бироқ ота-оналар билан фарзанд-лар ўртасидаги зиддиятлар, қарама-қаршиликлар, англашилмовчи-ликлар ҳаёт тараққиёти негизини белгилайдми, улар қайси ижтимоий гуруҳ ёки синф ёхуд табақаға мансуб бўлмасинлар, барибир ҳар хит-замон, даврда туғилиб ўсгани, шакллангани тўғрисида маънавий-ру-ҳий жиҳатдан ҳеч қачон тўла иттифоқин, ҳамкору ҳамкиҳат бўли-ши асло мумкин эмас. Агар муҳим, ҳал қилувчи муаммоларни еши-чогиди умумийлик, муштараклик бўлса, шунинг ўзи олижаноблик бў-лардики, Қодирий мана шу олижаноблик тарафдоридир. Аммо шу билан бирға, бундай олижаноблик ҳам ўз-ўзидан бахтли турмушни таъминлай олмайди. Чунки, ота-оналар, фарзандлар ҳамда уларни ўраб олган муҳитдаги бошқа шахсларнинг ҳар бири ўзи бир тақор-ланмас, мураккаб чигал оламдир. Ва шундай оламдирки, у жамият-даги барча ижтимоий, маънавий-руҳий, иқтисодий бойликларни яра-тувчи хилма-хил, ҳатто бир-бирини эид дунёқарашлар, эътиқодлар-нинг эгалари билан ҳамкорлик қилиб, бирға ишлаб, улардан нима-лариндир олиб, уларға нималариндир беради, бироқ ўз мустақилли-

га, ҳурлигини сақлаган ҳолда ривожланади, равишга тоғаяди.

Борди-ю, мана шу мустақиллик, ҳурликка оид фаоллият кўрсатиш барча хатти-ҳаракатлар ё фақат тобестик, бўйсунган ёки ҳокимлик қилишга қаратилса, ҳар бир инсон ўзатинини йўқотгани ҳеч қанча эмас. Қодирий «Ўтган кунлар»даги ижобий қаҳрамонлар фожиадан ана шундай йўқотишга олиб бориб ботмайдди. Қарангиз, Отаоси, ёки унинг ота-оналари иқтисодий бойлик яратиб, тўплай, улашгани масалаларни аҳамият беради-ю, бироқ бу масалаларни яшанининг бирдан-бир ягона манбаи, асосий талаби деб ҳисобламайди...

Ҳаётнинг мана шундай ва шунга муштарак ҳаққини таҳлилнинг социализм тарафдорлари, ҳимоячилари халқ эл-юртга хиёнат сифатида баҳолаб, «ҳужум»га ўтдилар-да, «ғалаба» қозондиларки, бунинг моҳиятини ҳалигача тўла англаб ололмаямиз.

Муқаррарки, мукаммал бўлиш, англаш, идрок этишга бирдангина эришиш мумкин эмас. Лекин шуниси қувонарлики, бу борада илк қадамлар ташланди. Гап биринчи навбатда М. Қўшжонов ҳамда О. Шарафиддинов каби етакчи мунаққидларимизнинг ўтмиш меросини янги тафаккур нуқтаи назаридан ўрганиш, таҳлил қилишга бағишланган туркум мақолалари ҳақида бормоқда. Улардан бири диққат марказига А. Қодирийни чиқариб, унинг асарларигина эмас, балки ўзининг бошидан кечирган қийинчиликлари, фожияларини тарихий ҳақиқат асосида ёритишга интилса, иккинчиси кўпроқ Чўлпон фаоллигига оид воқеалар моҳиятини очиш борасида фаоллик кўрсатмоқда. Шуниси мумкинки, М. Қўшжонов «Ўтган кунлар»нинг фожияли қисмати ҳақида мулоҳаза юритар экан, ўша тазйиқ таъқиқлар ҳукмронлик қилган 60—70-йилларда ўз ишларига танқидий назардан ендюшиб, адабиёт ва ҳаётда коммунистик мафкуранинг яккахоҳлигини амалга оширишга бевосита қатнашишга мажбур бўлганини аламу изтироблар билан эътироф этади, ҳар хил янглишишлар, адабиётлар ўз «ўшқини»га тортганини яширмайди. О. Шарафиддинов-чи? У ҳам бу ҳақда ошқора фикр юритмаса-да, барибир ўша оқимда юрганига баъзан бавосита иқдор бўлади. Зотан вазиятнинг бепишача бўлиши оддий мантиққа зиддир. Негаки, оммавий ахборот, матбуотнинг барча соҳаларида марксизм-ленинизм тарафдорлари раҳбарлик қилиб, ҳаммаиниси ўз ҳукмига бўйсундириб иш қилдилар-ку. Ахир! Шундай экан, ўша пайтларда қандай яхши ёки ёмон ишлар бўлса, уларнинг барчасига ё озроқ, ё кўпроқ даҳлдормиз. Бинобарин, рўй берган жиноятларда у ёки бу даражада айбдормиз-ки, бундан кўз юмоглаймиз. Аммо кимдир жиноятнинг жиноят эканлигини била-кўра туриб ўз манфаатини кўзлаган ҳолда хиёнаткорга айланади, кимдир буни тушунмасдан шундай қилди, кимдир ўлим хавфи остида жонини сақлаш учун мажбур бўлдики, бунинг моҳиятини англамасдан асл ҳақиқатни билиш мумкин эмас. Бундан ташқари, шундай муҳит яратилдики, уни бир-икки мардининг кучи билан ўзгартиришнинг иложи йўқ. Яна шуниси борки, вақт ўтиши билан айбдорлар ҳам оламдан ўтади, уларни гўридан чиқариб, жазо бериш ни ҳеч қим талаб қилолмайди. Устига-устак, одамни ўлгадан кейин ёмонлаш гуноҳдир, деган гап ҳам беэъиз айтилмаган. Бироқ тирликлар уларнинг қачон, нима учун, қандай сабабларга кўра хиёнат ту жиноят кўчаларига кириб, кимларга қандай зарар етказганини билиши ҳам фарз, ҳам қарзидир. Ахир, уларга бу келгусида ўшандай хатоларни такрорламаслик, фожиялардан сақланиш учун сув билан ҳаводек зарур-ку! Шундай экан, баъзан фалончилар ҳақиқат

дан ҳам жуда кўп номақбул ишларни қилгану, бироқ ҳозир оламдан ўтганлиги учун уларни танқид қилишнинг кераги йўқ, бу ўлганнинг ўстидан тегишдан бошқа нарса эмас, деб алоҳинос солини тараққиёт талабларини рад этиш билан баробардир. Ахир, нуқсонлар, номақбул ишлар, ифлос, ҳаром хатти-ҳаракатлар қачон, қаерда бўй бериб, кимлар томонидан амалга оширилмасин, барибир асл моҳиятини сақлаб қолаверади-ку! Бинобарин, уларни очиб ташлаб, баргараф этмагунимизча, олдинга силжишимиз мумкин эмас-ку! Дарвоқе, танқид ўтмишининг эмас, балки келажакнинг меваси, ўсиш-ўзгариш воситаси деб таърифланиши ҳаёт тақозосидир. Шундай экан, Ҳабибулло Қодирийнинг «Қодирийнинг сўнгги кунлари», М. Қўшжоновнинг «Ўтган кунлар» бошидан ўтган кунлар», Шуқруллоҳнинг «Кафасиз кўмилганлар», Н. Каримовнинг «Ўзбек адабиётининг жаллодлари» каби ўнлаб адабий-бадний, ҳужжатли, илмий-танқидий асарларида, шунингдек, О. Шарафиддинов, У. Норматов каби адабиётшуносларининг сталинизм, коммунистия яккахокимлиги қурбони бўлган адиблар фаолиятига бағишланган мақолаларида ўзбек миллий романчилиги асосчилари билан бирга унинг Чўпон, Фитрат, Ўсмон Поснр сингари иттифоқчилари, издошларини ижвонмарг қилишда гоҳ кўпроқ, гоҳ озроқ баъзан бевосита ёки билиб-билмасдан ёхуд оғли равишда қатнашган ўнлаб адабиёт, санъат, шунингдек, давлат, партия арбоблари номма-ном айтилиб, уларнинг чин инсонга, ҳалол ёзувчи, сийсий арбобга номуносиб, манфурлик, сотқинлик хатти-ҳаракатларининг феш этилиш табиийдир. Борди-ю, феш этиш мустақкам ҳаётини асосга эга бўлмаса, ҳаққоний, етук, ишонарли таҳлил билан кўрсатилмаса марҳамат, баҳслашнинг, эътироз билдиринг, рад қилинг, майдон сизинки, аммо нуқсонлар, эгри, ҳаром, ифлос фаолият неботланиб ёритилса, буни тирноқ остида кўри ахтариш, балчиққа булгаб ташлаш, деб баҳолаш фақат зарар келтиради холос. Шунинг учун, айтайлик. М. Қўшжонов Қодирийнинг мафкура қурбони бўлишига унинг асарларининг миллатчилик маҳсули деб қораланишига Сотти Ҳусайндан тортиб, то Ҳ. Абдусаматовгача ўнлаб адабиётимизнинг буюк намоёндалари деб кўнларга кўтарилиб келинган бир қанча ёзувчиларимиз муносиб «хисса» қўшганини танқид қилишга тушуниб ёндашайлик. Борди-ю, бу танқидда нимадир яхши далилланмаса, ёки ишон тирмаса, келинг, ўшага қарши чиқайлик. Айни чоқда ниманики ҳаққоний бўлиб, бизга манзур бўлса, уни маъқуллашлик-да, ўринли-ўринсиз тақрорламайлик. Шу маънода ҳурматли мунаққидимиз Қодирий нжоди, хусусан, «Ўтган кунлар» бўтулай сифий, партиявий мафкура талабига мувофиқ асоссиз қораланишига қарини чиқиб яхши қилган. Айни чоқда ҳақиқатини ҳимоя қилишда баъзан журъатсизроқ, «юмшоқроқ» бўлганини, гоҳида эса чуқур илмий далилларга танқислик сезганини ишпирмаймиз. Шу билан бирга, у ўзининг бир-қанча иттифоқчилари билан бирга ибратли фаолият кўрсатгани ҳолда бир пайтлари вазият тақозосига кўра мурасасозлик қилиб, гоҳида баъзи «казо казо»ларини мафкура тазйиқи билан мадҳ этгани ростки, бунга ҳаммамиз дахлдормиз. Лекин эдлат, матонат рамзи бўлган ижодкорларини ҳимоя қилувчиларининг олдинги сафларида М. Қўшжонов боргани ўзига хос жасоратдир. Айниқса, Қодирий мероси, хусусан, «Ўтган кунлар»га бағишланган қатор тадқиқотлар яратиб, илгор қодирийшунослардан бири сифатида обрў орттириши тасодифий ҳол эмас-ку, ахир! Аммо у кўпроқ қаҳҳоршунос, ойбекшунос сифатида фаолият кўрсатиб, бу борада ижодий фаоллик намунала-

рини кўрсатгану. Қодирийга бағишлаб жуда салмоқли катта ҳажмдаги тадқиқотлар битмаган-ку, дейишнингиз мумкинлиги, бунга жавобан: ҳа, Қодирийнинг тасвирлаш санъатини ёритишга қаратилган маҳсус рисола. Ўнлаб мақолалар ёзди, айни пайтда қайси мавзуда, қандай тадқиқот яратмасин, аксари ҳолларда бамисоли Қодирий забот этган бадийий чуққидан туриб мулоҳаза юригаётганига ишонч ҳосил қиласиз. Шундай экан, уни эътиқодли қодирийшунослардан бири, деб айтишга ҳақлимиз. Бу эса ўнлаб адабиётшуносларимиз билан ҳамкорликда қодирийшуносликка замин ҳозирлашга қатнашганини кўрсатади.

Демак, яқин кетаякда бой, ранг-баранг, салмоқли қодирийшунослик кенг миқёсда равнақ топиб, адабий-танқидий, илмий-эстетик тафаккур тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатишга ишончи мумкин. Зотан, бунинг учун етарли асос бор: Қодирийнинг «Ўтган кунлар»и билан «Меҳробдан чаён»и, шунингдек, «Обид нетмон»и билан публицистикаси, адабий-танқидий мақолалари, ҳажвияти кенг кўламли тадқиқотлар учун бамисоли уймондай беқиёс, ажойиб, қимматли манба бўлишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Бунга ишонч ҳосил қилиш учун қуйидаги вазиятга эътибор беринг: «Ўтган кунлар»да меҳру муҳаббат фожияси қандай акс этгани хусусида айрим мулоҳазаларни ўртага ташлаб, роман қаҳрамонларидан Отабек шахсияти, изланиш-интилишларига хос айрим хусусиятларини кўрсатиш билан бадийий ижод моҳияти, унинг ижтимоий-сиёсий ҳодисаларга муносабати, ёзувчининг ҳаётида тутган ўрни, бадийий сўзининг қадр-қиммати тўғрисидаги бир қанча кузатишларим, ҳукм-хулосаларим билан ўртоқлашдим, бироқ ҳали асарнинг ичига кириб, унинг соҳру ижозибаси, мазмуни, услубини очишга улгуролганимча йўқ. Кимлар билан баҳслашиб, уларнинг фикрларини инкор этсам ёки тасдиқласам, Қодирий ижодиёти, хусусан, «Ўтган кунлар» ҳақида қандай фикрларни ўртага ташласам — буларнинг барчаси Қодирий шоҳ асарининг бой, ранг-баранг, эздиётли дунёсини ёритиш сари ташланган илк қадамдир. Аниқроғи, салмоқли тадқиқотнинг дебочасидир, холос. Шундай экан, ҳозирча «Ўтган кунлар»да меҳру муҳаббат фожияси қандай тасвирлангани, бу фожиянинг ҳозирги замонга қандай муштараклиги, мазкур асарнинг бугун бизга қандай маънавий-руҳий озуқа беришига бағишланган тадқиқотлар давом эттирилиши зарур. Шунинг ўзидек ёзувчи меросининг умрбоқийлигини тасдиқлайди-ку, ахир! Яна шуниси борки, «Ўтган кунлар» каби ҳар жиҳатдан етук асар жуда кўп илмий-танқидий текширишлар манбаи бўлиши билан бирга хилма-хил нуқтан назардан талқин этилишини қонуний ҳодиса деб ҳисоблаш керак. Энг муҳим, ҳар бир тадқиқотчи асарга ҳам, унинг муаллифига ҳам ўзига ёндашиб, ўзинча тақдорланмас кузатишлари, ҳукм-хулосаларини ўртага ташлаши, ўзгалар билан баҳслашгани таъминланмаса, ўқувчиларнинг маънавий руҳий камолотига, бадийий ижод равнақига таъсир кўрсатиш тўғрисида ҳеч гап бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун мен Қодирий ижоди, хусусан, «Ўтган кунлар» тўғрисида қандай фикрларни ўртага ташлаб, кимларга, нималарга қарши чиқиб, кимларни, нималарни маъқулласам, барчасини мутлақ ҳақиқат деб ҳисобламайман, бундай деб ҳисоблашим илмийликка, бадийий ижод қонуниятларига мутлақо зид бўлур эди. Бинобарин, келинг, баҳслашайлик, тортишайлик, бироқ бир шарт билан: ҳатти-ҳаракатларимиз, тўқнашувлар, курашларимиз ҳақиқий далил-дастакларга асослансин ва

мана шу далил-дастакларгина кимнинг ким эканлигини кўрсатиб, тараққиётга хизмат қилаётганимизни ёки зарар етказётганимизни намойиш қилади, холос. Балки яна бошқача йўл бордир? Бўлса, марҳамат, топиб беринг, кўрайлик, агар яроқли чиқса, ундан ҳам фойдаланайлик.

АНДИША

Мумтоз сўз санъаткори Абдулла Қодирий асарларини эл аро машҳур ва севиқли қилган сифатлардан яна бири — шарқона андиша туйғусидир. Адиб ижодининг шоҳ томирлари ана шу ноёб инсоний туйғулардан нафас, ҳам озуқа олади. Хулқ-атвори ва истеъдодининг табиатига кўра бениҳоя хоксор инсон бўлган Абдулла Қодирийнинг ҳар бир сўз, ҳар бир жумлани бешафқат ва одил ҳакам — китобхон қаршисида улуг бир андиша билан битганлиги зуккотаъб ўқувчига яққол англашилиб туради. Шу боис ҳам «Ўтган кунлар» дебочасида муаллиф ўз меҳнати, бадний мақсадини ибратомуз камтарлиги ила «Янги замон романчилиги билан танишиш йўлида кичкина бир тажриба» деб атайди, аммо зум ўтмай, чамаси, кўнглида ота-боболар қони билан минг йиллар оша ўтиб келган андиша туйғуси бош кўтарди-да, аввалги таърифи: «яна тўғриси, бир ҳавасдир», деб тағин ҳам камсуқум бир даражага кўяди. Ва ўзининг мана шу камсуқум бир пиллапоёга қўйиб, Абдулла Қодирий сўз санъатини, ўзбек наслрининг тўнғич ва суякли икки фарзандини инсон боласининг ҳаёли, ҳайрат ва тасаввурлари етиб бормайдиган юксақликларга кўтаради.

Мен «Ўтган кунлар» билан «Меҳробдан чаён»ни қайта-қайта мутолаа қилиб, улардан чексиз маънолар топган кезларимда бу асарларни энг аввало, «андиша билан битилган китоблар» деб атагим келади. Бу андиша ўлмас санъаткоримизнинг ижодий эътиқодидан, яъники «Ёзганинг ўзинини йиғлатиб кулдирмаса, ўзгани йиғлатмас, кулдирмас», деган бадний ақидасидан келиб чиқади.

Андиша, уят, ор-номус, виждон тушунчалари Қодирий романининг маънавий устунларидир. Бу таянч устунлари ҳалқимизнинг минг-минг йиллик ахлоқий анъаналарига, ислом фалсафаси ва шарқ маърифат сорбонларининг пойдор таълимотларига бориб тақалади. Адиб «ҳавасидан жасорат этиб» қалам тебратар экан бирор лаҳза бўлсин, ўзининг шарқ оталиги (Қодирий таъбири), ўзбек фарзанди эканини унутмайди.

«Ўтган кунлар»нинг 3-саҳифасидаёқ бу фикрни яққол исботлайдиган бир лавҳани учратамиз. Отабекни кўргани карвонсарой хужрасига Ҳомид билан жияни Раҳмат келдилар. Ҳасанали улар билан сўрашиб, чой қайнатгани чиқди. Раҳмат сўради: «Бу киши кимнигиз бўладилар, бек ака?»

Отабек Раҳматнинг саволига жавоб бермай эшикка қаради. Ҳасаналини хужрадан узоқлатиб сўнгра жавоб берди:

— Қулимиз.

Бу сўздан нима учундир Ҳомид ажабланган эди:

— Қулингиз?

— Шундоғ.

Романининг кейинги саҳифаларида биз Отабек Ҳасанали муносабатлари ҳақида муфассал тасаввурга эга бўламиз, бу оқўнгил мўйсафиднинг Отабек учун маънавий падар даражасидаги бир киши эканини англаймиз. Ана шу муносабат боис Отабек уни «хужрада узоқлатиб», сўнгра кимлигини айтади. Шу ҳаракати унинг қалбидagi инсоний андишадан бизга далолат беради. Бу ҳаракатга «нимм

учундир» ажабланган Хомиднинг ҳолати эса унинг андиша кўчасидан ўтмаган бир кимса эканидан огоҳ этади.

Миллий ўзига хослик ифодасида ҳам Қодирий ҳамниша андиша билан иш кўради. Юқорида эслатилган саҳна охирида диққатга молик бир жумла бор. Раҳмат Отабекни уйга — зиёфатга таклиф этади ва унинг розилигини олгач: «Саломат бўлингиз, — деди. Раҳмат, — шунинг ҳам сиздан сўрайин, ўтиришга бегона кишилар ҳам айтилса мумкинми, озор чекмасмисиз? Чақирилганда ҳам ўзимизга яқин ва аҳил кишилар бўлур».

Бу ҳам инсоний одоб — андишанинг юксак бир кўриниши, отабоболаримиз маънавиятининг ифтихор этсак арзийдиган бир намунаси.

Худди шунингдек, поэтик бир руҳий манзарани Зиё шоҳичи билан Ҳасанали Мирзакарим қутидорнинг уйига совчилликка келганларида ҳам кўради. Зиё шоҳичи маънодор тарзда сўз айлантириб муддаони қутидорга бир қадар англатгандек бўлади. Қутидор «нима учундир яна ўзини тағофилга солиб», бек кимга кўнгил қўйганини сўрайди. Бунга жавобан Зиё шоҳичи: «— Сизнинг қаримангиз, — деди. Қутидор ўзининг жойсиз саволидан ўкиниб ерга қаради. Ўртада таниш сўзсизлик, ўнгайсизлик бошланди».

Мана шундай ўнгайсизлик ҳолатини кўз олдингизга келтиринг-да, «сизнинг қаримангиз» деган сўз ўрнига «сизнинг қизингиз» деган сўзни тасаввур этиб кўринг. Нақадар қўпол, дағал ва ҳижолатли тишгилади қулоққа! Шунинг учун ҳам айни лавҳада ҳўб топиб сўзлаган Зиё шоҳичига, бинобарин, мумтоз адибнингизга тасанно айтмай иложингиз йўқ.

Қодирий романиларида андиша сўзини жуда кам — энг зарур ўринлардагина тилга олади, мен бунинг махсус ўрганиб чиқдим. Лекин шу сўз тилга олинган лаҳзаларда ҳар икки асар қаҳрамонларининг тақдирларида ҳам, тасвирининг ифода, йўсинларида ҳам муҳим сифат ўзгаришлари юз беради. Лев Толстой айтиди: «Умр бўйи меҳнат қиладиган деҳқоннинг энг кам ишлатадиган сўзи — меҳнатдир». Худди шунинг синари бутун ижоди давомида андиша деган муқаддас инсоний туйғунинг теран таҳлили билан машғул бўлган Қодирий ҳам бу сўзни ҳуда беҳуда тилга олавермайди. Қодирий ва унинг олижаноб юракли қаҳрамонлари тасаввурида одамзод икки тонфага бўлинади: андишали ва андишасиз. Уларнинг назарида оламда «андишасиз», «ўятсиз» деган сўздан кўра кучлироқ ва оғирроқ ҳақорат йўқ. Азизбек учун жон олиб, жон берган Тошкент халқига кўрсатган садоқатини эъвазига ўттиз икки тангадан солиқ солинади. Халқ жуибушга келиб исён кўтаради: «— Ўттиз икки тангани яхшига берайлик биз унга! Ози бир ой ўтмасданми, андишасиз!»

Ёдингиздадир, «Меҳробдан чаён»да қуйндагича бир саҳна бор: Раъно хонга фотиҳа қилинган, Анвар бундан хабардор, не бир машаққатлар ичра сўнгги кечани ўтказмоқ учун Солиҳ маҳдум хонадонига келган. Қайғу дәрәсига чўкиб бораётган Раъно Анвар билан меҳмонхонада, видолашган каби маҳзун бир ҳолатда ўлтирганида отаси масжиддан қайтади ва ушунга қаттиқ койийди:

— «Ичкарига кир, Раъно, бевақт бу ерда нима қилиб ўтирибсан?!

... Раънонинг юзидаги қайғу белгилари йўқолиб, унинг ўрнини ғазаб, нафрат эгаллади:

— Амдишасиз!»

Ёни яна «Ўтган кунлар»ни биргалашиб варақлайлик. Мана, Отабек Ҳомид уюштирган туҳматга қолиб, қутидорнинг қаҳрига дучор бўлди: «Қутидор титроқ ва ҳаяжонли бир товуш билан:

— Уятсизга менинг уйимда ўрин йўқ, уятсиз билан сўзлашишга ҳам тоқатим йўқ... Борингиз, эшигим ёнида тўхтамангиз! — деди-да, ўзини ичкарига олди...»

Манфур Ҳомид Отабек номидан битган сохта талоқ хатини ўқиб, Кумушнинг қай ҳолга тушганини адиб шундай тасвир этади: «... Уятсиз!» деб кичқирди ва ерга йиқилиб ўзидан кетди».

Бу воқеадан кейин орадан муайян фурсатлар кечиб, ота-она Кумушни қайта турмушга узатмоқ ҳаракатига тушадилар. Бироқ Кумуш ҳануз Отабекдан кўнгил узолмайди. Бунни сезган Офтоб ойим деди: «— Мен сенинг ҳали ҳам ўша уятсиз эрингдан кўнгил узолмаганингни биламан... Сен яхши билки, бундан сўнг отанг у уятсизга ўз уйидан жой бермаганидек, уятсизнинг ўзи ҳам узил-кесил сени ташлагандир». Она шундай деб иккинчи сохта талоқ хатини қизига кўрсатади. Бироқ шунда ҳам Кумуш «кўз ёшини дув-дув тўкиб», қайта турмуш қўймоққа кўнмайди. Бу борада унинг келиб тўхтаган қарори ва мантиғи шундай: «Негаки мен ўзимнинг севган ва муҳаббат қўйган эримдан бунча уятсизлик кўрдим».

Ва ниҳоят, сир очилиб, Ҳомиднинг кирдикорлари фош бўлади. Бунга нисбатан билдирилган муносабат ҳам гоят диққатини тортади. Қутидор Ҳомиднинг ифлос қилмишларини бир-бир санаб чиқади: «Мен билан Отабекни қаматиб, дор остига юбуровчи, Отабек тилидан сохта талоқ хати ёзиб бир-биримиздан жудо этувчи, Комилбекни ўлдирувчи, уйимиз орқасини тешиб, Кумуш қасдида бўлувчи — ҳаммаси ҳам шу...»

Шунча жиноят! Шунча қабоҳатни амалга оширган кимсани сиз нима деб атаган бўлур эдингиз, мухтарам биродар?

Келинг, қутидорга қулоқ тутайлик:

«... баттол Ҳомид экан...»

Ҳақиқий ўзбекона юракли инсоннинг — содда, тупроқдай ҳоксор, андишали ва шу боис номи кўрқоқча чиққан одамнинг гапи эмасми бу?

Қани, Офтоб ойим нима дер экан? Кўраимизки, унинг Ҳомидга нисбатан газаби эридан кўра кучлироқ экан: «Офтоб ойим титраган товуш билан:

— Уятсиз Ҳомид! деди.

Хўш, нима учун Қодирий «эндиша» ва «уят» сўзларига бу қадар урғу бериб қайта-қайта, ҳатто баъзан бир жумлада икки-уч марта-лаб ҳам такрорлайди? Айни маънони ифода этувчи бошқа сўзлар адибнинг ҳаёлига келмаганимкин, деб тахмин қилиш бориб турган гумроҳлик бўлур эди, албатта. Гам шундаки, яқин-яқин кунларгача ҳам ахлоқий қонда йўсинларидан бири жамоат томонидан шундай белгиланар эди: «Уят фақат инсонга хос туйғудир. Ҳайвон уят пайдо қилолмагани учун инсонга яқинлашолмайди, аммо инсон уятнинг йўқотиб Ҳайвонга яқинлашиб қолиши мумкин» (Абдулла Қаҳҳор).

Қодирий ўз қаҳрамонларини мана шунингдек ахлоқ қонунларига кўра тоифаларга ажратади ва ана шу мезон асосида уларнинг қилмиш ҳам кечмишларини баҳолайди. Шу тариқа кўз ўнгимизда ҳаё ва одобни, маданият ва одабиятнинг тирикликнинг асослари каби аниқлаган бир қанча кишиларнинг беҳад жозибадор сиймолари намоён

бўладикки, бу жозиба сирлари ҳақида сўз юритмоқ ҳам ғоят мароқлидир.

Кумушбиби бир ўринда Тошкентдан Марғилонга — онасига йўллаган мактубида сўз орасида жумладан шундай деб ёзади: «... Сиз ранжисангиз ҳам айтай: қайин отамни ўз дадамдан ҳам яхши кўраман. Бу яхши кўришим куёвингизнинг дадаси бўлгани учун эмас, балки унинг нур ичига чўмилгандек бўлиб кўринган сиймосини, «ойим», деб хитоб қилгандаги мулойим, беозор ва муассир сўзини яхши кўраман».

Қодирийнинг деярли барча марғуб қаҳрамонлари худди ана шу даражада — нур ичига чўмилгандек бўлиб кўринган сиймода, илоҳий бир қаламнинг қудрати билан яратилганлар.

Хусусан Юсуфбек ҳожи! Хусусан унинг Аббос Бакиров ижросидаги кинотаяқини!

Бу нуроний ва донишманд шарқ падарининг инсоний жозибаси нақадар баланд бўлганини билмоқ учун Кумушнинг ўша мактубидан ана бир жумла ўқий кифоя: «У насиҳат учун оғиз очса вужудим эриб кетгандек ва бир турли ухлаб ҳузурлангандек, қисқаси, Зайнаб билан жанжаллашганининг ўзи бир ҳузур ва жанжалдан бўшалгач, қайин отамнинг қаршисига ўтириб насиҳат эшитиш ундан ҳам яхши ҳузур...»

Кумушбидек ақли расо аёлнинг бу сўзлари Юсуфбек ҳожининг «ҳузурбахш насиҳатлар»ига қулоқ тутмоқча бизда ҳам ғаройиб бир қизиқиш уйғотади. Кўрсакки, «... кундош ораси бузрилиб, ўртадан сўз чиқганини гоҳ эшитса, Юсуфбек ҳожи иккала келинини ўз олдига чақиртириб уларни қатор ўтқазар эди. Аввало Кумушдан ўпка қилиб: «Ойим, ҳар нима сиз каттасиз, Зайнаб ёш, каттадан кичикка шафқат лозим. мундог яхши эмас!» ва Зайнабга қараб: «болам Зайнаб отин! Сиздан ҳали ёшлик гурури кетмаган, лекин менинг болам бўлганингизни сиз ҳам унутманг!» дер ва ... кейин иккисини дуо қилиб, бир-бирисига салом бердирар — «ана шундог бўлсин, оппоқ қизларим!» деб кетишга рухсат берар эди».

Баъзан ўйлаб кетаман: букунги безовта, асабий турмушда — ҳар уч онладан биттаси бузилиб, тирик етимлар сони кун сайин кўпайиб бораётган носоз бир муҳитда бизга Юсуфбек ҳожидек табарруқ оталар ва уларнинг малҳамижон панду-ўғитлари қанчалар етишмайди...

Бу нуроний сиймони эл ўртасида бунчалик баланд эҳтиром мақомига кўтарган фазилатлар — собит имон ва инсоний андиша уни ҳаргиз тарк этмайди. Юсуфбек ҳожи умр бўйи аждаҳо номида маош айландек таҳликали бир вазиятда манфаатпараст ҳукмдорларни қўлидан келганича адлу инсоф сари чорлаб ўтади, юрт андишаси ҳеч қачон хотиридан кўтарилмайди. Ниҳоят, алал-оқибат эгаларидан би-еер разолат ва мунофиқликлар кўради. «Бу соқол шу эл қайғусида оқарди, — дейди у ранжу алам билан. — Бу кўнгил шу манфаатпарастлар таъсирида қорайди». Узоқ, азобли мулоҳазалардан сўнг ул зоти шариф аччиқ, аммо чин бир хулосага келади: «Мен биз халқнинг одам бўлишимиздан тамом умидимни кесиб қўйдим...». Шундан сўнг Юсуфбек ҳожи тахт талашиб, қирпичоқ бўлиб ётган турфа кимсаларга этак силкиб, узлатга чекинади — хунрезлик майдонида қолишга юрагидаги инсоний андиша асло йўл бермайди.

Юсуфбек ҳожи ижтимоий фаолият саҳнасида қанчалик улғувор, донишманд ва солиҳ қиёфада кўринса, ўз хонадонида, кундалик турмуш муносабатларида ҳам шунчалик вазмин, сипо ва нуроний бир

қиёфада намоён бўлади.

Бир неча мисол кўрайлик.

Юсуфбек ҳожини ўзбек ойинининг зўри билан Зайнабга унаштирилганлик хабарини Отабекка маълум қилар экан, оғир мушкулот ванда қолади, бироқ шунда ҳам бу мураккаб вазиятдан ўзининг ҳам, ўзгаларининг ҳам шайнига доғ туширмай чиқа олади: «Биз ҳозир андишанинг бандаси, ўғлим... бизнинг билдан лафзсизлик чиқиши менга маъқул кўринмайди».

Хукми қаби янграган бу сўзга бирор нима деб эътироз билдирган энди Отабекда ҳад қолмайди — ота олдидagi андиша йўл қўймайди.

Мана, ниҳоят Юсуфбек ҳожини уч йилдан кейин маргилонлик келини билан илк бор юз кўришиб турибди: «Кумуш уялиб зўрганина салом берди ва Юсуфбек ҳожининг яқинига келиб бўйин эгди. Ҳожини қўли билан Кумушнинг елкасига қоқиб сўйди ва Кумушнинг мангалайига тегизиб олган ўз қўлини ўпди». Албатта, Юсуфбек ҳожидек мўътабар, кпром бир шахсга нисбатан бу ўрнида бошқа ҳар қандай тасвир унинг сийратидagi поклик, улугворлигини бу қадар очиб беролмаслигини шубҳасиз. Аммо иш ҳали ҳолатининг баёни билангина битмайди-да ҳожининг энди нимадир дейиши ҳам тақозо этилади. Лекин бу «нимадир» шундай бир сўз бўлиши керакки, у мазкур ҳолат ифодасига бадий таъсир қудратини яна ҳам юқориқроқ поғонага кўтарини лозим. «Бек ота»нинг фақулодда зақоси бу сўзини ҳеч қийналмай топади ва соф, содда, самимий бир йўсида баён этади: «Бизнинг Маргилонда ҳам шундай келинимиз бор экан-ку, биз билмай юрган эканмиз-да! — деб теваригига қараб кўлини ва қўлини дуога очди».

Мана шу жумла билан ўртадаги уч йиллик ҳижолат, гина-қудуратлар ҳам бирданига кўтарилиб кетади-да, Кумуш қатори китобхонининг ҳам ҳожинга нисбаган бўлган ихлоси яна бир қарра ортади.

Юсуфбек ҳожининг муносиб зурёди бўлган Отабек ҳам ҳар бир қадамнинг юз бир андиша ва мулоҳаза билан босади. Шу андиша тўфайли у Тошкентдан Зайнабга унаштирилганлик хабарини олиб қайтгач, Кумушга, унинг ота-онасига бу ҳақда чурқ этиб оғиз очмайди. Ҳатто Тошкентга ҳам қайтиб бормаслигига аҳд қилади. Фақат сирдан хабардор қўтидорнинг қийин-қистовлари остидагина Тошкентга қайтишга мажбур бўлади, бироқ Зайнаб билан тўйин ўтгач, «чарлар»ни ҳам қутмай Маргилонга ошиқади, онасининг терс сўзларига жавобан шундай дейди: «Хотинимнинггина эмас, унинг ота-оналарининг андишасида шошаман...»

Маълумки, ота-она сўзуси қаршиенда сажиз қолган Отабек тўй арафасида уларга қарата: «...оладирган келинимиз қаршиенда мен жонсиз бир ҳайкал деб тасаввур қилингиз», деган бир сўзини айтади. Бу гапининг шунчаки айтилмаганлигини биз тўйдан кейини кўрамиз — Отабек туиларини меҳмонхонада ёлғиз ўтказга бошлайди. Ҳўш, ўша кезларда у уят, андишани унутган эдимиз? Ўзбек ойини айтмоқчи «инсофсиз, адолатсиз» бир кимсага айланган эдимиз? Йўқ, Отабек бу чоғларда оғир виждон азоби ичра қолган эдики, бунини ўз сўзлари билан қуйидагича эътироф этади: «Сиз билган инсофини мен ҳам биламан. Бир бечорани фақат сизнинг қайғингиз учун азоб эмас, чеккан хўрлигини ўйлаб ҳар кунини бир қат этдан тушаман...». Зукко китобхон сўз Зайнаб хусусида бораётганини англаган бўлса керак. Бироқ айни дамда Отабек иккинчи бир андишанинг ҳам бандаси эдики, биз буни жуда яхши биламиз. Мана шу тўйгу Отабекни кўрқинч жасоратларга ҳам ундайди — ҳеч кимни воқиф этмай, ҳеч

кимдан мадад сўрамай бир ўзи уч каллакесар билан мардларча олишади.

Отабек билан отаси ўртасидаги муносабатлар ҳам ўзаро теран эҳтиром ва одоб-андиша асосларига қурилгандир. Шу боис ҳам Отабек фироқ аламида баъзан сархуш қайтган кезларида отасига кўринмасликка тиришади, эртаси Ҳасаналининг юзига бош кўтариб қараёлмай уялади. Бу жиҳатдан ушбу мисол айниқса ўринлидир. Кумушнинг кўзи ёриб, Отабек йўлакда шу хабарни эшитиб турган пайт. Шунда у «... йўлакдан киргувчи дадаси билан Ҳасаналини шарпасини олди ва ўйланиб тўхтади. Айниқса, ҳозирги пайтда дадаси билан тўқнашини унинг учун бироз унгайсизроқ туюлган эди... ичкарига томон юрди...»

«Меҳробдан чаён» романининг имони пок қаҳрамонларидан бири Анвар мирзо ҳам андиша ва ахлоқнинг мужассам тимсоли бўлиб, китобхон кўз ўнгига қад ростлаб туради. Ёшлик чоғларидан етишлик понини тотиб, киши эшигида елка қисиб ўсган ғариб бир йигитнинг табиатига бу сифат бениҳоя мос келди. Шуниси айрича эътиборга молики, Анвар ҳарчанд сермулоҳаза, серандиша одам бўлмасин, бу ҳол унинг ўз инсоний гурури, шаъни-шавкати муносиб бир ўрнига қўйишига тўсқинлик қилмайди. Диққат билан қараган киши мирзо Анварнинг устози Солиҳ маҳдумга асарнинг бошидан охиригача чин шоғирдлик ҳурматида бўлиб келишини, ҳатто устози томонидан вафосизлик содир этилганда ҳам на сўз, на бир ошқора қаракат билан қораланиши кузатиш мумкин. Қодирийнинг адиблик андишаси шу даражадаки, у Солиҳ маҳдум табиатидаги манфий хислатлар ҳақида Анварнинг тилидан сўзламайди, Анварнинг нуқтаназари орқали баён этмайди-да, бу нохуш мажбуриятни муаллиф сифатида ўз зиммасига олади. Шу тариқа мирзо Анварни шоирона хаёллари билан юксак бир нуқтага кўтаради.

Мирзабоши Муҳаммад Ражаббек марҳум ўгли туфайли ўспирин Анварга алоҳида илтифот кўرғазмоқчи бўлади:

— Агар мен бир домла тайин қилсам, ҳисоб ўқийсизми?

— Устозим рухсат берсалар, албатта ўқийман.

Андиша туйғуси Анвар мирзонинг бутун одамийлик сифатини алоҳида таъкидлаб, романининг 17-бобини «Анварнинг андишаси» деб атайдикки, биз бунда фикримизга равшан бир далил кўрамиз.

Анвар ўз номзодининг (дарвоқе, биз «номзод» деб хато ёзар эканмиз, Қодирий ҳамма ўринларда «номзад» деб ишлатади — Х.С.) мирзабошилиikka кўрсатилишига кўнмай оёқ тираб туриб олади. Сабоби — яна ўша андиша. Шаҳидбек билан Солиҳ маҳдум уни кўндиролмай кўп овора бўладилар. Орада маҳдум ҳатто қизишиб ҳам олади. Анвар ночор розилик беришга мажбур бўлади: «Башарти сиз бу фикрларни маъқул кўрмасангиз... албатта...».

Мана, Анвар мирзабошилик ёрлигини ҳам олди, девонда қутловлар ҳам бошланди. Султонали уни уйига бориб, муборакбод қилгани келувчи кишиларни кутиб олишга даъват этади. Анвар бунга жавобан яна андиша қилади:

«Аввало менинг уйим йўқ. Ундан кейин мени муборакбод қилатурган танишларим ҳам йўқ...».

Мирзо Анварнинг кўнглида бу ноёб инсоний туйғу нақадар барқарор эканлиги қоровул Тойир ака билан боғлиқ саҳнада тагин ҳам яққолроқ кўринади. Сўққабош, ғариб бу кимса билан гурунг қилиб, унинг тақдирига ачинган Анвар қоровулга оз бўлса-да, ёрдам бермоқ ниятида бир тилло ҳадя этади. Аммо маърифатли юрак эгаси

бўлганидан бу ишни бениҳоя одоб билан, Тойир акага зиғирча ҳам малол келтирмайдиган тарзда амалга оширади: «Тойир ака билибми билмасданми, ҳар ҳолда тиллони қўлига олганидан сўнг, яна тез қайтариб берди.

— Уят, уят бўлади.

— Бу пул ўзинга деб ўйламанг, — деди Анвар Тойир аканинг қўлини итариб, — сиз бу пулга ўтин, майиз, ортиб қолса, чой олинг. Султонани акам билан келганимизда гулхонни бундан ҳам катта қилиб берасиз».

Анвар мирзо маънавиятининг табиий бир фазилати бўлмиш бу хусусият уни таҳликали кунларида ҳам тарқ этмайдди. Эслайлик: акаси Қобил кўп йиллик айрилиқдан сўнг Бухородан икки жўраси билан уни излаб Қўқонга келади. Анварни Раъно билан бировнинг уйига қочиб яширинган ҳолда тонади ва жўралари ёнига қайтгач, уларга бир тиллодан пул беради: «Ишим, қочиб ётқон ҳолда уларни меҳмон қилмадим деб сенларга шу икки тиллони бериб юборди...». Раъно... Раънонинг бу борадаги хатти-ҳаракатларини таҳлил этганимизда инсон руҳиятининг гаройиб тугёнларига дуч келамиз. Бу жасур, қомил қиз Анварга йўллаган мактубларининг бирида: «Андиша ва эҳтиёт юзасидан бу хатни алоҳида ёзиб, китоб ичига солдим...» — дейди. Мана шу икки хусусият Раъно сийрасида ҳаммаша биргаллашиб кўринади. Тўрт девор ичиди, зикра отанинг доимий сиқувлари остида поляга етган, ниҳоят падари тарафидан хонга мол каби сотилган бу шарқ қизининг асар сўнгиди қўрқмас исбнчига айланиши, «муҳри худо» — фотиҳани бузиб, ота-онаси, уй-жойини ташлаб, ўлимни бўйинига олган ҳолда мирзо Анварга бирга қочишни таклиф этиши... бу бизнинг андиша ҳақидаги бояги мулоҳазаларимизга сиғишадими? Юзакни қараганда «йўқ» деб жавоб бериш мумкин. Бироқ Раънонинг юрагидаги бошиқа бир андиша — «Мен хонининг ифлос тўшагига ётмайман!» деган зўр инсоний қадр туйғуси, муҳаббат ва матрифат эътиборга олинса, «Ҳа!» деб жавоб қайтариш лозимдир.

Умуман, Қодирий қаҳрамонларининг бахти ҳам, бахтсизлиги ҳам бевосита мажкур тушунча билан, унинг идрок этилиши даражаси ва миқёси билан боғлиқдир. Ҳатто Ўзбек ойим ҳам барча можазоларни шу туфайли — яъни ёлғиз ўғлини «маргилонлик анди»нинг сеҳридан қутқариб, ўз истагича келин кўриш орзуси туфайли бошлайдди. Уни ҳаракатга келтирувчи куч ҳам эл-юрт, Тошкентнинг тўрт даҳасида хотин-халажни ўзининг оғзинга қаратган андиша туйғусидир.

Бу туйғу ва унинг беқисс теран тасвири романининг сўнгги саҳифаларида айниқса тенгсиз бадий маҳорат билан намоён бўлади. Қумуш заҳарланган, дунёга аливидо айтиб, жон таслим қилиб кетаётгани:

«Ҳожин Қумушнинг бошига келиб ўтирди. Отабек ва онаси оёғ устида эдилар. Қумушнинг кўзи юмук, сочлари юзи устида паришон эди. Ҳожин ўз қўли билан сочларини тўзатиб Қумушнинг кўкимтир товланган юзини кўрди ва манглайини босди...

— Ойим, Ойим... — деди ҳожин. Қумуш кўзини очиб бесаранжом унга назар ташлади ва таниб... қўзғалмоқчи! бўлди.

— Қўзғалманг, ойим... қўзғалманг!

Қумушнинг кўз ёши чеккасидан оқиб тушди... Ҳожин ҳам ўзини тўхтатолмай, Қумушнинг ёшини артиб, бошини силади:

— Худо шифо берар, болам!

Қумуш жомга қўзғалди, Отабек келиб қўлтиқлади, ҳожин ҳам

унинг бошини тутди... Кумушнинг... кўзи ярқиллаб очилиб кетди ва теvarагига бетоқат қаради:

— Ойи... дада... — сўнгра(!), — бегим! — деб ингради... Эрининг юзини-юзига қўйди, уялгансимон(!) кўзини юмди...».

Бу сахна романининг энг баланд чўққиси бўлганидек, андиша туйғуси ифодасининг ҳам энг юксак нуқтасидир. Кумуш... шу хонадонда завоёт топаётбди, хонадон соҳибларидан ҳар бирининг бунда озми, кўпми ҳиссаси бор, бироқ Кумуш жон талвасасида ётиб ҳам бунининг хор-базини хор сездирмаяпти. Аксинча, қайин отаси ҳурматига ўрнидан қўзғололмагани учун чексиз изтироб чекаяпти, қайин ота-қайин онаси ҳузурда эри билан видолашгани ҳам истиҳола қилаётбди...

Андиша!

Кумуш умрининг сўнгги лаҳзасига қадар андиша билан яшади. Фақат ўзининг андишадан зўр чиқди, холос...

Мулоҳазаларимиз ниҳоясида икки оғиз сўз мумтоз санъаткорининг андишига андишаси ҳақида. Бу ҳусусда юқорида қисман тўхталган ҳам эдик. Яна қуйидаги фикрларни қўшимча қилмоқ жоиз: Қодирий баъзан одоб-ахлоқ тақозосига кўра айрим тафсилотларни китобхонга баён этишини раво кўрмайди — андиша қилади. Масалан, Абдурахмон домланинг ифлос ўтмиши ҳусусида ҳикоя қилиб, сўз маъдум бир чегарага етгач, ундаи нари ўтмайди-да, «Унинг бу учинчи давридаги аҳволининг ёзиниша қалам маъзурдир», деб ўз андишасини исҳор этади. Ёки бошқа бир ўринда шундай деб ёзади: «Мен — ёзувчи, «Ўтган кунлар» ҳикояларини марҳум отамдан неча қайталаб эшитсам ҳам зерикмас эдим, фақат бир жойигина мени зериктирарди. Бу кун мен шу «Ўтган кунлар»ни қаламга олганимда ҳам ўша ўзимни зериктирган фаслини ташлаб ўтишга мажбур бўлдим. Дарҳақиқат, ўз орамингда кундош жанжалини ким билмасин? Арзиманган гап устида дунё бўзган кундош тўполонлари кимнинг қулоғига ёқсин? Ўқувчининг қимматли вақтини аяганимдек, қаламни ҳам бу гинди-биндида овоз қилишнинг мувофиқ кўрдим...»

Келтирилган бу икки мисолдан сезиладик, Қодирий нафақат китобхон олдига, ҳатто қалам олдига ҳам андиша сақлаган, ҳар нарсани унга раво кўра бермаган. Энди мулоҳаза қилиб кўрайлик: нима учун бу фасл ёзувчининг зериктиради? Нима учун уни ташлаб ўтишнинг мувофиқ кўради? Менинг назаримда шундай туюлади, адиб бу фасл воқеаларининг ҳам илоҳий қаламининг қудрати билан моҳирона тасвирлаб беришга қодир эди, аммо шу кундош тўполонлари, арзимас гинди-биндилар Кумушнинг «нур ичига чўмилгандек бўлиб кўринган сиймоси»га соя ташламаслиги мумкин эдимми? Одоб, ҳусн ва заковатнинг юксак осмонидан уни қанча погона пастга тушириб қўймаслиги мумкин эдимми? Чоғимда, шунингдек, бир хатарли сезгани учун ҳам ёзувчи бу фаслни ташлаб ўтишга қарор берган бўлса, ажаб эмас.

Абдулла Қодирий инсон шарафининг гултожи бўлмиш андиша, орномус уят қабил муқаддас туйнуларини одамзот қалбидан абадий маскан топишини орзу қилган, бутун ижоди, бутун умри билан шу мақсад сари чорлаб ўтган улуг санъаткор эди. Афсуски, энди андиша деган тушунчанинг кундай-қунга биздан узоқлашиб, орамиздан кўтарилиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Турмушимизда юз берган ва юз бераётган барча фожияларнинг асосий сабабларидан бири ҳам, аҳтимол, шундир. Ҳусусан, ошкоралик замонида беандиша кимсаларнинг таъма ва манфаатга қурилган саъй-ҳаракатлари ту-

файли бу қадимий туйғу қарийб ўтмиш сарқитига айланиб қолди. Кунин кеча турғулик деб аталмиш ижтимоий қарахтлик даврининг оташин куйчилари бўлган беандиша адибларнинг бугун бир думалаб пешқадам қайта қурувчи бўлиб олганликлари, яқин ўтган кунларда партбилетли хонларнинг тантиқ шаҳзодалари бўлган валломатларнинг ўша замон жабрдийдалари сифатида яна амал пағоналари сари ўрмалашлари... буларнинг бари андишати кишилар кўнглида фақат истеҳзо уйғотади, холос.

Ҳа, донишмандлар айтганларидек, одамизод ҳали сабий, дунё ҳам такомилга етган эмас. Лекин мен сўзимнинг сўнгида андиша кўчасидан ўтмаган ҳар турли кимсаларга эмас, имонин саломат, виждонин бутун жами одамларга мурожаат қилиб айтаманки, андишани унутмайлик! Букун таваллудининг 95 йиллигини нишонлаётган ўлмас санъаткоримиз Абдулла Қодирийга ҳам ниҳоят андиша ва инсоф билан муносабатда бўлайлик. Умрида «халқ душмани»дан бошқа бирорта унвон мукофоти бўлмаган мумтоз адибимизнинг ўзбек насрининг танглайини қандоқ фазлу қарамлар билан кўтарганини инобатга олиб, адабиётимиз тараққиёти йўлидаги беқиёс хизматларини муносиб тақдирлаб, унга Алишер Навоий номидagi янги таънис этилмиш юксак адабий мукофотнинг биринчи рақамли шаҳодатномасини берайлик. Чунки Абдулла Қодирий ўзбек маданияти тарихида Алишер Навойдан кейин XX асрдаги энг буюк сиймодир. Бинобарин, ижтимоий адолат ҳам, инсоний андиша ҳам шунини тақозо этади.

ТАҚДИРЛАР ТАЛҚИНИ

Санъат асарлари одамларга ўхшаб, ўз тақдирин, таржиман ҳолига эга бўлади. Мангу яшайдилар. Мўйсафид «Шоҳнома», тўрт машҳур «Ҳамса», жанговар «Бобурнома», жаҳонгашта «Ҳамлет»у «Отелло», фусункор «Илоҳий комедия»ю, «Фауст», «Уруш ва тинчлик» ҳамда «Жиноят ва жазо» — мангулик йўлида тажриба орттирган, гаройиб тарихга эга асарлар. Нигирманчи асрда мислини адабиётлар мангулик гувоҳномасига лойиқ асарларини яратдилар. Абдулла Қодирий романлари — мангу яшашга даъвогар асарлар.

Олтимиш йилдан мўлроқ вақт ичида «Меҳробдан чаён» қанчадан қанча чиғириклардан ўтиб, бузук ёриқ талқинларга тоб бермади дейсиз?! Абдулла Қодирий ўттизинчи йиллардаги сиёсий адолатсизликнинг қурбони бўлгач, унинг асарлари ҳам халқ кўзидан юлиб олинди. «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён»ни муқаддас китоб қатори асраб авайлаганлардан қанчаси халқ душмани сифатида қамалди, йўқ қилинди. Сиёсат қанчалик қутурмасин, халқ дилидан жой олган китобларин йўқ қила олмади! Нафақат ўзбеклар орасида, балки туркий қавмдаги оилаларда Анвар исми болалар, Раъно исми қизлар кўлайиб бораверди. Дилшодлар даврасида Жулқунбой романларини сўзлаш мароқли дамлар ҳисобланади. «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён»ни ёддан ўқийдиган чин мухлислар пайдо бўлди. Одам илк бўса тотмиш умр бўйи ҳис этгандай, биринчи бор завқланиб ўқиган асарини сира унутмайди. Ўн уч-ўн тўрт ёшли ўсмирлар роман оламини мустақил «кеза оладилар», баднийлик сеҳридан руҳий-маънавий ҳузурланадилар, десак, 30-йилларда тутилган ўғил-қизлар «Менинг биринчи романим «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Кеча ва кундуз» дейиш бахтидан маҳрум этилганлар. Иккинчи жаҳон уруши жангларида қатнашган, шаҳид бўлган ўзбек жангчиларидан қанчадан-қанчаси Отабек ва Қумуш, Анвар ва Раъно севгисини, Чўлпон,

Усмон Носир шеърларини қалбига жойлаб олган бўлса да, Жулиқунбой, Чўпон, Усмон Носир китобларини бебаҳо бойлик сифатида асраб-авайлагани, ён чўнтаги, юк халтасида олиб юргани ҳақида хабар топмадик. Ваҳоланки, Пушкин, Н. Островский, В. Маяковский сингариларнинг китоблари жангчи-шаҳид кўйиндан, юк халтасидан топилагани ҳақида кўплаб хабарлар берилган.

Абдулла Қодирий отиб ташланганидан, демакки, асарлари ҳам «хиёбона олинганидан йиғирма йил ўтгач, 1958 йилда «Ўтган кунлар». 1959 йилда «Меҳробдан чаён» яна китобхон кўлига теғди. 1930 йилда китобхон «Меҳробдан чаён»ни қанчалик берилиб ўқиган бўлса, орадан салкам ўттиз йил ўтгач, яна шундай шавқ-завқ билан романига сингиб кетди. Юрагида заводи, санъатга меҳри бор китобхон ҳў асарини мирзиб ўқийди, ҳушига келса, уни ёд олади; хоҳласа, дўст-ёрларига берилиб сўзлайди. Оддий китобхон санъат асарида қанча завқланмасин, унинг баҳосини бекаму-қўст ифодалаб бермайди. Бадний асарини баҳолаш танқидчиликнинг вазифаси. Танқидчилик эса ҳамини ҳолис бўлавермайди. Шўро давлати пайдо бўлибдими, фирқа янна ҳокимлиги удуғланди, мафкура бус-бутун коммунистлар ишон-ихтиёрида бўлди. Адабий-бадний танқид фирқа раҳбарияти буйруғини бажариб кетди. 20-йилларданоқ маркча-ленинча навларини кўр-қўрога санъатга қўллаш сезилди. Бу кейинчалик сохта идеологиялик — вульгар социологизм деб атала бошланди. Вульгар социологизм «назарияси» ниҳоятда чалкаш, мавҳум, уни ўша назарийчиларнинг ўзлари ҳам аниқ тушуниб етмас эдилар... Вульгар социологизм ёзувчига муносабатда синфий ёндашув қондасини рўкач қилди: ёзувчилар навларга айлантилдилар... Бадний асарни баҳолашда ҳам маркча-ленинча диалектик қараш бош мезон вазифасини ўтара. Ёзувгар социологизм санъат соҳрини, ўзига ҳосликларини таллаётган инкор эди. Шуда кўп ёзувчилар, бадний асарлар тақдирида назариябозлик қадимий юнон афсонасидаги «Прокруст тўшаги» вазифасини ўтади. Ойбекдай нозик дидли санъаткор «Абдулла Қодирийнинг иккуний йўли» рисоласида «Меҳробдан чаён»ни замон руҳида, фирқа талаблари асосида бўлиб-ёриб таҳлил қилди. Мана, Ойбек рисоласидан баъзан кўчирмалар (улар Ойбекининг 19 йилдлик муваммал асарлар тўпламининг XIV жилдидан олинди. «Фан» нашриети, Тошкент, 1979): «Анвар жонли, раал, ҳаётний обстановкада пасив ва Маркс тат-биринча айтганда, «жонли, мазмунли, ҳаёт билан ашмайди» (155-бет). «Анвар жонли, индивидуал, ёрқин фигура экани қабарий туюлмайдми; Анварни тасаввур этиш анча қийин» (115-бет). «Ҳазар қилган» ишини қабул этиб, Анвар зулм аҳллари ва туҳматчилар билан бўладиган кураш йўлини бекитади» (156-бет). «ёзувчи... Абдурахмон доим образини қора бўёқлар билан чизса-да... диннинг эксплуататорлик моҳияти у билан чуқур очилмаган»лиги (162-бет). романда «муҳим тарихий воқеалар жонли образлар орқали кўрсатилмаган»лиги (163-бет), «романда камбағал табақасининг ҳолини тузумига қарши курашини акс эттиришга кам ўрин берилган»лиги (160-бет) уқтирилади. Йиғирманчи йилларнинг биринчи ярмида гўлал лирика намуналарини яратганлиги учун қанчадан-қанча таъна-шумоллар эшитган, Чўпон шеърятининг чин муҳлиси бўлган Ойбекки вульгар социологизм «кўзойнаги»ни тақибдими, сиёсий ҳушёрлик «сиёсати» ундови билан «Меҳробдан чаён»ни асоссиз танқид қилибдими, биллигки, ҳоким мафкуранинг дами ўткир, қиличи кескир бўлган, ўрмонга ўт кетса, ҳўлу-қўруқ баробар ёнади, деган нақл бор.

30-йилларда Абдулла Қодирий ёмонотлиқ бўлиши биланоқ унинг, холис қараганда, энг етук асарлари ҳам қоралана бошланди, қилдан қийиқ ахтарилди.

Абдулла Қодирий ижодини ўрганишдаги иккинчи давр ёхуд «Меҳробдан чаён» романининг баҳоланишидаги кейинги босқич Иззат Султоновнинг «Ўтган кунлар» романига ёзган «Абдулла Қодирийнинг ижоди ҳақида» (1958) номли сўзбоши-мақоласи билан бошланди. Бу мақола ёзилганида Сталин шахсига сизилиш қораланган, 30-, 50-йилларда қамалган, қурбон бўлгандарнинг бир қисми, хусусан, А. Қодирий, Боту, Чўлпон, Фитрат, Усмои Носир оқланган, ижтимоий ҳаётда ҳурлик, ошкоралик, сал бўлса-да, сезила бошлаган эди. Сиёсий ҳаётдаги қаҳратон ўтган бўлса-да, унинг аччиқ изгирини ижтимоий ҳаётда аниқ сезиларди. Абдулла Қодирий асарлари, гарчи тўғри келмайдиган томонлари олиб ташланган бўлса-да, чоп этилди. Чўлпон, Фитрат асарларини чоп этиш йўлидаги барча уринишлар беҳуда кетди. Абдулла Қодирий асарлари чоп этилдию, улар на синчиқлаб, на гоёвий эстетик таҳлил этилди. Вульгар социологизм «ойнаги» бизни узоқчи кўролмайдиган қилиб қўйган, социалистик реализмнинг темир қонунлари тафаккуримизга кишан бўлиб қолган экан. Иззат Султонов Абдулла Қодирийни янги давр китобхонига етук санъаткор сифатида таништиришга, романлари ҳақида самимий, ҳақ гапларни айтишга чоғланган бўлишига қарамай, социалистик реализм талабларидан четга чиқа олмади: «Абдулла Қодирий ўз олдиға синф кўрашини тасвир қилиш вазифасини қўйиш билан тарихға марксча-ленинча қарашға интилганини кўрсатади. Бу эса, «Ўтган кунлар» ёзилган даврга нисбатан ёзувчи дунёқарашида ижобий эволюция юз берганидан далолатдир. «Меҳробдан чаён»нинг бутун мундарижаси ёзувчи ўз дунёқарашида ва тарихни тасвир этишда неча поғона баландға кўтарилганини намоён этади» (17-бет). «Романнинг гоёвий етуклиги ва тарихни чуқурроқ тушуна бошланганлигини биз асар бош қаҳрамонини танлашда ҳам кўрамиз, — деб ёзади сўзбоши муаллифи И. Султонов. — Бу гал романчи асарға бош қаҳрамон қилиб халқ ичидан чиққан камбағал боласи, етим Анварни олади» (18-бет. «Ўтган кунлар» романи. Ўздав. нашр. 1958). Яқин-яқинларгача ҳам дунёқарашининг ўзгариши, характернинг шаклланиши жуда осон деб англардик. Инқилобдан кейинги ҳар бир йил, ҳар ой, ҳар кун, ҳатто ҳар соат-дақиқа дунёқарашининг марксча-ленинчасига ўзгариб боришига ҳисса қўшганлигини таъкидлашни ёқтирар эдик. Характернинг шаклланиши, ўзгариши ҳам оппа-осон тушуниларди. Босиб ўтилган мўраққаб, янглишиш-хатоликларға сероб йўл, халқ йўлбошчиси, доҳийси бўлган кишилар қилмишлари, ўйлари, руҳияти билан танишиш дунёқараш, характернинг ўзгариши ўн йилликларнинг ҳам иши эмаслигини тасдиқлаётти. Мана, битта мисол. Биз етмиш йил ичида динни қанчалик ёмонламадик: уни афъюн, заҳар деб атадик, ёлгон, бўҳтон дедик, ёзувчилар қўлидаги қурол дедик... Эриммасдан худосизлар сонини санаб бордик, атензм уйларини безадик, лекторийлар ташкил этдик. Виждон эркинлиги ҳақида қонун қабул қилиниши биланоқ барча халқлар динға ҳақиқий мўносабатларини билдирдилар қўйдилар.

Иззат Султоновнинг Абдулла Қодирий ҳақидаги мақоласидаги руҳ, оҳанг КПСнинг XX съезидан кейинги даврға мос, ҳамоҳанг. Алмо мақолага синчиқлаб, мазмунини қаёиб эътибор берсак, ўша-ўша, вульгар социологизмнинг терминлари, тушунчалари: ёзувчининг марксистик дунёқараш; синфлараро мўросасиз кураш; камбағал одамни ижобий қаҳрамон қилиб тасвирлаш ҳақидаги ақида... Қола-

верса, социалистик реализм талаблари, шартлари, вульгар социологизм билан ниҳоятда яқин экан. Олтинчи йилларда, ҳатто ундан анчагина олдин ҳам, социалистик мамлакатлардаги, ҳатто шўролар мамлакатидagi анчагина санъаткорлар, олим-мунаққидлар социалистик реализм методига қарши чиқа бошлаган эдилар. Иzzат Султонов «Меҳробдан чаён»ни социалистик реализм андозасига асосан таҳлил қилишни давом эттиради: «Аммо Абдулла Қодирий бу романда ҳам синфий курашни тасвирлашда бир камчиликка йўл қўяди: романда эксплуататор муҳити мукаммал тасвирланган ҳолда, бу муҳитга қарши турган меҳнаткаш халқ муҳити етарли кенг тасвирлаб берилмаган» (21-бет). Биз санъат асарларини вульгар социология асосида, социалистик реализм шартлари бўйича қанчалик берилиб таҳлил қилсак, уларнинг эстетик қимматини, умуминсоний қадрият сифатидagi баҳосини шунчалик назардан соқит қилдик. Наҳотки «Меҳробдан чаён»нинг бадий-эстетик қиммати, барча давр, барча миллат намоёндаларига маъқул тушадиган умумбашарий қадри синфий курашнинг қай даражада тасвирлангани, ёзувчининг дунёқарашини қай даражада марксчаллиги, бош қаҳрамоннинг камбағал боласи бўлганлиги билан белгиланса?! Социалистик реализм шартлари қай даражада санъатга ёт бўлганлигини бугун очик-ойдин кўриб, билиб турибмиз-ку!

Абдулла Қодирий ижодининг 60—70-йиллардаги тадқиқотчилари, мантиқан, гоявий-эстетик таҳлилни чуқурлаштиришлари, «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён»нинг бадий-эстетик моҳиятини ёритишлари жонз эди. Афсуски, ҳоким мафкура, 30, 50-йиллардаги қатъийлар, ниҳоят, социалистик реализм фикр қаҳатчилигини вужудга келтирган экан. Тавба, 60-йиллардаги «қодирийшунослар» Иzzат Султон мақоласида айтилган фикрларни у ёки бу тарзда такрорлаган эканлар. Аҳмад Алиев «Абдулла Қодирий» танқидий-биографик очеркида (1967 йил) «Меҳробдан чаён» романини чуқур мутолаа қилганини, асар ҳақида янгича ҳулосалар чиқаришга яқинлашганини кўрсатади. Афсуски, тадқиқотчи Иzzат Султоновнинг роман ҳақидаги асосий ҳулосаларини ўзгачароқ шаклда такрорлайди, холос: «Меҳробдан чаён»да ёзувчи бир-бирига қарама-қарши бўлган икки синф курашини тасвир этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган» (168-бет); «Асарнинг марказий қаҳрамони Анвар, Отабек сингари йирик савдогар эмас, ... қашшоқ бир оиланинг боқимсиз қолган боласидир».

«Ўзбек совет адабиёти тарихи» китобининг 1967 йил 1-жилдида босилган «Абдулла Қодирий» танқидий-биографик очерк ҳамда 1977 йилда чоп этилган «Абдулла Қодирийнинг ижодий эволюцияси» рисоласининг муаллифи Иброҳим Мирзаев, Аҳмад Алиев сингари, Иzzат Султон чизган чизикдан зинҳор четга чиқмайди — «Меҳробдан чаён» ҳақида айтилган гапларни такрорлайди. Янгилик шундаки, Иброҳим Мирзаев «Ўтган кунлар»дан сўнг «Меҳробдан чаён»нинг юзага келганига қадар ўтган қисқа даврни «Абдулла Қодирийнинг ижодий эволюциясида ўзига хос бир босқич» деб қарайди. Чиндан ҳам, икки роман оралигидаги давр ёзувчи учун синов мuddати бўлди. Унинг онгида зиддиятли фикрлар кураши давом этди, буюк деб аталган инқилобнинг асл моҳиятини англай бошлади. Романини синчиклаб ўқиган китобхон ёзувчи қарашларида муҳим ўзгаришлар рўй берганини сезади. Иброҳим Мирзаев бўлса, икки роман оралигида социалистик воқелик тез суръатлар билан тасдиқлана бoрганлигини, совет санъати ва адабиёти ривожланганлигини, Москвада, В. Брюсов ташкил этган олийгоҳда, гарчи қисқа мuddатда бўлса да, таҳсил

кўриш Қодирий қарашларида ижобий ўзгаришлар ясаганлигини ёзади. Танқидий тафаккурда галати-галати ажойиботлар мавжуд эди. Масалан, янги социалистик тузум барча жабҳаларда фақат ютуқлардан ютуқларга эришганлиги ҳамisha такрорланар, тушкунлик, емирилиш, ғоявий парокандалик, боши берк кўчага кириб қолиш, инқирозга маҳкумлик капитализмгагина хос эканлиги баёнриб-чақириб айтиларди. Адабий танқид: «Совет ёзувчиси салкам фаришта: у ҳамisha олга интилади, сиёсий ҳушёрлигини оширади, маркеча дунёқарашини чиниқтиради, ижтимоий, маънавий, оилавий жабҳада ўзгаларга ўрнак бўлади, ўлиб бораётган капиталистик мафкурага қарши ўт очади», қабилда фикр юртарди. Алексей Максимович Горький инқилобнинг илк босқичларида жорий сиёсатга қарши чиққан, «Бемаврид фикрлар» номли туркум мақолаларида инқилобий ҳаётдаги ноҳўя ишларни фош этган, деса ҳеч ким ишонмасди. Худди шунингдек, ўзбек танқидчи — адабиётшунослари 60-йилларда Абдулла Қодирийнинг йигирманчи йиллардаги ҳаётини ўта кўтаринки, инқилобий руҳда тасвирлаганлар. Ваҳоланки, ёзувчи, авваломабор, тирик инсон, ҳаётдаги ўзгаришларни нозик ҳис қиладиган шахс. Абдулла Қодирий ҳаётининг икки роман оралигидаги даврини кўкларга кўтариб мақтаганлар, негадир «Москов хатлари» (1925); «Йигинди гаплар» (1927) мақолаларини эсламайдилар. 1926 йилда ёзувчининг сирли қамалишини, судда сўзлаган нутқини четлаб ўтадилар. «Меҳробдан чаён»ни яратишга киришни арафасида ёзувчи инқилобий ҳаётдаги жумбоқларини, мақталган тузумдаги камчиликларини тушунди, амалдорлик-тўрачилик асорати янги тузумда авж олаётганлигини, ичи қора, хиёнаткор одамлар ови юришиб қолганлигини ички тўйғу билан ҳис этди; баландпарвоз шнорлар билан амалдаги ишлар ўртасида осмон билан ерча фарқ борлигини англади. «Меҳробдан чаён» романидаги Абдурахмон домла образи ўзгача бир нафрат, алам билан ёзилганки, Абдулла Қодирийдай хассос, санъат қондаларини муқаддас деб биладиган ёзувчи, сат бўлмаса, ноҳолисликка берилиб кетишга оз қолди. Абдурахмон домлага چاپланган қора бўёқларининг сабабини Ҳабибулла Қодирийнинг «Отам ҳақида» номли бебаҳо китобидан англаш мумкин. Ҳ. Қодирий ёзиниича, Абдурахмон домланинг прототипи Абдулла Қодирийга яхин танини бўлган, ашиқроғи, ўша чақимчи, ичи қора одам ёзувчи бошига кўн савдолар солган экан. Чақимчилик, хиёнат, хонилик — Абдулла Қодирий асарларида кўйиб-ёниб фош этиладиган инсоний мараз, иллат. Абдулла Қодирий самимий китобхонни қанчалик эъозласа, адабий ҳаётдаги амалдорларни шўнчалик ёқтирмас эди. «Меҳробдан чаён» романининг «мавзун тўғрисида» муаллиф томонидан битилган киришдаги: «...қора кучларга қарши «тубан» синф — камбағаллар, уларнинг хонлик тузилишига қора куч-уламо алайҳига чиқинчи, меҳнаткши камбағалларнинг ахлоқи, савияси, оиласи, турмуши ва бир-бирига алоқаси, салимияти» деган гапларни айнан қабул қилиш тўғрима. Абдулла Қодирий ҳаёт ниҳоятда мураккаблигини, уни қилишга солиш мумкин эмаслигини беш қўлдаи билган: юқори синф — помағруб кучлар орасида улуг инсонлар кўплигига ишонса, «тубан» синф — марғублар орасида қабих, фаросатсизлар кўплигига шубҳа қилмаган. Хуллас, Абдулла Қодирий кишиларни тамоман энд икки гуруҳга ажратиб ташлаш ножонзалигини тушунган. Таассуфки, олтинчи йилдан бери «Меҳробдан чаён» романида икки қарама-қарши синф орасидаги Ҳўраш тасвирланганлиги мақоладан китобга, китобдан адабиёт дарс-

тикларига ўтиб кетмоқда... Собир Мирвалиев «Ўзбек романи» ривожланишида «қураш икки синф ўртасида бўлиб» ўтишини (109-бет), қарама-қарши синфлараро «тўқнашувни ташкил этишда ёзувчи асаридан бош қаҳрамон Анвар образини тўғри ташлаган»лигини (110-бет) «Меҳробдан чаён»нинг фазилати деб кўрсатади. Олим «Ўтган кунлар» социалистик реализм томон бўрилиш бўлди. «мазкур романда («Меҳробдан чаён»да — А. Р.) социалистик реализм томон қадам қўя олган» (109-бет) деган хулосага келади. «Маълумки, — деб ёзади Собир Мирвалиев. — ҳар бир ижодий метод янги метод учун замин қозирлайди, пайдо бўлаётган янги метод эса ўша аввалги метод ичиндан ўсиб чиқади» («Ўзбек романи», «Фан» нашриёти, Тошкент, 1969. 109-бет). Биз юқорида адабий танқидий тафаккурдаги баъзи қоидалар — қотиб қолган тушунчалар ҳақида тўхталган эдик. Адабий танқид социалистик реализм методининг афзаллиги, устунлигини тасдиқлаш мақсадида аввалги ижодий методларни ерга урганки бу ҳам қилиб-қотиб қолган асоссиз ақида ҳисобланади. Маана шу қотиб қолган тушунчани мантиқан текширсак, шу нарса аён бўладики, гўё социалистик реализмгача битилган асарлар мукамал бўлмаган эски методда яратилганлиги сабабни социалистик реализм асарларидан паст, тубан бўлади. Наҳотки, истеъдод деган илоҳий эҳсонни ўйлаб топилган методга қурбон қилсак?! Алишер Навоий, Пушкин, Лев Толстой, Гёте мислиси санъаткорлар, лекин социалистик реализм методда ижод қилмаганлар. Наҳотки уларнинг улут асарлари социалистик реализм методидида ижод қилган, лекин ўртачагина уқувга эга бўлган қаламкаш асаридан паст турса?! Бу айни мантиқсизлик, адолатсизлик эмасми? Ёзувчи ижодини, санъат асарларини баҳолашда асосий мезон истеъдодлик, санъаткорлик ҳисобланади. Социалистик реализм методи расман совет адабиётида салкам олтинчи йил ҳукмдорлик қилди. Октябрь инқилобидан кейинроқ янги адабиёт, янгича санъатшарҳдаги ижодкор ҳақида тинимсиз гапирилганлигини ҳисобга олсак, социализм шўро адабиётининг таъзаминини ташкил этади. Социалистик реализм соф эстетик категория эмас, сиёсатга хизмат қилувчи адабий дастур эканлиги ҳақиқий санъаткорлар ижоди, етук асарлар ҳамиша инкор этиб келинганлигидан очиқ-ойдин сезини мумкин. Социалистик реализмнинг ҳуви чиқаёзувдиги, Андрей Платонов, Михаил Булгаков, Василий Гроссман, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, А. Солиженицин асарлари ҳақида баралла гапириладиган, улар ижоди таҳлил қилинадиган бўлиб қолди. Хўш, «илгор етук» социалистик реализм машҳур ёзувчилар ижодини, чин санъат асарларини нега инкор этиб келди? Бош сабаб шуки, социалистик реализм тоталитар сиёсат, мафкурага хизмат қиларди.

Яна бир ачинарли томони шундаки, санъаткорлик сирларини ўрганиш, ижод жараёнига тааллуқли масалаларга диққатини жалб қилиш ўрнига, назариябозлик, тўғрирочи, назария инқобига ўралган сиёсатбозлик билан шугулланиб келинди. 20-, 30-, 50-йиллардаги адабий-танқидий мақолаларда санъат масалаларини ҳал қилишга нисбатан сиёсий мақсадларни кўзлаш, ёт мафкурадаги душманларни ахтариш етакчилик қилади. Абдурахмон Саъдий, Сотти Хўсайн, Айн, Ҳамид Олимжон, Уйғун сингариларнинг баъзи адабий мақолаларини ўқисангиз, этнигиз жимирлашиб кетади: уларда сиёсий айблов, ёт мафкура изларини излаш яққол кўриниб туради, адабий танқидни сиёсат жангига айланатириб юбориш ишқибозлари ҳануз топилди. Бахтимизга замон ўзгарди, ошкоралик эпкини эсди, ҳурфикрликлик кўтракларни кўнаряпти. Яқин-яқинларда ҳам гоёвийликни байроқ қи-

либ кўтаришлар, «Улуғбек хазинаси», «Юлдузли тушлар», «Истам-бул фожияси», «Авлодлар довоми» сингари асарларни сиёсатгагина солиб, ўлчаб ҳоллари яққол кўринади. Адабий танқиддаги тарафнашлик, гуруҳбозлик иллати ҳам вульгар социологизм, социалистик реализм сингари ҳар хил «изм»ларнинг, адабий сиёсатнинг «фарзанди». Ҳаётимизда ҳурфикрлик, ошкоралик очиқ сезилганда, гуруҳбозлик, тарафнашлик авж оляпти...

70-йилларда ўзбек танқидчилиги ва адабиётшўнослиги Абдулла Қодирий ижодини, хусусан, «Меҳробдан чаён» романини ўрганишга эътибор берди. Лекин улкан санъаткор ижодини ўрганиш бавосита, реалистик методнинг шаклланиши масалалари йўналишида давом этди. Илк ўзбек шўро адабиётининг ижодий методи кўпроқ Абдулла Қодирий асарлари мисолида исботланди. Ижодий метод ҳақидаги гаплар асосан дунёқараш, воқеликка муносабат масаласини асос қилиб олди. Ҳомил Ёқубов «Ўтган кунлар» романининг 1973 йил нашрига ёзган сўнгги сўз-мақоласида бу асар «ўзбек романчилигида социалистик реализм адабиётининг яхши намуналарини яратишга реалистик замин ҳозирлаган ва катта йўл очиб берган» (395-бет). «Меҳробдан чаён» романи эса «меҳнаткашлар ичида етишган маърифатли йигит — Анвар образини яратишда, ... реакцияон руҳоний табақаларни жуда индивидуаллашган образлар орқали фои қилишда...» (395-бет), аввалги романининг «ғоявий-бадний маҳдудлигига барҳам беришда» (396-бет) муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайди. «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романлари ўзбек прозасида реалистик принципларнинг ғалабасидан далолат беришчилиги» (396-бет) Ҳомил Ёқубов уқтиради. Бердиали Имомов, Ҳафиз Абдусаматов, Анқабой Қўлжонов мақола, тадқиқотларида Абдулла Қодирий романларининг методи социалистик реализм эмаслиги айтилса, Ўзат Султонов, Матёқуб Қўшжонов, Умарали Норматов сингари олимлар Абдулла Қодирий романларининг методи социалистик реализм эканлигини таъкидлайдилар. Ҳ. Ёқубов, Ҳ. Абдусаматов, Б. Имомов, С. Мирвалиев унинг асарлари социалистик реализмдаги асарлар учун замин тайёрлади, улар социалистик реализм даражасига кўтарилмади, деган бўлсалар, иккинчи гуруҳ олимлар Абдулла Қодирий санъаткорлигини, унинг романларида умуминсоний тушунчалар акс этганлигини социалистик реализм методи доирасида тушунтирдилар.

1975 йили Тошкентда «Совет Шарқи адабиётларида социалистик реализмнинг манбалари, шаклланиши ва ривожини» мавзусида умумиттифоқ илмий-назарий анжумани ўтказилди. Унда маъруза қилган, илмий ахборот берган олимлар, бошқа масалалар қатори, Абдулла Қодирий романлари методи ҳақида фикр билдирдилар: бир гуруҳ олимлар Абдулла Қодирий ижодини танқидий реализм деган бўлсалар, бошқа олимлар Абдулла Қодирий социалистик реализм намоён-даси эканлигини уқтирдилар. Ўзбекистон Ёзувчиларининг VIII съездидаги ҳисобот маърузасида Абдулла Қодирийнинг ижодий методи социалистик реализм эканлиги алоҳида таъкидланди.

Олимлар, ёзувчилар Абдулла Қодирийнинг ижодий методи хусусида қизгин жанг қилаётган пайтларида оддий ўқувчи «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён»ни маза қилиб ўқийверди, романлар таъсирида унинг қалбида олам олам тўйғулар жўш урди, кўзларида ҳаётга муҳаббат нури жилваланди. Қайта қуриш самараси-янгича тафаккур кўзимизни мошдай очди: социалистик реализм боши берк кўчага кириб, ҳақиқатдан ажралиб қолган методу, биз уни осмондаги

ни билибмиз: энг етук ёзувчиларимиз ижодини шу «метод»га, қандай қилиб бўлмасин сиғдирганига беҳуда ўринлибмиз.

Биз бир пайтлар санъат санъат учун деган қоидага қарши тиш-тиригимиз билан курашардик. Вақолапки, масалани бундай йўси-да кўйиш, жўи ҳал қилиш сира мумкин эмас экан. Санъатнинг му-раккаб қонунларидан воз кечиб бўлмас экан, Қарангки, 70-йилларда назария назария учун деган қоида адабиётшуносликка кириб қолди. Мутахассислар диққатини бадшиёлик масалаларидан четга буриб юберди. Умумсовет адабиётшунослигида илқитобдан кейинги, 20-йиллардаги совет адабиётининг методи ҳақида қизғин баҳслар бош-ланди кетди. Шу пайтда социалистик реализмда ижод қилганлар, теъқидий реализмдан кўтарилма олмаганлар, методи тайин бўлмаган-лар ҳақида ҳар хил фикрлар юритилма бошланди. Методлар ҳақидаги баҳслар шунчалик «қизиб» кетдики конкрет асарларни таҳлил қи-лиш, методни асарнинг ички тўқимасидан келтириб чиқариш тозим-лиги тасмадан унутилиб қўйилди. Анжабой Қўлиқоновнинг «Реализм ва романтизм» китобидаги «Ижодий метод ва услуб», «Қамолот», «Адабиётимизнинг оқсоқоли» мақолалари фикримизнинг далили бўла-лади. Аксинча, баъзи олимлар социалистик реализм имкониятлари-ни юзага чиқаришга интилдилар, очиқ система назариясини кенг тар-тиб қилдилар. Профессор Умарали Норматов «Насримиз уфқлари» китобига кирган «Изчил реалистик оқим» мақоласида «Ўтган қу-лар»ни социалистик реализмнинг пачилт реалисттик услубий оқимда, «Меҳробдан чаён»ни романтик услубий оқимда яратганлигини исбот-лади (140—141-бетлар). Матёқуб Қўшиқонов қатор тадқиқотларида Абдулла Ҳодирий романларини, хусусан, «Меҳробдан чаён»ни го-лийан-эстетик таҳлил қиладди. А. Каттабеков, Х. Умунов, У. Носиров яратган тадқиқотларда ҳам «Меҳробдан чаён» таҳлилига алоҳида эътибор берилган.

«Меҳробдан чаён» романини вульгар социологизм, социалистик реализм талаблари, шартлари асосида таҳлилу талқин қилиш қайта ўқиш давригача давом этди, бундан буёғига қолиплар, андозалар ҳақиқий таҳлилнинг тўсини бўла олмайдн дейиш ўринлимикин? Қай-та ўқишнинг янгича тафаккурни ҳар хил сохта қараицлар — «изм»-лар йўлига чек қўйиши мумкиул кечади, кескилли. Мана, 1987 йил-да «Ўзбек совет адабиётни тарихи» номли 5 жилдли асарнинг бирин-чи, 1988 йилда иккинчи ва учинчи жилди чош этилди. Китоб рус тилида чоп этиладётгани сабабли уни барча совет кишилари ўқиш-лари, талба-теснари фактларга дуч келавериб, ҳайратдан ёқа ушлай-веришлари мумкин. Мавзуинин «Меҳробдан чаён» романи бўлган-лиги бокс биз шу асар ҳақида «Ўзбек совет адабиётни тарихи» кито-бининг I томида берилган баъзи маълумотларни келтирамиз. «Ан-вар — қашшоқлашган бўёқчи (?) Солиҳ маъдумнинг ўғли» (154-бет). Раъно хон ҳарамига олиб борилмаганлиги, канизлар қаторига қўшил-маганлиги оддий китобхонга ҳам аён. Лекин «Ўзбек совет адабиётни тарихи»ни яратувчилар: «Хон ҳарамидан қочини фикри Анвардан эмас, Раънодан чиқди» (157-бет). — деб ёзадилар. «Ўтган қуилар» яратилибдики, Абдулла Ҳодирий камбағаллар намоиндаларини ижо-бийи қаҳрамон қилиб танламаганлиги учун ур-калтак қилинади, ёзув-чига хайрихоҳлик қилмоқчи бўлганлар эса «Меҳробдан чаён»нинг асосий қаҳрамони оддий халқ орасидан танланганлигини албатта эс-латадилар. «Ўзбек совет адабиётни тарихи»да мана бу «янгиллик»ни ўқиймиз: «Ҳар икки романда («Ўтган қуилар» ва «Меҳробдан чаён»

да — А. Р.) ёзувчи ижобий қаҳрамонларини халқ орасидан топади унинг барча салбий персонажлари — ёзувчи синф намоёндалари (157-бет). Ҳозиргина ижобий қаҳрамонларини оддий халқ вакили деб турган муаллифлар Раъно, Султоналини шў қаторга қўшиб қўялар: Шариф, Раҳим каби персонажларини энг баландиарнов сўзга билан мақтайдилар: «Ижобий қаҳрамонлар Ашвар, Раъно, Султонали, Сафар бўзчи, Қобилбой, Шариф, Раҳим ва уларнинг дўстлари индивидуallasштирилган. Абдулла Қодирий уларни инсонлар, ҳақиқатгўй, дилдан сева оладиган, вафодор қилиб тасвирлайди» (257-бет). Ижобий қаҳрамонлар, персонажлар ҳозиргина кўкларга кўтарилган эди. Энди бўлса: «Худоёрхон ва унинг ақниларини ҳаққоний ва ишонарли тасвирлай олган ёзувчи Ашвар, Раъно, Султонали, Сафар бўзчи, халқ вакиллари намоёндалари тақдирини ва характерини чуқур ёрита олмаган» (157-бет), — деган ҳужосани ўқиймиз. «Ўзбек совет адабиёти тарихи»да ёзилишича «Меҳробдан чаён»да психологик реализм қўлланганлиги (157-бет), «реалистик портрет яратиш тажрибаси мукаммallasштирилганлиги» (158-бет) ҳақидаги баҳоли мулоҳазаларини қўя турайинки-да, «Меҳробдан чаён»нинг «асосий конфликтини яқин антогонистик синф — ёзувчи ва эскирунларнинг мurosасиз кураши белгилейди» (154-бет) деган халқ кесел фикрга қайтгайлик. Наҳотки шундай бўлса?! Қани романнинг антогонистик синф вакиллари, улар ўртасидаги мurosасиз кураши?! Салам бўқон Гулшан — оддий халқ вакиллари. Мекки роман вакилларида улар салбий куч сифатида кўринадилар. Абдурахмон домла — Ўта қон шок, қўл учида кун кўриб келган кампирнинг ўғли. Норин у Ашвар, Раъно фожасаларининг бош сабабчиларидан ҳисобланади. Султонали, Раъно қандай қилиб ёзувчи синф вакили бўлиб қолишлар? Хуллас «Ўзбек совет адабиёти»да Абдулла Қодирий ҳақини ва ижоди, ҳуусан, «Меҳробдан чаён» романи бўзиб-ўриб, нондэмий талқин қилинган. Ачинарлиси шундаги, «Меҳробдан чаён» романи ҳақида «Ўзбек совет адабиёти тарихи» берган алмон-алжоний матбуотлар билан танишган улуғмунтфок китобхони бошидан тегирмон тегин юргатган да ҳам бу китобни қўлга олмайди, ўқимайди. Романидаги поэтик, эстетик моҳиятини англамоқ учун асарини бениҳажа «қўймоқ», татқиқ қилмоқ жонз.

Адабий-танқидий мақола, тақриз баъолани билан бирге, ёзувчи ижодига, ёҳуд алоҳида асарга қиёқини ўйотмоғи керак. Китобхон борки, миллати, эътиқоди, адабий бадний кўшикмасидан қатъи назар, Абдулла Қодирий асарларини шавқ-завақ билан ўқийди. Ўзбек шўро танқидчилиги Абдулла Қодирий ижодига, асарларига қиёқинини ортириш ўринга, уни сўсайтириб келди. Бунинг боли билиш шунки, мунаққидлар асарининг ўзини, ёзувчининг эстетик қарашларидан келиб чиққан ҳолда эмас, гоҳ вўльгар социологизм, гоҳ соцреализм талаблари асосида, сиёсат зайлига кўра қўлларига қалам-тинг олишлар. Шуниси ҳам борки, Абдулла Қодирий ижоди, асарлари ҳақида ёзган инсофли, иймонли мунаққидлар ҳаммаша мураккаб руҳий диллатни кечирдилар: санъаткор асарлари замоннинг дастуриламал тоғламасига мос келмайди, уни «бинойндек» ҳолатга келтириш учун кесини, тарошлаш — қиш-қизил қонга бўяш керак. Айни вақтда, Абдулла Қодирий романилари яхлитлиги, расолиги, улутворлиги билан ҳар қандай китобхонини-мунаққидини ром этади. Ойбек, Назат Султон, Хомид Ёқубов сингарилар асарларида мунаққидчининг руҳий ҳолатлари сезилади. М. Қўшқонов, У. Норматов сингариларининг мақоласи.

асарининг ўзидан келиб чиққан ҳолда ҳолис таҳлил қилиш сезиларлиқ тарғибу мунаққидлар ҳам гапни социалистик реализм томонидан бўлиб турсалар ҳам.

Абдулла Қодирий романлари ўз тақдирига, ҳаёт йўлига эга. Улар тарғиба ҳар хил таҳлил, талқин қилиб келинди. Бадий адабиётнинг сийосат асоратидан қўтиллаётгандай, адабий танқид ҳам баҳорда — таҳлилу талқинда бевосита асар руҳидан, санъаткорнинг дунёқарашидан келиб чиқиш томон юз бурмоқда.

Абдулла Қодирий янги адабиётнинг етук санъаткори. Унинг айни пайтда палласи Октябрь инқилоби йилларига тўғри келди. Менга эсимда. «Ўлоқда» ҳикояси улкан санъаткорнинг туғилгани ҳақидаги хабар эди. Абдулла Қодирий ҳар иккала рўмонда «халқимиз тарихидан энг кир давр»ни акс эттиради. Бошқача айтганда, романларда инқилобий-сиёсий зимиётини тасвирланди. Тим қора тунининг беҳуд қувончи ёруғ юлдузлардир. Абдулла Қодирий етилаётган янги инқилобий-сиёсий муносабатларнинг илк намоёндаларини Отабек, Сафар, Султонали, Ражаббек, Сафар бўзчи, Кумуш, Раъноларда — XIX аср ўрталаридаги зулматнинг ёрқин юлдузларида кўрди. Абдулла Қодирий яратган бадий оламнинг бир сарҳади XIX аср ўрталаридаги ҳаёт тасвиридан бешланади. Ёзувчи бу сарҳадни яна «ичка»га сурмоқчи — Умархон ҳақида роман ёзмоқчи эди. Абдулла Қодирий бир қанча ҳикоя, мақолаларида XIX аср ўрталаридан янги асрнинг 30-йилларигача бўлган ҳаётини бадий тадқиқ этга бошлаган. Санъаткор яратган бадий оламни бир бутун ҳолда ўрганиш, унинг сунъий бўлинишларга ажратмаслик лозим. Фикрини очиқ айтганда А. Қодирий инқилобни инқилоб тўғрисида икки қисмга ажратиш, яъни, бу қисмларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш номувофиқ. Абдулла Қодирийнинг барча асарлари — яхлит бадий оламнинг мулк. Тўғри, Қалвак маҳдум, Тошпўлат тажанг, Мухсин домла, Халиб домла, мулла Обидлар инқилобий муносабатлар тўғрисида янги равишда бўлиб қолган, лекин, барпбир, ўзлигини сақлаб қолган асарлардир.

Абдулла Қодирий бадий характер яратиш устаси эди. Ёзувчининг бу санъати тирик одамлар образини ишонarli кўрсата билишда кўзга ташланади. Ҳозирги пайтда ўзбек шўро адабиётининг тарихини масаласи ечилмаган муаммо бўлиб турибди. Қарийб етти йил давомида ўзбек шўро адабиёти қаҳрамон характерини яратишда сунъийликка йўл қўйиб келди. Бу нарса икки масалада кўз кўринади. Биринчиси, қаҳрамон образида виждон эркинлиги билан сунъий равишда четлаб ўтилди, ёхуд сохта тасвирланди. Иккинчиси, қаҳрамондаги ўзлик бошқа масалалар билан алмаштириб келинди. 1990 йилда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида қўйилганда бадий қаҳрамон ҳақида баҳс бошланди. Қаранглик, Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романидаги образларнинг бири-Солиҳ маҳдум хусусида бошланди. Баҳс иштирокчилари Солиҳ маҳдум образига икки хил дунёқараш асосида ёндошдилар. Биринчи Раҳимов «Солиҳ маҳдумда нима гуноҳ?» (3 август, 1990) масаласида, ҳозирги, қайта қуриш даври нуқтаи назаридан Солиҳ маҳдум образига муносабат билдиради, унинг зиёкор-муаллимлик фаолиятини ёритади. Муаллиф Солиҳ маҳдумни ҳар томонлама оқлашга, унинг қусурларидан ҳам фазилат топишга интилар экан, қўйидаги қўлга суянди: «Адолат юзасидан айтганда, муайян адабий персонажнинг хатти-ҳаракати ва қилмишларини баҳолашда фақатгина уни

олиб қолмасдан; асар яратилган шароит ҳамда маффуравий муҳит билан ҳам ҳисоблашиш зарурдир. Чунки ҳар қандай китобхон ва танқидчи сингари муаллиф ҳам ўз даврининг фарзанди бўлиб, ўзи мансуб бўлган синфий-ижтимоий табақанинг салбий таъсиридан ҳоли бўлмаслиги шубҳасиздир». Азим Раҳимов Солиҳ маҳдум образи ҳақида фикр юритар экан, марксча-ленинча методологияга асосланади. Онгимизга сингдирилган дунёқараш асосида фикр юритади. Иккинчидан, мени қувонтирадиган нарсаси шунки, Солиҳ маҳдум тирик қаҳрамон сифатида ҳаракат қилади, гўё ноҳақ ёзувчидан мунаққидга шикоят қилгандай, ундан мадад кутгандай бўлади. Тирик қаҳрамон ҳамиша ўзи учун курашади, ўзини ҳимоя қилади. Ўз шаъни учун курашиб, Солиҳ маҳдум Абдулла Қодирий образини оширди, унинг чин санъаткорлигини тасдиқлади. Муртазо Қаршибоев «Солиҳ маҳдум» фариштами?» (2 ноябрь 1990) мақоласида Азим Раҳимов қарашларига зид боради. У Солиҳ маҳдумни шунчаки ёмонлаб қўя қолмай, фикрини қуръони шариф оятлари, Муҳаммад пайгамбар ҳадислари орқали исботлаб беради. Бир қарашда, М. Қаршибоев ўз мақоласида диний методологияга бус-бутун амал қилгандай туюлади. Мунаққид Солиҳ маҳдум қилмишларини унинг ўз арқони — амал қилиши лозим бўлган қондалари билан чирмайди. М. Қаршибоев тутган йўлда бир сакталиқ бор. Солиҳ маҳдум ўз илмига амал қилса, ёзувчи томонидан салбий тип сифатида кўрсатилмасди. Қолаверса, Солиҳ маҳдумнинг тили билан иши айричалигидан муаллиф унумли фойдаланади: сатирик тип яратади. Бизнинг таиқидчиллигимиз, адабиётшунослигимиз ислом дини қондаларини, асосий моҳиятини чуқур ўзлаштириши жоиз. Бусиз асосли, ишонарли иш ёзиб бўлмайди. Лекин ҳадису оятлар кўрсатмасига кўр-кўрона риоя қилиш ҳозирги давр талабларидан ўзилиб қолишга олиб келади. Муртазонинг асосий қарашини тасдиқлаган ҳолда, мақоладаги битта нуқтани — «Солиҳ маҳдумнинг мадрасадаги кирдикорлари» хусусидаги фикрга тамоман қўшилмайман. Ўзбекининг бағри кенг, кечиримли халқ. Лекин баъзи кирдикорлари, хатти-ҳаракатлари у эниҳор кечирмайди. Айниқса, ўзбек гулдай боласини кирдикорли одам қўлига толширмайди, шогирд қилиб қўймайди. Солиҳ маҳдум эл орасида танитган зот. Унинг ҳасилигидан, қирқмоқ тўнидан, қўниги йилдан-йилга қисқариб бораётган маҳсиридан мириқиб куладиганлар серобу, ундан жирканадиган, сирли кирдикорларидан ор қиладиган одам йўқ. Ю. Шоназаров «Яна Солиҳ маҳдум ҳақида» (25 январь 1991) мақоласида Азим Раҳимов, Муртазо Қаршибоев мақолаларига муносабат билдиргач, «... Солиҳ маҳдум фаришта ҳам эмас, тирик одам. Муҳими, у сатирик схема эмас» деган лўнда ҳулосани айтади-қўяди.

Романдаги барча персонажлар тирик одамлиги, ўзлигига эга бўлган кишилар эканлиги билан китобхон диққатини жалб этади. «Меҳробдан чаён» қаҳрамонлари образини роман асосига сингдирилган бадиий-эстетик концепциясиз таҳлил қилиш мумкин эмас. Абдулла Қодирий, гарчи XIX асрнинг 50—60-йилларидаги воқеаларни бадиий тасвирлаган бўлса-да, роман ёзилган пайтдаги ўз руҳиятини, тушунчаларини, замон ва замондошлар ҳақидаги қарашларини — концепциясини китобхонга етказиш йўлини топган. Шу пайтгача «Меҳробдан чаён» романининг тадқиқотчилари масаланинг бу томонига эътибор бермаганлар. Ваҳоланки, роман таҳлилида бу масала алоҳида аҳамиятга эгадир. Биз роман қаҳрамонлари образини талқин этар

эканмиз, «Меҳробдан чаён»нинг умумий концепциясини таҳлил қилишни мақсад қилиб қўйдик.

«Меҳробдан чаён» романида омонат тахтга амал-тақал қилиб учинчи бор илашиб олган Худоёрхоннинг ич-ичидан чириган Қўқон хонлигини идора қилишдаги ҳийла-найранглари, икки пулга яроқсиз сиёсатчи моҳирона фош этилган. Худоёрхон хонликдаги чирик ички аҳволни, унга ташқаридан таҳлика солиб турган хавфли кучни (Россия империясининг хонлиқни тамоман йўқ қилиб юбориш сиёсатини — А. Р.) аниқ сезади. Хонлик ўлим талвасасида эди. Хон эса ўзини билиб, билмасликка оларди, иккиюзламачилик сиёсатини изчил давом эттирарди. Хон омонат тахт бугун бўлмаса, эртага қулашини ич-ичидан ҳис қилса-да, ташдан шод-хуррам, тўй-ҳашам, базму жаминид, карнай-сурнай билан ҳам халқни, ҳам ўзини чалғитмоқчи бўлади. Ариқ қаздиради, мадрасалар қурдиради. Карнай-сурнайлар овози, кўзни қамаштираётган сохта ялт-юлтлар бошқарув соҳасидаги асаббозлиқни, амалдорлар ўртасидаги ҳаёт-мамонт жанги даҳатларини кўриб юбормайди. Абдулла Қодирий романида бошқарув улидаги асаббозлик, ижтимоий ҳаётдаги сохталик, қаллоблик нозик тасвирланади. Ҳеч ким ўзининг асл моҳиятини кўрсатмайди, ҳамма тўжжи борича, найранг қилади, бошқача қиёфада кўринишга зўр беради. Абдулла Қодирийнинг санъаткорлиги шундаки, у ўз қаҳрамонларининг асл қиёфасини, туб моҳиятини китобхонга ўта нозик тасвирлар билан англатади. Бошқача айтганда, китобхон, масалан, Солиҳ маҳдумнинг ҳасисликлари, антиқа қилиқлари устидан кулиб юраредиди, бирдан ҳақиқий ёвуз Солиҳ маҳдумни «кўриб қолади»: бу даҳшатли одам унинг қалбига қўрқув солади. Ёвуз Солиҳ маҳдум бирров кўринган бўлса, ёзувчи Абдурахмон домланинг асл башарасини, қора юрагини эринмасдан тасвирлайди, китобхон бу ифлос одамдан жирканиш даражасига етади. Шаҳидбек зақотчи, Ғози эшси, Шаҳодат муфти, Каланшоҳ мирзолар ҳам чаёндай қақиб қолиш учун пайт пойлайдилар. Лекин улар думларини гажак қилиб, сиёсат куйига турли мақомда йўрғалайдилар. Анвар думи гажак чаёнлар орасида юрганини ҳис қилади, қачонлардир гажак думдаги заҳар ҳаёт-мамонтини хароб қилишини ички туйғу билан англайди. Чаёнлар салтанатида яшаш, ҳаракат қилиш ўта мушкул, нозик туйғу, ўтқир ақлгина бу салтанат жингўчаларидан омон эсон олиб ўтиши мумкин. Худоёрхон салтанатидаги нозик ўйинлар, сиёсатнинг беаён зарбаси қанчадан-қанча одамларни четга суриб, тузумнинг ноқеран чиқитишга айлантирмади, дейсиз? Ёдингизда бўлса, Анвар девонаш Тойир ака билан улфатлик қилади, унинг кулбаи харобасига бот-бот ташриф буюради. Тойир ака бегубор, қалби тоза одам. Лекин у чаёнлар муҳитида, қуршовида яшай олмайди. Иймсасиз ғор, ғариб кулба Тойир ака учун Худоёрхон айгоқчилари қуршовидаги кошонадан афзал. Хон ҳарамидagi канизлар шоҳи-атласларга беланиб, ғозаю мушқлар атрини таратиб, оқсочу энагалар хизматидан баҳраманд бўлиб яшайдилар. Уйлаб кўрилса, саройдаги маҳкумлар билан Тойир ака ўртасида фарқ йўқ, ҳисоби. Ғорда яшаётган кимсасиз одам ҳам, саройда сақланаётган канизлар ҳам хўрланган кишилар — жамиятнинг аянчли қурбонлари. Инсоннинг инсонлиги зулмга қарши курашида, ақл-ҳуши билан иш кўришида сезилади. Инсонлар бўладикки, эркисизлик ҳукмрон тузумда ҳам эзгулик йўлида ҳаракат қиладилар, эзилганлар қисматини яхшилаш йўлида интиладилар. Кишилар борки, адолатсиз тузумни лойқалатилган сув деб биладилар:

балиқ овлашга — бойлиқ орттиришга ружу қиладилар. «Меҳробдан чаён» романида Анвар, Раъно, Султонали, Сафар бўзчи, Моҳлар олим, Илгор хоним, Огача олим сингари эзгулик йўлида ҳаракат қилувчи, инсоф, савоб тушунчаларини унутмаган иймонли кишилар образи китобхон ҳурматини қозонади. Худоёрхон, Солиҳ маҳдум, Абдурахмон домла, Шаҳодат муфти, Гулшан сингари образларда бахиллик, ичи қоралик, амалу бойликка учиниш — инсофсизлик, диндарилик, беаноатлик қусурлари ҳокимлик қилади. Бу белгилар ҳар бир салбий персонажнинг ўз мавқе, имконияти даражасида рўй беради. Худоёрхон, масалан, тахтни беҳавотир сақлаш учун минглаб фуқароларини қатл этишга, шаҳвоний нафсини қондириш йўлида юзлаб қизлар ҳаётини хазон қилишга, қанчадан-қанча аҳил оилалар бошига қора кун солишга тайёр. Унинг салтанатида айғоқчилар, жосуслар, порахўрлар тўқин-сочинликда яшайдиганлар. Хонлиқнинг қайси чеккасида «тиқ» этган товуш борки, хоннинг қўлига эшитилди, қаердаки фитна уюштирилаётган бўлса фош қилинади, фитначилар жазоланади. Худоёрхон даврида имо-ишора билан галлашиш, мактубларни «илгакли», кеса тагида ним кеса бор тақлидида ёзиш авж олади. Бу ўринда Раънонинг Анварга йўллаган мактубини, ундаги «боқий сўзини Шайх Саъдийдан ўқурсиз» деган рамзини мисол тариқасида киритишимиз мумкин. Умуман, меннинг назаримда, «Меҳробдан чаён» романининг матнида сермаъинилик, рамз, ишора ниҳоятда кучлидай туюлади. Ёзувчи ўзга даврни ёзиб, бошқа бир шароитдаги муносабат, кишилараро эҳтиёткорликни акс эттираётгандай кўринади. Гулшан — романдаги эпизодик образлардан бири. У саройдаги энг эътиборсиз ювиндихўрлардан эканлигини англайди, ҳадидан ошмайди. Лекин у диндарилик, олийликни табиатида сиғдирмоқ юборган. Ҳар қандай жўяли гандан у битта олтин тангани аъло билади.

«Меҳробдан чаён» романининг муҳим фазилятларидан бири шундаки, ёзувчи жонли одамлар образини яратган. Танқидчиликда «жонли одамлар, тирик инсонлар образи» деган ибора бот-бот қўлланилади. Ҳаётнинг бош ҳақиқати бузилиб, характерлар тадрижидан табиийликка раҳна солиниб, жонли одамлар, ҳаётдагидай тирик инсонлар образи диққатимизни жалб этаверади. Жонли одамлар характери яратилган жонли асарларда инсоний қувончлар, дардлар, қайгулар, ҳуллас одамларни ҳаминча ўйлантирадиган гоҳлар акс этади. Жонли, тирик одамлар образини яратиш учун ёзувчининг санъаткорлиги халқнинг мард фарзанди сифатидаги шижоати, дошораклиги билан қўшилиб кетиши жонз. Санъаткорда ҳадиксираш, юз ёқин ўйлаб иш кўриш одати бўлса, яратган қаҳрамонлари сохта, сунъий, жозибасиз чиқади. Шуниси ҳам борки, биз кўпинча жонли одамнинг қандай бўлишларини билмай қоламиз. Одам қашшоқ, камбағалми — тамом, негандир уни жамини эзгу белгилар йиғиндиси деб англаймиз. Қашшоқлик дангасалик, ишқмаслиқнинг натижаси эканлигини кўлам ўйлаб ўтирмаймиз. Абдулла Қодирий инсон руҳияти, табиати, ижтимоий моҳиятини чуқур англайдиган санъаткор эди.

У инсонни шундай нозик тасвирлайдики, руҳиятини турли нуқталардан кузатадики, «бу образ ижобий», «бу образда ёзувчилар синфи намояндаси акс этган» қабилидаги ўй ҳаёлингизга келмайди. «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романларини ўқиб бўлгач, ҳис-туйғуларни жиловлаб олгач, ёзувчининг мақсадини, синфий позициясини, партиявий муносабатини, бадиий характеру образларига юк-

латилган гоёвий «теширри»ни англаб етасиз. Худоёрхон, масалан, бирт салбий тип — унинг ўй-фикрлари, хатти-ҳаракатида чин эзгулик, инсонийлик билан йўғрилган мақсад кўринмайди. Аниқроғи, марксистик дунёқарашдаги одам Худоёрхонни «ҳазм қилолмайди». Лекин, барибир, Абдулла Қодирий хондаги жонли, фикрлайдиган кишиларга ҳос томонларни ҳолис тасвирлайди. Мана, масалан, бош мушуний тайинлаш керак. Табиийки, хоннинг назари зоти улуглардан, ёхуд саройдаги эътиборли кишилардан бирига тушмиш керак эди. Лекин хоннинг диққатини фикри равои, саводи ўткир, туркийда битилган фармон, номаларга «жон» киритиб юборадиган Мирзо Анвар жалб этди. Абдулла Қодирийнинг реалистлиги шундаки, Худоёрхон Анварнинг билимдон, саводхонлигидан ташқари махсус уюштирилган улугларнинг Анвар учун қўйиб-пишаётганликларини ҳам ҳисобга олади. Улугларнинг Анвар тарафини олишларида Султонали томонидан энг унда узатилган олтин тангаларнинг ҳиссаси катта. Худобилик — инсон табиатининг асосий белгиларидан бири. Ўзини сира ўйламайдиган, фақат ўзгалар учунгина яшайдиган одам йўқ. Шундай одамлар борки, ўзгалар манфаатини кўзлашдан, эзгуликка эътибор қилишдан ҳузур қиладилар. Мана шу белги асосида ҳам яхши маънодаги ўзни ўйлаш ётади. Оғача ойим ҳарамини канизаклар билан тўлдираверини ақланик, онҳазратга садоқат белгиси эмаслигини кўнмачи Гулшанга ётиги билан тушунтиради. Гулшан оғача ойим фикрига қўнмачилигини билдиргач, мукофот тарзида икки нафақа ётади. Оғача ойимнинг қўйиб-пишаётган эзгулик, онҳазрат салтанатини мустаҳкамлаш, айни вақтда, саройидаги ўз кундошлари сенининг кун сени кўнайиб боришидан хавфсираш сизгари маънодор бор. Гулшан Оғача ойим билан суҳбатда ўзини «онҳазратнинг аёли ўлдари» эъланигини қиштириб ўтади. «Онҳазратнинг отаи ўқлар» туфайли қанчадан-қанча лобар қизлар очилмасдан сўлдилар. Ҳа ҳарамни деган моҳористонга тириклайини кўнмидилар. Шундан ҳам, ҳарам канизалари жамнатдан, иктимомий ҳаётдан илтифот ташланган қизлар билан ўлик бўлиб йўрда, тирик бўлиб сонда йўқ қиёфасидан, қиёми қилинган, орзулари паймол этилган, оналик, аёллик бахти-дўверидан маҳрум қилинган канизаларнинг Гулшан билан ўтказган кечалари тасвири романининг энг ёрқин, юксак санъат билан ёзилган ёбаридандир. Абдулла Қодирий икки уч жумла, битта рухий ҳолат тасвири билан ҳар бир канизани қалбини ёрилади, характерни белгилайди. Ёзувчининг элкан маҳорати шундаки, қўйган кўнмиллар фарди ишқ қийқириқлар, ўйин-кутиллар шаклида тасвирланади. Канизалар, бир томондан Гулшанга ҳавас, ҳасад қиладилар, чунки унинг ақлиси, эри, болалари бор. Иккинчидан, канизалар Гулшандан нафратланадилар, чунки мана шу кўнмачи уларни оқлади, эрли, болали бўлиш бахтидан маҳрум қилган. Гулшан ва канизалараро элдил шундай нозик, сўз ўйини шаклида ўтадики, баъзи китобхонлар уни сезмай қолышлари мумкин. Канизалар уюштирган «базм»да Гулшан ўзини босиқ, вазмин гутади: ишқ канизаларининг шаддодликларига, вахтага ўраб отилган тошлар-қочирқлар, пичинглари, ўқинчлар зарбига чодайди. Гулшан жонли одам, тирик инсон. У, гарчи «онҳазратнинг отаи ўқлари» бўлсада, ўз қилмишларини ўйлайди, гуноҳга боластайлигини ҳис қилади, бурчини бажара олмай, хон олдида шар-мада бўлиб қолышдан қўчийди. Раънонинг хонга лойиқ топилишида

Гулшаннинг ҳиссаси бор. Аслида, Анвар ва Раъно фожиясининг сабабчиси Гулшанмас. Худоёрхон Раъно деган қиз борлигини, унга уйланиши мумкинлигини ҳаёлига келтирмаган эди. Солиҳ маҳдум Раънони Анварга узатишга рози эди. Қолаверса, Анвар бош мушый бўлгач, тўйин тезлаштириш ҳаракатига тушиб қолади. Гулшан кўча-ма-кўча изғиб, эшикма-эшик юриб Раънони топмади. Раъно ҳақидаги гап кўққисдан пайдо бўлди. Хўш, фожиа айбодори ким?! Йахон адабиётининг шоҳ асариди — «Шоҳнома», «Фарҳод ва Ширин», «Отелло», «Ҳамлет», «Йиғилт ва жазо», «Ўруш ва тинчлик» сингариларда хиланат, фитна ҳаётининг бир маромдаги оқимини ости-устун қилиб юборади, кескин драматик, фожиявий ҳолатларни келтириб чиқаради. «Меҳробдан чаён» романдagi фитнанинг илдири Абдурахмон домлага келиб тақалади. Ўзланг, аввалига домла Раънога «огиз» солди, бўлмагач, Солиҳ маҳдум номидан хонга мактуб битди — ёлғиз қизини хонга ҳадя қилмоқчи бўлган отанинг орзуларини баён этди. Абдурахмон домла мактубни Гулшанга топширар экан, Солиҳ маҳдум номидан қўшмачига бир неча олтин тангалар берди. Гулшан алоқин эмас, мактубни эгасига топширишдан олдин Солиҳ маҳдумнинг уйини қидириб толади, маҳоратини ишга солиб, Раънони кўрди, гаплашди. Қиз саройга лойиқ эканлигига, хонга ёқишига ишонгач, Солиҳ маҳдумнинг «орзуси» ҳақида хонга ахборот берди. Гулшаннинг Раъно ҳақидаги гаплари хонга маъқул тушди. Фожиа энди тез ривожланади. Султонани Гулшаннинг қўлига қўл солиб кўради, қуруқ қешик огиз йиртар бўлмасин деб, олтин тангалар тиқштиради. Гулшан, гийт қолидан кўчганигини, энди, худо хоҳласа, Мирзо илгитга оқсан ўпмаган гўзални олиб беришга беш қўшинини айтади. Ўрдадан совчиларнинг келиши Солиҳ маҳдумни саросимага солиб кўяди. Хон марҳаматига сазовор бўлган Солиҳ маҳдумнинг пинҳоний орзуси эди. Қолаверса, хонга қайнота бўлиш иззатталаб, бойликка ўч маҳдум учун қўйилмаган баът эди. Айни вақтда, Солиҳ маҳдумда жиндакигина истиқола ҳем борм у Анварга сўз берган, яқин-йи роқ қариндошларига Раънонинг тўйи ҳақида оғиздан гуллаб қўйган эди. Солиҳ маҳдум шундай одамми, манфаат, амал, бойлик олдида юзта Анвардан воз кечиб юборини. Раънонинг нозларини бир нурга олмаслиги мумкин...

Абдулла Қодирӣ — рўмонанисининг маҳорати шундаки, у Анвар ва Раъно фожияси орқали кўқон ҳолигидagi адолатсизликларни, инсон ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинганлигини кўрсатади. Бир одам яхши кўрган қизни хон тортиб оларинишу, ҳеч ким чурқ этиб оғиз очолмаслиги. Оқ-қорани тенган қиз йиғитни жон-дидидан севаринишу, унинг қўл-оғини беклаб хонга тутқиришарини. Асарда кишилар руҳидаги тобеллик аёвсиз фоти қилинади. Мана шу мутеллиги, қуллиги туфайли халқ ҳануз ўзини таний олгани, инсондай тўйиб нафас олгани йўқ.

Анвар ва Раъно фалаж жамият танасидаги соғлом асаб торларидай ҳаракат қиладилар. Ошиқлар жасорати Султонани, Сафар бўзчи, унинг олани ва почаси, Қобилвой ва унинг дўстларини хайрли иш йўлидаги курашга ундайди. Тузумимизда инсонпарварлик, ҳурфикрлик, ошкоралик қанча кенг ривожланса, «Меҳробдан чаён» романининг ҳурфикрлик, инсон ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинган жамиятининг фоти қилувчи вазифаси орта боради.

Солиҳ маҳдум, юқорида айтиб ўтганимиздай, романдagi мукамал характерлардан бири. Етук бадий типнинг нашо этилиши —

катта воқеа. Кўп ижодкорлар шунга ўхшаш образни яратишга киришадилар. Ўрни ишкамба («Судхўрнинг ўлими», Айний) — Солиҳ махдум таъсирида яратилган тинлардан. Айний ўта билагон одам бўлса-да, Абдулла Қодирий санъатини юксак қадрларди. Бу икки буюк сиймо ўртасида яқинлик бор эди. Ойбек — Абдулла Қодирий романларида таъсирланиб, насрга қўл урган адиб. «Ўқутлуг қон» романида Солиҳ махдум «мактабидан чиққан» бир неча бахитлар тежамкорлар образи бор. Тангибойваччанинг отаси, Нурининг қайнотаси, қолаверса, Мирзакаримбойда Солиҳ махдумдан ўтган белгилар анча-мунча топилади. Саид Аҳмаднинг Иноят оқсоқоли («Уфқ») ўрик домласи ҳам Махдум отанинг «ўғиллари».

Солиҳ махдум — кўламли кенг характер, тип. Рухшунос, жамиятшунос, маърифатшунос, таърифатшунос ҳам Солиҳ махдум типини асосида жонддий иш олиб бориши мумкин. Азим Раҳимовнинг «Солиҳ махдумда гуноҳ нима?» мақоласида ўқиш-ўқитиш масалаларига эътибор берилган эди. Солиҳ махдум моҳир мактабдор. У ўз мактабиди, ҳозирги тушунча билан айтсак, ҳам директор, ҳам дарсни ташкил қилувчи, ҳам хўжалик ишларини бошқарувчи эди. Муаллим сифатида махдум қатор фазилатларга эга: у болаларга яхши билим беради (Анвар асосан Солиҳ махдум берган билим туфайли бош мунший бўлди). Махдумда ўз шогирдларини мактаб юриш, уларнинг кейинги тақдирини билан қизиқиш одати бор. Махдум мактабдор муаллимлар билан рақобат-мусобақа қилади: дурустроқ ўқитишга, бўлар-бўлмасга болани калтақтайвермасликка интилади. Махдумнинг педагогик фазилатлари остида ҳудбинлик — бошқа мактаб болаларини ўз мактабига оғдириб олиш мақсади ётади. Мактабдорлараро рақобат шунинг кўрсатдики, ўтган асрда мактаблар кўп бўлган, болалар саводсиз қолганимаган, «Ўзбекистон тарихи»да ёзилганидек, саводлилар икки фойдига яқин бўлган, деган маълумот гирт ёлгон эканлигини кўрсатади. (Тоҳир Раҳхўрнинг «Инсонини таърифат тарбиялайди» мақоласида, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1969, 10 февраль). Ўрта Осиё халқларининг инқилобдан аввалги саводхонлиги, мактаб-мадрасалардаги ўқув системаси ҳақида кенг маълумот берилган.

Абдулла Қодирий романларида энгиллар образи ниҳоятда тиниқ яратилади. «Ўтган кунлар»да Юсуфбек ҳожи, Мирзакарим қутидор оиласи қатъийлик ишонарли ёритилган бўлса, «Меҳробдан чаён»да Солиҳ махдум хонадонини ундан ҳам аниқ, ишонарли кўрсатилган. Махдум оиласида ёзув, чизув, китоб улуғланади. Оила бошлиғи қанчаллиг ҳасис, очкўз бўлмасини, унинг билимли одамлиги сезилиб, биллиб туради. Оила аъзолари кийиншдан, ейишдан сиқилади, тару, лекин китоб кўрини, ўқиш, ёзишдан бемалол фойдаланадилар. «Ишини бўлмаса китоб ўқи, ҳусниҳат ол, сен кўлозини қизи эмассанки...» (5-бет) тақлидидаги тавбеҳлар Раънонинг бинойидек отинча бўлиб етишишга туртки бўлди. Махдум етимча Анварини мактабга йўлатмай, уининг юмуш-ишлари билан банд қилиб қўйиши мумкин эди. Лекин у бундай қилмайди. Қолаверса, Анвар ўқишга чанқоқлиги, зеҳнининг ўткирлиги билан Солиҳ махдумнинг ўқитиш ишларидаги таяничга айланади. Махдум ўқимишли, билимли одам, лекин унда дённат, инсоф етишмайди. Ўрдадан совчилар келгач, махдум дённатли одам бўлса, бор ганини рўй-рост айтишдан чўчимаган бўларди. Рост ганини айтса, Солиҳ махдум азият чекиши, сиқувга олинishi мумкин эди. Лекин китобхон кўзи ўнгида у тамоман бошқача одам бў-

либ кўрилади. Хонга қариндош бўлиш ҳақидаги ширин ўйлар. Анварга ёвқарашлик билан муносабатда бўлиш Солиҳ маҳдумни Абдураҳмон домла, Шаҳодат муфти, Калоншоҳ — меҳроб чаёнлари қурига қўшди қўйди. Солиҳ маҳдум ўта мураккаб шахс, жонли одам сифатида намён бўлади. У ҳар қанча ўқимини, зиёкор бўлмасин, кўнгли уни салбий тинлар қаторига қўшади. Унга ўзининг аниқ муносабатини билдиради.

Асарнинг асосий қаҳрамони Анвар қашшоқ оилада тутилган. Маҳдумнинг уйида тарбияланган, хон саройидаги катта амаллардан бирини эгаллаган йигит. «Меҳробдан чаён» ҳақида ёзилган тақриб, мақола, тадқиқотларда романиниг жиддий ютуғи бош қаҳрамонининг камбағал оиладан, ёзилган синф орасидан танланганлигида деб уқтирилади. Бизнинг оғимизда камбағал одам курашувчи, энг инсоний хислатларни сақлаб қолган деган тушунча чуқур ўрнашган. Марксист-ленинизм классиклари ёзилган синф деганда капиталистик муносабатлар ўта ривожланган мамлакатлар қашшоқларини — курашшдан ўзга йўли қолмаган пролетариатни назарда тутганлар. На Россияда ва на Ўрта Осиёда капитализм юксак чўққига кўтарилмаган эди. Аниқроғи, Туркистонда капиталистик муносабатлар энди-энди ниш ура бошлаган эди. Демак, капитализм ёзиб ташлаган, оғли курашга тайёр пролетариат ҳақида ҳали гап бўлиши мумкин эмасди. Анварни ёзилган курашга тайёр синф намоёнаси сифатида кўриш апоийликнинг ўзгичаси, холос. Қолаверса, Анвар қашшоқ оилада тутилган бўлса-да, Солиҳ маҳдум оиласида тарбияланди, Ражаббекдай эътиборли, амалдор одам назорати остида сарой хизматига тайёргарлик кўрди. Анварда улуг кишиларга хос бир фазилат бор: у эзгуликни қабоҳатдан, чин инсонийликни сохта мулозаматлардан боҳато фарқлайди. Анварда тиниқ ақл, садоқат, адолатпарварлик сингари белгилар тарбия топиб, такомиллашиб борди. Анвар маҳдумликига келиши билан боғчани гулзорга айлантиради. Наёимдай одобли, ақлли бола билан дўстлашди, ўзидан кичикларга меҳр кўрсатди. Мухими. Анвар илм олишга жиддий берилди, ҳақиқий инсонийлик сабоғини Шарқ фалсафаси, адабиёти, маданиятидан олди. Романиниг бош қаҳрамони ўзи яшаётган ижтимоий муҳитининг моҳиятини, хон саройидаги ифлосликларини, бошқариш усулидаги қаллобликларини чуқур англаб етди. Анвар ва унинг дўстлари хонлик системасининг, ҳуусан, Худойрхон ўтирган тахтининг ниҳоятда омонат эканлигини теран англаб етдилар. Сўнгги йилларда Ўрта Осиё хонликларидаги сохталиклар, бошқаришдаги омонатликлар ҳақидаги ишонарли маълумотлар берилмоқда. Ҳўрабек генерал, Сатторхон, Фурқат ҳақидаги янги-янги материаллар эълол қилинмоқда. Қўқон педагогика институтининг ўқитувчиси Рустам Тожибоев «Мирзо Анвар қим?» номли ихчам мақоласида («Ёшлик» журнали, 1989, 1-сон, 73-бет) хали қўзғолонига бошчилик қилган Мирзо Мунаввар ҳақида ёзиб, шу одам Мирзо Анвар образига ҳаётини туртки (прототип) бўлмаганликини деган мулоҳазани ўртага ташлайди. Диққатга сазовори шуки, Қўқон, Хива, Бухоро тахтига таҳдидин камбағаллар эмас, оқу-қорани таниган, мадраса таҳсилни кўрган, оламшумул ўзгаришлардан бохабар бўлган кишилар солганлар. Бошқача айтганда, адолатсизликни, хўрликни кўзи очик, юрагида дарди бор одам кўради, жамият дардига даво излай бошлайди. Бойлар, амалдорлар орасида ўша пайтда ҳам тенга тебранмайдиган, ўз ҳузуридан ўзгани ўйламаганлар ҳам жуда сероб бўлган.

Камбағал кўпинча инсофли, ҳалол бўлади. Лекин бу масалада ҳам беш қўл баробар эмас. «Меҳробдан чаён» яратилибдики, камбағал одамнинг бош қаҳрамон қилиб олиinganлиги ҳар хил алфозда мақталинади. Лекин биронта тадқиқотчининг эсига Абдурахмон домланинг чилласи чироқ кўрмаганлиги, Самад бўқоқ, Гулшан сатанг ҳам камбағал акалиги тушмайди. Ахир, мана шулар эмасми гирт иймонсиз кишилар?! Абдурахмон домла, Самад бўқоқ, Гулшан кўшмачилар хонинг отган ўқи, личогининг қайроғи бўлмасалар, омонат тахт аλλαқачон қулаган бўларди. Қаттиққўллик билан бошқариладиган ҳокимиятда айғоқчилар, лаганбардорлар, сотқинлар, хушомадгўйлар тоифаси пайдо бўлади. Бу тоифа кўпроқ камбағал, қўл учда кун кўрадиганлардан ташкил топади. Моддий манфаатдорлик, амалдорларнинг соясига бекинмиш иштиёқи бу тоифани урчитувчи востадир.

Камбағал Анвар қандай қилиб амал курсисига кўтарилганлигини айтдик. Хўш, Анвар характерида қашшоқ оиладаги илк тарбия, муносабатларнинг таъсири қай даражада? Отабек билан Анварни қиёсласак, ҳар иккала қаҳрамоннинг бир-бирига энд тарбия ўчоғидан баҳраманд бўлганлиги сезилади. Отабек-ўзини тутинида, гап-сўзида, ўз қадрини, иззатини билишида ҳаминча бек; унинг сиркаси сув кўтармайди, қўпол мусмолани ҳам қилолмайди. Отабекнинг ўрнида Анвар бўлганида Мирзакарим кўтидорга айбонлигини тушунтирмасинди! Ёхуд, Анвар нуруний Насан отага юмўш буюра олармиди, «қўлим» деган сўзни оғзидан чиқара олармиди? Анвар дунёга келиб-оқ меҳрга зор бўлди, уни ҳеч ким эркаламади, ялаб юлқамади. Отабек бўлса, бадавлат, баобрў оиланинг арзандаси эди. Чақалоқнинг жинсини сув, ҳаво, ер вояга етказди. Унинг қалбини меҳр, суюш, ардоқлаш кўтаради. Оинини таълим-тарбия улғайтиради. Инсон қалбида шундай бир гавҳар борки, у меҳрдан, ардоқдан сайқал топади, нур таратади. Меҳр кўрмаган боланинг кўнгли яримта, ўксек бўлади. Анвар ўқиди, унди, амалдор бўлди. Лекин ҳаминча унинг кўнгли ўксек, яримта. Шўннинг учун бўлса керакки, у кўнгли ярим Тоштр ака сўхбатини бот-бот қўйсайди. Сафар бўзчи билан дардлашиб, кўнгил чигилини ёзади. Анвар умрида бировга қаттиқ гапирмаган. Уни қатъ элишга тайёрланаётганларида кўзи Абдурахмон домлага тушиб қолади. Анварнинг домлага қарата айтган аниқ сўзларида ҳам ўрланган кўнгли армон сезилиб туради. Анвар нима ни қилмасин, қаерда бўлмасин ёшлигидаги ўксеклик, меҳрга таъналик сезилиб туради. Анвар тушиб қолган рўствани кўтариб қанлиқ кетиди югуради, бош мушталликка фаршон чиққанида негадир ўзини поқудай сезади. Раъно билан Тоштр ака келгач, бир кеса суи билан ниқоҳ ўқитиради. Анвар ҳаминча серанк, аллаишадан чўчиб туради. Буларнинг бариси ёшлигидаги ҳам моддий, ҳам маънавий, ҳам руҳий қашшоқлиқнинг натижаси.

Элтибор берганмисиз, Отабек юрса ҳам, ўтирса ҳам, сўзласа ҳам, бирси иш қилса ҳам ўзалиги сезилиб туради. У бўзаконига кирин, алоқда хона сўради, қўғиз кўратинларини буюради. Подақани қилаётган амалдорни кўради, ўзини тўғиб туролмайди, уни кўнгли бошлади. Анвар, Отабекке кўнглини ятти амалдор, Лекин Анвар ерни титратиб юролмайди. Ўнча ортиқча элтибор беринларини истамайди. Саройдаги ёзув-қўғиз, фармон буйруқ ташердан Анварнинг қўлидаки у Салиқ амалдорлари билан қалон ўнчагина, етти си қисққ ўғзичи, етти бола, ў Салиқ амалдорни илтифатларини кў

келтирадую, на ўзига, на Раънога, на Нигор ойнмга бирор кийим олишга журъати етмайди. Бу гапларни биз зиҳор Анвар образини камситиш учун айтаётганимиз йўқ. Абдулла Қодирий характер маънига қилча зиён етказмай тасвирлаган. Қолаверса, Абдулла Қодирий болага овқат қанча зарур бўлса, руҳий мадад, меҳр, инсоний севги шунчалик шартлигини айтмоқчи бўлади. Карл Маркс асарларида моддий жиҳатдан сиқилган камбағаллар ҳақида фикр юритилади. Ўзлигини инсон сифатида таниган камбағалгина истибодга, зулмга қарши бош кўтаришга қодир. Сўнгги 100—130 йил давомида ўзбеклар, фақат уларгина эмас, кўпроқ маънавий руҳий қашшоқликка маҳкум этилдилар. Қўллик руҳи халқнинг қон-қонига зўрлаб сингдирила бошлади. Бу Карл Маркс асарларида тасвирланган моддий эзишга нисбатан даҳшатлироқдир. Руҳга, қонга сингдирилган қашшоқлик, мутеллик одамни лаж қилади, излаш, ҳаракат қилишдан маҳрум этади. «Меҳробдан чаён» романида қашшоқликнинг маъна шу турига ишора қилинади. Анвар зийрак, зеҳни ўткир бола бўлмаса, Насим билан дўст тутинмаса, Ражаббек мушый назарига тушмаса, биз таниган, ҳавас қилган Анвар бўлиб танилармиди?

Биз бадний асардаги, ҳуссан, катта насрдаги образларни бирин-кетин таҳлил қилаверишга одатланганмиз. Баҳолаш, бадний асарда ҳар бир образнинг аниқ ўрни, вазифаси, бурчи бор. Бу гап фақат бош қаҳрамонгагина тааллуқли эмас. Шундай қаҳрамонлар борки, улар асарда биринчи вазифани адо етмайдилар. Айни вақтда уларни зиҳор иккинчи, учинчи даражали деб қараш тўғрмас. Мана, масалан, Раъно образи. Романдаги асосий образлар Раънога боғланади. Раъно бўлмаса, Анвар образининг бўлиши мушкул эди. Солиҳ маҳдум оиласидаги оҳанрабо Раъно: у каттадан кичикни ўзаро қовуштиради. Абдурахмон домланинг «хонис хизмати» туфайли Раъно романдаги бош конфликтнинг сабабчиси, ҳам иштирокчиси бўлиб қолади. Раъно образини баҳолаганда икки босқични албатта фарқлаш жоиз. Уй қизи, Солиҳ маҳдум оиласининг файзи-таровати бўлган Раъно — бир дунё. Раъно қиз бола эмасми, бўвиси, онасининг ғамташвишларини эрта ҳис қилади, онанинг ички сирларини англади. Бувиси, онасидан фарқ қилиб, Раъно Солиҳ маҳдумнинг «тошметинлиги»га кулиб қаради, мушкулотни ҳазилга йўйишга одатланди. Мана шу қилишни биланоқ Раъно онадагиларнинг ҳамдарди, суянигига айланди. Анварга нисбатан ҳам Раъно ўз йўналишини аниқ белгилади. Бувиси «хушрўйигина, дўмбоқ болани» ёқтириб қолган, уни ўз набирасидай тарбиялашга — едриш-ичириш, кийинтиришга чоғланган экан, Раъно ҳам Анвар акасини ёшлигиданоқ ёқтирди. Анвар ҳам ёшлигиданоқ бийрон Раънога алоҳида меҳр қўйди. Оилавий эҳтиётлар (Оила эҳтиётларию. Маҳдум домла зичналиклари натижаси — А. Р.) Раъно туфайли осонроқ ҳал этила борди. Солиҳ маҳдум ҳар қанча қаттиққўл бўлмасин, бош фарзанд эмасми, Раънони алоҳида меҳр билан суярди. Раъно Анвардан фарқ қилиб, онанинг қувончи бўлиб дунёга келди, уни суйдилар. Чақалоқлигидаги меҳр, суйиш, эркалаш Раънони ҳар жиҳатдан мукаммал бўлишини таъминлади. Раънода Анвардаги ўксиклик, тушқунлик, елкасини қисиб туриш йўқ. Аксинча, унда ўктамлик, эркинлик, руҳий бардамлик бор. Раъно қисиниб-қимтаниб турадиганлардан эмас; бир қарасангиз, у сабодшо дўгоналари билан апоқ-чапоқ, бир қарасангиз, ким биландир ўришиб қолади, аразлайди, бир қарасангиз, ўкаларини ялаб-юлқаетган, улар билан ўйна-кулгу қилаётган бўлади, бир қарасангиз, онасининг панд-насихатларига берилиб қўлоқ тутаетган бўлади. Хул-

лас у тиниб тинчмайдиган, жони ичига сигмайдиган, қиз. Раъно Анвардаги зеҳни, уқувни, айни вақтда руҳий-маънавий синиқликни эрта англади, ўзи сезмаган ҳолда Анвар акасининг ҳимоячисига, тарафкашига айланди.

Биз кўпинча Анварнинг Насим билан дўстлиги ҳақида ёзамиз-у, унинг Раъно билан руҳий яқинлигини таҳлил қилмаймиз. Ваҳоланки, кўзга кўринмас муносабатларда ҳам изчиллик, мантиқийлик, тартибго мавжуд. Абдулла Ҳодирий романларида руҳий муносабатлар тарихи, тадрижи, зиддияти ўта нафис тасвирланади. Дидли китобхон айрилиқ йилларида Ҳумуш ва Отабек узоқ-узоқ масофалардан туриб, бир-бирларини кўрмай, оғизларини очмай ўзаро қандай «суҳбатлашганликларини», дил изҳорларини ҳис қилади. Анвар билан Раъно ҳам ҳамisha бир-бирларига руҳий мадад бериб турадилар. Анвар Худоёрхонга, писмиқ Абдурахмонга юрагидagi аламларини тўкиб солаётганида Раънонинг руҳий мададини, юрак аламларини ҳис этиб турмадимиз? Бир сўз билан айтганда, Абдулла Ҳодирий маҳоратининг нозик нуқтаси шундаки, у руҳ табиатини, интиқлигини, ўзгаришини ишонarli, кўз илғамас қонуният асосида тасвирлайди.

Хонга фотиҳа қилинганч, Раъно кескин ўзгарди, улғайди, оғир масъулиятни ҳис этди. Энди у боламас, ота-онанинг эркатойи. Анварнинг севгилисигинамас. У энди ўзлигини, инсон сифатидаги шайни, қадрини ҳимоя қилиши лозим. Раъно болалиги ўтган уйга синмай қолди, отасини илк бор ўзгача кўз билан кўрди, нафратланди. Илк бор у онасига юрак-юрагидан ачинди. Раънода шиддат, енгилмас прода жўш ўрди. Қиздаги мана шу куч Анварга қувват берди. У аввалига иккиланиб, қатъий қарорга келмай турган эди. Раънонинг қатъияти уни курашчи, паҳлавонга айлантирди. Сафар бўзчи, Султоналилар Анвар ва Раънони тунда хонлик ҳудудидан қочириб юбордилар. Қочиб кетаётган Раънода Тўмариснинг жасорати, Ойбарчининг садоқати жўш уради. Анварнинг Алломишдай ботир бўлиб кетишида Раънонинг ҳиссаси мислсиз.

Раъно, гарчи тарихий романининг қаҳрамони, XIX аср ўрталарида яшаган аёлларнинг вақиласи бўлса да, ўз руҳи, шижоати билан инқилобий руҳдаги шўро аёлларига яқин эди. «Меҳробдан чаённи ўқиган ёзувчилар борки, бошқа образлар қатори, Раъно сиймосига ҳавас билан боқдилар. Мен давр қизи Дилбарнинг («Дилбар — давр қизи», Ойбек) ўктамлиги, шижоатида, Мاستоннинг («Мастон», А. Қаҳҳор) қатъиятида, Зайнабнинг («Зайнаб ва Омон», Ҳ. Олимжон) ўз бахти йўлидаги интилишларида, Гулнорнинг («Қутлуг қон», Ойбек) йўлчига мадад бўлишида Раъно характерининг белгиларини аниқ кўраман. Бугина эмас, Абдулла Ҳодирий ўзлигини намоён эта оладиган ўзбек аёлининг образини илк бор тасвирлади. Иктимоний фаол ўзбек аёллари образининг барчасида Раъно образининг нимасидир бор. Ўзбек шўро адабиёти аёл образини яратишнинг янги йўлларини кашф этаётгани сезилмаяпти. Шўро давридаги ҳаёт ўзбек аёлини жуда ўзгартириб юборди. У Абдулла Ҳодирийнинг Раъносини билан пайдо бўлган тарихга, бичимга ҳечам синмай қолди. Кўтар-кўтар қилиб шўхрат осмонига чиқариб қўйилган аёлнинг қулаш пайтидаги фарёди юракларни эзиб юборди-ку. Ваҳоланки, биз юлдузни кўзлаб бораётган аёл ҳолатини ёлгон-яшиқ тасвирлашдан нарига ўтганимиз йўқ. Ун беш ёшлик қизнинг номуссизланганлигини, ҳомиладор бўлиб қолганини билганч, фарзандини ўз қўли билан ўлдирган онанинг дарди роман ё қиссага сигармикан?! Бола-чақасини, меҳнаткаши, сод-

дадил эрини ташлаб енгил-елли йўлга кириб кетаётган аёлларни фелъетон қилавериш билан чекланиш керакми? Уларнинг юрак дарди қат-қат китоб бўлиши керак. Ўттиз йил муқаддам Одил Ёқубов «Бир фелъетон қиссаси»ни ёзган эди. Ҳозир юзлаб фелъетон, дардли мақолалар, даҳшатли воқеалар бор. Уларни роман қилиш муддати етди. Ўзбек аёли тақдирига янги ракурсадан боқиш, ингиланган концепциядан ёндашиш фурсати келди.

Санъат асари ҳаммisha маънавият мезони бўлиб келган. Осий банд — китобхон ҳақиқий асарини ўқиб руҳий-маънавий қийноқни ҳис этади, дил-дилидан санъаткорнинг ҳақлигига тан беради. Баркамол инсон — китобхон санъат асарини мутлоа қилар экан, руҳий-маънавий қониқни ҳузурини ҳис этади. Демак, санъат асари китобхонни эзгулик йўлига бошлайди. «Меҳробдан чаён» — санъат асари. Лекин, афсуски, баъзи китобхонлар, кўпроқ ёшлар роман моҳиятига сингдириб юборилган эзгу гоа — дўстликнинг улугълигига ишонмайдилар, уни афсона деб биладилар. Бир-бир ярим асрдирки, биз узоқ асрлар мобайнида қон-қонимизга сингдирилган муқаддас туйғу, тушунчаларни бой бериб келаямиз. Мусулмон мафкураси пайдо бўлибдики, дўстлик, иймон, одиллик, ҳалоллик улугъланади. Найгамбарнинг саҳобаларидан бири дўсти содиқлик (Абу Бакр), иккинчиси одиллик (Умар одил) тизмоларга айланиб кетган. Мусулмончиликда иймонлилик дейилганда содиқлик, одиллик, ҳалоллик, шафқатлилик англашилган. Абдулла Қодирий романида дўсти содиқлик асосий йўналиш сифатида тасвирланади. Мурғак Анвар Насимини шунчалик севадики, уни ёзувчи маромига етказиб тасвирлайди. Ражаббек мушйий Анвардаги дўсти содиқлик белгисига эътибор беради, унга қўлидан келган яхшиликни қилади. Болалигида Анвар Насим билан дўстлашган бўлса, улғайганда Султоналини топди, унга тўла ишонадиган дўстга айланади. Анвар билан Сафар бўъчи ўртасидаги дўстлик моддий манфаат асосида пайдо бўлган эди. Кейинчалик бу муносабат маънавий эҳтиёжга айланди. Анварнинг кўнчилиқ мушкулликлари дўстлик, дўстлар тўфайли ҳал бўлди. Насим билан дўстлашув хон ўрдасига, бош мушйийлик лавозимига бевосита йўл очди. Анвар тушгани аниқ бўлган зиндонга Султонали ўзини ғирифтор қилди. Қобил ва унинг содиқ дўстлари тўфайли Анвар жаллод қўлидан қутулиб кетди. Сафар бўъчи, Султонали, Қобиллар Раъно ва Анварни хон чапғалидан соғомон чиқариб юбордилар... Савдо-сотқиннинг кенг йўлга қўйилиши, ҳисоб-китобли дунёнинг мустаҳкамлана бориши дўстлик, ҳалоллик сингари муқаддас туйғуларни моддий муносабатлар даражасига тушириб қўяди. Мирзакаримбойдай уйдан гўри яқин бўлиб қолган одам уйлмай-нетмай: «Нима в дўстлик дегани? Мана, меннинг дўстим йўқ...» («Қутлуг қон») деса, Мирқўб («кеча ва кундуз») фақат ишнинг битирини, моддий-шаҳвоний манфаат йўлига Акбарали, Нойиб тўралар билан «дўстланади». Ҳозир ҳам дўстлик деганда кўпроқ моддий нитилишлар тўфайли яқинлашган кишилар тушуниладиган бўлиб қолган. Ижтимоий муносабатларни яхшилашни истасак, дўстлик, одиллик, ҳалоллик сингари тушунчаларни моддийлик балчиғидан тозалашимиз маънавият осмонининг юлдузига айлантиришимиз лозим.

«Меҳробдан чаён» яратилган даврда сотқинлик, хончилик, моддий манфаатлар — амалу унвонлар йўлини тутishi авж олган эди. Ўш муҳими, ўша йилларда динга қарши хуруж авж олган, аҳли уламо қатагон қилинаётган эди. Иймони сўст кишилар замон зайлига

бўйсуниб, маданий қадриятлардан юз ўттираётган эди. Абдулла Қодирий ҳар икки романида «тарихимизнинг энг кир, қора кунларини» қаламга олди. Тарихга танқидий қараш, унинг камчиликларини рўй-рост айта олиш ўзи яшаб турган даврнинг етуклигига ишонган кишида учрайди. Абдулла Қодирий инқилобни улут виятлари билан самимий қаршилади. Орадан беш-олти йил ўтгач инқилобий широрлар остида сиёсий-ижтимоий ҳаётда қабилликлар, инқилобий қондалардан чекиниш ҳоллари рўй бера бошлади. Сезгир санъаткор Абдулла Қодирий 20-йилларнинг ўрталаридан бошлаб маъмурий-тўрачилик муносабатлари, фирқа яккахоқимлиги чуқур илди ога бошлаганлигини, ҳурфикрлик, ошкоралик таъқиб этила борганлигини, сезмаслиги мумкин эмас эди. Ҳаётда Абдурахмон домла сингарини инқилозламачилар, Солиҳ махдум сингарини субутензлар, Ҳози эшон, Шаҳодат муфти сингарини лаганбардорларнинг иши юришиб қолди. «Меҳробдан чаён»да инсон эрки поймол этилган тузум тасвирланган, имонсизларнинг қўлгина образлари яратилган экан, ёзувчининг маълум маънода ўзи яшаб турган муҳитдаги норасоликларни ҳам назарда тутди. Инқилоб тугайли меҳроб чаёнлари зумда ўзгариб қолди, дейсизми? Инсон табиати жуда секинлик билан ўзгаради. Абдурахмон домла, Шаҳодат муфтийлар саллаларини чувалаштириб, Шаҳидбек, Ҳози эшонлар мешдай қоринларини сиқиллатиб, Гулшанлар эвчиб буралиб инқилобий ҳаётга қадам қўйдилар, янги турмушга мослашдилар.

Биз, 60—70 йил мобайнида ҳар томонлама тараққий этганимизни, ҳар жаҳода ютуқларга эришганимизни дунёга жар солдик. Тарих бўлаб-бежаб ноҳилислик билан ёзила бошланди. Қайта қуришнинг улут шарофати шундаки, у босиб ўтган йўлдаги хатоликлар, ёлгонларини фоида этди. Тоталигар сиёсат оқибатларини юзига чиқа бошлади. Босиб ўтган йўлимиздаги ижтимоий-сиёсий хатоликлар, иқтисодий-маънавий ўшириқлар ҳақидаги бадний, илмий, оммавий адабиётлар чоп этила борди. Тарихимизни ҳаққоний ёритишга нафақат шўро олимлари, адиблари, балки хорижий юртлардаги мақоланавислар, жамиятшунослар, ёзувчилар катта ҳисса қўшдилар.

«Меҳробдан чаён» тарихий роман бўлса-да, битилган даврнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини, ундаги камчиликларини сатрлар орасига моҳирона икки эта олган санъат асарини намунасидир. Абдулла Қодирий инсон руҳини, табиатини, улутлигини, оқизликларини чуқур англади. У шунинг яхши биларидики, инсон табиатини ўзгартириш икки билан қудуқ қазиндай мураккаб, узоқ муддат талаб этадиган ишдир. «Меҳробдан чаён» романида ўнлаб жонли, ҳаётини тақдирлар талқин қилинган. Бу роман ҳали кўнлаб талқини таҳлилларга асос бўлади.

«ОБИД КЕТМОН» ҲАҚИҚАТИ

Абдулла Қодирийнинг деярли барча эътиборга сазовор асарларини қатори «Обид кетмон» қиссаси ҳам ўз даврида ҳақиқий баҳосини ололмади. Вульгар социологизм оғуси билан заҳарланган, фақат «синфий ёндашнинг»чилигига мезон қилиб олган, аслида чинакам илмий синфий ёндашшдан узоқ, ўта ўжар, жоҳил танқид — бу ўзига хос қисса моҳиятини бузиб, унинг «идеологик бузуқчиликлар ва хатоларга» тўла, «сиёсий тутуриқсиз» асар деб эълон этди. (Н. Шарифий, О. Шарафиддинов, «Обид кетмон» ҳақида. // Қизил Ўзбекистон. 1937. 3 июнь.)

Кейинги ўттиз йил давомида адабиёт илмидаги соғлом кучлар Қодирий ижодига, хусусан, адиб романиларига қарашдаги жаҳолатни

бартараф этиш, бу ноёб санъат дурдоналари қадр-қимматини тиклаш гўзалликлари сирларини очиб йўлида кўп хайрли ишлар қилдилар. Аммо «Обид кетмон» повести, негадир, ҳамон муносиб баҳосини олган эмас. Тўғри, кейинги ишларда «Обид кетмон» ҳақида аввалги бешафқат танқидлар ҳамласи бирмунча юмшаган. Муаллиф шайига илгаридай гоявий-сиёсий ёрликлар тақаш, дағдагалар қилиш йўқ. Айни пайтда бу асар қиммати, адабиётимиз тарихидаги ҳақиқий ўрнини белгилашга астойдил уриниш ҳам бўлмади. Ўнссас устида сўз борганда жуда умумий тарзда «Обид кетмон» ўзбек адабиётида қолхоз темасини ишлашнинг муҳим ютуғи», «ёзувчининг гоявий ва ижодий ўсишида олган қўйган қадами» бўлгани, унда муаллиф қишлоқнинг социализм йўлидан боришнинг афзалликларини кўрсатишга бел боғлагани», «қолхозда деҳқонларнинг тўқ ва маданий ҳаёт қураётганини кўрсатишга алоҳида эътибор бергани» айтилади. Шу тарздаги мақтовлардан сўнг повестининг «энг жиддий камчилиги» — унда «қолхоз қурилиши атрофида борган ўткир синфий ҳаётнинг етарли акс этмагани» хусусидаги эски эътирозлар юмшоқроқ шаклда такрорланади. (Иззат Султон, Асарлар // Тўрт томлик. II том. 391-б.).

Коллективлаштириш мавзусидаги асарларга баҳо беришда ҳозирги ишлар айни шу «ўткир синфий қураш» концепцияси, яъни социализм қуриш жараёнида синфий қурашнинг тобора кучайиб бориши тўғрисидаги сталинча қарашга таяниб иш қўрилади. Бунинг устига бу мавзудаги жамини асарлар М. Шолоховнинг «Очилган қўриқ» романи мезони билан ўлчабладиган бўлди. «Очилган қўриқ» пайдо бўлгач, рус ва қардош халқлар адабиётида унинг таъсирида ўнлаб асарлар яратилди, чунончи, биздаги «Душман», «Ўқинчи» чироқлари» романлари, «Қўллар» романининг коллективлаштириш даври акс эттирилган қисми айни «Очилган қўриқ»қа тақлидан битилган. Энг ёмон, бу йўл танқидчиликда ҳар боб билан рағбатлантирилди ва, аксинча, қолхозлаштириш тўғрисидаги мавжуд ҳукмрон қарашга, «Очилган қўриқ» тишидаги асарлар мезонига мос келмайдиган, чунончи, А. Платоновнинг «Қотлован» («Ҳавза») повестида ўхшаш асарлар кескин танқидга, таъқибга учради. Ҳ. Қодирийнинг эслатишча, А. Қодирий «Обид кетмон»ни ёзганидан аввал ўша пайтга қадар коллективлаштириш мавзусида битилган мавжуд асарлар билан танишган, жумладан, «Очилган қўриқ»нинг русча нашри унинг столи устида турган, («Отам ҳақида», 165-бет.) Бироқ қишлоқ ҳаётини, коллективлаштириш жараёнини, ўзбек деҳқонлари руҳиятини яқиндан ўрганган, билган адиб «Очилган қўриқ» муаллифи ва бошқа қалам-кашлар йўлидан бормади, ўша даврининг ҳукмрон қарашларидан фарқ қилувчи ўз шахсий кузатиш, ҳулосаларини, мураккаб тарихий жараён тўғрисидаги ўз концепциясини ифода этди.

«Обид кетмон»нинг бадийати хусусида ҳам ҳамон паст-баланд гаплар юради, гоҳи Қодирий ижоди муҳлислари орасида ҳам бу қисса бадий жиҳатдан адибнинг тарихий романлари даражасида етук эмас, деган таъналарини эшитишга тўғри келади. Ҳ. Қодирийнинг «Отам ҳақида» китобида ҳам шундай ҳоллар эслатиб ўтилган. («Отам ҳақида» 170—171-бетлар). Эҳтимол, бундай эътирозларда муайян асос бордир. Аммо бадийликнинг бош мезони — ҳаёт ҳақиқатини ўзинга хос тарзда кашф этиш, ижодий оригиналлик, шахс талқинидан, насрда эса биринчи гада теран маънодор, ёрқин, жонли характерлар яратилган иборат деб қараладиган бўлса, «Обид кетмон» шу

юксак талабларга жавоб бера оладиган асар. Аввало, муаллиф қиссада Обид кетмон, Берди татар, Хитоб домла, Мулла Мухсин каби баркамол характерлар яратадик, улар ўзларининг жонлилиги, ҳаққонийлиги, концептуаллиги жиҳатидан, адиб романларидаги персонажлардан асло қолишмайди. Иккинчидан, ёзувчи инсон шахсига ёндашишда ўша даврда одат тусига кирган тор «синфийлик» доирасидан анча четга чиқиб, умуминсоний қадриятларни асраш, ардоқлашга жазм этади. Адиб ҳолис туриб колхозлаштириш даврининг бир қанча жиҳатларини ҳаққоний кўрсатиш, инсонийликка мос тушадиган тараққиётга элтадиган томонларини қўллаб-қувватлаш билан баробар, бу ҳаракатнинг ички муаммо-зиддиятларини ҳам, имкон қадар, йўлини топиб айтади, очади, эҳтимол тугилган хатарли оқибатлардан ўқувчини огоҳ этади, энг муҳими, замонавий деҳқон хўжалиги ҳақидаги ўзининг демократик моделни тақдим этади.

30 йиллар танқидчилиги учун жиддий нуқсон, гоёвий хато бўлиб кўрилган кўпгина ҳолатлар — асарда «колхоз ичидаги синфий кураш кўрсатилмаган», «синфий душман фош қилинмаган», «ўқувчи-синфий душманга инсбатан қаҳр-ғазаб кўзғатмайди», қиссада «лар ҳам одамку» деган ачиниш туйғуси бор, асар «ўқувчини динга қарши тарбиялашдан узоқ туради», ёзувчи «одамларни синфий гуруҳларга эмас, балки «яхши» ва «ёмон деган «гуруҳлар»га бўлади» бўлидаги айбловлар — буларнинг барчаси адиб дунёқарашидаги экланганлик, «совет воқелигини билмаслик», «турмушимизда бўлиб турган буюк воқеаларнинг (жумладан, колхоз қурилиши) моҳиятини тушунмаслик» оқибати эмас. Синчков адиб ўша давр жараёнини — колхоз ҳаракати муайян синфий силсилалар, алгов-даловлар гирдобиди кечаётганлигини, булар нуқул душман синфнинг, ўлоқларнинг иши, тескаричи руҳонийлар қутқуси оқибати эмас, балки сталинча зўравонлик, шафқатсизлик, қўмондонлик йўли билан яшасига коллективлаштиришга ўтиш сиёсатининг ҳам оқибати эканини сезмаслиги мумкин эмас эди. Назаримда, улуғ адиб буларнинг ирчасини тирай идрок этган, аммо ўша кезларда бу ҳақиқатни ошкора айтиш, ифодалаш имкони бўлмагани учун асарда синфий курашга алоқадор воқеаларни иккинчи планда беради, қолаверса синфий кураш тасвирида галати кишоявий усул қўллайдди. Мулла Обиднинг ҳар хил синфий табақа, ижтимоий гуруҳ вакиллари, чунончи «сиёсий хушёр» кимсалар назарида «ашаддий душман» бўлиб кўрилган бадавлат кишилар, руҳонийлар билан гаройиб мулоқот-саргушларини ифодалаш билан чекланади. Қишлоқ «устулар»нинг тартибнинг энг фаол саналмиш Абдужалил тегиримончининг ёки «тескаричи» руҳоний Хитоб домланнинг колхоз ҳаракатига, қишлоқ фаоллари, жумладан, Мулла Обидга қарши хатти-ҳаракатлари ҳийла билан олиш, уни ўзлари томонига огдирш йўлида кўп оворая-сарсонладилар ва шировардида ўзлари ноқулай аҳволга тушиб қоладилар. Эмак, муаллиф назарида синфий, гоёвий рақиблар қаршилиги коллективлаштириш йўлида катта ғов ҳам, жиддий хавф ҳам эмас. Ёзувчунинг бутунаси ўша мураккаб, зиддиятли тарихий жараёни коллективлаштириш ҳаракатининг «синфий оғни» етук, фаол кишилари эмас, синфий-мафкуравий курашлардан четда турган ҳолис-бетараф ўрта-деҳқон — Обид кетмон назаридан ўтказиб таҳлил этади.

Обид кетмон образи адабиётимизда ноёб ҳодиса. Кўпгина танқидлар таъна қилганидек, чиндан ҳам ёзувчи уни фавқулодда фазн-

латлар эгаси қилиб кўрсатади. Бироқ бу ҳол қусур саналмаслигини лозим. Ёзувчининг мақсади Обид кетмон образида шунчаки ўрта деҳқонга хос «типики хусусиятлар»ни қайд этиш, жаамлашдан иборат эмас. Айни бу шахсдаги фавқулодда фазилат-хислатлар, унинг гайриоддий хатти-ҳаракатлари, гаройиб кечмиши орқали адиб, гўё, бола айтилганидек, янгича демократик деҳқон хўжалиғи ҳақидаги ўз гуманистик орзу-идеалларини, моделини тақдим этаётгандек, шу тариқа ўша кезларда қишлоқда ўтказилаётган хатарли сиёсат билан пинҳона ва моҳирона баҳс олиб боргандек туюлади. Коллективлаштириш даврида Обид кетмон тутган ўзига хос йўл — ўша давр учун гайритабиий ҳодиса бўлиб туюлган ҳодиса-феномен ҳаётда айнан бўлганми-йўқми, аниқ билмаймиз. Аммо 20-йилларда яқка деҳқон хўжалигининг тинч йўл билан социализмга ўсиб бориши ҳақида назарий қарашлар мавжудлигини яхши биламиз. А. Қодирий ўлар билан яқиндан таниш эканига шубҳа йўқ. Обид кетмон тақдири таҳлилидан аён кўриниб турибдики, муаллиф бундай қарашга ҳайрихоҳ, бу йўл онгли, асл меҳнаткаш деҳқон руҳига, дилига мос тушадиган гуманистик мафкура. Коллективлаштиришнинг сталинча зўраловлик гоёси зўр бериб тарғиб этилаётган, катта қурбонлар ривазига ёнишасига коллективлаштириш амалга оширилаётган бир даврда ҳуқуқрон мафкурага эид гоёлар билан чиқиш, хусусан 30-йиллар шароитида мислсиз жасорат эди.

«Обид кетмон»нинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, коллективлаштириш ҳақида ўша йиллари яратилган кўптаб асарлардан фарқли ўлароқ, бу ерда синфий рақиблар орасидаги кураш — тўқнашув ва олишувлар эмас, хўжалик, ишлаб чиқариш муаммолари тасвири, талқини биринчи ўрнида туради. «Обид кетмон» ўзбек адабиётидаги биринчи «ишлаб чиқариш» романи. Обид эса биринчи ишбилармон одам образи. Бу ҳол ҳам ёзувчининг коллектив хўжалик тўғрисидаги концепцияси билан алоқадор. Адиб орзусича, коллективлаштириш — сиёсий-мафкуравий мақсадлардан, беҳуда галвалардан, синфий душман қидириш, уларни маҳв этишдан иборат бўлмай, балки биринчи галда эл-юрт фаровонлигини таъминлаш, камбағал меҳнаткашга турмушда енгиллик бериш, бартачи текис турмушга, текис саодатга етказиш, яқка хўжаликка қараганда кўпроқ меҳнат ушмдорлигига эришишдан иборат бўлмоғи лозим. Қиссанинг иккинчи қисми асосан Обид бошчилиқ қилган «Четан» колхозининг бир йиллик — эрта кўктамдан, то кеч кузгача олиб борган меҳнат фаолияти, хўжалик ишлари хроникасидан иборат. Қодирий аввалги романиларида кўпроқ севги кўйичиси, мафкуравий, иктимой-сиёсий ҳодисаларнинг бадийи тадқиқотчил сифатида танилган бўлса, бу ерда иқтисод, хўжалик масалаларининг зўр билимдон, тадқиқотчил сифатида кўринади, асар бош қаҳрамони бисоти — характерни, руҳий олами асосан меҳнатда, меҳнатга, хўжалик ишларига муносабатда очилади, Обид образини ўзбек халқининг меҳнат, деҳқончилик маданияти бобидаги етуқлиғи тимсолли дейиш мумкин. **У деҳқончилик илмини, хўжалик юритишни, иқтисодини, ҳисоб китобини** миридан сиригача пухта билди.

Энди Обид кетмон образи характери ва тақдири орқали ёзувчилгари сурган концепциянинг баъзи жиҳатларига аниқроқ ёндашиб кўрайлик. Маълумки, коллективлаштириш мавзусидаги деярли барча асарларда яқка хўжалик коллектив хўжаликка қарама-қарши қўйилади; яқка хўжалик — деҳқон учун кенш кулфат, у фақатгина

коллектив хўжалик орқали бахт топиши, фаровонликка эришиши мумкин, деган гоя илгарин сурилади. «Обид кетмон»да биз бошқача манзарага дуч келамиз. Мушунда Обид қайнатаси нигъм этган беш талов ерида тадбиркорлик билан ҳалол ишлаб катта бойлик, бахт, шон-шухрат топади. Бу ўринда Обид тажрибасидан чиқадиган энг муҳим сабоқ-хулоса шунки, яқка хўжалик совет жамияти табиатида ёт эмас, агар оқилона, ҳалол ёндашилса, социализм шароитида ҳам у алоҳида шахс, жамоа ва бутун жамият учун кўп наф келтириши мумкин. Афсуски, ўша пайтлари «сиёсий ҳушёр», аммо оқилона мулоҳаза юритишга келганда «ирт қарахт таъқид «Обид шахсий хўжалигида яна бир-икки йил шундай ишласа, қулоқ бўлиши турган гап» дея ваҳима, шов-шув қўтаради.

Обид коллективлаштириш сиёсатида бошда шубҳа билан қарайди. Уни айниқса бу ҳаракатнинг истиснолиги — келгусида эҳтимол тутилган бир хавф таъминига солади: «Тиктепа деҳқонлари бир рўзгорга айландилар дейлик. бунда унчалик катта фарқ йўқ. Лекин шу бир рўзгорга айланганлар ичида яхши ишлайдиганлари бор, ёлқамсиқлари, муғомбирлари бор. Албатта, бу сўнгиларидан бириси ўз табиатидаги ёлқамсиқликни қилади, иккинчиси муғомбирликни ташлай олмайдн. Аммо, яхши ишловчи деҳқон билан бу иккинчиси кузда даромадни баравар тақсим қилиб ола беради... Бу ёқда яна бир эҳтимол бор: ишчан деҳқон муғомбир билан ёлқамсиққа ишлаб берайми, дейди-да, бу ҳам яхши бир ялқовга ёки мукаммал бир муғомбирга айланади...» («Обид кетмон», 1959, 108-бет.) Обид назарида «Тиктепа ерларини бириктириш, орадаги чегараларни йўқотиб, бир бутун қилтиш қийин нш эмас», колхозга киришда ўзидан кетадиган нарсалар учун унчалик ачинмайди, аммо «одамларни текислаш мумкинми?» деган савол кўнглини таш қилади. Обид шу хусусида яқин одам — коммунист Берди татарга сўз очганида у: «Колхозлаштириш шнорини ташлаган коммунист фирқаси масаланинг бу томонини ўйлаб қарамаганимкин, шундай катта ишга бел боғлаган ҳукуматнинг сен билан менча ақли йўқмикин?!» — дея мушкул саволга савол билан жавоб қайтаради. («Обид кетмон» 111-бет.) Фирқа топширини сўзсиз бажаришга одатланган фирқа аъзоси Бердибой яна: «Мен бу тўғрисида сенча ўзоқни ўйлаб турмайман, дарров «лабай» дейман», дея жавоб қилади («Обид кетмон», 112-бет).

Қарангки, асар қаҳрамонларини қийнаган жумбоқлар устида «шундай катта ишга бел боғлаган» раҳнамолар яхшироқ ўйлаб кўрмаган экан, фирқанинг итбаткор ходимлари эса ўйланмай қабул қилинган ғарор-топишириқларини «лаббай» деб икром этаверганлар. Айни шу колхоз ҳаракатининг бошидаёқ «Обид кетмон» қаҳрамонларини қийнаган жумбоқлар кейинчалик жиддий муаммага айланди. Худди шу тарздаги «текислаш», кўркўрона ижрочилик туфайли деҳқон хўжалиги издан чиқди, деҳқон энг азиз бисотидан — ерга, мулкка эгаллик туйғусидан маҳрум бўлди, бу ҳол бора-бора деҳқондаги ўз касби-хўнарига бўлган тугма ихлоси, шахсий ташаббусни сўнишига олиб келди.

Хўш, шундай хавфни сеза туриб нега Обид Бердибойнинг ташвиқига жиддий эътироз билдирмади, колхозга кирди, деган савол туғилади. Бу ерда масалага тарихий нуқтан назардан қараш керак. Обид юз бераётган ҳодисалар ҳақида ҳар қанча теран ўйламасин, у — ўз даврининг фарзанди, колхоз ҳаракатининг «афзалликлари» хусусида кенг авж олдирилган тарғиботлар Обидга ҳам ўз таъсири-

ни кўрсатади. Гарчи «колхозчилик муваффақият қозонганда текис, масъул турмушга стилади, башарти қозонмаганда-чи?» деган ўй уни тарқ этмаса-да, бари-бир, «камбағал-меҳнатқашга турмушда сивиллин бериш, барчани текис турмушга, текис саодатга етказиш» гоёси ширин орзу сифатида уни ўзига мафтун этади (Обид кетмон», 114-бет).

Обидни колхоз ҳаракатига тортган яна бир муҳим хусусий омил бор. Улуғ реалист қаҳрамон характерига хос табиий бир ҳолатни — уни биз худбинлик деймизми ёки инсоний ожизлик деб атаймизми, нима бўлишдан қатъи назар, рўй-рост кўрсатэворади — Обид халқ ўртасида от чиқаришни зимдан севади. Ёзувчи қаҳрамондаги бу туйғу илдиэлари хусусида ўз тахминларини ҳам айтиб ўтади: «Бу номдор бўлиш ҳисси, ёки орзуси Мулла Обид Шоҳнома-лар ўқиб юрган вақтларида тутилганими, ёки ундан илгарими ҳар ҳолда бу ҳис ҳануз сақланиб келмоқдадир. Деҳқончиликда муваффақият қозониб, «Обид кетмон» номини кўтариш унинг бу ҳиссини бир даражада қаноатлан тирган бўлса ҳам, бироқ ҳозир бу ҳисни кенгроқ бир доирага ўтказишга майли йўқ эмас. Бунинг учун колхоз унга яхши замин бағиш-ламасмикин? Камбағаллар, очлар, яланғочларнинг саодати йўлида қаҳрамонлик, номдорлик-а!» («Обид кетмон», 114-бет).

Бошда холис ният билан бошланган Обид кетмонда кўринган номдор бўлиш туйғуси, афсуски, кейинчалик кўп ҳолларда ёмон оқибатларга олиб келди. Бу нарса муҳим социал иллатга айланди, ҳушёр эдиблар эътиборини ўзига тортди. Қодирий издошлари Қаландаров, Давлатбеков, Отақўзи каби образлар тилсолида бу ҳодиса моҳиятини чуқур бадиий таҳлил этиб бердилар. (А. Қаҳҳорнинг «Синчалак», П. Қодировнинг «Қора кўзлар», О. Ёқубовнинг «Диёнат» асарлари назарда тутилмоқда).

Обид колхозга раис бўлиб иш бошлар экан, қатор жумбоқларга дуч келади. Бунда у жуда дадил, принципиал мавқеда туради. Аввало буйруқбозлик усули, колхоз ишига юқоридан туриб билиб-билмай аралашиш, кўрсатма бериш ҳолларига қарши чиқади. Иккинчидан, дабдабозлик, мадҳиябозлик жазавасига тушиб, озгина ютуқни гўпуртириб, кўкракка уриш бошланганида Мулла Обид тўғридан-тўғри оломонга қарши боради, «бойидик, большевиклашидик, социализмга чиқдик», деб талтайишларга эътироз билдиради. Колхоз ҳаракатининг бошидаёқ Қодирий пайқаган, адиб қаҳрамонлари ҳаётда дуч келган бу кўнгилсиз ҳодисалар бора-бора қанчалик хатарли түс олгани бугунги кунда ҳаммага аён.

Асарни ўқир эканмиз, ўта сезгир, ҳушёр реалист жамоатчилигини яна бошқа эҳтимол тутилган хатарлардан огоҳ этгандай бўлади. Карангки, колхоз ҳаракатининг илк қадамларидаёқ пахта якнаҳокчилиги гоёси туғилган экан, аёлларни, мактаб ўқувчиларини огир дала ишларига жалб этиш ўша кезларидаёқ бошланган экан.

Асарнинг кўп ўрнида пахта колхозда асосий экин бўлиб қолаёгани, пахтага ажратиладиган ерларни кенгайтириш зарурияти устида гап боради. Ҳатто кичкина «Четан» колхози ерларининг «тўқсон беш фоизи пахта ҳамда жуда яхши бўлмаса ҳам, ўртача ҳосил берадиган пахта»дан иборат экани айтилади («Обид кетмон», 222-бет). Коллектив хўжалик юритиш жараёни мантиқидан шу нарса аён бўладики, бу хилдаги меҳнат тарзи албатта «хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланиш»ни, болаларни, мактаб ўқувчиларини, шаҳарликларни дала ишларига жалб этишни тақозо этади. Шунини ҳам борки, аёл-

тар ўзларига мос енгилроқ меҳнатга эмас, энг огир ишларга, масалан, чопиққа жалб этилади. «Тавба қилдим, худо... Хотинларнинг чопиқ қилганини етти отадан бу ёққа эшитмаган эдик — деб баъзи хотинлар ёқа ушлайдилар» («Обид кетмон», 179-бет). Аммо шу катта тарихда бўлмаган огир ишларни қилишга мажбур бўладилар.

Асар бош қаҳрамонининг жамият турли қатламларига — фирқага, масемерларга, қишлоқ устунлари саналмиш бадавлат кишиларга, интиш пешволари — руҳонийларга муносабати ҳам ўзига хос бўлиб, ҳозирги кун кишилари учун гоят қизиқарли. У жамиятда ижтимоий гуруҳлар маъжудлигини, уларнинг асл синфий моҳиятини яхши тушунади. Бироқ одамларни фақат қайси гуруҳ, синфга мансуб эканига қараб дўст ёки душманга ажратмайди. Одамга баҳо беришда унинг учун бош мезон — кишининг маънавий ахлоқий қиёфаси, одамийлиги, амалий фаолияти. Ким бўлишидан, қайси табақа, ижтимоий гуруҳга мансуб эканидан қатъи назар, у биринчи галда одамни одам деб, уни тушуниб одамларча муомалада бўлади. Қишлоқ устунлари саналмиш бойлар инсофли, кўпчилик учун жони ачийдиган одамлар маслиҳатини билгани ҳолда зиёфатга таклиф этганларида одамгарчилик юзасидан уларникига боради, бироқ улар қувлик билан Обидни ўз томонига оғдиришга уринаётганликларини сезгач, дарҳол улар билан орани очиқ қилади. Яна ўша оддий одамгарчилик таомилларида кўра қишлоқ масжиди имомларини меҳмондорчиликка чақириб, улар сўйиб сийлайди...

Обид учун коллективлаштириш давридан олиб ёзилган кўпчилик одамларнинг фаол қаҳрамонларига хос «сиёсий хушёрлик» шиори остида одамларга шубҳа билан қараш, улардан бўлар-бўлмас душманлик қидириш, одамлар орасига нифоқ солиш одати бутунлай ёт. Мулла Обид бош бўлган колхозда қулоқларни рўйхатга олиш, уларни синф сифатида тугатиш, сургун қилиш ишлари хийла силлиқ, тинч бўлиб билан ҳал этилади, қизиққон ёшларнинг худони, динни инкор этиб, бошқаларни ҳам худосизликка чақириши Мулла Обидга ёқмайди, соғлом ниятли билимдон руҳонийлардан коллектив манфаати ёкида фойдаланиш йўлларини излайди, одамларнинг диний туйғуларига эҳтиром, одоб билан муносабатда бўлади. Ибратли бир мисол. Бери татар қишлоқдаги намоз ўқилмай бўшаб қолган Катта масжидни клубга айлантиришини таклиф қилганида Обид бунга асло қўшилмайди. У бу хусусда гоят мулоҳазакорлик билан мана бу гапларни айтади:

«— Бино-ку, албатта керак — ... Лекин Катта масжидни клубга олиш менга ёқмайди. Балки сиз: бу ўзи диндор, масжидни олиш худодан кўрқади, дерсиз. Ундай эмас, масжидсиз ҳам номоз ўқиш мумкин...

... Шундай... Менинг масжидни клубга олиш тўғрисида қаршиликим бошқа тўғридан... Мени бир ёққа қўя туринг, сиз қишлоқларнинг назарга олинг. Бу халқ сиз билан менингча ўйлаб, масала — «масжидда намоз ўқувчи йўқ» деб қарамайди, тўғридан-тўғри динни бузадилар, шариатга раҳна соладилар» деб билади. Дуруст, лекин қаршилик кўрсата олмас, бироқ ичдан кекланади. Бу эса бизнинг янги бошланган ишамиз учун хайрли эмас. Масжиддан ҳам каттароқ, йиғилишга қулайроқ бир бино ёпиш учун ўн минг сўм сарф ўлсин, борнинг, йиғирма минг сўм кетсин. Аммо шу суммани фойда иламан деб халқнинг кўнглига кек жойлашга арзимайди, колхознинг юз минг сўмлик ҳосилига лат беради». («Обид кетмон», 187—188 бетлар).

У ёғини суриштирсангиз, ёзувчи севимли қаҳрамонини асло идеаллаштирмайди, холис реалист сифатида уни мураккаблиги, зиддиятлари билан ўқувчига тақдим этади. Мулла Обиднинг тақдирини, колхозга келгунга қадар ўтган кечмишини анча мураккаб, ўзига хос. Бир томондан, у инқилобдан бурунги тузум адолатсизликларини татиған, мардикорликка ёлланиб, Германия frontiда бир ўлимдан қолган, кар-гаранг бўлиб қайтган, иккинчи томондан, инқилобдан кейин анча вақт советлар ҳокимиятига бетараф қараб келган, сўнг косибчилик ҳунари касодга учраб, рўзгор тебратолмай қолган кезлари унда совет ҳукуматиға қарши бир кек пайдо бўлган, жамиятдан, жамоат ишларидан ўзини четга олган — ёзувчи қаҳрамоннинг шу сингарини «қовушмаган феъллари» ҳақида ҳам яширмай дангал гапирди.

Обид Қодирийнинг ўтмиш ҳақидаги романлари қаҳрамонлари каби саводли, китоб кўрган, билимдон одам. Унинг меҳнаткашлигига ишора бўлган «кетмон» лақаби билан баробар «мулла» лақабини олиши шундан. У худога ишонади, ҳатто колхозга бош бўлган кезларида ҳам беш вақт номозни тарк этмайди. Бироқ Мулла Обид — тор мутаассиб руҳонийлар тонфасидан эмас. У исломнинг илгор, халқчил, гуманистик ақидаларига амал қилади. У ҳеч қачон одам боласига ёмонликни раво кўрмайди. Унинг пешона тери билан ҳалол меҳнат қилиб ишайдан иборат ақидаси нақшбандийлик тариқатиға бориб туташади.

«Обид кетмон»да узоқ йиллар социалистик ҳаёт тарзини акс этган асарларда деярли учрамайдиган гапироддий лавҳаларға дуч келамиз. Чунки, Мулла Обидни раисликка кўтариш пайти «колхозга раис бўладиган киши номозхон бўлса ҳам майлими, бунга ҳукуматларимиз нима дер эканлар» деган масала кўтарилди. Шунда масъул партия ходими: «Номоз ўқиш... кишининг хусусий иши, биров кўнчилигининг ишиға ва ҳукуматнинг сиёсатиға зарба берини учун номоз ўқир экан, албатта, ҳукумат бунга йўл қўйолмайди. Алмо ҳар икки томонға зарарсиз равишда биров номоз ўқир экан, бунга ҳукумат ҳеч нарса демейди... Обид кетмоннинг номози шу кейинги йўлда... Обид кетмоннинг ўқиган номози унинг колхозга раис бўлишиға моне бўлмайди» дея жавоб қилади («Обид кетмон», 152-бет.) Бутуна эмас, шундай саволини берган киши «синфий душманға сотилган одам», бу — қизиқизил фитначи, демагогининг иши, деган қатъий ҳулосаға келади... Оқилона сиёсат тантина қилади, Мулла Обид бир огиздан раисликка сайланади.

Ўйлаб қолсан киши, «жанговор атеизм» жунбушға келган ўша йилларда ҳақиқатан ҳам ҳаётда шундай бўлганмикин? Ёки бу шунчаки ёзувчининг орзуси, янги, эркин демократик коллектив деҳқон хўжалиғи ҳақида адиб тасаввуридан моделнинг бир хусусияти-миди?! Мабодо ўша кезлари шу хил сиёсат ўлказилган бўлганда адабий танқид қиссадаги дини ва диндорлар билан алоқадор ўринларға бу қадар хуруж қилармиди?! Агар Қодирий талқинидаги динға, диндорларға оқилона сиёсат ўша кезлардаёқ изчиллик билан ўтказилганида, гадвалардан, фожиалардан холис бўлмасмиди!

Худди шу масала билан боғлиқ асарда яна бир характерли лавҳа бор. Берди татар Обидни фирқага тортишға гарғиб этади, ҳар жиҳатдан у фирқа аъзолиғиға муносиблигини айтади. Обид ўйланиб қолади. Улар орасида шундай савол-жавоб бўлиб ўтади:

«— Фирқаға кириш... менга тўғри келмас...

— Нега келмас?

— Мен худога ишонаман.

Татар Мулла Обидининг юзига тўғри қараб бош қашинади...
— Фирқанинг бошқа йўлларига қаршилигининг йўқми?
— Йўқ. Мен фақат худога...
Татар бир оз ўйланиб ўтиради...
— Хайр, бу масала очик қола турсин...» («Обид кетмон», 186—187 бетлар).

Обидининг динга муносабати масаласи каби асардаги руҳоний шахслар — Хатиб домла билан Мулла Мухсин образларининг бадий таъкиди ҳам эътиборга сазовордир. Руҳоний зоти бўлса фақат ё салбий ёки ҳажвий қаҳрамон сифатида нуқул қоралаш, фош этиш одат бўлиши олган 30 йиллар шароитида «Обид кетмон»да Қодирий тутган ўл кутилмаган фавқулодда ҳол, катта ижодий жасорат эди. Ёзувчи ушбу таъмагир Хатиб домлани ҳам, унинг зиди бўлмиш гўл, содда, аммо ҳалол одам Мулла Мухсинни ҳам синфий, мафкуравий душман деб эмас, холис туриб инсон сифатида — ҳаётда қандай бўлган шундайича, мураккаблиги, зиддиятлари, айрим фазилатлари (хушасан Мулла Мухсин образида) ва инсоний ожизликлари билан бор ҳақиқатча тирик одам сифатида гавдалантиради. Мана шу холис реалистик йўл ҳақиқатини эмас, синфий мафкуравий мақсадларни бош меъридастак қилиб олган ўша давр танқидчилигига маъқул тушмайди. Синфий мавқеда пичил турувчи танқидчилар назаридан дин фақат бу диндор одам борки, — барчаси реакцион, синфий душман, уларга ижобий фазилатлар, умуман улар орасида яхши, ҳалол одамлар бўлиши мумкин эмас. Шунга кўра руҳонийларни «яхши» ва «ёмон»га қаратиш ижодий хато... Шундай қилиб улар «жаҳолат»га, «мутаассиб»га қарши курашаман, деб беихтиёр ўзлари жоҳил, мутаассиблик кимса ҳолига тушиб қоладилар; ҳаётда, 30-йиллари шароитида Хатиб домла билан баробар Мулла Мухсин типидagi шахслар ҳам борлиги, улар «асл ҳаёт»нинг ўзидан, ўзбек турмушидан олинганлигини ўқарлик, мутаассиблик, бундан ҳам ёмонни синфий демагогик билан инкор этишга уринадилар.

Юқорида тилга олинган 1937 йилда «Қизил Ўзбекистон»да чиққан тақризда: «Абдулла Қодирий одамларни синфий гуруҳларга эмас, балки «яхши» ва «ёмон» деган «гуруҳлар»га бўлади. Шунинг учун ҳам у «Обид кетмон»да диннинг моҳиятини очиб бериш ўрнида руҳонийларни «яхши» (Мухсин домла каби) ва «ёмон» (Хатиб Шалҳак каби) руҳоний тарзида кўрсатиш билан катта иш қилгандек не этади, ваҳоланки, бу динни фош қилиш эмас, балки динга ва руҳонийларга ёрдам қилишдир», — дейилади. Тақриз муаллифлари шунингсиз Мулла Мухсиннинг «ижобий тип» қилиб кўрсатилиши, яъни диннинг ислом динини тўғри англаши, беш вақт номозни ҳам қўймаслиги, бошқаларга ҳам зарар бермаслиги, динни ўз шахси учун ишлатмаслиги сингари хислатлари тасвирига тоқат қилолмайдилар. Демак, бу образ бундай табиий хусусиятлардан холис этилиши лозим... Ҳабодо шундай қилинганда бу шахсдан нима қолиши, умуман тирик одам, ҳаётий, ҳаққоний образ сифатида барбод бўлиши уларнинг ҳақиқатига ҳам келмайди. Аслида улар учун реалистик адабиётнинг жонланган бўлмиш — образнинг ҳаққонийлиги, ҳаётийлиги, самимийлиги — бир пул, уларга ҳаётий образ эмас, фақат синфий мафкурага хизмат қиладиган, бу ўринда эса динни, синфий душманини фош этишга ярайдиган қўғирчоқ керак, холос.

Ойбек «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» тадқиқотида ёзувчи аъёнати сифатида «Обид кетмон»даги Хатиб домла ва Мулла Мух-

син образларининг ҳаётий, ҳаққонийлигига тан беради. У мамнуният билан мана буларни ёзади:

«Домлаларининг образини чизинишда ёзувчи санъаткор. Домлаларнинг юриш-туриши, сўзлари, фикр юритиши, халқни алдаш ва ҳоказо бутун сифатлари ўқувчининг кўз олдига жонланади. Асарда домлаларни ёзувчи етакламайди, улар ўзлари домлаларча юрадилар. Уларнинг оғзига ёзувчи ўз сўзларини тикмайди, улар ўзларича сўзлайдилар... Қишлоқ домлалари ҳақидаги боблар юмор ва сатира билан тўла, жонли, реал картиналардан иборат» (Ойбек. Асарлар. // 5-н томлик. Тўққизинчи том. 305-бет).

Аmmo Ойбекдек санъаткор ҳам ўша давр ҳукмрон мафкураси исканжасида юқоридаги гапларга зид бориб «ёзувчи «қитдак» ўнгга бурилиш» ясаганлигини, домла Шалҳақни очкўз Хатиб домлага ҳамоҳанг тип қилмоқчи бўлганлигини танқид қилишга тушади. Домла Шалҳақнинг соддадил, гўл, «кирсиз мусулмон» сифатида берилишига, ҳийлакор, олғир эмас, ҳатто оғзидаги ошини ҳам олдириб қўядиган, тузогига тушган ошин ҳам элбоб бўлмайдиган, динни, шариятни тўғри тadbқиқ қиладиган одам тариқасида талқин этилишига қарши чиқиб, бу образнинг ҳаётийлиги, табиийлиги ҳусусидаги бояғи юксак баҳосини бутунлай инкор этади. Ойбекни бунга мажбур этган нарсаси охирида аён бўлади. У ҳам юқоридаги тақриз муаллифлари каби диндорлар образдан, охир-оқибат, синфий-мафкуравий мақсадларни талаб этади. Бу образларда адиб «диннинг аҳамиятини, унинг эксклудатор характерини очишга уринмаган»лигини, Мулла Мухсини образида «диннинг моҳиятини фоти этишга уринмаган»лигини айтади (Ойбек. Юқоридаги асар. ўша бет).

Шу тариқа Ойбекдек санъаткор ҳам оқибат натижасида ҳаққонийлик, ҳаётийлик принципларидан чиқиб, синфий мафкуравий мезон — талаб олдига бош этади, ўта ҳаётий, жонли образлар қимматини шу мезон талаби орқали йўққа чиқаради. Асарга, образларга мутаассибларча тор синфий-мафкуравий ёндашув адабиёт, реализм йўлида нақадар катта гон бўлганини, реализмнинг ҳаққонийлик, ҳаётийлик, холислик сингари муқаддас принципларини маҳв этишга қаратилганини мана энди бутун даҳнати билан ҳис этиялмиз. Синфий-мафкуравий муносабат даҳшат солиб турган 30-йиллар шаронтида «Обид кетмон»да талай холис туриб битилган бетакрор ҳаққоний, ҳаётий образларнинг жумладан, Хатиб домла ва Мулла Мухсиндек жонли типларнинг яратилиши чиндан ҳам индидий жасоратдир.

Ниҳоят, яна бир муҳим савол. Нега сиёсий етук, ташаббускор фаоллар, қашшоқ батраklar вакили қилиб, айни Обид кетмон, ҳа, ўша худого илонадиган, руҳонийларга хайрихоҳ, таржиман ҳолида «доғ»лари бор, бир вақтлар советларга кек сақлаган, якка хўжаликни ҳўш кўриб, колхоз ҳаракатига бошда унча хайрихоҳ бўлмаган ижтимоий пассив одам раисликка сайланди. Гап шундаки, Обид аввало мулла, китоб кўрган, билимдон, қолаверса, чин меҳнаткаш, ишнинг кўзини билатдиган, тadbбиркор, мустақил одам. У бир қарашда содда, дағал бўлиб туюлган табиати ва шў соддалик, дағаллик замирида ётган фавқулодда теран ақл-идроки, тadbбиркорлиги билан ҳаммадан ажраллиб туради. У хўжаликни сохта фаоллик, гапонлик, сиёсатбозлик билан эмас, балки халқнинг бой деҳқончилик тажрибаси, иқтисодий сабоқ, ҳисоб-китоб асосида бошқаради. Фақат Обид эмас, унинг яқин фаоллари — маслакдошлари ҳам деҳқончилик боида билимдон иншилар. Сугоринишга онд бир баҳса оддий деҳқон рус агрономининг

хато қарашига қарши чиқади, ўзининг ҳақлигига уни ишонтира олади. Ўша деҳқонлар немисларнинг ерини гўнг шираси орқали ўғитлаш усулининг афзал томонларини ҳам, кам-кўстларини ҳам ажрата билдилар...

Қаҳрамон образининг ўзига хослиги, ёзувчининг асл муддаосини тушунишни истамаган танқидчилар: «Обид янги тип кишилар, колхозчилар образи, айниқса, социализм йўлида актив иштирок этувчи колхоз раисининг образи бўлмайди. У икки жаҳон ўртасида қолган одам. У — тип, образ ҳам эмас, ўйлаб чиқарилган схема» деб даъво қиладилар. Адиб танқидчилар тасаввурдаги «типик» раҳбар ходим — «фаол» раис образини эмас (бунақа фаол раҳбар ходимлар образи адабиётда кўп яратилган), айти улар назарида «қолоқ», «схема» бўлиб кўринган раҳбар образини яратган экан, бунда чуқур маъно бор. Ёзувчи эътиқодича, «сиёсий ҳушёр», «синфий» томондан мақбул-чаққон, гапдон кимсалар эмас, айти Обид типигаги билимдон, ишбилармон, ҳолис, вазмин, мулоҳазакор одамлар коллектив хўжаликни чинакамга оқилона бошқариш мумкин. Ёзувчи Обидга синфий томондан эмас, меҳнаткаш халқ, деҳқон аҳли манфаати нуқтан назаридан келиб чиқиб баҳо беради. Худди ўша Обидни қишлоқ кишилари назарида унинг зиди бўлган, келиб чиқиши жиҳатидан меҳнаткаш, мафкура томонидан советларга яқин, антикroppи «партия ва совет аъзоси», аммо фақат гапни, бўлбўлдек сайрашни биладиган, меҳнатдан, хўжалик юритиш илмидан йироқ, бу борада деҳқонларга маъқул фикр айтолмайдиган кимсаларга қарама-қарши қўяди. Муаллиф ёзди:

«Қишлоқчилар сиз билан менинг кўзимга «анойи» кўринсалар ҳам, аммо ҳақиқатда ундай эмаслар. «Пих ёрган» деб нақ шуларни айтса бўлади. Ўртоқ Очилди чет қишлоқнинг боласи бўлмаганидек, Советга чет унсур ҳисобланган онладан ҳам эмас — Тиктепанинг ўзидан чиққан. Ҳам ерли, камбағал, деҳқоннинг боласи. Агар ишонганимиз оғзи билан меҳнаткашлар мафкурасига жон беради. Бироқ, қишлоқчилар оғзи билан ўроқ уриб, оғзи билан машоқ терувчига қаноатланиб қола бермайдилар, яъни маъракатнинг гули бўлмоқчи бўлгандан яна бошқа нарсани ҳам талаб қиладилар. Омоҳининг қулогини ушлаганми, кетмонининг шамолини еганми? — Хўп, еган бўлса ўз касбда қанчалик муваффақият қозongan, ёлчибгина хирмон кўтаргани, бели букилибгина аравага пахта ортиб, ертўлага деҳқончилик тўкканми?

Ўртоқ Очилди Собиров Мирвали бағли таъбирини қўзласак маъракада сўз вакидан «тар-тар» қилса ҳам, бироқ, деҳқонларнинг келиши шартлари устига келганда яна Мирвали ота иборати билан жавоб берсак «ер чизди». Қишлоқчилар ўзларича энг аҳамиятли ҳисобланган кейинги партия Очилди Собировдан тополмайдилар, шунинг учун йиғинлардаги унинг сўздан ўйнаган хулосаларига унчалик аҳамият беролмайдилар. Аммо Мулла Обид...» («Обид кетмон, 29—30-бетлар).

Обид типигаги истёт-додли, ишбилармон, тадбиркор шахслар — халқнинг миллий бойлиги. Ҳаёт йўлидаги, табиатидан барча зиддиятли жиҳатларига қарамай қишлоқ аҳли яқинлик билан Мулла Обид ўзларига бошлиқ қилиб сайлаган экашлар, бу тасодикий эмас. Асл деҳқон учун шундай раҳнамо керак, меҳнаткашлар назарида Обиднинг «қовушмаган феъллари», «синфий чекланган»лиги катта айб саналмайди. Афғуски, ҳаётда акс ҳол устун келди, шахсга сини-

фий-идеологик талаблар асосида ёндашиш устивор бўлган кезлари Мулла Обид типдаги халқнинг миллий бойлиги саналган истеъдодли одамлар раҳбарликка йўлатилмади, йўлатилганлари ҳам мафкуравий «чекланганлиги», «хатоси», ўтмишдаги «гуноҳ»лари учун шундан четлатилди. қатагон қилинди, гумроҳ танқидчилар эса уларни адабий асар қаҳрамони бўлишга нолойиқ санадилар. Бундан халқ, жамият, қолаверса, адабиёт қанчалар ютқазгани тарихдан маълум! Ёзувчи мана шу хатарни кўрган, билган ҳолда ўз асарида Мулла Обид намунаси орқали гўё тарихнинг шафқатсиз оқимиغا терс бориб, хато сиёсат тазйиқига тушиб қолган гумроҳ бандаларга сабоқ бермоқчи бўлгандай туюлади.

Қиссада колхоз йўлига кирган меҳнатнаш деҳқоннинг умумий қайфияти — улардаги коллектив хўжаликнинг истиқболли, бахтли, фаровон турмуш ҳақидаги тарғиботларига болаларча умид-ишонч, шу ширин орзу-ишончдан туғилган чексиз ғайрат-шижоат, саратон қуёшни остидаги дўзах азобига тенг меҳнатни роҳат-фароғат билиб, ўзларини қуёш билан қурашга чоғлашлари, қўлга киритилган озгина омаднинг катта бахт санаб, зўр тантана қилишлари, ютуқлардан сўз очган нотиқнинг гапига олқиш ёғдиришлари — барчаси ажиб бир поэтик киноя билан қаламга олинган. Бу картиналар А. Платонов повестидаги истеҳзоларга тўла меҳнат тасвирини ёдга туширади.

Қизиги шундаки, колхоз ҳаёти, меҳнат шижоати, дабдабаю-асалар тасвири орасида гоҳо бир дақиқагина деҳқонларнинг ночор, аянчли аҳвол-ҳолати — орзу-умид қанотидаги парвоз билан реал турмуш орасидаги зиддият ярқ этиб кўзга ташланиб қолади. Мана, одамлар байрам кунига ҳам дам олмай, балчиққа қоришиб, тишкмадори қуриб, курсоқлари яланиб меҳнат қилаётирлар. Шунда кўкдан улар учун байрам муждаси ёғилади, самолётдан байрам варақалари тарқатилади, уларда жумладан, «Биз коллектив хўжалик орқали фақирликдан қутуламиз» деган сўзлар ёзилган. Зовурда ишлаётган соддадил деҳқонлар бу «умидбахш» сўзлардан қувониб, бу ваъдаларга учиб «гўё бахт талашаётгандек «яшасин» деб қичқирадилар, зовурда чапак, олқиш, яшасин товушлари янграйди... («Обид кетмон», 170—171-бетлар).

Нариоқ бориб меҳнат-шижоати билан ёнган, фаровон турмушга умид боғлаган деҳқонларнинг ҳақиқий ҳоли маълум бўлади: «Сигирчилар шаҳарга сут, қатиқ сотиб, пулини рўзгор керак-яроғига яратиш учун бир-икки кунга идорадан рухсат сўрайдилар. Сигирсизлар пулсиз қийналганликларини арз қилиб, бирор ҳафта мардикор ишлаб, беш-ўн сўм толиб қайтиш учун изи истайдилар. Баъзилар этиксиз шудгорда қийналганликларини кўрсатиб, идора этик бермаса ишга чиқмасликларини танбеҳ қиладилар» («Обид кетмон», 176-бет).

Ҳар қандай ғайрат, меҳнат-шижоатнинг ҳам чегараси бор. Қарангки, колхоз ҳаракатининг илк босқичидаёқ бошланган зўр меҳнат шижоати моддий муҳтожлик туфайли секин-аста сўна бошлаган. Энди меҳнат интизомини ўрнатиш, зўравонликка ўтилади. Колхозчиларнинг бояги арзи-додларига идоранинг жавоби шундай: «Идора уларга изи беролмайди, чунки изи бериш — колхоз ишининг ост-уст қилиш деган сўз. Бундан ташқари, ўн кишига изи берилса, эртага йнгирма кишининг рухсат сўраши турган гап. Шу билан бирга, гарчи баъзиларнинг узри бир баҳонадан иборат бўлса ҳам, баҳар ҳол уларни сукут қилиш учун тadbирлар лозим бўладир...» («Обид кетмон», 177-бет).

Эркин меҳнат хўжалиғи орзусида ташкил топган колхоз хўжалиғи шу тариқа бора-бора меҳнат каторчасига айланган. Хатто Обид кетмондай тадбиркор, инсонларвар одам ҳам ўша хилдаги шафқатсиз тартиб исканжасидан чиқиб кетолмайди, хўжаликда қатъий меҳнат интизомини ўрнатиш бобида кўпинча қаттиққўлликни ҳаддидан ошириб юборади. Чунончи, Аҳмад тоға деган танбалроқ одам ёзилиш баҳонасида меҳнатдан бўйини товлаганида, уни тафтиш қилиб, ёзилган жойини бориб текширади ва шу тариқа унга танбех беради, уялтиради... («Обид кетмон», 213—214-бет).

Боя келтирилган колхозчиларнинг моддий аҳволига оид лавҳа колхоз ҳаракатининг биринчи йилига тегишли. Орадан тўрт йил ўтиб, колхоз қурилиши «дев қадамлар билан илгариллаган», тўрт йиллик талабани нишонлашга бағишланган катта тантана арафасидаги умри бетиним меҳнатда ўтаётган деҳқонларнинг ҳол-аҳволи ҳақида йўл-йўлакай муаллиф мана буларни ёзади: «Аъзолар ёз ўтиб, киним-кечакка, кўрна-ёстиққа қарай олмаганлар. Барчанинг яктақ-иштини, тўн ва чолвори лавак-лавак бўлган. Этиклардан пайтава осилиб юрмайди. Аксар дўппилар тепчигидан қирқилиб, пилтаси кўриниб туради...» («Обид кетмон», 245-бет).

Шуниен ҳам борки, биз юқорида тилга олган ўринлар, қиссада кўтарилган колхоз қурилишининг ilk босқичига оид талай эндиётли ҳолатлар, муаммолар бутун ўткирлиги билан ўқувчини ўйга толдирадиган, ларзага соладиган даражасига бориб етмаган. 30-йиллар шароитида бунинг иложи ҳам йўқ эди. Бироқ ўша кезларда колхоз ҳақида шунча гапларни, бор ҳақиқатини йўлини топиб айтиш, ифодалаш катта ишжонат эди. «Обид кетмон» ҳақиқати ўша мураккаб йиллар ҳақидаги бурунги ошкоралик истиқлом даври тафаккурига кўп аҳаётган мос тушиши кишини ҳайратга солади, ўз давридан бир неча ўн йиллар илгарилаб кетган допишманд, ҳақгўй, чин реалист адибимизга бўлган ҳурмат-эътиборимизни яна бир карра оширади.

ҚОДИРИЙ ЖАҲОН КЕЗАДИ

Ушкан сўз санлаткорлари ижодий мактабидан ўрганиш ёзувчи учун қаног бағишлайди, унинг талаитини ҳаракатга келтиради, имконияти бўлоқларининг кўзини очади, янги асарларининг ёзилишида туртки вазифасини ўтайди. Абдулла Қодирийнинг қардош халқлар ва жаҳон адабиёти классиклари ижодидан таъсирланиши, ўз навбатида улуғ ўзбек адибининг романлари турли халқларнинг кўплаб ёзувчилари учун ижод мактаби бўлганлиги юқоридаги фикрнинг ёрқин мисоли ва яхши далили бўла олади.

Абдулла Қодирий ўз даврининг маърифатли кишии сифатида ўзбек адабиётини муқаммал билишдан ташқари, туркий халқлар адабиётлари классиклари, Шарқ, рус, Ғарбий Оврупо адабиётлари улуғ намоёндалари ижодини зўр муҳаббат ва ҳафсала билан ўрганган. Бугина эмас, А. Қодирий турли адабиётларнинг ўзинга маъқул бўлган, ўзбек ўқувчилари ҳам танилишини зарур деб ҳисоблаган энг яхши асарларини она тилига маҳорат билан таржима қилади.

Абдулла Қодирий ижодига самарали таъсир этган манбалар ва аксинча ўзбек адибининг турли халқларнинг ёзувчилари ижодий қамолотидаги ўрни йирик-йирик илмий тадқиқотлар учун бой материал беради. Мазкур мақолада эса ана шу кенг қамровли муамманинг айрим қирралари ҳақида фикр юритиш билан чеklangмиз.

Абдулла Қодирий романлари 20-йиллар ўзбек адабиётида улкан воқеа бўлди. Адиб асарлари янги давр адабиётининг юксак талабларига жавоб бера оладиган, дунё адабиётининг энг яхши дурдоналарига рақобатлаша оладиган романлар сифатида майдонга чиқди. Шу бондан ҳам атоқли қозоқ адиби Мухтор Аvezов унга юксак баҳо бериб: «Абдулла Қодирий (Жулқунбой) йигирманчи йиллардаги бутун совет туркий тиллар адабиёти бадний прозасининг энг зўр устасидир... («Ешлик», 1984 йил 4 сон. 12-бет) деган эди. Ҳар бир катта санъаткор ўз халқи адабиётида, қолаверса, жаҳон адабиёти тарихида маълум из қолдириши мумкин. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам адабиётда ўзига хос мактаб яратавермайди ёхуд ярата олмайди. А. Қодирий эса янги, ўзбек романчилиги мактабига асос солганлигини атоқли шарқшунос олим Е. Э. Бертельс шундай таъкидлаганди: «Дунёда бешта, яъни: француз, рус, инглиз, немис ва ҳинд романчилиги мактаблари бор эди. Энди олтинчисини, яъни ўзбек романчилиги мактабини Абдулла Қодирий яратиб берди» («Ешлик», 1984 йил, 4 сон, 12 бет).

«Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романлари майдонга келиши биланоқ минг-минглаб ўзбек китобхонларининг сеvimли асарларига айланди. Туркий тилларда сўзлашувчи халқлар ҳам бу асарларни аввал ўзбек тилида, кейинроқ ўз она тилларида ўқий бошладилар. Қозоқ, туркман, озарбайжон, қирғиз, ўйғур, татар ёзувчилари ўзбек халқи ҳаёти гоят ҳаққоний ва қизиқарли кўрсатилган мазкур романлардан кучли таъсирланиб, 20-йиллардаёқ ўз тилларига таржима қилдилар. Мухтор Аvezов, Собит Муқонов, Берди Кербобоев, Хидир Деряев, Жалол Икромий, Тўғулбек Сидиқбеков сингари машҳур адибларининг ижодий камолотида, миллий романчиликка асос солишларида А. Қодирий асарлари ижодий туртки, маҳорат мактаби вазифасини ўтади.

Мухтор Аvezов 19—20-йилларда Ўрта Осиё Давлат университетининг Шарқ факультетида таълим олади, кейинчалик шу университет аспирантурасида ўқийди. «Йигирманчи йилларга келиб Абдулла Қодирий етишиб чиқди. 1928 йилдан бошлаб мен унинг асарларини ўзбек тилида ўқий бошладим. Абдулла Қодирий (Жулқунбой) юксак романлар яратди. Унинг романлари 20 йилларда, гўё текис саҳрода тўсатдан Помир тоғлари вужудга келгандай пайдо бўлди. Қодирий асарларини Қўрмонғози ёки Чайковский кўйларини тинглагандек дам олиб ўқийсан киши...» («Ешлик», 1984 йил, 4 сон, 12-бет) деб ёзганди кейинчалик М. Аvezов. Қодирий романларини ўқиб тўфайли қалбида пайдо бўлган чўғ, оташин муҳаббат энг яхши совет тарихий романларидан бири «Абай йўли» асарининг муваффақиятини таъминлаган асосий омиллардан бири бўлди. Тожики совет адабиётининг машҳур намояндаси Жалол Икромий ҳам ўзбек ёзувчиси асарларининг мафтунин эди. Образ, ҳаётин лавҳа ва деталларнинг ҳаққоний ва мантиқан асосланганлиги уни қойил қолдирганди: «Абдулла Қодирий ўзининг гоят сиқик даммо чуқур лирика билан йўғрилган жумлалари билан китобхонни мафтун қилади. Унинг асарларидаги ҳар бир деталь ўзида юксак маъно ифода этади, моҳир заргар томонидан ясалган буюм янглиг жўтоланади» («Тошкент ҳақиқати», 1990 йил, 12 январь).

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Берди Кербобоев Навоий, Ҳамза, Абдулла Қодирий асарлари ўзининг ижодий камолотида муҳим ўрин тутганини алоҳида мамнуният билан таъкидлайди. У «Шўҳрат

ёр бўлсин» мақоласида ёзади: «Проза соҳасида илк бор қалам тебратган ёш ёзувчилардан Сарихонов, Огахонов, Қоушетов, Исмоилов, Сейтоқов, Қурбонсахатовлар Чеховга, Гоголга, Горькийга, Иброҳимовга, Абдулла Қодирий ва бошқаларга эргашишга, улардан ибрат олишга интиладилар.

Менинг ўзим ҳам Толстойдан, Горькийдан, Шолоховдан ўргансам, татар ёзувчиси Иброҳимовнинг «Бизнинг кунлар»ини, «Қозоқ қизи»ни, «Теран илдизлар»ини, ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар»ини, «Меҳробдан чаён»ини ўқиб, шулардан ибрат олмасам, «Дадил қадам»ни бошлай олмаган бўлар эдим (Совет Ўзбекистони, 1966 йил, 12 ноябрь).

Бугина эмас, адиб А. Қодирий романлари ўзи учун ибрат намунаси, халқ ҳаётини акс эттиришда қўлланма даражасидаги асарлар бўлганлигини бошқа ўринда алоҳида таъкидлайди.

А. Қодирий ижодининг қардош халқлар адабиётларига самарали таъсири ҳақида мулоҳаза юритилганда, айниқса, ўзбек ёзувчиси асарларининг туркман совет адабиётининг классиги, машҳур романист Хидир Деряев ижодидаги ўрни, аҳамияти тўғрисида сўзлаш, «Ўтган кунлар» ва «Қисмат» романларини қиёсан ўрганиш мароқли бўлиб, бу муаммони ўрганишга бой материал беради.

Хидир Деряев Ўрта Осиё давлат университетининг Шарқ факультетида ўқиб юрган 20 йилларда А. Қодирий ижодини синчиклаб ўрганади. «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романлари бадний ижод оstonасидаги эндигина қадам қўйиб келаётган йигит қалбини ўзига буткул ром қилиб олади. Бунинг адибнинг ўзи ҳам бир неча мартаба маънуний билан таъкидлаган, Х. Деряев ўз ижодига таъсир этган адиблар тўғрисида гапирганда Абдулла Қодирий номини алоҳида ҳурмат ва фахр билан тилга олади. У «Иният шу ердан бошланган» номли мақоласида шундай ёзади: «Менинг ўзбек романчилиги билан танишишим 1927—1932 йилларда Тошкентдаги Ўрта Осиё Давлат университетининг шарқшунослик факультетида ўқиб юрган кезларимдан бошланган. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи менда бир умрга унутилмас-таассурот қолдирган, илҳом бағишлаган. Шундан кейин менда туркман халқининг ўтмиши ҳақида роман ёзиш иштиёқи тугилди. Катта инят билан «Қисмат» романи устида иш бошладим» («Ўзбекистон маданияти», 1966 йил, 16 ноябрь).

Ёш адиб Туркменистонга қайтиб борганидан кейин биринчи туркман реалистик романи «Қонли пайжадан»ни яратди. 1937 йилда бошланиб чиққан бу роман марказида илқилоб арафасидаги туркман воқелиги, меҳнаткаш халқнинг аянчли қисмати, яхши турмуш, озод замонлар тўғрисидаги орзу-умидлари туради. Кейинчалик роман устиданги иш давом эттирилиб, 1956 йилда «Қисмат» номи остида қайта нашр қилинади. Ёзувчи асарни қайта ишлаш жараёнида унга жуда кўп ўзгартиришлар киритади. Янги қаҳрамонлар, сюжет йўллари, бошлар қўшади. Натикада асарнинг ички қурилиши, образлар системаси, композицияси анча ўзгаради, деярли янги асар вужудга келади ва шу боседан романининг номи ҳам ўзгаради. Халқ ҳаётининг кенг панорамаси берилиши, зиддиятларнинг ўткирлиги ва драматизмга бойлиги, кўпгина қаҳрамонлар тақдирининг бир-бирига яқинлиги жиҳатидан «Қисмат» «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романларига гоят ҳамоҳангдир.

Ҳар иккала асар ўртасидаги ҳамоҳанглик, аввало, бу асарлар

ўртасидаги мавзу яқинлигида қўзга ташланади. «Ўтган кунлар»нинг мавзун муаллифнинг ўзи таъкидлаганидай. «Мозийдан, яқин ўтган кунлардан, тарихимизнинг энг кир, қора кунлари бўлган кейинги «хон замонлари» А. Қодирий ўз романида ўзбек халқининг ўтган асрнинг биринчи ярмидаги ҳаёти ва қурашнинг тасвири отади. Адабиётшунос Иззат Султонов асарнинг гоявий мундарижасини шундай белгилайди: «...феодализм давридаги ижтимоий тартибларнинг ҳамда уларнинг бир томони бўлган» одатнинг адолатсизлиги, беъманилиги гояси асарнинг биринчи бобларидаёқ ўртага ташланади. асарнинг бошқа ҳамма боблари ана шу асосий гояни турли томондан ёритишга, асослашга хизмат қилади» («Ўзбек Совет адабиёти тарихи. Ўқитувчи. Т.: 1990 йил, 158-бет).

«Қисмат» романида ҳам туркман халқининг XIX аср охири ва ниқилоб арафасидаги оғир турмуши, бой феодалларнинг зўравонлиги, эскича урф-одатлари, меҳнаткаш омма оғирлигининг тобора ўзгараётгани ёзувчининг диққат марказида туради.

Ўзбек ва туркман ўтмишида муштарак томонларнинг кўпчилиги халқ қисматларининг бир-бирига яқинлиги ҳар иккала романининг тематик жиҳатдан ўхшашлигига олиб келган. Бу тўғрида Х. Деряев шундай деб ёзади: «Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи меннинг ёш қалбимда унутилмас таъсир кўрсатди. шу таъсир натижасида менда бир фикр туғилди: «Туркман халқининг ҳам ўтмиши бор-ку, бу ўтмишдан мен ҳам роман ёзсам бўлмайdim? Шу фикр Тошкентда ўқиб юрган йилларимда ҳам, кейинчалик Ашхободга ишга қайтганимдан кейин ҳам менга тишчилик бермади. Аммо ёзилажак романининг воқеалари, унинг қаҳрамонлари юрагимда ўрнашиб қолган бўлса-да, роман ёзиниға ҳадеганда киришга бермадим. 1933 йилининг бошларигача қогозга тушира олмадим» (Х. Деряев. Иқбол. Ашхобод, 1962, 6-бет).

«Ўтган кунлар» ва «Қисмат» асарлари гоявий жиҳатдан кўпгина масалаларнинг қўйилиши, ҳал этилиши жиҳатидан ҳам бир-бирига яқин туради. Ўтган аср учун етакчи ва муҳим ижтимоий масалалар ҳар иккала асарнинг марказига олинган. Бундай масалалардан бири — мамлакатдаги мавжуд социал тартибларнинг носозлиги ва нотўғри қурилганлиги масаласидир. «Ўтган кунлар»да бу масалага анча кенг ўрин берилган. Ҳаётдаги социал тартибсизликлар асар қаҳрамонлари хатти-ҳаракатлари, гап-сўзларида очилади. Роман марказий қаҳрамони Отабекининг Марғилон савдогарлари билан суҳбатида ўша даврдаги мавжуд тартиблар, мамлакатнинг идора ҳуқуқлари ошқоратанқид қилинади. Россиянинг нисбатан илгорроқ идора ҳуқуқларидан ибрат олишга даъват этилади. Халқ норозилигининг кучайиши, хонликлар, йирик мулк эгалари ўртасидаги ўзаро низо ва келишмовчиликларнинг авж олиши тасвирланган бобларда ҳам ижтимоий тартибларнинг нобеклиги масаласи ҳам ўртага ташланган. Ёзувчи Отабек билан Қумушнинг муҳаббатли ҳаётининг фожиа билан тугашиши ҳам мавжуд тўзўмининг адолатсизлиги, эскича урф-одатларининг беъманилиги билан изоҳлайди.

«Қисмат»да ҳам шу гоя тасвири кенг ўрин тутди. Бош қаҳрамон Бердиннинг дарбадар кезиши. Ўзўқнинг нисон боласи чиқолмайдиган азоб-уқубатлари. Худойберди ва Мурод оғаларнинг хўрликлари. Бекмуродбой, Суюхонбой, Омонмуродларнинг халқ бошига қора кун ёғдиришлари, омма ўртасида норозиликларнинг ўсишига ижтимоий ҳаётдаги тенгсизлик ва адолатсизлик сабабчи деб кўрсати.

лади. Бу гоё асарнинг бутун руҳига сингдирилган.

«Ўтган кунлар» ва «Қисмат» романларининг ҳар иккаласи учун муштарак бўлган яна бир масала инсон бахтиёрлигининг энг муҳим шартларидан бири — оилавий бахт-саодат масаласидир. Бу фикр «Ўтган кунлар»да Отабек сўзлари орқали ифодаланса, «Қисмат»да қаҳрамонларнинг ҳолатлари (қўлпроқ Узук тақдир) орқали кўрсатишган. Оилавий бахтиёрлик масаласига эркин муҳаббат гоёси бирлашиб кетади.

Х. Деряев Абдулла Қодирийнинг айниқса «Ўтган кунлар»да гоё усталик билан кенг қўлланилган сир сақлаш услубидан кенг фойдаланган. Бу усул А. Қодирий романининг кўпгина ўринларида ишлатилганлиги маълум.

«Ўтган кунлар»да асарнинг ибтидосидаёқ кўзга ташланадиган санъаткорнинг ўзига хос услуби — тасвирда воқеаларнинг маълум бир томонини сир сақлашдир. Бирор воқеа рўй берган, ё рўй бераётир, ёки рўй бермоқчи. Буни китобхон қандайдир ички туйғу билан сезиб туради. Лекин ёзувчи бу воқеа билан китобхонни дарҳол таништира қолмай, сир сақлайди. Батъан воқеанинг давоми ёки натижасини яширади, аммо ҳали ўқувчига маълум бўлмаган воқеа муносабати билан ёзувчи қаҳрамон психологиясида рўй бераётган муайян ўзгаришларга ишора қилади (Қаранг: М. Қўшжонов, Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати. Фан, Тошкент, 1966). Айниқса Отабек билан Кумуш муҳаббатлари ва уларнинг тўйи, Отабекнинг икки маротаба сўнгги дақиқалардагина жаллод қўлидан омон-эсон қутулиши воқеалари тасвирланган бобларда ёзувчининг сир сақлаш маҳорати ўзининг бутун жозибаси билан ўқувчини мафтун этади деган қолдиради.

Хидир Деряев ҳам ўз асарларида бу усулдан кенг фойдаланган. Масалан, тетралогия биринчи китобининг хотимасида Узук Бекмуродбой хонадонидagi хўрлик ва азобларга чидай олмай ўзини дарёга ташлайди. Ёзувчи Узукнинг шундан кейинги тақдир қандай тугаганини — у омон қолгани ёхуд дарёга гарқ бўлиб кетгани — бунга айтишга шошилмайди. Ўқувчи эса бу хабарни сабрсизлик билан қутади. Адиб китобхоннинг бу ҳолатидан фойдаланиб, характерлар ва воқеалар мантиқидан келиб чиқадиган бошқа воқеаларни, Бекмуродбойнинг Бердинни қамоқда ўлдирish учун қилган ҳийла-найрангларини Бердиннинг қамоқдаги ҳаёти ва у ердан қочиши, Сергей раҳнамолигидаги инқилобий кайфиятдаги кишиларнинг саргузаштларига ўхшаш воқеаларни ҳикоя қилади. Узук қисмати ҳамон сир сақланаётганлиги тугайли ўқувчи бу бобларни ҳам қизиқиш билан энтикиб ўқийди ўзи севиб қолган қаҳрамонининг тақдирини тезроқ билишга ошиқади. Аммо иккинчи китобнинг еттинчи бобидан кейингина асарга Узук образи қайтадан кириб келади.

Ёзувчи Бердиннинг қамоқдан, ажал чангалидан қандай қутулганини ҳам китобхондан сир тутайди, бу усул орқали унинг воқеа тафсилотларига қизиқишини оширади.

Хидир Деряев етакчи характерларни яратишда ҳам маълум даражада Абдулла Қодирийдан таъсирланганлигини сезиш қийин эмас. Масалан, қаҳрамонларнинг портретларини чизишда, ҳислатларини счишда А. Қодирий йўлидан борган. Узук ҳам Кумушбибни сингариф соф севги ва садоқатнинг, ички ва ташқи гўзаллиkning тимсолига айланган қаҳрамондир. Шу маънода Кумушбибни ўзбек қизлари Узукни эса туркман қизлари гўзаллиги, жозибдорлигининг намуна-

си деса арзугулик.

«Қисмат» ва «Ўтган кунлар» ўртасидаги шу сингари кўпгина муштарак томонлар, Хидир Деряевнинг Абдулла Қодирий маҳорати ижодий усулидан фойдаланганлиги «Қисмат»нинг ажойиб оригинал асар эканлигини заррача камситмайди. «Қисмат» романи ҳам ҳаётнинг кенг кўламадаги тасвири, характер ва сюжет йўллариининг ўзига хос талқини жиҳатидан тамомилан оригинал, юксак бадиий маҳорат билан яратилган, халқ ҳаётининг қомуси дейишга арзийдиган асардир. «Қисмат»нинг «Ўтган кунлар»га кўп жиҳатдан яқинлиги ўзбек ва туркман халқлари ўтмиши, тарихий қисмати бир-бирига ўхшашлиги, туркман адиби ўзбек ёзувчисидан мавзунин белгилashi, сюжет ва композиция қуриш, характер яратишда маълум даражада ўрганганлиги билан изоҳланади. Хидир Деряев Абдулла Қодирийдан воқеликни ёзувчи кўзи билан кўра олиш, инсонлар қалби ва ҳаётий ҳодисаларини санъаткорга хос идрок этиш талабини ўрганган, холос. А. Қодирий «Ўтган кунлар»да тасвирланганга ўхшаш ҳодисалар туркман халқи тарихида ҳам борлигини Х. Деряевга сездирган. Бошқача айтганда, А. Қодирий асари Хидир Деряевнинг тўрт қисмни ажойиб бадиий полотноси — «Қисмат»нинг майдонга келишида туртки вазифасини бажарган. Зеро, ҳақиқий ижодий таъсирининг моҳияти, ҳаёт бахш самараси ҳам шунда.

Абдулла Қодирийнинг татар адабиёти билан алоқалари алоҳида эътиборга молик. Аввало шунинг таъкидлаш лозимки, татар вақтин матбуоти, атоқли татар шоир ва адибларининг асарлари А. Қодирий дунёқараши ва ижодининг шаклланишида маълум даражада роль ўйнаган. Асримизнинг биринчи чорагида Татаристонда чиқиб турган «Ялт-юлт», «Чаён», «Чўкич» сатирик-юмористик журналларида эскича урф-одатлар танқид остига олинган ҳикоя ва фелъетонлар А. Қодирий баъзи сатирик асарларининг ёзилишига тўртта бўлган, ундаги ҳажвчилик маҳоратининг кучайишига ижобий таъсир кўрсатган. Абдулла Тўқай шеърлари, Олимжон Иброҳимов романлари айниқса ўзбек адибида кучли таассурот қолдирган. Адибнинг замонадоши Олтойнинг хотирлашича, А. Қодирий бир йигижда: «Татар ёзувчиси Олимжон Иброҳимовнинг «Бизнинг кунларимиз» номли тарихий романи менда ўчмас таассурот қолдирди» («Шарқ юлдузи», 1976, 3 сон, 239-бет) деган.

Адабиётшунос Шеради Турдиев «Адабий ҳамкорлик самаралари» китобида А. Қодирийнинг баъзи сатирик ва юмористик асарлари бевосита А. Тўқай асарлари таъсирида майдонга келганини таъкидлайди: «А. Қодирийнинг «Биз ким ва нималардан кўрқамиз?», «Нима қайғу кетади?», «Билдиринлар», «Олти йиллик баъз», «Бир йил», «Муштум журналга», «Кавондул Умаро» каби фелъетон ва шеърини пародияларида А. Тўқай асарларининг таъсирини сезиш мумкин» (Ш. Турдиев, Адабий ҳамкорлик самаралари, Г. Гулом номли нашр, 1984, 91-б.). Бутуна эмас, А. Қодирий М. Фаизийнинг «Ешлар алданмайдилар» комедияси таъсирида «Ҳеч ким билмасин» номли сахна асари яратганлиги ҳам бунга далилдир. Шу билан бирга, татар адабиёти классиклари саналиши Абдулла Тўқай, Олимжон Иброҳимовлар Ўзбекистонда қанчалик машҳур бўлишса, Абдулла Қодирий 20-йилларнинг охири, 30-йилларнинг бошларидаёқ татар китобхоналари ўртасида чуқур ҳурмат қозонганди. Шу даврда ўзбек шоир ва адибларининг кўпгина асарлари татар тилида босилиб чиқади. Айниқса, 1930 йилда Қозонда нашр этилган «Ўзбек адабиёти» маж-

муасси татар китобхонларининг муҳаббатини қозонади. Маъмурага Шокир Сулаймон, Ғайратий, Миртемир, Ойдин, Боту, Собира Холдорова асарлари билан бирга, Абдулла Қодирийнинг «Калвак Махзумнинг хотира дафтаридан» ҳикояси, «Ўтган кунлар» романидан парча ҳам киритилганди. «Ўтган кунлар» 30-йилларнинг ўрталарида татар тилида тўла ҳолда нашр этилгач, халқ ўртасида машҳур бўлиб кетади. Шу бонсдан бўлса керак, Абдулла Қодирий 1936 йилнинг ёзида Зиё Санд, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Шокир Сулаймон, Зиннат Фатхуллин ва бошқа ўзбек адиблари билан биргаликда Татаристон ёзувчиларининг Қурултойига борганида унга зўр иззат-икром кўрсатилади. Қурултой тугагач, мезбонлар таклифларига мувофиқ Абдулла Қодирий, Шокир Сулаймон, З. Фатхуллин татар халқининг ҳаёти, қишлоқларидаги аҳволни ўрганиш, ёзувчилар билан суҳбатлашиш, одамлар билан учрашиш мақсадида бир неча муддат шу ерда қолишади.

Абдулла Қодирий татар халқи ҳаётини қизиқиш билан ўрганади. Адиб «Қачида икки ҳафта» очеркида татар қишлоғидаги турмуш ва меҳнат тарзини ўрганишдан кейинги таассуротлари билан ўртоқлашади. Илк маротаба «Қизил Ўзбекистон» рўзномасининг 1936 йил, 24 октябрь сонида чоп этилган ўша очерк шундай бошланади: «Менга Татаристоннинг Арча райониغا қарашли Қачи овулида икки ҳафта-таб қолишга тўғри келди. Овулни, ундаги колхозни ва халқ аҳволини ўрганиш учун келган бир кишига икки ҳафталик бир муддат жуда қисқа бўлса-да, кўп нарсалар ўргана олдим. Татар овул деҳқони қандай ишлайди, печук яшайди, унинг молдорлиги, колхозга ўқшгандан сўнгги ҳоли қабил жиҳатларни кўздан кечириб қайтгач, ўз таассуротим билан газета ўқувчиларини ҳам таништиргим келди» (А. Қодирий. Кичик асарлар. Ғ. Ғулом номли нашр., Т.; 1969, 99-б.). «Қозон овулида» деб номланган сафарнома ҳам ўз руҳи ва моҳиятига кўра «Қачида икки ҳафта» асарига ҳамоҳангдир. Абдулла Қодирий Татаристонда бўлган даврида Шариф Камол, Қавий Нажмий, Фатхулла Бурнаш, Иброй Ғози сингари атоқли ёзувчилар билан танишиб, дўстлашади. Улар Абдулла Қодирийни эъзозлаб, ўзларига устоз деб биладилар. Ўша суҳбатларнинг шохиди бўлган Зиннат Фатхуллин шундай ҳикоя қилади.

«Ёдимда, бир гал ўтиришда Қавий Нажмий Абдулла акага деди: — Абдулла обий, прозада бизга устозсиз, сизга ташаккуримиз зўр...

— Ёзувчилик ҳунари шундай, ҳамма бир-бирдан ўрганади, — деди Абдулла ака. Сизлар мени устоз деб билсангиз, менинг ҳам сизларнинг улуг ёзувчиларингиздан ўрганган жойларим бор.» (Бу хотира Ҳ. Қодирийнинг «Отам ҳақида» (Ғ. Ғулом номли нашр., Т., 1983, 189-б.) китобидан келтирилди).

Абдулла Қодирийнинг татар адабиёти билан алоқалари шулар билангина чекланмайдди. Адибнинг ўғли Ҳабибулла Қодирийнинг маълумотиغا қараганда, «1928 йилда Қодирий татар олими Абдулла Шумосийнинг уч бўлимдан иборат ўрта мактаблар учун ёзилган «Физика курси» ўқув китобини таржима қиладилар.» (Ўша манба, 142-бет).

Қодирий шу йиллари машҳур француз адиби Дюшаннинг татар ёзувчиси Зариф Башаров томонидан ўзбек тилига ўтирилган «Қамар» ва «Тамилла» романларини таҳрир қилганлиги ҳам маълум.

А. Қодирий номи ва асарлари фақат Туркменистон ва Татаристон сингари жумҳуриятлардагина эмас, балки туркий тилда сўзлашувчи бошқа юртларда тез машҳур бўлиб кетди. Озарбайжон, қозоқ, уйғур,

қорақалпоқ китобхонлари ҳам улуг ўзбек адиби асарларини қизғин кутиб олдилар. Шунингдек, бу асарлар бошқа тиллар тоифасига кинувчи тожик, украин, литва сингарини ўйлаб халқларининг тилларига ҳам таржима қилиниди.

Моҳир адиба ва таржимон Лидия Соцердотова-1935—36-йилларда «Меҳробдан чаён» романини меҳр билан рус тилига таржима қилади. Қодирий асарлари, фарзандлари, хонадонига садоқатини умр бўйи сақлаб қолган олижаноб қалбли бу ижодкор тез орада яна «Оби-кетмон» асарини, шунингдек, ёзувчининг қатор ҳикоялари ва мақолаларини маҳорат ва қалб ҳарорати-ла рус тилига таржима қилади. Бу ҳол ёзувчининг китобхонлари доирасини гоёл кенгайтириб юборади. Абдулла Қодирий рус китобсеварлари ва бу тил орқали турли тилларда сўзлашувчи халқларнинг севимли адибига айланади.

А. Қодирий рус классикларидан ўрганиш лозимлиги ҳақидаги фикрини қатор мақолаларида таъкидлаган эди. Жумладан, ёш ижодкорларга бағишланган «Майда ҳикоялар ёзганда сўзини қандай тежан керак» деган мақоласида Чеховнинг сўзга ҳасаслигига қойил қолиб, шундай ёзади: «Майда ҳикоялар устаси Чехов сўз тўғрисиغا келганда ҳаддан ташқари ҳасис, ортиқча сўзлар сарф қилиш у ёқда турсин, керакликларидан ҳам мумкин қадар юлинига ҳаракат қилади. Ўзи айтади: «Майда ҳикоялар ёзганда сўзини ортиқча исроф қилгандан кўра керакликларини ҳам мумкин қадар озроқ ишлатиш керак». Унинг ҳикояларида сўз исрофгарчилигига сабаб бўладиган ортиқча деталлар ҳам бўлмайдн (А. Қодирий. Кичик асарлар, 200-бет). А. Қодирий Чеховнинг сўзларига ва ижодига амал қилган ҳолда унинг «Хамелеон» ҳикоясини «Буқаломун» номли остида маҳорат билан таржима қилади ва юқорида парча келтирилган мақоласини ҳам айни шу муносабат билан ёзади. Адиб Гоголнинг «Ўйлашни» комедиясини ҳам алоҳида меҳр билан ўзбекчага ўғирган.

Қодирий ўз романларини яратаётганда ҳам машҳур романистлар Журиги Зайдон ва Вальтер Скоттлар билан рус ёзувчиларидан ҳам маълум даражада таъсирланганлиги аниқ сезилади. Айниқса, қаҳрамон танлаш, улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тасвирлашда рус ёзувчиларининг дворянлар жамиятини акс эттирувчи романлардан ўрганган. Бу жиҳатдан адабиётшунос Шерати Тўрдиёвнинг қуйидаги фикри характерлидир: «XIX аср рус классик адабиётида яратилган Инсаров («Арафа», Н. Тўрғенев), Пётр Андреевич Гринёв («Капитан қизи», А. С. Пушкин), Пехлюдов («Тирилик», Л. Толстой), Оленин («Казаклар», Л. Н. Толстой) каби образлар уларнинг ижтимоий сиёсий идеаллари билан Отабек, Юсуфбек Хожини ва уларнинг ижтимоий-сиёсий идеаллари ёқин Осини (Н. В. Гоголь), Фирс («Олчазор» А. П. Чехов), Савелич («Капитан қизи», А. С. Пушкин) каби содиқ қўлларининг ўз хўжаларига муносабатида ва унинг ўз хўжаси Отабекка муносабатида ва тақдирини кўрсатиш принципларида ҳам бир қанча умумийликлар мавжуд» (Ш. Тўрдиёв. Ҳаётбахш таъсирлар. Ғ. Ғўлом номли нашр., Т., 1977. 46-6).

А. Қодирий ўз замондошн бўлган баъзи рус адиблари билан шахсан таниш ва яқин муносабатда бўлган. Москвада ўқиб юрганда танишган машҳур совет ёзувчиси Алексей Толстой кейинчалик Қодирийлар уйда бир неча бор бўлган. Ҳ. Қодирийнинг хотирлашча, адиб ва драматург Ғўлом Зафарий ва партия ходими Исмоил Обидов иштирок этган икки улуг ёзувчи ўртасидаги учрашувларда Шарқ шеърияти, ҳозирги замон адабиёти мавзуларида қизғин ижодий суҳб

тлар бўлган. А. Қодирий 1934 йилда совет ёзувчиларининг I Қўлтойига борганда М. Горький билан танишганлиги ва бошқа қатор адаблари билан мулоқотда бўлганлиги ҳам маълум. Қўлгина рус адаблари ва олимлари Қодирий асарларига юксак баҳо берадилар, қўлчининг тасвир маҳоратига қўйил қоладилар. Таниқли рус олим Юрия Климович «Меҳробдан чаён» романининг халқ тарихи ва дунё аҳамияти ҳақида гапириб: «Абдулла Қодирий «Меҳробдан чаён» романини ёлган вақтда Ўзбекистон ва Тожикистон паранжидонини ташлаш, хотин-қизларни ичкари балосидан қўтқариш, уларни ижтимоий ҳаётга тортиш учун кенг миқёсда кампания кетаётган эди. Бу кампания вақтида... юз мингга яқин ўзбек ва тожик хотин-қизлари тирикларнинг кафани бўлмиш бу хулук, диний либосни ўт ташлаб бидирган эдилар. Абдулла Қодирий Шарқ хотин-қизларининг озодалик ҳаракати ҳайрихоҳ бўлмағи қололмас эди ва унинг «молидан яратилган Раъно образи ўша олижаноб мақсадга хизмат қилар эди... Раънонинг жасорати, хонга қарши исённи, ҳатто маъжус қилган Анварни йўлга солиши — ўз замонаси учунгина эмас, балки дунёнинг ҳозирги асримиш учун ҳам таҳсинга лойиқ ва Раъно ёшидаги қизларимизга нобратдир» («Ешлик», 1984, 4 сон. 13-б.) — деган эди.

«Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» қисқа фурсат ичида минглаб рус китобхонларининг севимли асарларига айланди. Ёзувчи нолга қўйлаб мактублар келиб, уларда мазкур романлардан олинган таассуротлар, фикр-мулоҳазалар ифодаланарди. Мана, украиналик китобхон Люда Неломиниченнинг фикри: «Қўлимда «Ўтган кунлар»нинг ўнги саҳифаси... Ушш икки кун ўқидим. Тасвирланмиш воқеанинг «шириқчиси» бўлдим. Абдулла Қодирий! Виласизми, китобингизнинг севимли қаҳрамонлари билан яқинлашмиш менга нақадар оғир! Воқеа ўтмишидир, шундай эса-да, у менинг юрагимда сира-сира унутилмас таассурот қолдиради ва ишонтира оламани, бу таассурот ҳамма китобхонларда ҳам бирдайдир... Шу кунгача менга номингиз таниш эмасди. Энди «Ўтган кунлар»нинг ҳар бир сатрини, умуман асарларингизнинг ҳаммасини қайта-қайта ўқишга тайёрман» (Х. Қодирий. Отам ҳақида, 114-бет).

Шундай қилиб А. Қодирий асарлари рус тилига таржима қилиниши туфайли унинг ижоди бутуниттифоқ аҳамиятига эришди, юмни беноён мамлакатимиздаги миллионлаб китобхонлар ўртасида машҳур бўлиб кетди. Вугина эмас, рус тили орқали Қодирий асарлари халқаро миқёсга чиқди, жаҳон аҳамияти касб этди, чет элларда унинг романларига қизиқиш кучайди. Шунингдек, Покистон, Афғонистон, ГДР сингари хорижий элларда Қодирий ҳаёти ва ижоди ҳушанда; ёзувчининг ўзига хос маҳорати ҳақида илмий-тадқиқот асарлари ҳам яратила бошлади. Кейинги йилларда иттифоқимиз ва жаҳоннинг турли мамлакатларида турли адабий-бадний нашрларда, тўптам ва альманахларда, адабий қомусларда Қодирий ҳаёти ва ижодий ўли тўғрисида мақолалар, тақризлар тез-тез эълон қилинмоқда.

Нисон ақл-заковати тинсоли, қўлминг йиллик жаҳон маданияти тарихидаги энг улғў мўъжизалардан бири саналмиш ҳар бир китобнинг майдонга келишида айрим шахсларнинг хизмати ва жонбозлиги еқилс таҳсин ва тақдирга сазовордир. 1958 йилда Карачида А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар» асарининг араб алифбосида ўзбек тилига босилиб чиқишида тақдир тақозоси билан ўша йиллари Покистонда истиқомат қилиб турган юртдошимиз Жўра қори Вўтакўз ана

шундай жонбозлик кўрсатади ва улуг адиб асарларининг жаҳон бўйлаб сафарини бошлаб берди. Чет ўлкада бу ишни амалга ошириш албатта жуда катта савий-ҳаракат ва фидоийлик эвазига содир бўлди. «Ўтган кунлар»нинг ношири бу тўғрида шундай ҳикоя қилади: «Мен шу унутилиб бораётган тилимизни сақлаб қолиш, шу баҳонада ўзбек совет адабиёти, маданияти билан уларни таништириш мақсадида, аввало уларга ҳамиша ўзаро ўзбекча хат ёзишни тарғиб қилдим ва ўзбекча китоблар босиб тарқатишни жазм эдим. Қайси китобни нашр этишни ўйлаб, ўқувчиларни қизиқтириш учун, бадий жиҳатдан етук, ҳаётий, тили раван, тоза прогрессив асар деб танилган «Ўтган кунлар» романини биринчи галда қайта нашр этиб, ватандошлар орасида тарқатишни мақсад қилиб қўйдим.

Романининг II ва III қисмларини Қарачи (Покистон) шаҳрида ўзим яшир бўлиб, минг нусхада бостирдим. Босиш ҳаражатларини ўз ёнимдан сарфладим... Романни турли мамлакатларга олиб бориб, ўқишни билганларга (ҳатто пулсиз) тарқатдим, билмаганларга эса баъзан ўргатишга ҳам тўғри келди.» (Бўтакўзнинг ушбу ҳикояси Қодирийнинг «Отам ҳақида» китобидан келтирилди, 117-б.). Шу тариқа Жўра қори Бўтакўз чет эллардаги ўзбеклар ўртасида Қодирий романининг тарқалиши ва шўҳрат қозонишида жонбозлик кўрсатди.

Ёзувчининг номи ва асарлари Осиё мамлакатларида маълум ва машҳур бўлгач, аста-секин Европа қитъасида ҳам ёйила бошлади. Бунда «Ўтган кунлар» романининг немис тилида босилиб чиқиши улкан аҳамият касб этди. Асар ГДРнинг Берлиндаги «Культур унд Фартшритт» нашриёти томонидан Арпо Шнехт таржимасида 1968 йида «Тошкентлик ошиқлар» номи остида чоп этилди. Асар таржимасига ўзбек адабиётининг билимдон, юртимиз мафтуни бўлган олима Ниота Тунинг «Сўнгги сўз»и илова этилган. Мазкур мақолада А. Қодирий ҳаётий ва ижодий йўли тўғрисида фикрлар баён қилинган, ўзбек совет адабиётининг тараққиёт босқичлари, улуг адибнинг ўзбек ҳажвчилиги ва романчилигидаги ўрни тўғрисида батафсил мулоҳаза юритилган. Шу билан бирга, «Ўтган кунлар»ни тираж ва чуқур таҳлил эта олганлиги Н. Тун асар моҳияти, ўзига хос хусусиятларини яхши идрок этиши ва атрофича ўрганганлигидан далолатдир. Олима А. Қодирийнинг адабиёт тарихи, миллий тил тараққиётидаги ўрнини тўғри белгилайди. II. Тун А. Қодирийнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида гапириб, шундай фикрни ўртага ташлайди:

«Абдулла Қодирий адабиётнинг миллий аъёналарини сақлаган ҳолда, уни янги ижтимоий проблемаларни очиб беришга хизмат қилдирди. Шаклланиб улгурмаган янги адабий тилни ривожлантиришга катта эътибор берди, янги тасвирий воситалар қидирди, фикрнинг аниқлиги ва сўзларнинг ихчамлиги, соддалигини бундай воситалар учун асосий мезон қилиб олди...

Абдулла Қодирий... бугунги кунда ўз мамлакатида ҳам, чет элларда ҳам жуда кучли қизиқиш уйғотаётган совет Ўрта Осиё адабиётининг ўша йиллардаги тўққинчи тараққиёти бошида турган эди («Ешлик», 1984. 4 сон. 12-бет).

Ўзбек-немис адабий алоқаларини махсус ўрганиб, бу муаммога бағишланган «Диллардан дилларга» китобини эълон қилган адабиётшунос Шавкат Каримов немис олимасининг А. Қодирий тўғрисидаги тадқиқотига юқори баҳо бериб, шундай фикрни ўртага ташлайди: «Мақола авторнинг республикамиз тарихи, адабий жараён билан яхши танишлиги, ўзбек совет адабиётни ҳақидаги материалларни кўп

мутолаа қилгани унинг фикрларида яққол намоён бўлган... «20-йиллар ўзбек совет адабиёти ҳақида тўғри фикр билдириб, бу йиллар ўзбек адабиёти учун янги йўللار излаш, реалистик проза учун кураш йиллари бўлди», дейди. А. Қодирий ижодий йўлини ёритар экан, немис тадқиқотчиси кўп материалларга мурожаат этади» (Ш. Каримов. Диллардан дилларга. Ғ. Ғулом номли нашр., Т.; 1980. 15-бет).

Немис олимаси А. Қодирий ижодий эволюциясини синчиклаб ўрганганлиги, ёзувчининг такрорланмас санъаткорлик сирларидан воқифлиги эътиборга сазовордир. Н. Туннинг тадқиқоти гарчи «Ўтган кунлар» таржимасига илова — сўнгги сўз тарзида берилган бўлса-да, унда А. Қодирийнинг бутун ижодий йўли ҳақида мулоҳаза юритилганлиги гоёт ўринли. Чунки сўнгги сўз ўша пайтгача А. Қодирий ижодидан беҳабар немис китобхонларига мўлжалланганлиги эътиборга олинса, масала равшанлашади. «Тошлўлат тажанг нима дейди?», «Қалвак Маҳзумнинг хотира дафтаридан» асарлари ёзувчи ижодидагина эмас, ўзбек адабиётида воқеа эканлигини таъкидлаб, «ўзбек халқи насрчилигида ҳажвия услубида ёзилган бу асарлар катта аҳамиятга эга бўлди. Бу асарлар халқ ўртасида ўқилибгина қолмасдан, машҳур бўлиб кетди...» («Ёшлик», 1984. 4 сон, 71-бет) — деб ёзди. Ёзувчининг романлари ўстида тўхталганда эса «ёш ўзбек прозасининг реализмга томон тараққиётида жуда катта таъсир кўрсатди деган хулоса чиқади (ўша ерда). Н. Тун А. Қодирий асарлари муносабати билан Шарқ ва Ғарб адабий муносабатлари масаласини ҳам кўтаради, ўзбек ёзувчисини ижодини жаҳон адабиёти фанида текширади.

Н. Тун немис адабиётшунослигида А. Қодирий ижоди тўғрисида тадқиқот яратган ягона мутахассис эмас. Роман немис тилида босилиб чиққанидан кейин ўзбек адабнинг ижодига қизиқиш анча кучайди. «Тошкентлик ошиқлар» — «Ўтган кунлар» дан таъсирланган қатор немис олимлари ва адиблари ўз таассуротларини матбуот саҳифаларида изҳор этдилар. Булар орасида адабиётшунос П. Кирхпернинг мақоласи ҳаққонийлиги, ёзувчи ижодининг хусусиятлари ва асосий моҳиятини тўғри очиб бериш жиҳатидан характериlidir: «Қодирий тарихий материални беришда ҳикоя қилишининг шарқона услуби билан Вальтер Скотт мактаби услубини санъаткорона омута қилган. Роман бу тахлит асарлардан турмушни ҳаққоний тасвирлаши билан, бўёқлар ранг-баранглиги, тил оҳангдорлиги, ифодавий-тасвирий воситаларининг хилма-хиллиги билан фарқланади». (Бу фикр Ш. Каримовнинг «Диллардан дилларга» китобидан келтирилди, 16-бет).

Сўнгги даврда Европа, Мотини Америкаси, АҚШ мамлакатларида ўзбек адабиёти, жумладан, унинг энг атоқли намоёндаларидан бири — Абдулла Қодирий ижодига қизиқиш янада кучайди. Адиб асарлари турли тилларда босилиб чиқилишидан ташқари, у ҳақида илмий-тадқиқотлар яратилмоқда, диссертациялар ҳимоя қилинмоқда. Ўша юртларда нашр этилаётган «Жаҳон адабиёти», «Чет эл адабиёти», «Совет адабиёти» қомусларида, турли тўплам, альманахларда, адабиётга оид маълумотномаларда Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди тўғрисида кўплаб мақолалар босилмоқда. Буларнинг ҳаммаси улуг ўзбек адиби Абдулла Қодирийнинг ўлмас асарлари миллий ва умумиттифоқ аҳамиятига эга бўлиб қолмасдан, балки жаҳон миқёсига чиққанидан далолат беради, дунёдаги кўпгина халқларнинг миллионлаб китобхонлари қалбидан жой олганини, сеvimли ёзувчисига айланганини исботлайди.

М У Н Д А Р И Ж А

Адиб эстетикаси	У. Маматова	3
Бир баҳс сабоқлари	У. Маматова	18
Ҳаётнинг ҳажвий таҳлили	У. Маматова	30
Мафкура қурбонлари	У. Маматова	47
Андиша : Ҳ. Садриддин	У. Маматова	66
Тақдирлар талқини	У. Маматова	74
«Обид кетмон» ҳақиқати	У. Маматова	95
Қодирий жаҳон ғезади	У. Маматова	107

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ БАДИИЙ ДУНЕСИ

Муҳаррирлар: З. Тоҳиров, О. Бобоев
Бадий муҳаррир: О. Муинов
Техник муҳаррир: Д. Бекнева
Мусахҳиҳ: А. Мўминов.

Термшга берилди 02.10.92. Босишга рухсат этилди 15.02.94. Юқо
ри босма усулида босилди. Қогоз бичими 60×84/16. Шартли босме
тобоғи 8.9. Нашриёт ҳисоб тобоғи 8.1. Буюртма 346. Адади 100
нусха. Баҳоси келишилган нархда.

«Университет» нашриёти. Тошкент, 700095. Талабалар шаҳарчаси
ТошДД бош биноти.

«Университет» нашриёти босмахонасида босилди.